



Раъно Зарипова

# ЮРТ ҚУШИҚЛАРИ



«O'ZBEKISTON»

Ушбу китоб «Истиқлол: замонамиз қаҳрамонлари»  
танловида голиб бўлган

Ушбу китобни ўқиб биз билан ёнма-ён меҳнат қилаётган, моддий  
ва маънавий бойлик яратаётган кишиларимизнинг сермазмун ҳаёти,  
тинимсиз меҳнат кунлари ҳақида тасаввурингиз бойийди.

ISBN 978-9943-01-123-6

© «O'zbekiston» НМИУ 2007 й.

## ЮРТ ҚЎШИҚЛАРИ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Раъно  
Зарипова узоқ йиллардан буён республикамиз даврий  
нашрларида ўзининг долзарб муаммоларга бағишланган  
мақола ва очерклари, танқидий-таҳлилий мақолалари  
билан адабий жамоатчиликка яхши таниш. Унинг  
«Истиқлол: замонамиз қаҳрамонлари» танловига тақдим  
этган «Юрт қўшиқлари» номли очерк, мақола ва  
бадний эсселардан иборат тўпламида ҳам муаллиф  
ўзининг доимий принципларига, яъни касби коридан,  
мансаб-мартабасидан, қаерда истиқомат қилишидан  
қатъи назар ҳар бир замондошимизнинг бугунги қувонч  
ва ташвишлари, ички туйғулари, кечмиш-кечирмиш-  
ларини тасвирлаш, уларнинг ҳар бирида шахс қиё-  
фасини кўра олиш, ўзгаларга улар ҳақида ибратли  
тарзда ҳикоя қила олиш тамойилига амал қилади.

Мазкур тўплам қаҳрамонлари орасида нуроталик  
олдий чўпон аёли Новвогой Жуманазаровадан тортиб,  
полимерлар кимёси бўйича дунё кимёгарлари орасида  
донг таратган олима, кимё фанлари доктори, профес-  
сор, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати бўлган ва  
айни пайтда Ўзбекистон Республикаси омбудсмани  
Сайёра Рашидовагача, олис Хоразмнинг Шовот туман-  
идаги мўъжаз қишлоқлардан бирида қаровсиз биё-  
бонда боғ яратган аёл Сапаргул аядан тортиб, тил-  
шунос олима, филология фанлари доктори, профессор  
Мақсуда Содиқова, математика фанлари доктори,  
профессор Маҳзума Тўлаганова, неонтолог шифокор

Матлуба Азимова каби бири-биридан ажойиб замон-дошларимиз бор. Уларнинг турли соҳалардаги фаолияти билан танишиб, юртимизнинг фидойи инсонлари, хусусан истиқлол туфайли оламга бўйлаётган ўзбек аёлининг шон-шавкати ҳақида муайян мулоҳазаларга келиш мумкин. Мақола ва очеркларни ўқир экансиз, муаллиф, танловнинг шартда таъкидланган «ёш авлодни истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялашда ўрناق ва намуна бўладиган замонамиз қаҳрамонлари» тимсолларини яратишга астойдил бел боғлаганлигига амин бўласиз Шу сабабли Р.Зарипованинг «Юрт кўшиқлари» номли мазкур тўплами танловнинг эътирофига сазовор асарлар қаторидан жой олди.

*Таҳлил гуруҳи*

## ОНА ЮРТИНГ — ОЛТИН БЕШИГИНГ

(БАДИАЛАР)

**Ҳар бир халқ тарихи, маданияти, маънавий  
мероси билан қудратли кучга айланади**



## ШАРҚ ФАЛСАФАСИ

Шарқ фалсафаси руки билан берилаётган публицистика қаҳрамонлари — халқимиз ва гўзал кадриятларимизни аждодлардан авлодларга олиб ўтган алломаларимиздир.

### НАВРЎЗИ ОЛАМ ВА УНИНГ ТЎРТ ЗИЙНАТИ

Вақт ўз маромида оҳиста оқадиган дарёга ўхшайди. Яратганнинг яралмиши бўлмиш вақт ва унинг маромига ҳар неки эркин сингишса, унинг боқий ҳамнафасига айланади, ўзлигини намоён қилади. Шарқ фалсафасининг узвий бир қисми бўлган Наврўз ҳақида ва унинг ижодкори халқимиз ҳақида ана шундай дейиш мумкин. Тарих силсиласи олдида унинг ўз мавқеи, шон-шухрати, сабоғу анъаналари алоҳида аҳамиятга молик. У халқимизнинг гурури ва фахридир!

НАВРЎЗ айёмида тун билан кун тенглашади. Халқимизнинг янги йили ана шу баҳорий тенгликдан бошланади. Буюк алломамиз Беруний Наврўз қадимий «Авесто»да ҳам тилга олинганлигини ўз асарларида қайд этган. Энг кўҳна ёзма манбада она маъбуда Авдвисура Анаҳита инсониятнинг ҳаёт-мамоти — сув, тириклик, гўзаллик ва меҳр-муҳаббат тангриси ҳисобланган. Шунинг учун ҳам қадимда Наврўз байрами ўтказиладиган майдон ўртасига Онақут ҳайкали жойлаштирилган. Унинг ўнг қўлига ликопчада ундирилган бугдой, чап қўлига «яшин» тоши ўрнатилган. Баҳорги тун билан кун тенглашганда қуёш ҳарорати кўтарилган. Онақут қўлидаги «яшин» тошни қиздирган. Ва, маъбуда пойидаги яримойсимон тўшалган қуруқ сомон ёниб кетган. Халқ шу заҳоти карнай-сурнайни чалиб, Наврўз тантаналарини бошлаб юборган. Агар эътибор берсангиз, Анаҳита — Онақут тимсолида ҳам Шарқ фалсафасининг мағзи, ҳаётнинг энг олий неъматлари

— тўрт унсур: қуёш, ҳаво, тупроқ, сув рамзлари уйғунлашган.

Шарқнинг Аристотели деб эътироф этилган Абу Наср Форобий «Фозил шаҳар одамлари қарашлари», «Намларнинг келиб чиқиши тўғрисида» асарларида тўрт унсур, хусусан — олов, ҳаво, сув ва тупроқ доимо яхлит. Улар ой доираси остидаги субстанциянинг — жавҳарнинг мисасини ташкил қилади. Уларнинг сифатлари тўртта — иссиқ, совуқ, намлик ва қуруқлик. Улар субстанциянинг акциденциясини (образи)ни вужудга келтириб, ҳаракат ва ўзгаришни келтириб чиқаради, дея ўргатган ҳикматлари Наврўзи олам анъаналарини эслатади.

ҲАВО — тириклик ибтидоси, давомийликнинг асосий манбаи. У кўзга кўринмайди, қўлга илинмайди. Бироқ уни биз бутун вужудимиз билан ҳис этамиз. Ҳавонинг куч-қудрати ҳам ана шу йўқликдан мавжудликка, бўшлиқдан борлиққа асос бўлганидир. Отабобомизнинг ер юзидаги биринчи аёлни Момо Ҳаво деб атагани ҳам бежиз бўлмаса керак.

ТУПРОҚ — бу бизнинг Она Еримиз. Одамзотнинг туб кўйиб, томир ёйиб, ўзлигини намоён этиш имкони берилган муқаддас макон. Барча модда тупроқда унади, камол топади ва яна тупроққа қайтади. Она заминимиз жамолида ўтмиш ва бугуннинг узвийлиги акс этган. Тупроқ эскини кўмади, янгини ундиради. Доимий тирикликни таъминлайди. Офтобдан зарра, сувдан қатра олиб, чирой очади. Яратган Эгамнинг Одам Атомизни тупроқдан яратганлиги ҳам бежиз эмас.

СУВни халқимиз оби ҳаёт дея улуғлайди. Сув бор жойда ҳаёт бор. Қора тупроқ гулчечакка, шиғил-шиғил мевали боғларга айланади. Момоларимиз фарзандларига «Тушингни сувга айт» дея уқтирадилар. Сув дилнинг губорларини ювиб кетади. Ахир фарзанд онагагина дардини айтади. Онадек бола тилини, дилини билгувчи, юпатгувчи, кўнглини кўтаргувчи топилмайди. Дастлаб Она заминимиз улкан уммондан иборат бўлиб, илк мавжудотлар унинг бағрида пайдо

бўлган. Сўнгра сув чекиниб, ер очилган. Унда ҳаёт бошланган. Ҳозир Она сайёрамизнинг етмиш бир фоизи уммондан иборат. Инсон жисмининг ҳам тўртдан уч қисмини сув ташкил қилади. Бу ҳам сувнинг тириклик, ҳаёт манбаи эканлигини ақс эттиради. Инсон вужудидаги сув ёш ўтган сари камайиб боради ва шу туфайли одамзот вужудида кексариш вужудга келишини бугунги кунда олимларимиз исботлашган.

**ОЛОВ** — қуёшнинг зарраси! Унинг яратувчанлик, оҳанраболик қудрати беқиёсдир. Чунки, қуёш тириклик манбаи, мурод ҳосил қилгувчи қувватдир. Жамики, мавжудот қуёшга интилади, ҳатто ўсимликлар ҳам. Инсон вужуди руҳ ва тандан иборат, дейди аллоларимиз. Тан етилиб тупроққа қайтади. Руҳ камол топиб, юксакликка кўтарилади.

Шу сабаб халқимиз ўзининг гўзал фазилатли, ғайратли, шижоатли ўғил-қизларини оловга қиёслайди. «У йигит эмас, олов-олов», «У қиз эмас, олов-олов» деган иборалар бор. Олов — меҳр-муҳаббат рамзи. Элимизда «Кўзимга оловдек кўриндингиз» деган ибора ишлатилади.

Қуёш нурларини мўл-мўл сочиши билан ҳаво исийди, тупроқ илийди, дарахтларда куртақлар кўз очади, чечаклар тупроқни ёриб чиқади, музлар эриб, дарёлар тўлиб оқади. Наврўзи олам жамолини кўз-кўз қилади. Демак, ота-бобомиз Наврўзни янги кун деб айтганлари бежиз эмас.

Шарқ фалсафасининг узвий бир қисми бўлмиш Наврўзи айём анъаналари мазмун-моҳияти, гўзал байрам тантаналари мантиқий кучга эга эканлигини бугун бутун жаҳон аҳли тан олмоқда, десак хато бўлмайди. Зеро, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 21 мартни Халқаро Она сайёра куни деб эълон қилган. Бу куни баҳорий тенглик муносабати билан дунё кўнғироғи жаранглайди. Яна Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарори билан 22 мартда Халқаро оби ҳаёт куни нишонланади. Яна Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 23 мартни Жаҳон Метеорологлари куни

этиб белгилаган. Ота-бобомиз баҳорий тенглик уч кун туринини, сўнг кун узая боришини таъкидлашади. Демак, улуг аждодларимиз Наврўзи айёмни бежиз байрам этиб нишонламаган.

— Юртдошлар ва мухлислар, ҳар бир йилингиз қутлуг келсин. Умрингиз сувдек покиза, мусаффо осмондек тиниқ, қуёшдек нурли, Наврўзи оламдек кўркем бўлсин!



## ТЕРАН ТОМИРЛАР

Ватанимиз мустақиллигининг тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш масалаларига бағишланган йиғилишда Президентимиз Ислоҳ Қаримов Истиқлол мавзуи мавсумий эмас, доимий бўлиши лозимлигини таъкидладилар. Йўлбошчимиз ана шу йиғилишда белгилаб берган йўналишлардан бирида буюк аждодларимизни фарзандларимизга яхшироқ таништиришнинг йўлларини излашимиз керак, дея кўрсатма бердилар. Дарҳақиқат, Туронзамин садоси — маънавияти, маданияти, маърифати дунё каби қадимий ва улугвор! Аждодларимиз меҳнатининг маҳсули бўлмиш ғоят қимматли ва энг қадимий қўлёзма «Авесто»даги гўзал битиклар ҳам ана шундан далолат беради. Эрамиздан олдинги даврда яратилган ёзма манба «Авесто»да оламини мунаввар қилувчи қуёш Шарқдан чиқиши тилга олинади. Зеро, қуёш билан олам мунавварлашади, жамики табиату мавжудот ҳаракатга келади.

Қуёш Шарқдан чиқади! Бу айни ҳақиқат! Шу билан бирга Шарқ инсоният маданиятининг олтин бешиги ҳамдир. Шарқда асрлар мобайнида яратилган, ривожлантирилган ғоят катта илм, мўъжизакор ижодий меҳнат ҳам бор. Жаҳон илм дурдонасига беҳисоб ҳисса қўшган буюк ўғлонлари, ўз замонасининг султонлари яшаб ўтган! Яна шуни гурур ва фахр билан қайд этиш

лозимки, Шарқ илму ирфонининг ўзига хос хусусиятлари ва қонуниятлари мавжуд. Шарқда иқтисодий, маънавий юксалиш даври, яъни маърифий уйғониш даври Фарбдан олти аср аввалроқ — IX—X асрларда кечганлигини тилга олишимиз фикримизни янада ойдинлаштиради.

Бугунги кунда жаҳон бўйича ишлатилаётган 1 дан 10 гача бўлган рақамлар яратувчиси ва XX аср фани — кибернетикага асос солган олим бизнинг аждодимиз — ал-Хоразмий! Алгебра фани машҳур алломанинг исми билан боғлиқлиги, яъни ал-Жабр бора-бора алгебрага айлангани ва бизнинг авлод уни ўқиб математикани ўрганаётганлигини бугунги болаларимиз билишадими?!

Ернинг думалоқ шаклда эканлигини исботлаб, Дунё харитасини тузган ва уни глобус шаклида биринчи акс эттирган қомусий олим Абу Райҳон Беруний эканлигини ўқувчилар онги-шуурига қайта-қайта қуйиш жоиз эмасми?!

Мукамал тиббиёт қонунларини яратган Абу Али ибн Сино китобларидан жаҳон тиббиёти ҳамон дастуриламал сифатида фойдаланмоқда. Агар эътибор берсак, «Тиб қонунлари»да мураккаб жарроҳликдан тортиб, оддий овқатланиш маданиятигача ўргатилган. Инсон саломатлигини авайлаш аввало ёшлиқдан, оддий овқатланиш маданиятидан бошланади, деган ўғитларни ҳар бир фарзанд билиши керак эмасми?!

Дарёлар сувини ўлчайдиган ускуна яратган ва дастлаб Нилнинг сув ҳажмию сигимини ўлчаб берган бизнинг ватандошимиз ал-Фарғоний!

Юлдузлар жадвалини тузиб фалакиёт илмини дунёга танитган ҳам бизнинг аждодимиз Мирзо Улуғбек! Ҳазрат Алишер Навоий сатрлари билан таърифу тавсифласак:

*Темурхон наслидин султон Улуғбек  
Ки олам кўрмади султон анингдек.*

Ҳазрат Алишер Навоийнинг «Мажолис-ул-нафоис» ва «Насоимул-муҳаббат» асарларида аждодларимизнинг

таърифу тавсифлари гўзал ифода этилган. Буюк аллома 500 дан ортиқ шоиру фузалони эътироф этганлар. Аждодларимиздан урф бўлган бу анъанани йўлбошчимиз айтганларидек, бизнинг авлодимизга етказиш мақсадга мувофиқ. Ҳар биримиз ана шундай ватанпарвар бўлсак-кина миллатимиз, халқимиз, жонажон Ўзбекистонимиз, мустақил мамлакатимиз илғор ва қудратли давлатлар ичиде ўзининг қатъий ўрнига эга бўлади. Ўшанда жаҳон ана аллома Беруний, ҳазрат Хоразмий, Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳриддин Бобур, Жалолиддин Мангуберди каби ўзбек алломаю жаҳонгирларини, теран мушоҳада қилувчи сиёсат арбобларини етказиб беради.

Дунёда Ўзбекистонни билмаган мамлакат қолмади, деб айтсак ҳеч муболага бўлмайди. Айни кунда Ўзбекистон салоҳияти, унинг порлоқ келажаги тўлиқ эътироф этилмоқда. Ўзбекистон 250 дан ортиқ давлат билан дипломатик алоқа ўрнатди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотида байроғимиз ҳилпираб турибди. Жаҳондаги кўплаб нуфузли ҳамжамиятларда ўз сўзини айтмоқда. Мустақил тараққиёт йўлини белгилаб олди. 1991 йил 31 августда мамлакатимизнинг Мустақил деб эълон этилганлиги оддий сўз эмас, балки тарихда янги аср бошланганлигини йиллар исбот этди. Зеро, уни мустақамлаш учун ҳар кун, ҳар соат, ҳар дақиқа саъй-ҳаракатлар қилинганлигини халқ кўриб, билиб турибди. 1991 йил 4 сентябрда Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Миллий боғида қад кўтараётган Алишер Навоий ҳайкалини ва боғда олиб борилаётган қурилиш ишларини кўздан кечириб, ёдгорликнинг очилишида наҳор оши тортилиб, қуръон тиловат қилиб юборилишини айтганида халқ жунбушга келди. Бу айнан халқимиз анъаналарига ҳамоҳанг бурилиш эди. 1991 йилнинг 5 сентябрида Ўзбекистон телевидениесининг «Ахборот» кўрсатувида Президент Фармонига кўра, Ленин номидаги майдонга Мустақиллик номи берилгани эълон этилганида халқ уни хушнудлик билан кутиб олди.

Истиқдолнинг ана шундай баҳор янглиғ ёқимли шабадалари қалбларга дам сайин оқиб кириб, нур бўлиб таралмоқда.

Ундай кезларда аллома адибимиз Ойбекнинг ўлмас сатрларини такрор ва такрор айтгимиз келади:

*Куёш, нуринг сочавер мўл-мўл,  
Баҳор, кетма бизнинг боғлардан.*



## ҚУЁШЛИ ЎЛКА

Сариосиё ва Узун Сурхондарёнинг хушманазара, яшилликка бой гўшаларидан. Киштут, Ҳамидарча каби дараларнинг ҳайратомуз гўзалликларини кўрганда киши ақли лол қолади: бепоён кўк гумбази билан рақобат қилаётган тоғлар, улкан куёш нурлари қўйнида жилваланаётган зилол булоқлар, шабада эпкинисида майин тебранаётган гулу чечаклар! Борлиқнинг бу гўзаллигини мудроқ инсонгина кўрмаслиги, қалби кўр кишигина ҳис этмаслиги мумкин.

Доно халқимиз Ватанни онага менгзайди. Она оғуши, она тафтисиз куш палапони ҳам ҳалокатга учраши табиий. Зеро, она-Ватан ҳаёт маскани демакдир. Инсоннинг бахту саодати, ифтихори, севинчи демакдир. Шунинг учун ҳам Ватанга хиёнатдан зўр жиноят, беватанлик алаmidан зўр укубат бўлмайди, дейди донолар.

Ҳақ гап! Топиб айтилган гап! Азал-азалдан борлиқда бир-бирига зид икки куч мавжуд: яралиш ва емирилиш ёхуд туғилиш ва ўлим! Бирида меҳр-муҳаббат, гўзаллик ва тонг нафаси мужассам. Иккинчиси зўравонлик, қабоҳат, ҳасад ва хусуматдан иборат. Террорчилар вужудидан, важоҳатидан қотиллик, қаллоблик, разолат ва қабоҳат ўрин олган. Шунинг учун ҳамки улар на гўзалликни, на ҳаётга ошуфталикни ҳис қиладилар. Уларнинг на Ватани бор, на миллати. Улардаги ҳасад-у хусумат жамият тараққиёти, инсоният саодати учун

офат. Бир неча йилдирки, халқаро террорчилар озодлик ва тараққиётга, тинчлик ва осойишталикка интилаётган эл-элатларга қарши қонли уруш олиб боряптилар. Чеченистон, Афғонистон, Косово, Жазоир, Босния ва ҳоказо, ҳоказо...

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси вакилининг телевидение орқали берган интервьюсида: «Террорчиларнинг миллати йўқ, миллатини аниқлашга ҳаракат қилиш ҳам ўзи нотўғри», деб айтди. Бу ҳақиқат! Уларда на Ватан бор, на миллат бор. На насл бор, на насаб бор, на ирқи, на дини... улар барча нарсани пул билан ўлчайдилар. Уларда жамики ёвуз ва жирканч жонотнинг ваҳшиёна хусусиятлари, тулки маккорлиги, бўри қонхўрлиги, кўршапалак кўрлиги, ўргимчак тури жамланиб, мияларига шайтон уя қурган.

Жангарилар Ватанимизга олчоқона зўравонлик ва хонилик билан кириб келишди. Дин ниқоби билан мусулмон биродарига қўл кўтарди. Ҳолбуки, ҳадисларда: «Мусулмон биродарига қўл кўтарган киши мендан эмас», дейилади.

Оллоҳга шукрки, йигитларимиз бўш келмадилар. Кўксини қалқон қилиб, Она замин тупроғини асраб қолдилар. Ҳали ёр-ёр завқини англаб улгурмаган, гўшанга ҳам кўрмаган, ўн гулидан бир гули очилмаган ўн икки ўғлон кўксини қора тупроққа бериб бўлса-да, ганимнинг йўлини тўса олдилар. Ватан деган мўъжизакор туйғу. Она тупроқ деган ҳаётбахш омил, аждодларимизнинг дунёга тенг жасорати, ҳарбий маҳорату жанговар тажрибалари куч-қувват бахшида этди. Жалолиддин Мангуберди, Тўмарис, Широқ, Амир Темур руҳлари уларга ёр бўлди. Шукрлар бўлсинким, манқуртларнинг нияти амалга ошмади.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз пойтахтимизнинг барча майдону кўчаларида хушқайфият ва катта тантана билан ўтди. Зеро, эндиликда Истиқдолни авайлаш ўзлигини авайлаш эканлигини ёшу қари билади. Истиқдол билан-да, юртимизга қадриятларимиз, анъана-

ларимиз баҳор қалдирғочлари янглиғ қайтиб келди. Маданиятимиз, санъатимиз, тарихимиз, гуруримиз, миллийлигимиз қадр топди.

Ёрқин бир мисол: Жалололидин Мангуберди ҳақида асар ёзгани учун севимли шоиримиз Мақсуд Шайхода не азобу укубатга гирифтор бўлмаган эди, дейсиз... Қаранг, небакти, истиқлол шарофати билан Жалололидин Мангуберди номида Ватанимизнинг юксак ҳарбий ордени таъсис этилди!

Спорт соҳасида эришган ютуқларимизни олинг. Жаҳон чемпионлари йўқ ҳисоби эди. Биргина боксчимиз Руфат Рисқиев билан фахрланардик. Спорт устозлари ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўлади. Не бакти, биргина сана — Мустақилликнинг 9 йиллиги байрами арафасида республикамизнинг уч нафар спортчиси «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби бўлди. 15 кишига «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» деган унвон берилди. 18 нафари «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» унвонига сазовор бўлди. Улар бугунги кунда жаҳон нуфузи даражасига кўтарилган спортнинг турли йўналишларининг етакчиларидир. Улар туфайли эндиликда мамлакатимиз байроғи дунё бўйлаб бот-бот ҳилпирамоқда. Табиийки, фахрланишга арзигулик бу муваффақиятларнинг соҳиблари ёшлардир!

Байрам арафасида бир гуруҳ умидли ёш санъаткорларимизнинг янги таъсис этилган «Ниҳол» мукофоти совриндорлари бўлгани нур устига аъло нур бўлди.

Умуман олганда, ўтган кунларимиз Мустақил Ватанимиз тарихига шонли саҳифалар бўлиб ёзилган оламшумул воқеаларга, катта тантана-ю шодиёналарга бой бўлди. Диёримизнинг бугуни ва келажаги ривожда катта аҳамиятга эга бўлган Тошкент — Ўш автомобиль йўлининг Қамчиқ ва Резак довонларида 2484 метр узунликдаги тўртта туннель ишга туширилди. Туннелларнинг очилишига бағишланган тантаналарда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ташриф буюриб, Республикамиз халқ

ҳужалиги тараққиётида ўта муҳим аҳамият касб этувчи бу улусвор иншоот халқимизнинг азалий орзуси бўлганлигини, у XXI аср бўсағасига келиб, қадимий Буюк Ипак йули ўрнида яна Шарку Фарб орасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларни тиклажанини, Ўзбекистоннинг хориқга чиқиш имкониятлари янада кенгайишига шароит туғдиришини алоҳида таъкидлади.

Уша кунни Юртбошимиз Мустақилликнинг 9 йиллиги шарафига пойтахтимизда қуриб битказилган янги иншоотлар: шаҳарнинг энг йирик уч туманини боғлаган 1151 метр узунликдаги замонавий кўприк, собиқ «Алпомиш» спорт саройи ўрнида миллий меъморчилигимиз анъаналари асосида қад ростлаган «Ўзкўргазмасавдо» иншооти ва Республика божхона кўмитасининг янги биносини ҳам бориб кўрди. Президентимиз йўлсозлар, кўприксозлар ва қурувчилар меҳнатига юксак баҳо берди.

30—31 август кунлари эса иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияда катта нутқ сўзлаган мамлакатимиз Президенти Республикамизнинг айрим чегара ҳудудларида халқаро босқинчи тўдаларнинг террорчилик ҳаракатларини, вазиятни чуқур ва батафсил таҳлил қилди. Юртбошимиз халқаро террорчиларнинг сурбетларча хуружларини кескин қоралаб, бу хуружни халқимизнинг тинч ҳаётига, яратувчанлик меҳнатига, мамлакатимизнинг ва Марказий Осиёдаги бошқа давлатларнинг барқарорлиги ҳамда хавфсизлигига жиддий таҳдиддир, деб таъкидлади. Давлатимиз ўзининг муқаддас сарҳадларини, фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталигини бузишга бўлган ҳар қандай уринишларни қатъий бартараф этишга қодир эканлигини ишонч билан уқтирди.

Мунозарага чиққан депутатлар ҳам Президентимизнинг терроризм, диний-экстремизм ва фундаментализмнинг барча кўринишларига қарши билдирилган мулоҳазаларини қўллаб-қувватлаб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ўзбекистон



фуқароларига, барча мамлакатларнинг парламентларига, жаҳоннинг тараққийпарвар жамоатчилигига муурожаатнома қабул қилдилар.

31 августдан 1 сентябрга ўтар кечаси ва бугунгача бўлган ҳар бир куннинг, ҳар бир тонгнинг файзу таровати, ифтихору шуқуҳига, таърифу тавсифига қалам ҳам, сўз ҳам ожиз!

«Сени ҳеч кимга бермаймиз, Ўзбекистон!» деб номланган байрам дастурининг асосий ижрочилари ёшлар бўлишди. Аниқроғи, бу дастур улар учун катта синов бўлди ҳамда уларга катта куч-қувват бағишлади.

Қуёш юртининг болалари, таъбир жоиз бўлса, аждодлари янглиғ қуёшни башариятга Шарқдан узатгусидир!



## МАНЖЛИ ДАРЁ ҚЎШИГИ

Ушбу публицистика қаҳрамони битта киши эмас. Истиқлол бирла ўзлигини таниган халқимиздир. Бадиҳа олтига сарлавҳа ости сарлавҳачага бўлинган. Унинг ҳар бири ажратиб кўрсатилган катта ҳарfli сўзлар билан бошланади. Уни ўқисангиз ўзбек халқининг ўзлиги, фахри ва ғурури намоён бўлади: яъни *Энг азиз, энг улғ* — *она тилимиз, Ватанимиз, маданий меросларимиз, халқимиз, миллий қадриятларимиз*.

Ана шу эзгуликларни улуғлаган ҳар бир инсон ҳам ўзлигини намоён қилаверади.

## ОҚҚАН ДАРЁ ОҚАВЕРАДИ

Энг азиз, энг улғ қадамжо — Шайхонтоҳур даҳасида жойлашган XV асрнинг маданий-меъморий ёдгорлиги Юнусхон мақбараси олдидан ҳар гал ўтар эканман, хаёлимдан оғриқли ўйлар кечаверарди: Асрларга гувоҳ муқаддас обида нега қаровсиз?

Нақшинкор қадимий эшикнинг тепасидаги «Меъмор» ёзувини ўқиганимда, дилим янада гашлана-верарди. Бир сафар мақбара дарвозаси очиқ турганида кўзим ичкарига тушди. Турли хил тахталар тартибсиз сочилиб ётибди. Бир неча киши уларни саралаб у ёқдан бу ёққа отяпти. Меъмор устахонасига бошқа жой йўқми, деб ҳайқиргим келди. Ахир бу ерга Бобур Мирзонинг қадампойлари етган. Тоғасидан мадад кутиб, Тошкентга келганида айнан шу ерда бўлганлигини (Юнусхон, Бобурнинг она томонидан бобо-си) эндиликда олимлар тасдиқламоқдалар. Тарихимиз ўз исботини топса, авлодлар кўз ўнгида жилоланиб турса бўлмайми!

ИСТАК: Москвани кезсангиз «Пушкин бўлган жойларда», «Лермонтов изидан» деган сайру сайёҳатларга олиб чиқишади. Нега бизда ана шундай тадбирлар ташкил этилмайди?

Газетада Ўзбекистон Тошкент ислом университети ташкил этилганлиги ва унга билим юрти биноси ажратилганлиги ҳақидаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиқди. Уни ўқиётиб, Юнусхон мақбараси атрофлари университетга муносиб эди-я, шу баҳона обод бўлиб қоларди, деган бир туйғу кечди юрагимдан. Истакларим Оллоҳга етиб бордим — ҳеч қанча вақт ўтмай, у ерлар Ислом университетига берилди, деган хушхабар етиб келди. Ниҳоятда шодландим. Яна бир дадил қадамнинг қутлуғ бўлсин, Истиқлол!

Бу ерда Имом Бухорий, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбандийлар қайтадан дунёга келиши табиий!

Халқимизнинг оққан дарё оқаверади, дегани шу эмасми! Қўрқмас ва ўз сўзидан қайтмас қаҳрамон — ўзбек халқи янги ҳаёт яратиш ва уни ғаддор душманлардан асрашда, борган сари катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Қисқа айтганда: Истиқлол камол топмоқда. Шу тарзда янги тарих яратилмоқда. Истикболнинг қутлуғ бўлсин, Ўзбекистон.

Ўзбекистон давлат сан'ат ва  
технология институтининг  
Тоғ'она минтақавий филиали  
№ 17  
Инв № 5659

## ТОШГА БИТИЛГАН ДОСТОН

Она тилимиз муқаддас эканлигини, ҳар бир ҳарфию товушини, оҳангию сўзини тўтиё билиб, кўз қорачигидек асраш зарурлигини ҳар сафар юртимга келганимда, Хиванинг нодир ёдгорликларини, гўзал, ҳашаматли, умри боқий обидаларини кезганимда қалбимга туявераман. Равоқларию пештоқларидаги, устунларию эшикларидаги, қабр тошларию даҳмалардаги битиклар диққатни тортаверади. Сайёҳларни кузатсангиз уларнинг юз ифодаларида ёзувларни тушунишга бўлган иштиёқни сезасиз. Ўшанда қалб катта ҳаяжонга тўлади, юрагингиздаги ҳазин инграш оғриққа айланади. Нега кейинги асрда алифбомиз бир неча марта ўзгартирилди?

Ўз умрию даврини тамом қилган собиқ советлар зўравонлигининг мақсадию асоратини эндиликда биттагина далилда — тошга битилган достонлар мисолида ҳис этиб турибмиз. Инсон ҳаёти ва фаолиятига юксак маъно, чуқур мантиқ ва гўзаллик бахш этувчи битикларнинг изоҳини ёшларга етказиш лозим. Бироқ қандай қилиб?

Тўрт йил муқаддам «Мозийдан ёғдулар» кўрсатувини тайёрлаётганимда хивалик олим «тошга битилган достонлар»ни ўрганаётганлигини жуда қизиқарли ҳикоя қилиб берган эди. Куёш нурларидай қудратли ва ҳаётбахш кенг кўламда оятларни, байтларни, рақамларни ўқиганида анчагина маълумот тўплаб қўйганлигидан хурсанд ҳам бўлган эдик. У олимнинг номзодлик иши эди. Йигит илмий унвон ҳам олди. Изланишлари китоб ҳолида чоп этилди. Бироқ изланишлар қоғозда қолиб кетгани ачинарли. Элга нафи тегмаса тадқиқотларга не ҳожат! Буни биз қайта-қайта ўйлаб кўришимиз лозим.

Мен бу муаммо хусусида биргина Хивани мисол қилиб олдим. Бироқ у юртимизнинг ҳар бир қадимий ёдгорликларига, обидаларига тегишли десак бўлади.

ИСТАК: Ана шу тошбитиклар изоҳлари жамланса, Хиванинг, шунингдек республикамиздаги ҳар бир

ёдгорликларида бурчак ташкил этилса, битикларнинг изоҳлари бир неча тилларда ёзилса мақсадга мувофиқ бўларди. Ахир бу юртнинг келажаги — фарзандлар камоли, элнинг обрў-эътибори ва ниҳоят мустақилликни мустақамлаш учун зарур. Инсон номи ва моҳиятига монанд қайта буткул қайта қурилишга ва тозалашга муҳтож бўлаётган Ватан учун, унинг истиқболи учун керак бу.

## КИМ ҚИЛУР ҚАБРИМ ЗИЁРАТ?

Ватанимиз жасурларининг тимсоли бўлмиш Паҳлавон Маҳмуд мақбарасига кираверишда паттачи ўтирибди. Ичкарига гиламлар тўшалган, дастурхон ёзиқли. Саховат учун қути ҳам қўйилган. Оппоқ либосли келин-куёвларнинг зиёратгоҳдан қадами узилмайди. Сирли-соҳил тумбаз ичра кирганимда мармар тош тагида ётан, кураги ер искамаган ҳазратнинг рубойилари кўлоғимда жаранглагандек бўлаверади:

*Ким қилур бу вайрон дилим иморат?*

*Ким гуноҳим учун берур кафолат?*

*Мен зиёрат қилдим кўп қабристонни*

*Билмам, ким қилур қабрим зиёрат?*

Фарзандларим мақбара соҳиби ҳақида маълумот сўраб қилишди. Ён-атрофимга қарадим. Эскурсавод йўқ. Ўзим аста тушунтира бошладим. Миллий қадриятлар, мардлик, жасурлик, ватанпарварлик, инсонийлик Паҳлавон Маҳмуд сиймосида мужассамлашган. Ҳунари — пўстиндўз, курашда кураги ерга тегмаган. Муаррихлар ёзишича, ҳазрат Ҳиндистонда бўлганида ҳиндларнинг тарафини олиб майдонга тушади, жангда мамлакат подшоси — Райни улимдан қутқазади. У мамнун бўлиб: «тилагингни тила», дейди. Ҳазрат бойлик тиламайди, балки бир вақтлар Ҳиндистонга асир тушган хоразмликларнинг озод этилишини сўрайди. Рай полвоннинг олижаноблигига, буюклигига ҳаваси келади. Тутқунларни озод этади ва уларни ўз юртига етиб олишларига ҳам кўмаклашади.

**ИСТАК:** Эл орасида Паҳлавон Маҳмуд ҳақида ривоятлар, ҳикоятлар жуда кўп. Уларни тўпласа, битта китоб бўлади. Масалан, Хонқада Полвонёп бор (ёп — анҳор, хоразмча лаҳжа). Айтишларича, уни ҳажга кетаётиб Паҳлавон Маҳмуд чизиб кетган экан. Ана шу излардан анҳор қазилиб, сув келтирилган ва юрт обод этилган, дейишади.

— Опа, мақбарани ким қурдирган, — сўрайди фарзандларим.

— Уни Хоразм хони — Феруз тахаллуси билан шеърлар ёзган Муҳаммад Раҳимхон қурдирган дейман-у, яна ўйланиб қоламан, адашмадимми?

Фарзандларимга шоирнинг рубойларидан намуналар ўқиб берар эканман, наҳотки, шу ерда Паҳлавон Маҳмуднинг ҳаёти, ижодини тушунтира оладиган бирор экскурсовод кўйиш қийин бўлса, ахир ҳазратнинг ибратли умри ёшларда Ватан туйғусини, инсонийлик зиёсини уйғотади-ку! — дея ўйлайман.

— Опа, мана бу қудуқнинг тўғрисидаги хонани очиб, музей қилиб қўйилса яхши бўлмасмикан? — дейди ўғлим катта қулф осилиб турган эшикни кўрсатиб.

Ҳақиқатан, ҳам бу ерда музей тугул шоир ҳақида икки оғиз ширин сўз битилган бурчак ҳам йўқ.

**ИСТАК:** Паҳлавон Маҳмуд ҳақида бир пайтлар деярли маълумот йўқ эди. Истиқлол туфайли асл фарзандларнинг номи элимизга қайтди. Қадимий хаттотликнинг гўзал намунаси бўлмиш — қўлёмалари ўрганила бошланди. Рубойлари чоп этилди. Рисолалар ёзилди. Ҳазратнинг номи билан турнирлар, спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Паҳлавон Маҳмуд донг таратган ўзбек миллий кураши жаҳонга юз тутди. Хивада унинг номи билан боғлиқ боғлар, кўчалар бунёд этилди. Ана шу маълумотларнинг бари йиғилса, тартибга келтирилса, катта таассурот берадиган ижодий ва фаройиб музей пайдо бўлмайдами?

Истиқлол туфайли элимизга қайтган ҳазратнинг руҳлари шод бўлмайдами? Ана шу улугвор ишда Ичан

қалъа музейи ходимларига фидойилик ва омадлар толайман.

### ЎЛДИРДИМ ЎЗИМ, ВАЛЕ ПУШАЙМОНДИРМАН

Маданий меросларимизни, қадимий қўлёмаларни, Нажмиддин Кубро тариқатини ўрганиб юрган ёш олим Кўҳна Урганчда ҳазратнинг мақбараси бор эмиш, шу ростми деб сўраганида ичимдан недир узилгандек бўлди. Ҳозиргина ҳазратнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида тўлиб-тошиб гапираётган олимга ҳайрат билан қарадим. Туйғуларимда ҳам ўкинч, ҳам ачиниш бор эди. Ўзи ҳам сезди. Айб олимдами?! Йўқ, албатта! Ахир, оламнинг ҳам ёрқин кўёши бор, ҳам қоронғи тунни. Бу 1924 йили Буюк Туркистонни парчалаб юборган Россия истибдодининг асорати, инсон ақлининг ҳам фожиаси, ҳам кусури эмасми!? Жафоли туйғулар туртки бўлиб, Кўҳна Урганчга бориб «Мозийдан ёғдулар» кўрсатувини тайёрлаб келдим.

Нажмиддин Кубро шайхи валийтарош — «авлиёлар етиштирувчи шайх» номи билан машҳур бўлган алломан замон, ажойиб ватанпарвар бўлиш билан бирга оташнафас шоир эди. Ҳатто, у ўзининг шаҳид бўлишини олдиндан сезгандек:

*Бир кун кўрсангки, мен бежондирман,  
Теграмда халойиқ тўла афғондирман,  
Қабрим тошига келиб ўтиргил, айтгил,  
Ўлдирдим ўзим, вале пушаймондирман...*

Мавлоно Алишер Навоий «Насоимул муҳаббат» китобида Нажмиддин Кубро ҳақида улкан муҳаббат билан ёзди: 1221 йили мўғул қўшинлари Урганчни ўраб олишади. Чингизхон шайх Нажмиддин Куброга омонлиқ бериб, унга ўз яқинлари билан шаҳарни тарк этишни таклиф қилади. Валийтарош босқинчининг «лутфу марҳаматини» қатъиян рад этади. «Шу тупроқда тугилибмиз, шу тупроқда қоламиз» дея етмиш олти ёшли шайх халқдан лашкар

тўплаб, уларнинг олдига тушиб жангга бошлаб боради. Даҳшатли қирғин бўлади. Шайх бир ҳамла билан душман тугини қўлга киритади, ҳатто ўлгандан кейин ҳам уни бўшатмайди. Шунда шайхнинг бармоғини битта-битталаб кесиб туғни олишга мажбур бўлишади...

Ҳазратнинг Кўҳна Урганчдаги мақбараси пойидамиз. Обида Ашхобод зилзиласидан кейин дарз кетиб, қий-шайган. Мана-мана йиқилиб кетади, дея ўйлайсиз. Бироқ деярли 50 йилдан буён шу алфозда турибди. У менга кўп сўзни хушламайдиган қадди дол донишмандни эслатади. «Донишманднинг» ёш йигитлардек қаддини ғоз тутишини истайман. Бунинг учун Паҳлавон Маҳмудлар керак элга! Нега Паҳлавон Маҳмуд?! Ёнида унга эгизакдек бўлиб яна бир мақбара қад ростлаб турибди, ҳар иккаласини Паҳлавон Маҳмуд устози ва отаси хоки пойига қурдирган. Катта гужум мақбараларга пешвоз гўё уларни кучиб турибди. Соясида минглаб одам дам олиши мумкин. Чўлга айланган маконда гужумларнинг гуркираб туриши қалбда эзгуликлар уйғотади. Илдизлари бақувват дарахт азим бўлади. Қадриятларимиз ҳам улуғвор гужумдек узоқ тарихий қатламларга сингиб кетади. Элимизнинг ўқ илдизини авайлай олмаган юртимга қайишаман. Юрагим увишади. Зилол булоқ сувидек тиниқ, булбул навосидек ёқимли Истиқлолни алқайман. Мустақиллик туфайли Хивада Нажмиддин Кубро туғилган маскан — Саёт қишлоғида онаси Ҳожар биби хоки пойида бунёдкорлик ишлари амалга оширилган. Нажмиддин Кубро музейи ташкил этилди.

Ўтган ўн олти йилда Нажмиддин Кубро каби юзлаб алломаларнинг номи кўклам чечаги ва баҳорнинг ёқимли шабадаси янглиғ элимизга қайтди. Ана шу ўзгаришлар янада кучайтирилиши учун дорилулбайтул — Маъмун академияси қайта ташкил этилди.

Замонлар ўтаверади, даврлар ўзгараверади, аммо Ватан абадийдир. У мангуга қолаверади. Ватанни, Истиқлолни улуғлаган асл фарзандларимизнинг номи ҳам улуғланиб, юксалиб бораверади.

## ҚУШЛАР ҒУҶҒОН ЎЙНАЙДИ

Халқимизнинг ўлмас даҳоси рамзи бўлмиш маданий ёлгорликлардан яна бири — Тўрабек хоним мақбарасини зиёрат қиламан. Улуғвор қасрга бирор устун қуйилмасдан бунёд этилганлиги меъморларни бугунгача дол қолдириб келмоқда. Бироқ, қаровсиз. Эшик-лари йўқ. Деразаларида қушлар ғуҶҒон ўйнаб юрибди.

Ундан Қирқмулла тепалигига кўтариламиз. Тепалик ёнида машҳур Маъмун академиясининг қолдиқлари топилган. Тепалик ана шу дорилулбайтулни оламга танитган алломаи замоналар хотираси рамзи! Кўҳна Урганч обидаларининг яна бири — Жалолиддин Румий номини эслатса, яна бири — дарвоза қолдиқлари — X—XI асрдаги тараққиёт тимсолидир!

Бир пайтлар араб сайёҳи ибн Баттута тасвирлаган тирифу-тавсифи етти иқлимга кетган, тўрт миллион аҳолиси бўлган пойтахтга ўхшамайди. Ундай пайтларда доноларнинг «вақти келиб бозорлар мазорларга, мазорлар бозорларга айланади», деган иборалари бот-бот ёдга келаверади. Бу тараққиёт жараёнида гуноҳ-у савобнинг тошу тарозиси бор дегани!

Қадимий ва машҳур Урганчда ўз даврининг улуғ ва беқиёс қомусий олимлари Беруний, ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино каби алломалар яшаб, ижод этиб, дунё миқёсида фанни янги ва юксалиш босқичига кўтарганлар. Илм одамзот ва ҳаёт учун офтоб янглиғ чўққи эканлигини исботлаганлар. Улар халқнинг ўлмас даҳосини, ақл-заковатини, ор-номуси, виждонини ўзида акс эттириб турибди.

Ана шу чўққининг қайта забт этилиши, илм нури-нинг йўлини очиш учун Ватанимизда истиқлол шарофати туфайли Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг қўшқанотлари — Самарқанд ва Хоразм академияси ташкил этилди. Яратганга шукрлар бўлсин, машҳур дорилулбайтул алломаларининг ёрқин хотираси даъваткор ижоди, ўктам ва ўлмас сиймоси билан авлодлари — ёшлар даврасига қайтди.

## УШЛАГАНИ ОЛТИН БЎЛСИН

Миллий қадриятларимизнинг бир бўлаги бўлмиш имом Бухорий ёдгорлигига кирар эканман, бир-биридан ҳайбатли чинорларни кучгим келди. Қучдим-у, кўзимни юмиб бир пас турдим. Гўё куч олаётгандек ҳис қилдим ўзимни. Нега улуғлар ўтган жойда улуғвор дарахтлар пайдо бўлади. Бу ўқ илдизларимиз чуқурлигининг ифодаси, элнинг авлоду аждодларига меҳру садоқатнинг рамзи, одамзотнинг муқаддаслигининг тимсоли эмасми? Коинот тожи инсоннинг хулқан гўзал ва ҳаётан бахтли бўлиб яшашига ундов эмасми?!

Онам — Жамила ҳожимомо сўзидан: Имом Бухорий мақбараси қайта қад ростлаганидан кейин зиёратга бордим. Борлиққа нисбат берилган мовий гумбазлар, устунли айвонлар, ўймакор эшиклар жозибаси Муҳаммад пайғамбаримизнинг мақбарасини эслатади. Ўшанда бу қадамжо иккинчи ҳаж дейилиши бежиз эмас, деган ҳислар кечди кўнглимдан. Мусулмон оламининг муқаддас зиёратгоҳига қадам қўйганимизда ҳаж зиёратида жуда кўплаб кишилар Хўжа Исмоил мақбарасини бир кўришни, тупроғини кўзига суртишни орзулашини англадик.

Жуда кўп қадамжоларни зиёрат этдим. Кўҳна Урганч ёдгорликлари (Туркманистон), Аҳмад Яссавий, Арслонбоб бобо обидаларини (Қозоғистон) кўрганимда Ўзбекистонда миллий қадриятларимизга эътибор катталигини ҳис этдим. Имом Бухорий мажмуаси Она Ватанимизни жаҳон аҳли кўз ўнгида юксак камоли ва тенгсиз жамолини намоён қилмоқда. Ана шунда Президентимизни фарзандларим қаторида дуо қилдим: «Ушлагани олтин бўлсин». Бу сариқ олтин маъносида эмас. Олиб борилаётган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий сиёсати олтиндек қадрли бўлсин. Ақл закосининг зиёсини эл билан бирга ўзи кўрсин, дегани. Илоҳим ушлагани олтин бўлсин!

ИСТАК: Онам Жамила ҳожимомонинг сўзларида жон бор. Амир Темур бобомиз қурдирган Аҳмад Яссавий, Арслонбоб мақбаралари Туркманистондаги Кўҳна Урганч обидалари асрлар оша табиат тараққиётининг энг олий,

энг гўзал, энг нодир маҳсули сифатида етиб келган. Бироқ, уларга бўлган эътиборнинг камлиги инсонни ранжитади. У қадамжоларни кўрганимда, кезганимда Марказий Осиёдаги ёдгорликларни ўз ҳимоясига оладиган республикалараро кучли ташкилот кераклигини ҳис этавераман. Истиқлолнинг ўн икки йиллиги арафасидаги ўйларимга ақул ясар эканман: Беқиёс улуғ ва ғоят мураккаб жараён Истиқлол куёшининг нури янада ёрқин бўлиб, жаҳонга таралаверсин, дея ният билдираман.



## ТИНЧЛИК — УЛУҒ НЕЪМАТ

### Терроризмга қарши курашда бирдам бўлайлик

*Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига  
мурожаатини ўқиб*

Биз учун халқимиз, Ватанимиз манфаатидан улуғ мақсад йўқ, деди мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессиясида.

Бу сўз фалсафий теранлиги ва мазмундорлиги билан ажралиб туради. У инсон моҳияти, одамзот тақдири, коинот сирлари, гўдак табассуми билан узвий боғланиб кетади. Дунёнинг ҳар бир жиддий ижтимоий-сиёсий масаласи жаҳондаги вазиятнинг у ёки бу томонига таъсир этди ва алоқадор бўлади. Масалан, ипак курти боққан пиллакорларнинг меҳнатини олайлик. Ипаги Ватанимиз қудрати, фаровонлигига алоқадор ва айни вақтда халқаро аҳамиятга эга масала эмасми? Зеро, жаҳоннинг ҳамма бурчагидаги халқлар пилла ўстира олмайди. Бироқ барчага бирдек зарур. Айниқса космонавтикада, жарроҳликда унинг аҳамияти беқиёсдир. Демак, давр ва башарият тақдирини белгилайдиган ва ҳал қиладиган куч ҳар биримизнинг эркин ижодий ва садоқатли меҳнатимиздир. Истиқлолга эришган ва ҳар томонлама гуллаётган халқимиз учун у янада аҳамиятлироқдир.

Мамлакатда бўлаётган катта-кичик воқеалар, амаллар оилалар тақдирида, фарзандлар келажагида акс этади дедик. Чингиз Айтматовнинг Тўлғонойини эсланг. Уруш қирғини унинг тупроғида бўлмади. Бироқ, уч фарзандидан, эридан жудо қилди. Ёки мамлакатимиздаги қатағон йилларини эсланг. Оила бошлиғи бошига тушган кулфат туфайли аёлларининг тортган азоблари, фарзандлар изтироблари... Шунинг учун биз қўшимиз, афғон халқининг дардларига бепарқ қарай олмаймиз. Террорчилар уя қуриб олганлиги бизни безовта қилиши табиий.

Ҳар тонг хонадонларимизга, элу юртимизга тинчлик тилаб, Оллоҳдан сўрайман. Ахир, мен уни аввало она сифатида, сўнгра Ватанни севгувчи инсон сифатида тилайман. Янги оламини яратаётган баҳодир халқ билан ҳамнафас ва ҳамқадам, сирдош ва сафдош бўлиш бу аввало бахт. Терроризм деган даҳшатли аждаҳо сайёрамизнинг турли минтақаларида бош кўтараётгани, у офат умумбашарий тараққиёт учун катта хатар экани тўғрисида Ўзбекистон кўпдан буён бонг уриб келгани маълум. Мамлакатимиз Олий Мажлиси ҳам 2000 йил август ойида жаҳон парламентлари ва халқларига мурожаатнома қабул қилиб, барча давлатларни халқаро терроризмга қарши курашда бирлашишга чақирган эди.

Мамлакатта хавф солаётган таҳликани оиламизнинг, фарзандларимизнинг, невараларимизнинг ризқини қирқишга бўлган ҳаракат деб билишимиз керак. Узоқ Питнакда иш сафаридида юрганимда, олдимга бир она келди. Қизим, келиним ҳақида ёзинг, деб илтимос қилди. Аввал қайнона-келин можаросидир-да, деб ўйладим. У террорга, урушга қарши нола эди. Онанинг ҳикоясини эшитинг.

#### СЎНА ЭНА ҲИКОЯСИ

Очиғи, дунёнинг мен учун туғилганига уч йил бўлди. Дунёнинг асл лаззатини тота бошлаганимга, ҳаётнинг туб маъносига ета бошлаганимга уч йил бўлди. Мен уни энагинам деб суяман. Чунки, у бепоён севги, беҳад самимият, беўлчов садоқат, енгиб бўлмайдиган куч ва қудрат тимсоли! Энагинам кичик ва ҳали куртакча

бўлса-да, шу даражада улуғворки, ҳаётнинг моҳиятини акс эттиради. Ҳаёт ундан бошланади. Энагинам шу даражада ифбатли, шу даражада ажойибки, Оллоҳнинг нури дея суяман уни. Яратган эгам қайта берган энагинам дея суяман уни. Тилаб-тилаб, урушни қарғаб-қарғиб Тилавусжон, дея суяман уни. Назаримда ундан ширин, ундан лаззатли, ундан ифбатли нарса йўқ.

— Отажон, ҳамманинг икки қўли бор. Нега сизда битта? — дея сўради неварам ўғлимдан.

Вужудим титраб кетди. Ўғлим афғон урушини эсланиши ёмон кўради. Жуда сержаҳл, серзарда бўлиб қолади. Ҳозир энагинамни жеркиб ташлайди деб титраб кетдим. Келингинам ҳамишагидек вазиятни юмшатди: «Шпоққинам, сени гўзал, соғлом туғилишинг учун ёвуз девлар билан урушиб қўлини олдирган».

Жажжи вужуд наздида бир зумда дунё разолат ва қабохатга айланди, кўзлари катта-катта очилиб, ҳайратдан сўз топа олмай қолди. Вижиллаб ёғдирадиган саволлари бир паст тинди, сўнгра қўрқибгина сўради.

— Отажон, девлар қўлингизни узиб олишганида оғридимми?

— Албатта оғрийди-да, асосийси, отанг сени севганлар, — жавоб қилади онаси.

Яна саволни чуқурлаштиравермасин дейман-да, олиб кетаман.

Бу собиқ совет иттифоқининг хатоси деб айтсам, энагинам тушунармиди? Ўғилгинамнинг Афғондан келганидан кейинги изтиробларини айтсам ҳамон-ҳамон юрагим ҳаприқиб кетади.

Мактабдаёқ кўз остига олиб юрган синфдош қизининг уйига дастурхон кўтариб бордим.

— Ҳозир икки қўли бут эркаклар рўзғор боқа олмангити, оқсоқ ўғлинг бир қўли билан уй қура олармиди? — дейишди қизнинг ота-онаси.

Дастурхонимни очмасдан умидсиз қайтаришди. Уйга қайтпман-у, миямда битта фикр айланади! Айбсиз айбдор ўғлимга энди нима дейман. Қандай қилиб умидларини чилпарчин қиламан. Урушни қарғайман.

Ўшанда ўғлимнинг чеккан изтиробларини сўз билан таърифлаб бўлмайди. Бироқ, келиним — куралайгинам қатъият кўрсатди. Ота-онасини ўзи кўндирди. Тўй-томоша қилдик, бироқ тўрт йил фарзандли бўлишмади. Яна ўғлимнинг кўзларига мунг энди. Менинг ичимни ит тирнайди. Бир ўғлимга қарайман, бир келинимга. Сабр-ҳамишагидек меҳрибон, бахтли, кўзлари чақнайди. Сабр-тоқат, меҳр-муҳаббат тимсоли эди у. Уруш оловини ёққанларни қаргайман. Юртга тинчлик, ўғлимга фарзанд тилайман. Оллоҳнинг номидан айланай, синовларидан кейин сийловлари бор экан. Неварам қутлуғқадам бўлди. Энагинам туққан куни мустақиллик эълон қилинди. Хусусий корхоналарга йўл очилди. Бор-будимни тўплаб, ўғлимга магазин ва макарон цехи очиб бердим. Мактабдаёқ ҳисоб-китобга яхши эди... Рўзгорини тортиб кетди, ҳозир уй қуряпти. Институтда сиртдан ўқияпти.

Онанинг сўзларида ўтли ғазаб ва нафрат, ҳам ҳаётбахш шафқат ва муҳаббат бор, ҳам дард бор, ҳам ғалаба бор. Ғалаба — бу Мустақиллик берган шуур ва нур!

Унда афғон уруши асорати, совет даврининг томир уриши-ю зиддияти ва мустақил мамлакатимизнинг ғолибона қадамлари кўзга ташланиб турибди.

Сўна энанинг ҳикоясидан гўзал инсоний ҳиссиёт, эзгу яратувчиликка чақириладиган нидо, юрак кўри, инсон ғурури ва холис нияти мужассамлашган ҳолат яққол намоён бўлади. У терроризмни, у ёққан алангани қоралайди. Огоҳликка чақиради. Бу ҳикоя эккан ниҳолларинг мевасини, қурган уйлариинг роҳатини, фарзандларинг камолини кўрай десанг ёвузликка қарши курашмоғинг лозим, деган ҳақиқатни барчамизга яна бир бор эслатади. Ҳақиқатда «террористнинг миллати, элати, Ватани йўқ!» Ўз Ватанини осмон янглиг кенгликларга менгзовчи халқимиз буни яхши билади.

Халқаро терроризмга қарши курашда давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов олиб бораётган изчил сиёсатни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимизни яна бир марта изҳор этамиз ва халқимизни бу курашда бирдамликка, собитқадам бўлишга, огоҳликни қўлдан бермасликка чорлаймиз.

## ИЛМ САРЧАШМАСИ — МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

(ПОРТРЕТ ОЧЕРКЛАР)

Илм — ақл булоғи,  
Ақл — яшаш чироғи



## МАМЛАКАТИМИЗ ПОЛИМЕР САНОАТИ ЮКСАЛИШДА

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган, эл эъзозлаган аёллардан бири — академик Сайёра Рашидова бутун умрини навқирон соҳа бўлмиш полимерлар физикаси ва кимёсини ривожлантиришга бахшида этган илмуфан соҳибаси. Сайёра Рашидова полимерлар соҳасини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган аёл олима бўлиш билан бирга ўн йилдан буён истиқлол шарофати билан ташкил этилган омбудсман вазифасини ҳам бажариб келади. Биз ҳозир аввало олималик фаолияти ва у бошқараётган институт ҳақида ҳикоя қиламиз.

Республикамызда Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли қирқ учдан ортиқ илмий маскан бўлса улардан фақат тўрттасигагина аёл киши раҳбарлик қилади. Улардан бири — Сайёра Рашидова! У Ўзбекистон полимерлар кимёси ва физикаси илмий тадқиқот институтига директорлик қилади. Олима таъбир жоиз бўлса бу соҳага ҳали атак-чечак давридаёқ қўл урди ва уни республикадаги етакчи тармоқлардан бирига айлантиришда катта ташаббуслар кўрсатди. Қолаверса, опа ўзи етакчилик қилаётган институтни ташкил этишда, унинг пойдеворини қуришда, илмий йўналишларини белгилашда фаол қатнашди.

Ҳозир бу ерда тўққизта лаборатория ва бўлимлар ишлаб турибди. Бугунги кунда халқ хўжалигининг турли соҳаларини полимерларсиз тасаввур қилиш қийин.

Сааноатнинг энг йирик тармоқлари: резина, пластмасса, кимёвий тола, полимер пардалар, бўёқ, елим, анэлектриклар ва каучуклар полимерлар кимёси ва физикаси фанининг маҳсулотлари бўлиб, улар халқ хўжалигимизда кўплаб ишлатилади. Шунинг учун республикамызда ҳам полимерларни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Полимерлар келиб чиқиши, табиатда учраши, олишнинг қараб табиий ва сунъий полимерларга бўлинади. Маълумки, табиий полимерлар ўсимликлар, ҳайвонот оламнинг асосини ташкил этади. Ўсимликлар организмнинг асосий таркибий қисми целлюлоза, крахмал, лигнин ва пектин каби табиий полимерлардан ташкил топган бўлса, ҳайвонот оламида тирикликнинг асосини оқсил моддалар, гармонлар ва ферментлар ташкил этади. Целлюлоза тўқимачилик сааноатида асосий хом ашё ҳисобланса, крахмал озиқ-овқат сааноатининг асосидир. Сунъий полимерлар мавжуд бўлган табиий полимерларни кимёвий ўзгартиришларга учратиб ҳосил қилинади.

— Сайёра опа, мана полимер олишнинг икки хил усули бор: табиий ва сунъий. Уларнинг қай бири республикамызда кенг ривожланган?

— Бизда ер ости, усти бойликлари кўп. Ҳайвонот ва наботот олами ранг-баранг. Ҳамма соҳани ривожлантиришга имконият бор. Шунинг учун истиқлолнинг илк кунлариданоқ Президентимиз бу соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор берди. «Республика газ қазиб чиқариш сааноатини ҳамда табиий газни ва газ конденсатини қайта ишлаш билан боғлиқ ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга катта умид боғламоқда...

Қазиб олинаётган газлар таркибида этан, пропан, бутан ва бошқа компонентлар мавжуд бўлиб, улар полимер материаллар полиэтилен, поливинилхлорид ва бошқа моддаларни олиш учун яроқлидир. Бундан ташқари, Шўртган газкимё комплексида олинаётган



пропан нитрил — акрил кислота олиб ундан нитрон толаси ишлаб чиқариш мумкин», — дея Истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ таъкидлаб, йўл-йўриқлар белгилаб берган эдилар Республикамиз Президенти Ислон Каримов. Ўтган даврда полимерлар ишлаб чиқарадиган янги иқтисодиёт пайдо бўлди. Масалан, «Узнефтваз» корпорацияси қошидаги «Шўртангаз» корхонасида илмий масканнинг йилига 120 минг тоннадан ортиқ полиэтилен маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган бўлими мавжуд, бу ерда катта тажрибалар ўтказилиб, халқ хўжалигига йўлланмалар берилади.

Ҳозир пахтани қайта ишлаш заводи ҳамда ипакчилик корхоналари чиқиндиларидан автомобиль ва тўқимачилик саноати учун тола ишлаб чиқарадиган заводлардан бири Фарғонада ишга тушди. Бу ҳам олимлар изланишларининг самараси, илмий кашфиётлар халқ хўжалигига кенг кириб бораётганининг намунасидир. Яна бир мисол: ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари истиқлолгача хориждан келтириларди. Улар ўта заҳарли бўлиб, атроф-муҳитга ҳам, инсон ҳаётига ҳам салбий таъсир этарди. Бугунги кунда мамлакатимизда ўсимликларни ҳимоя қилишда ишлатилаётган воситаларнинг атроф-муҳитга ва инсон саломатлигига салбий таъсири йўқ. Шу билан бирга уларнинг нархи аввалгиларидан арзон. Булар ҳам олимларимиз амалга оширган тадқиқотларнинг самарали натижасидир.

— Ҳозир республикамызда қоғоз етишмовчилиги сезилмоқда. Асосан бу маҳсулот четдан олиб келинади. Сизнинг лабораториянгизда чигит чиқитидан қоғоз олиш борасида илмий изланишлар олиб борилаётган эди. Унинг самараси қандай бўлди? Келажакда республикамызни ўзимиз қоғоз билан таъминлай оламизми?

— Олимлар пахта чиқитидан, яъни ёғ олингандан кейинги чигитнинг чиқитидан сифатли қоғоз олиш йўллари ишлаб чиқишди. Ҳозир Янгийўлда қоғоз

ишлаб чиқарилмоқда. Бироқ, биргина корхона билан муаммони ҳал этиб бўлмайди. Янги заводлар қуриш билан бирга целлюлоза оладиган янги хом ашёлар, янги усуллар ҳам ўйлаб топиш керак. Биз изланишни давом эттиряпмиз.

Ўтган йили «Ўзбекқоғоз» ассоциацияси билан ҳамкорликда семинар ўтказдик. Анжуман ушбу соҳадаги тадқиқотларни ва ишлаб-чиқаришни янада кенгайтиришга бағишланди.

— Сайёра опа, институтда раҳбарлик қилиш билан бирга шахсан ўзингиз ҳам биологик фаол полимерлар борасида тадқиқот ишлари олиб борганлигингизни биламиз. У ўз вақтида сифатли уруғ тайёрлашда самарали усул, деб тан олинган эди. У қишлоқ хўжалигимизга сингиб кетдими?

— Биологик фаол полимерлар уруғларга ва вояга етган ўсимликларга ишлов беришда қўлланилади. Шунингдек бўлим уруғларни капсуллаш технологиясини ва унинг мосламаларини ишлаб чиққан.

Бу усул ўсимликнинг иссиқ-совуққа чидамлилиқ ҳолатини оширади, ернинг экологик тоза бўлишига ёрдамлашади. Биз бу усулни аввало чигитда синаб кўрдик. Ҳозир мамлакатимизнинг жанубий ҳудудларида пахта экишда ушбу усул қўлланилмоқда. Масалан, ўтган йили Сурхондарёда пахта ушбу усулда экилди. Андижон, Фарғона, Қашқадарёда ҳам қисман қўлланилди. Чигитларни консуллаш заводлари Наманган, Андижон ва Фарғонада бор. Ҳозир Бухорода қуриляпти. Олимларимиз эндиликда бу усулни шоли, макка-жўхори, буғдой, қанд лавлаги уруғларини консуллашга жорий этмоқда, изланмоқда. Франция, Швейцария ва АҚШнинг бир неча фирмалари бу соҳада ҳамкорлик қилиш истагини билдиришмоқда. Бу ҳамкорлик икки томон учун ҳам самарали фойда бериши табиий.

— Шунингдек институт тиббиётни ривожлантиришга, дори-дармонлар тайёрлашга ҳам муносиб ҳисса қўшиб келяпти.

— Албатта, масалан институтимиз жамоаси илмий тадқиқотлари самараси бўлмиш тиббиётга жорий этилган воситалар — лимон пектин — салмонеллёз ва ошқозон-ичак касалликларининг олдини олишда нитроглицирин — юрак касаллигини даволашда, микроцел — вазни камайтиришда, кагоцел — вирусга қарши малҳам сифатида ишлатилади.

Ҳозир республика иммунология илмий-текшириш институти билан ҳамкорликда онкологияда ишлатиладиган дори ишлаб чиқиш хусусида изланилмиш.

— Институтингиз мамлакатимиздаги қайси ташкилотлар ва чет элдаги қайси илмий масканлар билан ҳамкорликда тадқиқотлар олиб боради?

— Ривожланган мамлакатлар учун илмий ва ишлаб чиқариш ҳамкорлиги, янги технологияларни ўрганиш сув билан нондек зарур деб ҳисоблайман. АҚШ, Белгия, Германия, Франция, Чехия, Болгария, Италия, Словакия, Миср ва Ҳамдўстлик мамлакатлари билан ҳамкорликда тадқиқотлар олиб бормоқдамиз. «Ўзкимёсаноат», «Узфармсаноат» бирлашмалари, Энергетика, сув ва қишлоқ хўжалиги вазирликлари билан узвий доимий алоқалар ва қўшма лойиҳалар мавжуд.

— Сайёра опа, Республика «Олима» аёллар уюшмаси раиси бўлганингиз туфайли шу нуқтаи назардан келиб чиқадиган савол бермоқчимиз. Институтингизда аёллар кўпми?

— Деярли тенг ярми аёллар.

— Аёл киши директор бўлгани учун шундайми?

— Йўқ, бу битта бизнинг институтдаги нисбат эмас.

— Илмий текшириш институтларида аёллар сон жиҳатдан салмоқли ўринни эгаллашади. Бироқ, уларнинг аксарияти фан номзоди, кичик илмий ходим ва лаборант бўлиб ишлашади. Фан докторлари ва академиклар саноклигина. Шунинг учун ҳам Истиклолнинг илк йилларида республика «Олималар» уюшмаси тузилди.

Дарҳақиқат, ушбу уюшманинг ташаббускори ҳам, ташкилотчиси ҳам Сайёра опа Рашидова бўлди. Уюшма

Ушнинг дастлабки йиғилишида кенгашини тузиб, кенгаш раисини сайлаган эди. Сайёра Рашидова ана шу уюшманинг раиси бўлди.

Улар Ўзбекистон республикаси олдида турган иқтисодий-ижтимоий, миллий, экологик ва ҳуқуқий муаммоларни ҳал этишда қўмаклашишга ҳамда илмий-тарбиявий фаолият билан шуғулланаётган аёлларнинг куч-қувватларини бирлаштиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар ушган йиллар ичида кўп ишларни амалга оширдилар. Аспирантурага хотин-қизларни жойлаштиришга алоҳида эътибор берилди. Аёлларнинг илмий ишларини кўриқдан тикиши ва оммалаштиришга ҳаракат қилинди. Масалан, Самарқанд бўлимида Тўмарисдан тортиб бугунгача бўлган машҳур маърифатпарвар аёлларимиз ижодий фаолияти, ҳаёти ўрганилиб, улар ҳақида асарлар ёзилди. Туроннинг машҳур аёллари мавзуида китоб чоп этилди. Биз шунга амин бўлдикки, энг асосийси уюшмани ташкил этишдан. Эндиликда уюшма олий маълумотли аёллар халқаро уюшмалари федерациясига ҳамда бошқа хотин-қизлар ташкилотларига тўла ҳуқуқли аъзо бўлиб киришни мақсад қилиб қўйган. Бу борада ҳам маълум қадамлар ташланди. Уларнинг моддий таъминлаш учун қўшма корхоналар, фирмалар, банклар, акционерлик жамиятлари ва бошқа бирлашмалар тузиш ишларини ҳам кўзлашмоқда ва бу борада изланмоқдалар.

Сайёра Рашидова билан биз Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси полимерлар кимёси ва физикаси институтида учрашишга келишдик.

Пойтахтимизнинг марказида жойлашган беш қаватли улугвор бу бино ўзига хос архитектураси ва гўзаллиги билан киши диққатини ўзига тортади. Чор атрофининг яшилликка бойлиги, анвойи гуллари, сарвқад қайину мажнунтоллар билан бурканганлиги дилингизга ором бахш этади. Сайёра Рашидова ана шу сўлим илмий масканнинг пойдеворига дастлабки ғиштни қўйган ташкилотчилардан бири бўлгани билан фахрланади. Яна у машҳур адиб, арбоб Шароф Рашидовнинг қизи.

— Машхур кишининг фарзанди бўлиш осонми, қийинми? — сўрадим хонага қўйилган отасининг суратларини кўздан кечираётиб.

— Ҳам қийин, ҳам осон! Осонлиги шундаки, бирор ишга қўл урсангиз тез юришади. Қийинлиги шундаки, ҳамиша одамларнинг эътиборида, назарида турасиз. Масъулият елкангиздан бир дақиқа тушмайди. Ҳамиша ўзингизни «рамка»да ушлаб туришга ҳаракат қиласиз.

— Отангиз орқасидан фараҳли кунларни ҳам кўрдингиз, зулматли кунларнинг сувини ҳам симирдингиз, машхур одамнинг фарзанди бўлганингиздан бахтиёрмисиз?

— Ҳа, Отам билан фахрланаман. Отамга муносиб фарзанд бўлишни, эл ишончини оқлашни болалиқдан кўнглимга тугган эдим. Агар шунга мени маълум даражада эришган деб ҳисобласангиз, мен бахтиёрман.

Дастлабки дақиқаданоқ мулойимгина бу аёл мени билимдонлиги, ақлу заковати, кенг қамровли фикрлари билан ўзига жалб этди. Уни билганлар ўзбекча гапиролмайди, руслашиб кетган дейишар эди. Биз эса фақат ўзбек тилида суҳбатлашдик. Кейинчалик эса «Олималар» уюшмаси ҳамкорлик қилаётган Билстон коллежи директори Барбара Сузерланд хоним билан инглиз тилида бемалол суҳбатлашаётганининг гувоҳи бўлдим.

Чуқурроқ кузатсангиз Сайёра опанинг ҳаёти ўз даври билан шу қадар пайванд бўлиб кетганки, назаримда опанинг ютуғи ҳам шунда, ўз замонасининг фарзанди эканлигида.

Абадий ва ўткинчи ҳодисалар доимо тўқнашиб турадиган бугунги кунда Сайёра Шарофова шахсияти, бой маънавий дунёси замоннинг қай жиҳатларини ўзида мужассамлаштиргани билан ҳам эътиборга молик ва қадрлидир.

Олима туғилиб улғайган давр рус тилини билишни талаб этарди. Чунки жаҳонга юз тутиш учун илм-фан оламининг ложувард денгизига чуқурроқ шўнғиш учун

аввало рус тилини билиш даркор эди. Олима рус тилида ўқитиладиган мактабга борди, рус тилида диплом шинни, номзодлик, докторлик ишини ёқлади. Рус тили олимга худди она тилидек эди...

Рус тилида ёқлаган бўлса-да, орзу-интилишларида — илмий изланишларида ўзбек деҳқонининг дарду армонлари мужассам эди. Пахтакорларни қийнаб келётган муаммога қўл урди. Экиладиган чигитнинг сифатини, чидамлилигини ошириш борасида илмий изланди. Ниҳоят чигитга кимёвий ишлов бериш йўли билан унинг сифатини ва табиатнинг турли хил инжикликларига чидамлилигини ошириш услубини кашф этди. Бу янгилик ўзбек деҳқонининг жонига оро киритди. Бу услуб уруғчиликнинг барча соҳасида тарғиб этилди.

Олима шахсий илмий изланишлари билан биргана шу тармоқнинг истиқболларини ҳам ўйлади. Уни ривожлантириш йўлларини, дастурларини ишлаб чиқиб, ўша пайтда юртбошимиз бўлмиш отаси Шароф Рашидовга тавсия этди. Синтетик ва табиий полимерлар кимёси ва физикаси бўйича кенг қамровли илмий-текшириш институти шуғулланадиган истиқболли дастурда фаннинг полимерлар соҳаси бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотларни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш мақсади белгиланган эди. Ҳатто қайси лаборатория ва бўлимлар бўлиши, қайси вуналишлар билан шуғулланиши, қандай техникалар кераклиги, уни қандай кенгликка жойлаштириш лозимлиги — барча-барчаси белгиланган эди. Отаси илм-фан соҳасидаги йирик физик ва кимёгар олимларни чақириб маслаҳатлашди.

Шундай қилиб, янги ташкил этиладиган институтга Сайёра Рашидова бош-қош бўлиб қолди. Аввало архитектор билан биргалашиб лойиҳа тузди. Сўнгра қурилиш бошлади. Институт тезкорлик билан қад ростлаб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси сафига қўшилди.

Ана шундай бир пайтда пахта иши бошланди. Республикада ўзаро ишончсизлик, таҳликали вазият, сиёсий танглик иқлими пайдо бўлди. Сайёра Рашидовани ҳам институт директорлиги лавозимидан олишди. У ўзини йўқотмади. Яна далага, оддий одамлар орасига илмий изланишларини давом эттиргани чиқди. Ҳаёт опани ўша кунлари қайта синовдан ўтказди. У қалбан меҳнаткаш инсон эканлигини яна бир бор исботлади.

— Чуқур руҳий кечинмалар кечганда қўли қадоқ, қалби қайноқ, соддадил кишилар, қалбан меҳнаткаш кишилар менга куч, илҳом, руҳият бердилар, — дейди самимийлик билан опа, — ўша кунлари отам ўзбек халқига руҳи яқин ёзувчи бўлганилигини, қўли қадоқ халқимизнинг тақдир ва қисматига ёндош, унинг бахтига қуйинчак, ташвишларига шерик, мусибатига қайғудош эканлигини, оддий халқимизнинг юрагига кириб борганини сездим. Кимдир, отамни ўзимизнинг адиб деб ардоқлади, кимдир ёрдамини эслаб, миннатдорчилик билдирди, кимдир учрашувлардан катта руҳий мадад олганлигини орзиқиб, энтикиб эслаб гапирди.

Ана шунда мен чуқур бир ҳақиқатни — аждоқлардан авлодларга узвийлик, муштараклик, ворисийлик, давомийлик бўлиши кераклигини англадим. Зўр бериб ўзбек тилини ўргана бошладим.

Одам боласи бир-бири билан муросаю мадора қилиб яшаши мумкин, бироқ инсон экан, инсоний хислатлар унга ёр экан, ҳеч қачон бир хил фикрлай олмайди.

Республикамизнинг руҳияти, одамларнинг тақдири мени ҳаяжонга сола бошлади. Давомийлик билан бирга бирдамлик кераклигини ўшанда англаб етдим. Менда республика олима аёлларини бирлаштириш, уларнинг ақл-заковатидан, илмий салоҳиятидан ўз ўрнида фойдаланиш лозим, деган бир фикр уйғонди.

Зеро, ижтимоий-сиёсий барқарорликка эришилган мамлакатдагина иқтисодиёт баравж ривожланади, юрт ободлиги, халқ фаровонлиги йўлидаги саъй-ҳаракатлари кўзланган натижаларни беради.

Сайёра Шарофовнанинг суҳбатини тинглар эканман, қалбан меҳнаткаш одам ана шундай ўзини ботиний мураккаб саволларга тутуди, ҳар қандай вазиятда нурли нуқталарни излайди, интилади, ишлайди, деган фикрлар кечади кўнглимдан.

Баъзи одамлар лоқайдлик билан иш қиладилар, ишни яхши уддалаганларида ҳам мажбурият юзасидангина бажарадилар ва яшайдилар.

Сайёра Рашидова ўзи шуғулланаётган ишни жони дилидан севади. Изланишсиз, меҳнатсиз, фаолиятсиз тура олмайди. Яна шунга амин бўлдимки, қалбан меҳнаткаш одамлар бир-бирларини ҳамisha танийдилар, бир-бирларининг тилини, дилини тушунадилар, бир-бирларини қўллаб-қувватлайдилар, бир-бирига таянч-суянч бўладилар.

Сайёра опа Рашидова яна қайта институт директорлигига тайинланди.

Айни кунларда институт жамоаси полимерлар ва композицион полимер материалларнинг янги авлодларини синтез қилишнинг назарий асосларини яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш борасида катта ишларни амалга оширмоқда.

Оддий тил билан айтганда, ҳар хил ўсимликлардан турли хил дори-дармонлар олинмоқда. Ўсимликлар ҳимоясига зарур малҳамлар тайёрланмоқда. Чигит чиқитидан қоғоз олиш, товуш ва иссиқлик ўтказмайдиган, иссиқ ва совуққа бирдек чидамли полимер материаллар олиш технологияси яратилди.

Олиманинг умр йўлдоши — Мўминов Ахтам ака ҳам фан кишиси. Маърифатли оиланинг фарзанди. Ўғли техника фанлари номзоди.

— Сир бўлмаса, айтсангиз, шунча ишга қандай улгурасиз?

— Отамдан олган фазилатлардан бири шуки, вақтдан унумли фойдаланишга ҳаракат қиламан. Улар қиладиган ишларининг ҳар куни режалаштириб, ёзиб юр дердилар.

— Иш дафтарингиздаги режалар, чизгилар иккинчи кунга ҳам ўтадимиз?

— Деярли йўқ.

Мен касбим тақозоси билан Сайёра Рашидова билан кўп бора учрашдим. Дастлабки таассуротларим борган сари нурланиб, тўлқинланиб борди. Ҳар сафар иш услубида аниқлик, феъл-атворида самимият, илмий салоҳиятида эса янги-янги қирраларни топгандек бўламан. Бир аёл бўлса шунчалик бўлар-да. Олиманинг ўтмишига, кечмишига, бугунги режаларига назар ташлаб, порлоқ Ватанимдан битта нишон бу, дегим келади.

Биз ушбу очеркимизда академик Сайёра Рашидова фаолиятининг бир йўналиши ҳақида ҳикоя қилдик. Истиқлол берган шарофат — Ўзбекистон Республикаси омулдсмани сифатидаги фаолияти ҳақида ҳикоя қилиш у алоҳида бир мақола. Вақти келиб, Истиқлол берган хурлик, ҳуқуқий имкониятлар ҳақида ҳам ҳикоя қиламиз.



## МАЪНАВИЯТ ҚАСРИ

Янги аср босиб ўтган изларни таҳлил қилишга ва уни англашга даъват этади. XX асрнинг чўққисида ўзбек халқи қарамликдан озод бўлди. Юрт озодлиги, тил озодлиги, дил озодлиги Истиқлол бирла қалбларга, шуурларга нур бўлиб, сурур бўлиб йўғрилди. Ўзбек халқи ўзлигини таниди. Зеро, тарих учун қисқа бўлган ўн олти йил халқимиз учун хатарли ва зафарли йиллар бўлди. Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамияти эътироф этди. Иқтисодий-маърифий ҳаётимиздаги ўзгаришларга ишонч билдирилди. Истиқлол шарофати билан Имом Бухорий, Нақшбандий, Мотуридий, Марғиновий, Жалолиддин Мангуберди каби алломаю саркардаларимизнинг номи тикланди.

Миллий кадриятларимиз элимизга қайтди. Қадимий қадриятларимиз асосида маънавий ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялашга эътибор кучайди. Шунинг учун ҳам Истиқлолнинг илк йиллариданоқ, мамлакатимизда маънавий баркамол авлодни тарбиялаш масаласи умумхалқ ҳаракатига айлантирилди.

XVI аср остонасидаги Олий Мажлиснинг IV сессиясида Президентимиз халқни жипсликка даъват этди. Ушбу мақсадларни кўнгилга туғиб меҳнат қилишга, илм оқлашга, дунёни танишга, ўзлигимизни англаб етишга, турурли халқ бўлишга ундади. Ўзлигини англаган ҳам аввало Ватанинг келажаги бўлмиш болаларини авайлайди. Фарзандларни дунёга келтириб, унга катта жисмоний ва маънавий куч сарфлайдиган Онани авайлайди. Бу тажрибани кишилик тарихини, дунё тарихини таҳлил қилсак ҳам англаш мумкин. Олдинги минг йиллик арафасида Пайгамбаримиз оналарнинг қаддини, кадрини тиклашга қаратилган кўплаб аъмолларни амалга оширган эдилар.

Учинчи минг йиллик остонасида миллий ва умуминсоний қадриятлар муштараклигида оиланинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаб, баркамол авлодни тарбиялаш масаласи умумхалқ ҳаракатига айлантирилди. Илм аҳли учун миллий қадриятларни тиклаш ўта долзарб муаммога айланди. Чунки, бозор иқтисодиётига асосланган янги маънавият қасри — миллий истиқлол тояси қайтадан бунёд этилмоқда.

Педагогика фанлари доктори, профессор Ойниса Мусурмонова ушбу улугвор ишга ўзининг муносиб улушини кўшишга интилиб келмоқда. Олима 1990 йилда педагоглар ичида биринчилардан бўлиб, ўқувчи ёшларни миллий қадриятлар воситасида маънавий баркамол қилиб тарбиялаш масаласини тадқиқ эта бошлади. Ва бутун умрини ана шу катта эътиборга молик ва муқаддас вазифага бағишлади. У олима, она, жамоатчи фаол аёл ва бека сифатида бутун куч-қувватини ушбу эзгу ишга йўналтирди.

— Ойниса Мусурмоновна, нега сиз айнан миллий қадриятлар воситасида ёш авлоднинг маънавий маданиятини шакллантириш муаммоси билан шуғулланингиз?

— Чунки, ҳаётнинг бош мезони маънавият ҳисобланади. Маънавияти юксак инсон ҳар бир ишда ютуққа эришади. Зеро, ўзининг ва атрофдаги яқинларининг ва оила аъзоларининг хатти-ҳаракатларини, турмуш тарзини юксак маданият мезонлари асосида бошқаради. Қолаверса, маънавияти юксак жамиятда фаровонлик, барқарорлик, тинчлик ва осойишталик ҳукмрон бўлади. Юксак маънавиятли оилада фарзандлар комил инсон бўлиб шаклланадилар. Баркамол авлод эса нафақат ота-онанинг, оиланинг, балки жамиятнинг келажаги ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мен маънавият муаммосини педагогика фанининг илмий тадқиқот объекти деб биламан. Шунинг учун ҳам ушбу масаланинг педагогик қирраларининг тарбиявий аҳамиятини тадқиқ этишга қарор қилдим.

Миллий қадриятлар эса ёшлар маънавиятини шакллантиришнинг асосий ғоявий пойдевори ҳисобланади.

— Маънавий қадриятлар жуда кенг маънога эга. Сиз ушбу масаланинг қайси жиҳатларига алоҳида эътибор бердингиз?

— Дарҳақиқат, маънавий қадриятлар мазмун ва моҳиятига кўра жуда кенг. Унинг тарбиявий аҳамияти эса ниҳоятда катта. Ушбу муаммо собиқ совет даврида фақат файласуф олимлар томонидан фалсафий муаммо сифатида талқин этилган, холос. Ваҳоланки, у педагогика фанининг ҳам илмий тадқиқот объекти ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам биз маънавий қадриятларни амал қилиш қамровига кўра умуминсоний ва миллий, мазмунга кўра маънавий-ахлоқий ҳамда моддий қадриятлар сифатида талқин этдик. Педагогика фанида илк бора маънавий маданиятни мазмун ва моҳиятига кўра ақлий, ахлоқий, иқтисодий, диний, эко-

логик ва эстетик каби таркибий қирраларини, йўналишларини илмий асослашга ҳаракат қилдик. Инсониятнинг пайдо бўлиши билан вужудга келган моддий ва маънавий эҳтиёжи туфайли кундалик турмуш тарзига айланган, асрлар давомида ҳаётда ўз ўрнини топиб, сайқалланиб келаётган моддий ва маънавий нарса ва ҳодисалар, хулқ-атвор нормалари қадриятлар ҳисобланади.

Улар ахлоқ-одоб қоидалари, мутафаккирлар мероси, тарихий обидалар, халқ оғзаки ижоди намуналари, халқ санъати, ҳунармандчилиги анъаналари, урф-одатлари ва бошқаларни ўз ичига қамраб олади.

Биз айнан ўша қадриятларни тасниф этдик, тарбиявий жиҳатларини илмий педагогик жиҳатдан очиқ беришга ҳаракат қилдик.

Ҳа, Ойниса опа мустақилликнинг илк давларида ноқ давлат сиёсатининг устувор фаолият йўналишларидан бирига айланган комил инсонларни тарбиялаш масаласини илмий-назарий тадқиқ этиш билан бир қаторда уни олға сурган ғояларни мамлакатимиз таълим-тарбия амалиётига кенг татбиқ этишга интилиб келмоқда.

Олиманинг чоп этилган 200 га яқин илмий ишлари, 500 дан ортиқ республика ва халқаро анжуманларда ўқиган маърузалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибияти мудирини, Республика «Оила» илмий-амалий маркази директорини, Ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси бошқаруви раиси, I ва II Чақириқ Олий Мажлис депутати, Олий Мажлиснинг ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси, фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари, «Ойдин ҳаёт» Республика соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш Маркази раҳбари, Низомий номидаги ТошДПУ ва ЎзДЖТУдаги профессорлик фаолияти орқали амалга ошириб келаётган ишлари фикримизнинг далилидир.

Ойниса опанинг «Ўқувчилар маънавий маданиятини шакллантириш», «Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси», «Оила маънавияти — миллий гурур» каби монографиялари, 7-, 8-, 9-синфлар учун ҳаммуаллифликда ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, туркман ва тожик тилларида бир неча маротаба қайта чоп этилган «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» дарслик ва дастурлари, шунингдек, ўнлаб рисоалари, услубий қўлланмалари республикамиз педагог-олимлари, амалиётчи-ўқитувчи, тарбиячилар, ёшлар ва кенг жамоатчиликнинг сеvimли китобларига айланиб қолган.

Ойниса опа ўзбек педагогикаси ютуқларини Туркия, Руминия, Германия, Белгия, Англия, Ҳиндистон, Швеция, Россия ҳамда МДҲ мамлакатларида бўлган анжуманларда ўз маърузалари билан тарғибот қилган фидойи инсондир.

Биз Ойниса опани яна саволга тутамиз.

— Сизни илмий жамоатчилик педагог, файласуф, психолог олимларга ҳамкор серқирра олима сифатида билишади, тан олишади. Бу сизнинг қизиқишингизми ёки тасодифлар, мажбуриятлар туфайли вужудга келган баҳоми?

— Аввало бу педагогика фанига бўлган қизиқиш, уни барча йўналишларини илмий билишга бўлган интилиш. Иккинчидан, меҳнат фаолиятининг таркибий қисми сифатида амалиётни илм билан боғлаб олиб бориш эҳтиёж ҳисобланади.

Дарҳақиқат, О. Мусурмонова ўқувчи ёшлар маънавий маданиятини шакллантириш, оилада тарбия, маънавий қадриятларнинг тарбиявий имкониятлари, соғлом авлодни тарбиялаш, хотин-қизлар масалалари, соғлом турмуш тарзини шакллантириш каби илмий йўналишларда узоқ йиллар давомида тадқиқот ишлари олиб бормоқда. Педагогика, психология, фалсафа, тарих фанлари бўйича фан доктори ва фан номзоди илмий даражасини олиш учун мазкур йўналишлар бўйича

тайёрланган тадқиқотларга расмий оппонентлик қилиб келмоқда.

Ингирмага яқин олим ва олималарнинг устози, яқин маслакдоши, маслаҳатчиси.

У узоқ йиллардан буён тарбия назарияси, умумий педагогика, педагогика ва таълим тарихи ихтисослиги бўйича фан номзоди ва фан доктори илмий даражаларини берадиган ихтисослаштирилган илмий Кенгаш аъзоси сифатида ҳам мамлакатимизда илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ишига ўзининг муносиб улушини қўшиб келмоқда.

Ойниса опа зиёли оиланинг фарзанди, меҳрибон рафиқа, ўқимишли фарзандларнинг онаси ҳамда буvisи. У кишининг оиласида 4 олим ва олима, яъни иккита фан докторлари, профессорлар, битта фан номзоди ва битта аспирант етишиб чиққан. Ушбу оила Мустақил Ўзбекистонимиз тараққиётига ўзларининг муносиб улушларини қўшиб келишмоқда.

М. Мусурмонова суҳбатимиз сўнгида шундай дейди: Янги аср глобаллашув, информатика ва компьютер асри бўлади, дейишмоқда. Дарҳақиқат, мамлакатимиз истиқболи фарзандларимиз келажагига боғлиқ. Улуғвор ва мақтовга сазовор Миллий истиқлол ғояларини қалбига жо қилган ёшларимизнинг саъй-ҳаракатларига, самарали фаолиятига боғлиқ. Янги аср диёримиз фарзандлари учун буюклик асри, Ватанимиз учун юксалиш юз йиллиги бўлишига ишонамиз. Зеро, халқ қатъияти, масрур одимлар ана шундан дарак бермоқда.



## ОНА ТИЛИМИЗ — МИЛЛАТИМИЗ ҚИЁФАСИ

Профессор Мақсуда Содиқова яшайдиган тўрт қаватли уй Тошкентдаги академиклар шаҳарчасида баҳаво истироҳат боғи — Улуғбек майдони яқинида

жойлашган. Бу уй бир қараганда ён-атрофдаги худди шундай тўрт қаватли уйлардан сира фарқ қилмайди. Умумий кўриниши ҳам, олд ва ён-атрофдаги дарахтлар ҳам, йўлаклар ҳам, болалар майдончалари ҳам бир-бирига ўхшаш, бири-бирига уйқаш.

Эрта тонгданоқ эркагу аёллар ишга, кичкинтойлар эса пилдираб мактаб, боғчага йўл олишади. Кундуз кунлари ҳамиша бу уйларда сокинлик ҳукм суради. Кечкурунлари эса бу ерларда қандайдир тантанавор руҳ кезади. Чор-атроф ўғил-қизчаларнинг қийқириқларига тўлиб кетади. Деразалардан турфа оҳанглар, куй-қўшиқлар таралади, ҳаводан турли хил овқат ҳиди димоққа урилади. Хўроз ҳамма жойда бир хил ва бир пайтда қичқиради дейишганидек, бу уйларда ҳам кунлар ва тунлар худди шундай бир тарзда кечади. Бироқ, сиз улар билан, ўша хонадон эгалари билан яқинроқдан танишсангиз, ҳар бир хонадон, ҳар бир инсон ўзига хос бир хилқат эканлигини ҳис этасиз. Бир янгиликка, улғувор мўъжизага дуч келганлигингизни биласиз.

Мақсуда Содиқова ва уларнинг тилшунос олима ўртоқлари билан танишганимда, учрашганимда беихтиёр ана шу хаёллар кечди юрагимдан.

Мақсуда Содиқованинг курсдошлари бугунги кунда касбдошлари ҳамда қўшнилари экан. Улардан бири — филология фанлари номзоди, доцент Сайёра Низомиддинова билан суҳбатлашдим.

— Сайёра опа, Республикамизда юздан ортиқ профессор аёлларимиз бор. Тилшунос аёллар орасида фан номзодлари кўп-у, бироқ профессорлар деярли йўқ. Бунинг сабаби нимада деб ҳисоблайсиз?

— Тил математика каби аниқ фанларга ўхшаб кетади. Алишер Навоий даврида ҳам худди шундай эди. Ҳозир ҳам шундай. Яъни тилимизнинг грамматик қурилиши деярли ўзгармади. Лексика нуқтаи назардан катта ўзгаришлар мавжуд. Ана шу ўзгаришлар ўзбек тилимизни ўрганишда анчагина қийинчиликлар туғдиради.

Қолаверса аёл киши ҳам оилани, ҳам илмий-ижодий ишларни биргаликда олиб кетиши қийин. Бунинг учун катта куч ва ирода лозим. Бизнинг аўстимиз Мақсудахон опамлар бу борада кўпларга намуна бўладилар.

Дарҳақиқат, Сайёра опа таъкидлаганларидек, намунали ҳаёт кечириш, эл эъзозлаган аёл бўлмоқ учун Мақсуда опа кўп куч-ғайрат сарфлади. Яхши кунларга муҳаббатини нисор этди. Фамли кунларга иродасини қалқон қилди. Ўзини фанга, дўстларига, яқинларига фидо қилиб яшади. Меҳр кўрсатди, меҳр топди. У босиб ўтган йўллар, интилишу изланишлар Мақсуда опани фақат юксакларга чорлади.

— Даствлабки илмий ишингиз қайси мавзуга бағишланган эди? Илмий изланишларингиздан кўнглингиз тўлдими? — сўраймиз опадан.

— Ҳа, саволингиз жуда ўринли. Инсон фанга чуқур кириб борган сари ўзини ҳеч нима билмайдигандек ҳис қилар экан. Бундан 25 йил муқаддам «Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида ранг-тус билдирувчи сўзлар» мавзуида номзодлик ишимни муваффақиятли ҳимоя қилдим. Илм йўлидаги даствлабки қадамларимда профессорлар Собиржон Иброҳимов ва Аюб Гуломовнинг кўмаги беқиёс. Одатда даствлабки муваффақият инсонни маънан юксалтиради, унга илҳому ижодий кайфият бағишлайди. 1970 йилда профессор Аюб Гуломов раҳбарлигида катта ишга қўл урдим. «Ўзбек тилида феъл стилистикаси» мавзуида ижодий изланишлар олиб бордим. Бу менинг докторлик ишим эди. Шундан сўнг газета ва журналларда тилимиз ривожига бағишланган илмий ва илмий-оммабоп мақолаларим кетма-кет эълон қилина бошланди. Илмий изланишлар ўз самарасини кўрсатди. Мақолалар рисоаларга, рисоалар эса китобларга айланди. «Ўзбекча-русча мақол ва маталлар лугати», «Русча-ўзбекча фразеологик лугат», «Нутқ этикаси», «Ҳозирги ўзбек тилида сифат», «Ўзи ҳам ширин, сўзи ҳам ширин»,



«Сўздан сўзнинг фарқи бор» каби ўнлаб илмий асарларим бирин-кетин нашр этилди, — дейди олима. Шунингдек Мақсуда Содиқова беш томлик «русча-ўзбекча луғат»нинг яратилишида ҳам фаол иштирок этди.

1966 йилда ва 1975 йилда нашр этилган ўзбек тилининг тўла грамматик дарсликларида бир неча бўлимларни ёзиб, ҳаммуаллиф сифатида қатнашди.

1972 йили ўзбек тили тарихида биринчи марта «русча-ўзбекча фразеологик луғат» яратилиб, китобхонлар эътиборига ҳавола этилди.

Аслида келажакка пойдевор оилада, ёшлиқда қўйилади. Мақсуда опага тилшунос олима бўлишида болалигидаги муҳит, қизиқишлари туртки бўлган, десак асло янглишмаймиз.

Мақсуда опанинг ютуқларида илму фанга меҳр беришида оналари тўқсон билан тўқнашиб боқий оламга ўтган Муҳаббат аянинг ҳиссалари катта. Табаррук онахон ўзлари бошланғич саводлари чиққунча отинойида ўқиганлар. Бироқ, илмни қадрлаган, қалбан зиёли аёл эди. Шунинг учун ҳам еттовлон фарзандларининг бари олий маълумотли. Қизларининг иккаласи фан докторлари, профессор.

Бугунги кунда Мақсуда ая ва Шоназар ака авлодлари орасида энг ёши улуғи, табаррук десак бўлади. Фарзандлари уларни бошларига қўйишади, қариндош-уруғ, қўни-қўшнилар даврасида катта ҳурмат-эътиборга эга. Набира, эваралари атрофидан кетишмайди. Уйларида меҳмон аримайди. Байраму тантанали кунларда совға-саломлар ёғилиб кетади. Ёшу қари онахону отахонни зиёрат қилгани келишади. Дуоларини олишга шошилишади. Бу бежиз эмас. Чунки пиру бадавлат бўлиб, нуроний бўлиб қўша қариш барчага ҳам насиб этавермайди. Бу ёшлиқда обрў-эътибор тўплаб, намунали ҳаёт кечирганликларининг, гўзал фазилатларининг самараси албатта. Мақсуда опа болалик чоғларида, узоқ қиш тунларида танча атрофида

жамулжам бўлишиб, онаси — Муҳаббат аядан «Ал-поминш», «Маликаи айёр», «Кунтуғмиш», «Гўрўғли» каби халқ дostonларини севиб тинглар эдилар. Ўшанда жуда-жуда таъсирланарди. Онаси айтган қизиқ-қизиқ сўзлар, мақол ва маталларни эсда сақлаб қолишга ҳаракат қиларди. Шоира бўлишни, ижодкор бўлишни орзу қиларди. Онасининг халқ оғзаки ижодини жонлидан севиши аста-секин Мақсуда опага кўчди. У халқона тилга жуда эътибор берарди. Тўйхонаю меҳмондорчиликларда, эл ичида юрганида, одамлар оғзидан бирор «теша тегмаган» сўз, ибора, мақол, матал ва нақлларни эшитиб қолса, эринмасдан ён дафтарчасига киши билмас ёзиб оларди. Газета, журнал, китобларни қалам тегизмасдан ўқий олмасди. Тома-тома кўл бўлур, ирмоқлар йиғилиб дарё бўлур деганларидек, бугунги йирик-йирик китоблар ана шу йилларнинг маҳсули десак арзийди.

Мақсуда Содиқова олима бўлиш билан бирга моҳир таржимон ҳамдир. У болалар адабиётига оид кўплаб асарларни: рус, немис ёзувчиларининг, Болтиқбўйи халқлари асарларини ва ҳинд халқ эртакларини ҳамда техник асарларни ўзбек тилига таржима қилган. Шунингдек, кичкинтойларга бағишлаб ёзган ҳикоя ва эртаклари болалар журналларида, газеталарида эълон қилинган.

Умр оқар дарё дейдилар. Бу дарё ўтган йўллар инсон ақлининг, шуурининг шуъласи билан мунаввар бўлса, ҳаётбахш гуллардай жаннатий боғлар каби обод бўлса қандай эзгу бахт ахир!

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг тил ва адабиёт илмий-текшириш институти остонасида лаборант бўлиб иш бошлаган Мақсуда Содиқова бугун профессор, тилшунослик соҳасида энг йирик олималардан бири ҳисобланади. «Қанот жуфт бўлса, парвоз баланд бўлади» дейди халқимиз. Мақсуда опанинг мустаҳкам қанотларининг бири меҳнат, изланиш бўлса, яна бири ёстикдоши, сафдоши, йирик аллома, академик Шо-

назар Шоабдурахмоновдир. Шунингдек, Барчинойдек гўзал ва ақлли, илмпарвар чироқлари — қизлари, набиралари бор. Қизларининг бари зиёли. Нодираси эса ота-онаси изидан бориб илму фан йўлини тутди. Айни вақтда физика-математика фанлари номзоди. Бугунги кунда невараларидан уч нафари олий маълумотли бўлиб, фан оламига қадам ташлади. Катта невараси Зулхумор Қосимова Низомий номидаги педагогика университетини битириб, ушбу олий таълим даргоҳида фаолият олиб борапти. Бекзод Абдухайрихонов Тошкент қишлоқ хўжалиги университетини тугатиб, Америкада илмий изланишларини давом эттирмоқда. Акмал Фатхуллаҳжаев Тошкент Давлат шарқшунослик институтида таҳсил олган. Ҳозир кўшма корхонада таржимонлик қиляпти.

Тилшунос олима Сайёра опа Низомиддинова тилшунослар оиласи ҳақида шундай дейди: «Мақсуда опа ҳақида гапирганда аввало уларнинг ишларига яқиндан ёрдам берган академик Шоназар Шоабдурахмоновнинг хизматларини алоҳида таъкидлашни истардим. Шоназар ака фикри ёрқин замондошимиз, баркамол инсон, заҳматкаш тилшунос олим. Унинг фанга фидойилиги, изланувчанлиги Мақсуда опани ҳам тарбият қилди.

Улар ҳамиша бир-бирига илҳом бериб, руҳият бериб, фикр бериб яшадилар. Ана шу аҳиллик туфайли улар тилшуносликка, ўзбек тилига муносиб ҳисса қўша олдилар.

— Мана, бутун умрингизни фанга, она тилимининг равнақига бағишладингиз, ўтган умрингиздан мамнунмисиз? — сўраймиз Мақсуда опадан.

— Агар ҳаётимни қайта бошлаш керак бўлса, сўзсиз яна ўша ўзим севган касбни танлаб, шу соҳа кетидан кетган бўлардим. Тил бу миллатнинг қиёфаси. У меҳрингни ҳам, бепарволигингни ҳам сезади. Уни эъзозлаш улуғ ва муқаддас Ватанни, туғилган уйингни, жон фидо онангни эъзозлаш демакдир. Уларни севмасдан бўлармиди?! Олов йилларини, яъни серзавқ

ва кайноқ изланувчан ёшлигини берган ишини одамзод эътиборини ҳисоблайди, юракка яқин олади. Аслида она тилини эъзозлашдан муқаддас иш борми?! Айниқса, Ўзбекистон мустақил бўлиб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгандаги қувончларимни ифодалашим керак. Ўзбек тили — она тилимиз, унинг равнақи юрт равнақи ахир. Илоҳим ўзбек тили ўзлигини йўқотмасин, ўзбеки бўлсин!

Ниятингиз элимизнинг доимо йўлдоши бўлсин. Мақсуда опа, Она бўлиш катта масъулият, ижодкорлик иккинчи улуғвор иш. Шу иккала юкни уйғунлаш кетиш осон эмас. Бу борада ёшларимизга ўғитларингиз.

— Юлдуз Усмонованинг «Қоп кўтариб юрган аёллар» кўшигини эшитсам, эзиламан. Бизнинг гулдек аёлларимизга ҳеч ярашмайди. Бу ёқда бола тарбияси ҳам излан чикади. Ахир камига қаноат қилиб, ҳалол йўл билан ҳам пул топса бўлади-ку! Ёшларга маслаҳатим: намини ёшликда эгаллаш ва касбга садоқатни асраш керак. Буларнинг бари инсоннинг сабр-қаноатли бўлишидан бошланади. Ёшларга ҳамиша сабр-тоқатли бўлишни ўрганинг дегим келади.

Дарҳақиқат, Мақсуда опа суҳбатихон, у кирган савралар яшнаб кетади. Муаммолар осонгина ечилади. Дарди чехраларга табассум қўнади. Кишининг гузаллиги тилидан билинур, деган қадимий ҳикматни келатади, беихтиёр.

Мақсуда опа ҳамон изланишда. Ҳозир «Ўзбек олималари» китобини ёзаяпти. Замонга лаббай деб жавоб бериб, «ўзбекча-русча-инглизча» луғатни тузиш борасида ишляяпти. Келажакда уч тилли фразеологик луғат тайёрлашни ҳам кўзляяпти.

Ҳа, Мақсуда опанинг иши кўп, ташвиши кўп. Ана шу улуғвор ташвишларидан ортиб, қариндош-уруғлардаги, дўст-ёронларнинг тўй-томошаларига, меҳмон-изломга ҳам вақт топади. Қуда-андалик, кайноналик бурчларини ҳам ўрнига қўяди. Набира-

ларини эркалатиб, яйратади. Шундай кезларда ўзи ҳам яйраб, ҳаётдан шукроналик ҳиссини туяди. Унинг чехрасида минг-минглаб оддий ўзбек зиёли аёлининг тимсолини кўрамиз.



## ЭЛИМИЗ — МАТЕМАТИКЛАР ЮРТИ

Халқимизда қадим-қадимдан кексалар иззат-ҳурмат қилинган. Ёшларга эса зўр эътибор билан қаралган. Зеро, бусиз ёрқин келажак ва буюк давлатни қуриб бўлмайди.

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг математика институтида бўлиб ўтган халқимизнинг ана шу гўзал анъаналарига монанд тантана — юбилейда қатнашиб, табаррук онахон, физика-математика фанлари доктори, профессор Маҳзума Тўлаганова билан танишганимда бунга яна бир бор амин бўлдим. Ўшанга ҳам кўп йиллар бўлди.

Маҳзума Тўлаганованинг илмий кашфиётига машҳур олимлар билдирган фикрларини кўздан кечириётимиз, айниқса физика-математика фанлари доктори, Литва Фанлари Академиясининг академиги, Кубилюснинг бир жумласига эътибор бердим: «Менинг назаримда сиз хазина топгандайсиз».

Бу баҳода катта ҳаётнинг улуғвор бир ҳақиқати ётгандай туюлади. Ахир илмнинг ўзи хазина. Хазинанинг ичидан хазина топмоқ — бу кашфиёт эди. Олима сонлар назарияси муаммоларига янгича нуқтаи назардан ёндошиб, сонлар назариясидаги Хуа Ла Ген муаммосини ечишга муваффақ бўлди. Сонлар назариясидаги масалалар кўринишдан жуда оддий туюлади, лекин уларни ечиш жуда мураккаб! Маҳзума ўз тадқиқотларида сонлар назарияси соҳасида тамомила истиқболли янги йўналиш кашф этди. У сонлар назарияси муаммоларига янги нуқтаи назардан ёндошиб, сонлар

назариясидаги Хуа Ла Ген муаммосини тўлиқ ҳал қилди. Гольдбах-Эйларнинг бинар проблемаси ва эгизаклар муаммосининг ечимини топишга яқинлашди.

Бу билан Гольдбах-Эйлар муаммосининг янги, енгил исботини топди. Шу билан бирга олима туб векторларнинг бутун сонлар занжиридаги тақсимоти назариясини яратди. Бу йўналиш йирик мутахассислар томонидан истиқболи порлоқ, фандаги янги йўналиш, деб тан олинди.

— Маҳзумахон билан биз фахрланамиз. Марказий Осиёда ўзбек-хотин қизларидан чиққан биринчи физика-математика фанлари докторидир, — дейди Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги Маҳмуджон Салоҳиддинов.

Олима узоқ изланишлар жараёнида ўзлигини ҳам топди. Ҳаёт гилдирагининг айланишида яхши одамларнинг ғойибона муштараклиги, ҳалоллик ва тўғриликнинг енгилмас ва жаҳоний устуворлигига имон келтирди, шу йўлдан бораётганларга эргашганлигидан қувонди ва шукроналар айтди.

Ўтган шу олис, армонли, аммо мардонавор ҳаёт йўлида илмий фаолияти жараёнида у жаҳонга таниқли олимлар Виноградов, Левин, Постников, Биридикхин, Карадуба, Саримсоқов каби алломаларнинг эъзоз-эътиборига сазовор бўлди.

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги Саъди Сироҷиддинов, Маҳмуд Салоҳиддинов, Тўхтамурод Жўраев каби ўзбек фанининг жонкуярлари билан ёнма-ён ишлаш бахтига муяссар бўлди.

Олима ўз илмий иши йўлида, ҳаёт сўқмоқларида яхшиларга эргашибгина қолмади, балки улар назарида, қалбан илм кишиси, оддий ўзбек аёлининг тимсоли сифатида ҳам намоён бўлди.

Маҳзума ая Тўлагановани Америка математиклари жамиятида ҳам яхши билишади. У хорижда ўзимизда чоп этилган мақолалари орқали танилди ва «Математик ревью» журналининг референтлигига таклиф этилди.

Олима узоқ йиллар хорижлик касбдошлари жўнатган мақолаларни ўқиб, ўз фикрини билдириб турди. Улар билан мулоқоти беиз кетмади. Олима Америка математиклари жамиятининг аъзолигига қабул қилинди.

Маҳзума аянинг илмий ишлари айниқса истиқлолдан кейин янада оммалашди. Унинг илмий мақолалари Япония, Нидерландия, Венгрия, Россия, Литва нашрларида чоп этилди. Олима Венгриянинг «Акта математика» журналарида мақола сўралган мактуб олди ва улар М. Тўлагановани «Планетар» халқаро жамиятига қабул қилиш ниятлари борлигини билдириб, ундан розилик сўрашди.

Тиниб-тинчимас олима ҳозирги замон сонлар назариясининг кўп тармоқларида қўлланиладиган актуал масалалар билан, яъни арифметик функциялар қийматлари ва векторларнинг асимптотик тақсимоли масалалари билан шуғулланди. Масалан: арифметик функциялар қийматларининг асимптотик тақсимоли, туб сонлар тақсимоли назариясида, аддитив масалаларда, эҳтимолли сонлар назариясида, кўп каналли алоқалар масалаларида ва бошқа соҳаларда қўлланиб келинмоқда.

Маҳзума аянинг дастлабки илмий изланишлари алгебраик сонлар майдони Гольдбах-Эйлар муаммосига бағишланган эди. Олима Чудаков, Левин, Ван Юань, Виноградов ва бошқа математикларнинг бу масаладаги олган натижаларини ихтиёрий алгебраик майдон учун исботлади. Олима Левин билан ҳамкорликда илмий изланишлар олиб борди. Америка математиги Брауэр ва Виноградов томонидан исботланган «Рус академиги Брауэр Виноградов формуласи» деб аталувчи формулани янги ва осон усулда исботлади.

Шунингдек, у туб векторларнинг бутун сонли панжарадаги тақсимоли масаласи устида илмий изланишлар олиб борди. Хуа Ла Ген муаммосининг махсус моҳияти тўлиқ ечимини топди. Яна олима Файнлейб билан ҳамкорликда туб векторларнинг бутун

сонли панжарадаги тақсимоли учун асимптотик ёйилмасини олишга муваффақ бўлди ва уни такомиллаштириб, йиғиндининг асимптотикасини Халас теоремаларини кенг маънода яхшилади, умумлаштирди.

Олима аддитив арифметик функциялар қийматлари тақсимоли масалалари устида ҳам илмий тадқиқотлар олиб борди.

Тўлаганова шогирдлари билан бирга туб векторларнинг бутун сонли панжарадаги тақсимоли назариясини интенсификация ривожлантирди. Институтда сонлар назарияси бўйича шаҳар семинари ташкил этилган бўлиб, унга ая узоқ йиллар раҳбарлик қилди. Семинарда республикадаги барча олий ўқув юртларининг математиклари ва талабалари йиғиларди. Бу ерда мулоқотлар, баҳслар қизгин ўтарди. Шундай пайтларда юртимизда ал Хоразмий, Беруний, Форобий каби алломаларимиз руҳи кезиб юрганига ишонамиз. Зеро, институт мавжуд бўлганидан буён унинг илмий ишлари 27 та китобга жо бўлди. 62 та монография ва дарсликлар ҳамда 84 та илмий ишлари тўплами нашр этилди. Институт олимларининг бир қанча монографияси чет тилларига таржима қилинди ва жуда машҳур бўлиб кетди. Бу улуғвор ютуқларга опанинг ҳам улуши қўшилгани ойнадек равшан.

Маҳзума Тўлаганова дунё мамлакатларининг бир қатор олимлари билан мулоқот қилаётган мутахассис ва иккита китоб, эликдан ортиқ рисоалар ёзган олима бўлиш билан бирга катта серфайз хонадоннинг пиру-бадавлат бекаси ҳамдир. Олиманинг умр йўлдоши Боқижон Тўлаганов ҳам олим, тиббиёт фанлари номзоди. Диққат билан эътибор берсангиз бу оилани самимийлик ва ички бир ҳарорат бирлаштириб турганини ҳис этасиз. Маърифатли оилада фарзандлар ҳам зиёли. Дилдора шифокор, Ravshan муҳандис, Рустам эса илм-фан йўлида ота-онасининг ишини давом эттирмоқда. Энг катта қизлари Севара эса шоира! Унинг «Қора атиргул»,

«Аёллар ҳикмати», «Рухнома», «Анор донасидан тасбеҳим» каби китоблари чоп этилган.

Бу оила Тошкент шаҳрида ўтказилган оилавий танловларда ҳам қатнашиб, бир неча бора ғолиб бўлган. Йилнинг энг намунали оиласи номига муносиб сазовор бўлган.

Хулосамизда: «Қариси бор уйнинг париси бор», деймиз биз. «Гапингиз тўғри. Ҳар кексадан бир нақл», дейди Маҳзума ая ва Боқижон ака. Қўша-қариб, невараваралар даврасида пиру бадавлат ҳаёт кечириётган инсонларнинг ўғитларию дуоларига қулоқ тутсак, яшнаб кетамиз. «Тинчлик — энг олий неъмат!» Тинчлик бор жойда тараққиёт ҳам, эзгулик ҳам бўлаверади. Юртимиз омон, осмонимиз мусаффо, хонадонларимиз тўкин-сочин бўлсин. Истиқлолимиз истиқболига кўз тегмасин, — дея юртни алқаб, дуо қилади улар.



## СОҒЛОМ АВЛОД — СОҒЛОМ МИЛЛАТ

*Хотиралар, эсдаликлар, кунлар, ўтмишлар...*

*Шулар билан овунаркан гоҳида инсон.*

*Турфа-турфа келар экан шодлик-ташвишлар.*

*Юракларда қолдираркан ҳам завқ, ҳам армон.*

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли педиатрия илмий текшириш институти неонатология бўлимининг илмий раҳбари, Ўзбекистонда шу соҳанинг асосчиси ва ҳам амалиётда, ҳам илмда унинг ривожланишига улкан ҳисса қўшган тиббиёт фанлари доктори, профессор Матлуба Азимжонова шеърятда куйланганидек кўплаб армонли юракларга дармон бўлган, кўплаб аёлларнинг жонига жон, дардига малҳам бўлган фидойи инсон!

Келинг, яхшиси тушунтиришни бир чеккадан бошлайлик. Ўзбек болалари эртақлар оламида улғаяди.

Болалик кунларимизда, уйқусиз тунларимизда буви-ларимиз сўйлаган эртақларда «тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соату тўққиз дақиқа тўлиб, тўлин ойдек фарзанд дунёга келди», деган қиёсларни кўп эшитганмиз. Гибнётчилар тилида айтсак, демак, она вужуди бола учун маълум муддат мобайнида ўзига хос муҳит вазифасини ўтайди. Ана шу дунёнинг «қонун-қоидаларига» ўрганиб ўсган бола туғилиши билан ўзига маълум «қаршилиқ», яъни иккинчи бир дунё билан тўқлашади. Шунинг учун ёруғликка чиқиб, йиғлаб кўз очган чақалоқни янги экилган ниҳолга, гулга қиёслаймиз. У гулдек нозик, гулдек нафис, ниҳолдек эътиборга, парваришга муҳтож. Агар фарзанд муддатидан олдин туғилса-чи? Бу қарама-қаршилиқлар янада кучлироқ кечиши табиий. Бундай ҳолда парваришга муҳтож ниҳолга — гўдакка қандай тиббий ёрдамлар берилади?

Матлуба Азимжонова раҳбарлик қилаётган неонатология бўлими ана шу вазифа ва муаммолар билан шуғулланади.

Бўлим олиманинг ташаббуси ва жонкуярлиги туфайли бундан деярли ўттиз йил олдин ташкил этилган. Айни вақтида бўлим республикамизда соғлом авлод тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келаётганлиги кундай сезилиб турибди. Собиқ империя халқимизга жуда кўп муаммоларни мерос қилиб қолдиргани барчамизга маълум. Уларни санашнинг ўзигагина анча муддат керак. Аёлларимиз орасида кенг тарқалган камқонлик хасталиги чала туғилган чақалоқлар кўплигининг асосий сабабидир. Опа раҳбарлик қилаётган илм даргоҳида неонатология марказининг ташкил этилиши билан эса қанча-қанча гўдаклар асраб қолинишига эришилди. Тўлақонли ҳаёт кечиришлари таъминланди.

Бироқ, шунга қарамай чала туғилган болаларни парваришлаб, ҳаётга қайтариш муаммоси Истиқлолнинг илк йилларида жуда кескин эди.

Пойтахтдан узоқлашган сари нохуш ҳодисалар сони ортиб борарди. Масалан, Қашқадарё, Сурхондарё ва Қорақалпоғистонда чала туғилган болалар сони анча кўпроқ. Муаммолар кўлами кенг, уни тўла ҳал этишда қийинчиликлар кўп. Аввало шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ соғлом авлод тарбиялаш масаласи умумхалқ ҳаракатига айлантирилди. Бу борада «Соғлом авлод» ва «Она ва бола» Давлат дастурларининг яратилиши айтиш муддао бўлди. Чунки, ўтмишдан қолган муаммоларни ҳал этиш давлатимиз ва жамиятимиздан катта куч-ғайрат ва маблағ талаб этарди.

Мавзуга қайтиб шуни айтиш керакки, бўлим жамоаси ой-куни етмай туғилаётган гўдакларни асраб қолишга «Соғлом авлод» Давлат дастуридан келиб чиқиб катта эътибор бермоқда.

Опа бошқараётган бўлимнинг номи — Неонатология. Бу сўз жуда кўплаб кишиларга номаълум албатта. Замонавий тиббиётда бола туғилгандан 28 кунгача бўлган вақт чақалоқлик даври, яъни неонатология даври дейилади. Неонатолог — чақалоқлар шифокори демакдир. Аслида боланинг соғлом туғилиши учун ҳомиладорликнинг биринчи кунларидан бошлаб тайёргарлик кўриш даркор. Бу асосан аёллар маслаҳатхонаси ва перинатал марказлари зиммасига юклатилган. Перинатал сўзи эса ҳомиладорлик бошланган кундан чақалоқ туғилиб саккиз кунлик бўлгунича бажариладиган тиббий хизмат маъносини англатади. Мустақиллик шарофати билан перинатал марказлар барча вилоятларда ташкил этилди. Зеро, чақалоқ соғлом бўлиб туғилса бу онанинг, оиланинг, жамиятнинг умиди! Нимжон бўлиб туғилса-чи? Буёғи энди неонатолог шифокорнинг билими ва тажрибасига боғлиқ.

«Халқимизда етти ойлик бола яшайди, деган нақл бор. Ҳозир хорижлик олимлар етти ойга етмай туғилган

чақалоқларни асраш борасида ҳам ишлар олиб боришпти. Бу борада сизнинг фикрингиз?» — сўрай-миз олимдан.

— Биз ҳам етти ойга етмай туғилган чақалоқларни парваришлаб кўрдик. Ҳақиқатда асраб қолса бўлади. Бироқ, улар келажакда тўлақонли ҳаёт кечиришмайдилар. Чунки, етти ойгача туғилган болаларда экинчи ибора билан айтилган барча мучалар тўла еттирмаган бўлади.

Матлуба Азимжонова бугунги кунда нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳонда ўз соҳаси неонатология бўйича йирик мутахассис! Хориждаги кўплаб илмий марказлар олимани тажриба алмашиш ва маърузалар ўқиш учун таклиф этишган. Айниқса, мустақиллик шарофати туфайли Америка, Туркия, Москва, Санкт-Петербург каби кўплаб йирик мамлакат ва шаҳарлар илмий марказларида бўлиб, маърузалар ўқиди. Олима касбдошларининг ишлари билан танишиб, катта таассуротлар билан қайтди. Америка сафари ва уларнинг илгор тажриба мактаби жамоа фаолиятига аҳволи оғир ва ой куни тўлмасдан туғилган чақалоқларни алоҳида боқиш ва парваришлашда ўзини оқлаган «Кенгуру» усулини тақдим этди.

— Фаолиятимизда 1994 йилдан бошлаб кенг қўлланилаётган бу усулга кўра она заиф ва чала туғилган чақалоғини яланғоч ҳолатида бир-икки соат бағрига маҳкам босиб ўтиради. Бу ҳолат бир ой давомида бир кунда етти мартадан такрорланади. Эришилган натижалар ижобий баҳоланмоқда: биринчидан, она боласини ўз танасининг ҳарорати билан иситса, иккинчидан, онада меҳр пайдо бўлиб, сути кўпайиши, чақалоқ она ҳидини сезиб унга талпиниши ва унда молда алмашинувининг тезлашуви ва куч-қувват олиши қайд этилди. Шунинг учун биз она ва боланинг бирга бўлиши туғуруқнинг дастлабки дақиқалариданоқ эмизиш ва ҳар уч соатда эмас, балки бола истаган пайтида эмизиш мақсадга мувофиқ деган қарорга

келдик ва шуни ҳаётга татбиқ этдик. Бундай тиббий ва ташкилий тадбирлар янги туғилган заиф болани асрашда яхши самара бермоқда, — дейди олима.

Институтда олий маълумотли шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимлари учун илғор тажриба мактаби ҳам ишлаб турибди. Олима бу ерда ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, Матлуба опа Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигида 30 йилдан бери бош неонатолог-педиатр вазифасини бажариб, республикада чала туғилган болаларни асраб-авайлашга ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. У тез-тез вилоятларда бўлиб, касбдошларининг ишини кузатади, зарур бўлса амалий ёрдам кўрсатади. Бугунги кунда бундай бўлим барча вилоятларда ҳам бор. Андижон, Термиз, Бухоро шаҳарларида ва Тошкентда тўрт юз ўринга эга неонатал марказлар ишлаб турибди. Кўпгина вилоят марказларида эса неонатологик тиббий «ёрдам бўлимлари» мавжуд.

Кейинги икки йил ичида малакали шифокорлар тайёрлашда сезиларли натижаларга эришилди.

Мутахассис неонатологлар сони кўпайиб, уларнинг умумий сони 1086 кишига етди. Чала туғилган чақалоқларни парваришlash бўйича кўплаб махсус хорижий ускуналар сотиб олинган. Кўрилаётган тадбирлар нисбатан қисқа муддатларда чақалоқлар орасидаги ўлим ҳодисаларини қарийб икки баравар қисқартириш имконини берди. Лекин, шунга қарамай муаммо ҳамон борлиги сир эмас. Бунинг бир қанча муҳим сабаблари бор, албатта. Энг аввало, ой куни етмай туғилган болаларни парваришlash учун шифохоналардаги зарур бўлган ўринлар етарли, бироқ неонатология бўлимлари зарур тиббий жиҳозлар билан таъминланиши етарли даражада эмас. Нимжон гўдаклар учун болалар шифохоналарида ихтисослашган бўлимлар очиш масаласида ҳам силжишлар сезиларли эмас. Мавжуд бўлимларнинг тенг ярми мослаштирилмаган биноларга жойлаштирилганлиги ҳам самарали ишлашга тўсиқ бўлмоқда.

Катта маблағлар эвазига хориждан келтирилган ускуналардан самарали фойдаланиш масаласи ҳам яна бир муҳим муаммолардан ҳисобланади. Кўп жойларда, айниқса олис вилоятларда қимматбаҳо, махсус ускуналарнинг ярмидан кўпи ишдан чиққан. Уларни тuzатиб ишлата оладиган мутахассислар эса йўқ. Ўзбекистон тиббиёт техникаси бирлашмаси мутахассислари жойларда техник хизматни яхши йўлга қўймаганлар. Вилоятдаги болалар шифохоналарида кўпинча кислород — ҳаётга қайтарувчи ва иситувчи махсус столлар етишмайди. Неонатология бўлимлари дори-дармонлар, юмшоқ чит ва пахмоқ чойшабларга муҳтож.

— Матлуба опа, сизнинг соҳангизда ҳам муаммолар бор. Уларни ҳал этиш учун сиз нималарни тавсия этган бўлардингиз? — сўраймиз олимадан.

— Аввало кучларни бирлаштириш керак. Вилоят ҳокимиятлари тепадан ёрдам кутиб ўтирмасдан уларининг ички имкониятидан келиб чиқиб мавжуд муаммоларни ҳал этишлари зарур. Бозор иқтисодиётининг талаби ҳам шу.

Шуни ҳам айтиш керакки, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус қарорида Тошкент педиатрия институтида неонатология кафедраси 1997 йил ташкил этилиши лозим эди. Шу масала негадир орқага сурилиб келмоқда. Шунингдек, врачлар малакасини ошириш институтида неонатологияга бағишланган маъруза ва амалий машғулотлар ҳажмини кенгайтириш лозим.

Матлуба опа шаҳар хотин-қизлар кўмитаси қошидаги «Олималар» уюшмасининг етакчиларидан бири. Олималарнинг ҳамкорлиги жамиятнинг барча имкониятларидан оқилона фойдаланиб, мавжуд муаммоларни биргаликда бартараф этишга йўналтирилган. Матлуба Азимжонованинг техника фанлари доктори, профессор Ҳабиба Икромова билан ҳамкорлиги ана шундай юзага келди.

Улар тиббий кузатишларнинг натижаларини информатика асосида аналитик таҳлил этишда бир-бирига кўмаклашмоқдалар.

Ҳар бир инсон ой куни етиб дунёга келдими, у яшаши керак. Олиманинг эзгу нияти ҳам, орзу тилаги ҳам шу! Ногирон ва нимжон фарзандлар бўлмаслигини хоҳлайди. Бу борада изланади, интилади. Қирқ йиллик фаолиятида неча-неча шогирдлар тайёрлаган бўлса уларни ҳам ана шу улуғвор ва муқаддас вазифани масъулият билан адо этишга ундайди. Мақоланинг бошида чала туғилган болаларни парваришлайдиган бўлимнинг ташкил этилишига деярли ўттиз йил бўлди дедик. Демак, унинг дастлабки гўдаклари, маъсумалари чорак аср билан юзлашди. Улар деярли барча қувончли дақиқаларида, бахтли онларида Матлуба опани уйларида, тўйларида чорлаб келишади. Ўшандай пайтларда дуркун фарзанднинг нимжон, пайтларини эслаб фахрланади, кўнгли тоғдай кўтарилади. Касбидан, оддий қилиб айтганда одамларга керак бўлганидан чексиз қувонади. Ахир ишлаётган, изланаётган, неча-неча тунларни бедор ўтказётган олима учун, инсон учун ундан ортиқ бахт борми?!



### ГЎЗАЛ ҚАДРИЯТЛАРНИ УЛУҒЛАЁТГАН АЁЛ

Гўзал табиат! Тўрт хил фаслда тўрт хил товланиб кишига олам-олам завқ-шавқ бахшида этади. Аслида табиат ва инсонни ўйлаб ҳайратга тушасан киши! Одамзот оламга нисбатан бир зарра, улуғвор денгизга нисбатан бир томчи, бироқ уларга таъсир ўтказа олади, улуғворликка интилади. Чунки, ўзига ҳаёт бағишлаган табиатни қадрлай олади. Эзгулик ва яхшилиқни эъзозлайди. Гўзал бўлишга ошиқади. Янгилик яратишга интилади. У ўзига инсоний фазилатларни бахш этган

кишига мусиқий байтлар тўқий билади, лоақал оқлик ва поклик тимсоли бўлмиш бир дона оқ гул ёки меҳр-муҳаббат рамзи бўлмиш бир дона қизил гул армуғон этади. Қалблардаги эзгулик, нурли интилишлар табиатдаги гўзалликнинг садоси эмасми?!

Ана шундай мушоҳадаю эзгу туйғулар билан яшаётган олима Хотима Шайховани илиқ сўз эшитиб аз қатори меҳнат қилаётган кўплаб кишилар устозим деб эъзозлашади. Улардан бири фалсафа фанлари доктори, профессор Лаъли Яҳёева!

У Тошкент театр ва рассомлик институтида талабалар билан учрашув ташкил этиб, унга устозини таклиф этди. Тадбирда Лаъли Яҳёева шундай деди: — Азиз талабалар! 8-март — Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишлаб ўтказилаётган бугунги учрашувимизга бутун умрини ёш авлодни тарбиялашга, ташвиқот ва тарғибот ишларига бахшида этган севимли устозимиз, фалсафа фанлари доктори, профессор Хотима Шайховани таклиф этганмиз. У Республика хотин-қизлар кўмитаси раёсати аъзоси ва республика «Олималар» уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси.

Шайхова сўзини оҳиста ва даврадошлари эйтиборини жалб этадиган бир тарзда бошлади: — Азиз болажонларимиз! Бугунги суҳбатимизнинг халқаро хотин-қизлар байрамига бағишлаб ўтказилаётгани бежиз эмас. Авваллари 8 мартни фақат социалистик мамлакатларгина нишонлашар эди. Яқинда Бирлашган Миллатлар ташкилоти 8 мартни халқаро хотин-қизлар байрами деб эълон қилди. Эндиликда бутун жаҳон нишонламоқда.

Дарҳақиқат, томошабинлар ва муштарийлар бу аёлни жуда яхши танишади. Уларнинг одоб ва ахлоққа оид кўплаб мақолаларини газета-журналларда ўқишган. Ҳаво тўлқинларидаги мазмунли, қизиқарли суҳбатларини тинглашган.

Фозила аёл ўн тўрт ёшида муқаддас касб — муаллималиқдан меҳнат фаолиятини бошлаган эди. Мана,



эллик йилдирки, у эл орасида, хотин-қизлар даврасида, мактаб, институт ўчоқларида таълим-тарбия жабҳасига, ташвиқот ва тарғибот ишларига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Таълим-тарбия бериш учун эса изланиш, изланиш ва яна изланиш керак. Опа билим олишни, ўрганишни, изланишни жони-дили билан севгани учун илм-фан оламига кечроқ кириб келди. Тўрт фарзандини опичлаб, машаққатли фан оламига қадам ташлади. Қирқ ёшида фан номзоди бўлди. Шундан буён деярли чорак аср ўтди. Чорак асрки, Хотима Шайхова республикамизнинг ижтимоий-фалсафий илмига муносиб ҳисса қўшиб келяпти. У ҳамиша давр талабига мос долзарб масалаларнинг тадқиқотига интилди. Ахлоқ, оила, соғлом авлодни шакллантириш, истиқлол мафкураси ва маънавиятининг ахлоқий асослари ҳамда хотин-қизларнинг иқтисодий-ижтимоий-ҳуқуқий муҳофаза қилиш масалаларида қалам тебратди. Олиманинг Шарқ фалсафаси миллий кадриятларимиз ҳамда одобахлоққа оид етмишдан ортиқ китоб, рисола ва тўпламлари чоп этилган.

Изланувчан олима илмий фаолиятини ҳамон ўзи жон дилидан севган муаллималик фаолияти билан қўшиб олиб бормоқда. Унинг ёшлар ҳузуридаги маърузасидан:

«Тенглик, тинчлик ва бирлик» мавзуида халқаро хотин-қизлар конференцияси 1975 йили Мехикода, 1985 йили Найробида бўлиб ўтган эди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ташкил этилган бу йиғилишларда ўтган ўн йилликларга якун ясалиб, жаҳон хотин-қизлари ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий масалаларнинг ижобий ва салбий томонлари ўрганилган эди. Навбатдаги конференция, яъни жаҳон аёлларини ижтимоий муҳофаза этишга бағишланган йиғилиш 1995 йил сентябрь ойида Пекинда бўлиб ўтди. Пекин конференциясида жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган мингдан ортиқ киши қатнашди.

Улар сафида мустақил Ўзбекистонимизнинг хотин-қизлари ҳам иштирок этишди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзоси Монгелла хоним конференциянинг ташкилотчисидир. Унда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётдаги ўрни тадқиқ этилди. Оналик ва болаликни ижтилош масалалари кўриб чиқилди. Шунингдек, ўтган ўн йилликка якун ясалди. Қайси мамлакатларда ривожланиш яхши-ю, қайси бирларида хотин-қизлар турмуш тарзи оғир эканлиги ўрганилди, яхшилаш йўллари тавсия этилди.

Конференция бош котиби Монгелла хонимнинг таъкидлашича, жаҳондаги ишчи кучларининг 34 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 44 фоизни ташкил этади. Бироқ, уларнинг маошлари эркакларга нисбатан 30—40 фоиз кам. Аёлларнинг атиги уч фоизи раҳбар лавозимларида ишлайди. Осиё ва Африка мамлакатларида аёллар турмуш тарзи ниҳоятда мушкул, бир кунда ўн уч соат ишлашади. Соғлиқни сақлаш борасида ҳам нуқсонлар талайгина. Шунинг учун конференция икки мингинчи йилгача белгиланган тадбирларни кўриб чиқиб аёлларнинг ва болаларнинг ижтимоий шароитини яхшилаш дастурини қабул қилди.

Пекин конференциясида мамлакатимиз вакиласи ҳам маъруза қилди. Ўзбекистонда хотин-қизларга яратилган имкониятлар дунёни ҳайратга солди. Маърузани ўқиб бўлар экан, уни талабалар саволга кўмиб ташлашади:

— Аёлларни ижтимоий-сиёсий ҳимоялашга оид дастлабки ҳаракатлар қачон бўлган?

— Биринчи хотин-қизлар журнали қачон чоп этилган?

— Пекин конференциясининг бош котиби Монгелла хоним ким ва қаерларда ишлаган?

Олима саволларга содда ва равон жавоб берди.

Олима фан машаққатларини енгиб кета оладиган малакали мутахассислар тайёрлашга ҳам муносиб ҳисса кўшиб келмоқда.

У йигирма йилдирки, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ институтидаги илмий кенгаши аъзоси. Илмий фаолиятида 80 дан ортиқ номзодлик ва докторлик ишларини муҳокама ва ҳимоя қилишда тақризчи эксперт комиссия аъзоси, расмий ва норасмий аппонент сифатида қатнашди. Жуда кўплаб ёш олималарни фан оламига йўллади. Ҳозир уч аспирант, икки тадқиқотчи ва докторантга илмий ишларида ёрдам бериб, уларга улугвор ва машаққатли оламга кириб келишига кўмаклашмоқда.

Шунингдек, опа бугунги кунда истиқлолимиз туфайли қаддини кўтараётган маънавий қадриятларимизни тиклаш борасида иш олиб бормоқда.

«Агар иқтисодий ўсиш, тараққиёт жамиятимизнинг танаси бўлса, маънавият, маърифат ва сиёсий онг етуқлиги унинг руҳи, ақли ва жонидир» — деган эди Президентимиз Ислон Каримов Ўзбекистон Фанлар Академиясининг умумий йиғилишида сўзлаган нутқида. Ўзининг ўтмиши, улуг қадриятлари миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялашни вазифа қилиб қўйган эдилар.

Маънавият инсонга юртбошимизнинг сўзи билан айтганда она сути, ота намунаси, аجدодлар ўғити билан сингади. Ҳар бир халқ тарихи, маданияти, маънавий мероси билан қудратли кучга айланади. Айни кунда маънавий қадриятлар истиқлол йўлидан дадил боришимиз учун энг муҳим кафолат бўлмоқда. Ана шу вазифалар айнан опа ишлаётган соҳага тегишли. Бу борада қайси йўналишлардаги вазифалар муваффақиятли амалга оширилди-ю қай бир йўналишларни янада ривожлантириш лозим. У айни кунда ана шу вазифалар ҳақида ўйлапти.

«Умуман олганда миллий мустақил давлатимизнинг иқтисодий пойдевори билан бир қаторда мустақкам

маънавий замини ҳам бўлиши шарт, зотан, жамият аъзолари миллий тараққиётнинг мақсад муддао ва ҳусусиятларини теран идрок этган тақдирдагина уларнинг меҳнати серунум, ҳаёти пурмано бўла олади», — дейди опа.

Хотима опанинг турмуш ўртоғи Эркин ака Шайхов ҳам профессор. Уларнинг тўртала фарзандида ҳам илмий унвон бор. Қизи Холида Шайхова тиббиёт фанлари доктори, профессор. Австралия, Германия, Жанубий Корея каби кўплаб хорижий давлатларда ўтган анжуманларда ўз маърузалари билан муваффақиятли қатнашган. Дарҳақиқат бу оилага элнинг ҳиваси келади.

Онам ўргатардилар, болам каштанга тугун тушмасин, умринг тугилади. Игнани кичикроқ ўтказиб тиксанг, счилиб кетмайди. Оилада ҳам шундай «игнанинг учи»дек шубҳа бўлмаслиги учун ҳаракат қил. Мен бугунги кунда уни ёшларга такрорлайман ва илмни билан қудуқ қазигандек машаққатли лекин, завқли, — дейди Хотима.

Хотима опа ва Эркин ака пиру бадавлат. Элимизни алқаб, юртимиз равнақини тилаб, ёшларни дуо қиланлар: элимиз, юртимиз тинч бўлсин, барчага неварани кўёв-келинни қутлаб ўтириш насиб этсин.



## БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ — ИСЛОҲОТЛАР ИФОДАСИ

Ижтимоий-сиёсий барқарорликка эришилган мамлакатдагина иқтисодиёт баравж ривожланади, юрт ободлиги, халқ фаровонлиги йўлидаги саъй-ҳаракатлар қўлланган натижаларни беради. Мамлакатимиз Хотинқизлари ҳам ана шу улугвор ишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Республикаимиз Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-

қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони юртимиз келажагини ҳимоя қилиш борасидаги янги қадамлардан яна бири бўлди. Бугун биз республикамиз илму фан тараққиётига, таълим-тарбия ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётган, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби Қумри Сафоева билан бўлган самимий суҳбатни эътиборингизга ҳавола этамиз.

— Сиз билан гўзал баҳор айёми, дилларга қувонч бағишлаб кириб келган бир пайтда учрашиб турибмиз. Аввало қутлуғ сана билан қутлайман. Қумри опа, илмий изланишлар ҳаётга қай даражада синггани билан аҳамиятли ва қадрлидир. Суҳбатимизни номзодлик илмий ишингизнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти тўғрисида маълумотлардан бошласак.

— Номзодлик илмий ишим олтмишинчи йиллардан тараққий эта бошлаган ва иқтисодиётдаги муаммоларни ҳал этишга қаратилган математик дастурлашнинг учинчи индексли транспорт масалаларини ечиш усулини яратишга қаратилган. Тадқиқот натижалари автокорхона ишини оптималлаштиришга, яъни янада юксалтиришга имкон беради. Зеро, ҳар қандай математик дастурлаш халқ хўжалигига катта таъсир ўтказди, бирор соҳани ривожлантиришга ҳисса қўшади.

— Кейинги илмий ишингиз иқтисодиёт ва пахтачилик билан боғлиқлигини эшитган эдик, бу янгилик пахтачиликнинг қай бир тармоғига дахлдор?

— Докторлик илмий ишим «Пахта комплексини оптималлаштиришда математик моделлар ва усуллар» деган мавзуга бағишланган. Унда яратилган математик усуллар ва моделлардан пахтани қайта ишлайдиган корхона, корпорация ва бирлашмаларнинг вазифаларини бошқариш ва режалаштиришда самарали фойдаланиш мумкин.

— Сиз ишлаётган Тошкент Давлат Молия институти тайёрлаётган мутахассисларнинг ишлари иқтисодиёт билан узвий боғлиқ. Бозор иқтисодиёти ҳақидаги шахсий фикрингиз?

— Тарих шуни кўрсатдики, буйруқбозлик ва марказлаштирилган режалаштиришга асосланган тизимдан бозор иқтисодиётига асосланган тузум устун келди. Республикамизда бозор иқтисодиёти тобора шаклланиб бормоқда. Хусусийлаштириш кенг кўламда амалга оширилмоқда. Масалан, ҳозир қишлоқларда ерлар тўла хусусийлаштирилди, улар фермерларга бўлиб берилди. Саноат корхоналарини хусусийлаштириш ҳам давом этмоқда, чет эл сармояларидан фойдаланиб, қўшма корхоналар қурилмоқда. Хуллас, яқин келажакда ривожланган мамлакатлар қаторига киришимиз учун барча имкониятлар мавжуд. Табиий бойликларга қон, тупроғи зар жаннатмакон юртимиз, меҳнатсевар халқимиз бор. Етарли илмий-техник салоҳиятга эгамиз.

— Демак, ўтиш давридаги қийинчиликлар вақтинчалик?

— Албатта, юртимиз обод, халқимизнинг ҳаёти янада фаровон бўлиб, ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олишимизга ишонаман.

Мустақил Ўзбекистон тараққиётида халқ маънавиятининг юксалиши, Миллий истиқлол ғоясини кишиларимиз онгига сингдириш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Маънавият асоси эса буюк донишмандлар қайд этганидек, таълим-тарбиядир. Шу боисдан ҳам мамлакатимиз раҳбарияти халқ таълимига юртимиз тараққиётининг устувор йўналишидан бири сифатида эътибор бериб келмоқда. Ватанимизнинг келажаги — соғлом авлод учун кураш давом этмоқда. Соғлом деганда биз наинки жисмонан бақувват фарзандларимизни, балки маънавий бой авлодни ҳам кўзда тутганмиз. Ушбу соҳага муносиб ҳисса қўшиб келаётганимдан хурсандман.

Дарҳақиқат, Тошкент Давлат молия институтининг ҳар бир ютуғида Қумри опанинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Зеро, инсон қанчалик мукамалликка интилса, жамият орқали интилади. Жамият ҳам одам воситасида мукамаллашиб боради. Инсоннинг камолоти жамият-

нинг камолоти бўлиб, улар бири-бири билан узвий боғланиб кетади.

— Мустақилликкача олий ўқув юрти дарсликлари ҳаммаси рус тилида эди. Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилгач, бу тилда дарслиklar яратиш вазифаси юзага келди. Бу борада Қумри Сафоева етакчилик қилаётган математика кафедраси жамоаси улуғвор ишларни амалга оширди. Математикага оид кўплаб дарслиklar, қўлланмалар давлат тилига ўгирилиб, қайта нашр этилди. Қумри Сафоеванинг ўзи ҳам олий ўқув юрти талабаларига йўналтирилган жуда кўплаб дарслик ва қўлланмаларнинг муаллифи. Олима 1 та дарслик, 1 та ўқув қўлланма ва 20 дан ортиқ услубий қўлланмалар муаллифидир. Масалан, «Математик программалашдан маърузалар тўплами», «Математик программалашдан масалалар тўплами», «Молия математикаси» каби дарслик ва қўлланмалар шулар жумласидандир. Шунингдек, республикада биринчилар қаторида талабаларнинг билимини рейтинг асосида баҳолаш ушбу муассасада жорий қилинди.

«Янгиликка, нурга интилиб яшаш инсоннинг энг муҳим эҳтиёжларидан ҳисобланади. Онг, идрок бор экан инсон янгиликка интилиб яшайверади. Зеро, интилиш бўлмаса, мунтазам янгиланиш ҳам бўлмайди, борлиқдаги ҳаёт ҳам жуда зерикарли бир воқеликка айланади. Янгиланиб, яратиб яшаш эҳтиёж талаби, одамга айнан олий табиатнинг ўзидан ўтган фазилатдир», — дейди Қумри опа.

Дарҳақиқат, Тошкент Давлат молия институти математиклари илмий кенгашининг фаолиятини ана шундай нурли интилишларнинг бир зарраси, умид деб аталувчи улуғвор дарёнинг бир томчиси деб атасак арзийди.

Қумри опа ишхонада шогирдлар тайёрлаш билан бирга оилада касбдош тайёрлаш бахтига ҳам муяссар бўлди. Ўғли Собиржон орзу-изланишлари, интилишларининг давомчиси бўлди. Собиржон Сафоев Ўзбекистон

Президенти стипендиати бўлган биринчи аспирантлардан. У ўзига бўлган устозлар ишончини оқлаб, стипендиатлар ичида биринчилардан бўлиб, номзодлик илмий ишини муддатидан олдин ҳимоя қилди.

— Ҳимоя пайтида бизнинг диққатимизни тортган нарса шу бўлдики, ёш математик аввало онасига таълим этиб, миннатдорчилик билдирди. Сўнгра устозларига дил сўзларини изҳор этди. Ўшанда биз маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўгити билан бирга сингишини яна бир бор ҳис қилдик. Кейинчалик Собиржондан бунинг сабабини сўраганимизда шундай жавоб берди: «Отам муқаддас Қуръони каримни кўп мутолаа қилади. Илоҳий илмни кўпроқ биз у кишидан ўрганамиз. Муборак ҳадисларда, «жаннат оналар оёғи остидадир» дейилган. Мен бунга ҳаётим давомида амин бўлдим. Математикага бўлган меҳр ҳам менга онамдан ўтган».

Ҳозир Собиржон қўшма корхонанинг раҳбари сифатида Ўзбекистон молия бозорини ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда.

Бу оилани мамлакатимиздаги фан майдонининг кичик бир парчаси деса арзийди. Қумри опанинг турмуш ўртоғи Абдулла ака Сафоев ҳам олим. Иқтисод фанлари доктори, профессор.

У иқтисод, қишлоқ хўжалигига оид кўплаб китоб, дарслик, қўлланма ва лугатларнинг муаллифи. Қизлари Раъно Жўраева ҳам ота-онаси изидан бориб иқтисод фанлари номзоди, доцент бўлди. Ҳозир Ўзбекистон дипломатия ва ҳуқуқ институтида ишлайди.

— Биз Қумрихон билан бир мактабда, бир синфда ўқиганмиз. Болалигимиз бирга ўтган. У болалиқдан ўткир зеҳни, дўстларига меҳрибонлиги билан ажралиб турарди. У ўзининг гўзал фазилатларини йиллар ўтиб ҳам тарк этмади.

Қумрихон бекалик қилаётган оилани кишининг ҳаваси келадиган самимийлик, ўзаро ҳурмат-иззат бирлаштириб туради. Оилавий осойишталик эса кишини серунум меҳ-

натга, ижодий изланишга ундаши табиийдир, — дейди синфдоши шифокор Роза опа. Ҳа, Роза опа айтганидек, бу хонадоннинг ўзига хос анъаналари бор, миллий қадриятларимиз эъозланмоқда. Алишер Навоий шеърлари мутолаа қилинади, халқ кўшиқлари севиб тингланади. Қумри опа севимли санъаткор марҳум Комилжон Отаниёзов кўшиқларини, Хоразм мақомларини, Феруз куйларини тинглашни хуш кўради. Аслида бу фазилатлар унга турмуш ўртоғи Абдулла акадан ўтган. Бири-бирини эъозлаб, ардоқлаб яшаётган одамлар йиллар ўтиб олманинг икки палласидек бир-бирига ўхшаб кетади, дея таъкидлашади донишмандлар. Бу сўзлар гўё уларнинг оиласи учун айтилгандек. Оналик бахти, аёллик тахти, баҳорий гўзаллик салтанати ёр бўлган аёлга ва унинг оиласига — олиму олималарга омадлар тилаб қоламиз.



## ИНФОРМАТИКА — ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

*Муштирапар ҳам ўзинг, буюк ҳам ўзинг,  
Куйинчак ҳам ўзинг, куюк ҳам ўзинг.  
Оламга татирлик суюк ҳам ўзинг.*

### УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАР

Ҳабиба Икромова, Зухра ва Фотима Одиловалар. Уч аёл, уч истеъдод, уч олима! Уларни бирлаштирувчи хусусиятлар кўп. Учаласи ҳам техника фанлари доктори, профессор. Учаласи ҳам кибернетика соҳасига ёниб кириб келдилар ва «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида бир-бирига эш бўлиб, ҳамкор бўлиб, 25 йил ишладилар. Ҳабиба Икромова кибернетика соҳасига республикамиздаги электрон ҳисоблаш машиналари билан ишлашга эътибор эндигина пайдо бўлаётган ўтган асрнинг 60-йилларида кириб келди. Опа-сингиллар Зухра ва Фотима Одиловалар эса кибернетика

фанида янгилашиш сари бошланган йўл эндигина изга тушаётган 70-йилларда қадам ташлашди. Ўтган давр ичида уларнинг ҳар бири юзга яқин мақола, кўлланма ва китоблар ёзиб, фан-техника тараққиётига муносиб ҳисса қўшишди. Зухра ва Фотима Одиловалар Ҳабиба опани устоздек эъозлашади. Ҳабиба опа уларни соҳанинг билимдонлари сифатида қадрлаб, иззат-ҳурмат қилади. Самимий суҳбат, илмий мулоқот эса уларнинг кучига куч қўшиб, янада мураккаб изланишларга ундайди.

Улар деярли бир соҳада, битта институтда номзодлик, докторлик илмий ишларини ҳимоя этишган бўлса-да, ҳар бир олиманинг ўз ҳаёт йўли, ўзига хос истеъдоди, илмий изланишлари бор. Ҳабиба опа кибернетика билан тиббиёт ҳамкорлигига кенг йўл очди ва касбдошлари орасида «XX аср тиббиёт кибернетикасининг кашшофи» деган номни олишга сазовор бўлди. Фотима опа кибернетикани экология билан боғлаб ингиликлар яратди, Зухра опа эса кибернетикани телевизион йўналиш, телефон алоқалари соҳасида кўллаб, янги бир тизимга муносиб ҳисса қўшди.

Юқорида Ҳабиба опа илмий изланишлари билан математика ва тиббиётга кўприк солди, дедик. Дарҳақиқат, у собиқ иттифоқда тиббиёт ва биология тизимини ЭҲМлар орқали бошқариш бўйича биринчи аёл — фан доктори эди.

Ҳабиба опанинг фанда янги сўқмоқ очишга интилиши, бошлаган ишини охирига етказиш учун бўлган курашлари, дадиллиги, куюнчаклиги опа-сингил Фотима ва Зухра Одиловаларга ҳам туртки, ҳам сабоқ бўлган эди, десак янглишмаймиз.

Ҳабиба опанинг шогирди — Фотима Одилова Испания, Бельгия, Америкада бўлиб ўтган халқаро анжуманларда маърузалар ўқиб, жаҳон олимлари эътиборига тушди. Ўзбек-Америка тадқиқот гуруҳида қатнашиб, Оролбўйи муаммоларини, атроф-муҳитнинг аҳоли соғлиғига таъсирини ўрганди. Зухра Одилова

малайзиялик касбдошлари билан илмий изланишлар олиб борди. У кибернетик олимлар халқаро уюшмасининг аъзоси. Устози Ҳабиба Икромова эса халқаро ташкилот — ЮНЕСКОнинг «Информатика» бўйича экспортидир.

#### ТИББИЁТ ВА КИБЕРНЕТИКА

Бугунги кунда тиббий илмий тадқиқот, тиббий кузатишлар ўта аниқлик билан олиб борилмоқда. Тиббиётга кибернетиканинг асосий билиш усули бўлган математик моделлашни кенг татбиқ этиш эса қувонарли натижалар бермоқда. Бу йўналишда Ҳабиба опа ўтган асрнинг 70—80-йилларида катта ишларни амалга оширди. Хўш, математик моделлашнинг ўзи нима? Бу математик тенгламалар системасини электрон-ҳисоблаш машиналари — ЭҲМлар ёрдамида ечиш йўли билан тиббий ҳодиса, жараён ёки ҳолат хусусиятларини аниқлаш демакдир. Энг муҳими, бунда ўрганилаётган ҳодисанинг ўзига хос хусусиятларини ифодаладиган аниқ тенгламалар системасини — математик моделини ишлаб чиқиш талаб этилади. Математик моделлаш муайян табиий ҳодиса моҳияти аниқ бўлмаган, унинг ўзаро ички тасвир тузилмалари ўрганилмаган ҳолда жуда зарурдир. Баъзан ЭҲМда ҳисоб ўтказилганда бир қанча вариантли усуллар бўйича маълумот тўпланади-да, улар орасидан воқеа, ҳолатга яқин бўлган вазият танлаб олинади. Шу йўл билан тажрибада йиллаб аниқланмаган жараён ЭҲМ ёрдамида бир неча соатда ҳал этилади. Машина ёрдамида моделлашнинг яна бир афзаллиги шундаки, унда илмий тадқиқотлар ечиш муддати кескин қисқаради.

Юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалишининг сабаби нимада? Қандай қилиб уларнинг олдини олса бўлади? Қанчадан-қанча олимлар, шифокорларимиз бу саволларга кўпдан бери жавоб излар

дилар. Ҳабиба опа Икромованинг номзодлик илмий иши 70-йилларда худди шу масалани илмий-назарий ҳал қилишга кўмаклашди.

— Бу соҳада биз устоз — Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Восил Қобулов ва профессор Шабот Хўжаев раҳбарлигида шу вақтгача маълум бўлган назариялардан фарқли ўлароқ ЭҲМ ёрдамида ҳал қилинадиган янги бир назарияга асос солдик, — дейди олима. — Математик моделлаш орқали грипп, ичбуруғ, сариқ каби юқумли касалликлар эпидемияси қачон, қерда пайдо бўлишини ва қандай ҳудудда тарқалишини олдиндан айтиб бериш имкони яратилди.

80-йилларга келиб беморга аниқ ва тез фурсатда ташхис қўйиш масаласининг ҳам математик модели яратилди. Ушбу модел асосида ЭҲМлар шифокорга мададкор, тажрибали маслаҳатчи бўлиб қолмоқда, десак арзийди. Бу борада ҳам Ҳабиба опа шогирдлари билан кенг миқёсда иш олиб борди.

Шуниси қизиқарлики, ЭҲМ орқали амалга ошириладиган математик модел ҳатто касаллик асоратларини ҳам олдиндан айтиб бериш имконига эга. Бу маълумот даволаш жараёнида шифокорларимизга жуда қўл келади. Чунки, шифокор ҳам бир беморга унинг организмга хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қайси доридармонни тавсия этиш кераклигини аниқ билади. Кейинги пайтда қоннинг ҳужайра элементида электролитлар алмашув жараёнининг математик модели ишлаб чиқилди. Шу асосида баъзи бир юқумли касалликлар кечишида электролит алмашинувининг силжиши қонуниятлари аниқланди. Бу аниқлик шифокор учун касалликни даволаш жараёнида қайси доридан фойдаланиш маъқулроқ эканлигини яққол кўрсатиб беради.

#### ИНФОРМАТИКА ВА ТАЪЛИМ

Олима 1986 йили Тошкент политехника институти проректорлигига тавсия этилди. У институтнинг 27 минг

талабаси таҳсил олаётган сиртқи ва кечки бўлимига бошқош бўлиш билан бирга тадқиқотларини ҳам давом эттирди. Шу билан бирга электрон ҳисоблаш машиналарини ташвиқот қилиш ҳамда халқ хўжалигимизга кенг кириб боришига кўмаклашди. Олима шу йиллари талабаларга дарс бериш билан бирга олий ўқув юрти ва мактаб ўқувчилари учун кўплаб дарсликлар ёзди. 1985 ва 1986 ўқув йилидан бошлаб, барча ўқув юртларида, жумладан, мамлакатимиз мактабларида «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» янги курси бўйича ўқитиш ишлари бошланди. Бу эса ўз навбатида янги ўқув фани бўйича аввало ўқитувчиларнинг малакасини оширишни тақозо этди. Олти мингга яқин педагог шу фан бўйича тайёргарлик курсини ўтадилар. Мактаблар ва мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларида ҳисоблаш техникаси ва информатика воситалари кабинетларини жиҳозлаш режаси ишлаб чиқилди. Мазкур режага мувофиқ, мактаб таълим системасига олима ёзган «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» фундаментал дарслик сифатида киритилди.

Маълумки, ҳозирги кунда математик назария ва давримизнинг «чаққон ҳисобчилари» бўлмиш компьютерлар билан иш кўрадиганлар, кибернетика фани мамлакатимиз мустақиллиги шарофати билан янада кучайди.

#### КОМПЬЮТЕР ИСЛОМШУНОСЛИК ХИЗМАТИДА

Ҳабиба Икромова ҳозир нафақа ёшида бўлса-да, ҳамон навқиронлардек куч-ғайратга тўла. Тошкент Ислом университетида «Информатика ва табиий фанлар» кафедраси мудирини. Бу ерда компьютерларни исломшуносликка хизмат қилдириш учун қатор ишлар амалга ошириляпти. Шу кунга қадар кафедрада бакалавр ва магистрлар томонидан кенг кўламли илмий изланишлар амалга оширилди. Масалан, Абдуваҳоб

Маъруфовнинг «Қуръони карим маъноларининг таржимаси» электрон китобини яратишга бағишланган ва Олим Дадамухамедовнинг «Ҳадиси шариф — электрон дасрлиги»ни яратишга мўлжалланган малакавий битирув ишлари натижаси республика миқёсида кенг жамоатчиликка тақдимот қилинди.

Илм маскани 2003 йили ўз Web — сайтига эга бўлди. «Эиё» пойдевори яратилди. Бу ерда интернетдан самарали фойдаланиш тизими йўлга қўйилди.

Шунингдек, кафедра ёрдамида институтдаги факультет ва кафедраларнинг электрон ҳужжатлари шакли вужудга келтирилди. Ўқитиладиган ҳар бир фан бўйича маърузалар матни, услубий, ўқув қўлланмаларининг электрон кўринишлари яратилган ва улар университет кутубхонасида электрон каталогларга жойлаштирилган ва интернетга уланган.

Ҳозирги кунда университет Web — сайти яратилиб, жаҳон глобал тармоғига чиқиш ва виртуал кутубхонани ишга тушириш ишлари ниҳоясига етказилди. Шунингдек, ҳар бир кафедранинг уч тилда (ўзбек, араб, инглиз тиллари) баён қилинган электрон паспорти яратилди. Айни кунда улар университет хазинасидаги мавжуд манбаларнинг электрон нусхасини яратиш борасида самарали меҳнат қилишмоқда.

Ҳозир Республикамизда 74 та муқаддас зиёратгоҳ мавжуд бўлиб, уларнинг электрон тизими ишлаб чиқилди.

#### ИЛМ ИСТАМОҚ — ЎЗБЕКОНА ҚАДРИЯТ

Ҳабиба опа билан суҳбатлашар эканмиз, инсон тафаккурининг билим, кашфиётлар яратиш чегараси чексизлигига янада ишончимиз тобора ортиб боради. Аёл кишининг мураккаб бир соҳада дадил ишлаши эса ҳайратимизга ҳайрат қўшаверади.

Жамиятимизнинг бугуни ва келажagini қуёш, ер, осмон, ҳаво, сув, олов, ҳайвонот ва наботот олами

каби табиий қадриятларсиз тасаввур этиб бўлмаганидек инсонни яхшилик, адолат, ҳақиқат, саховат, меҳр мурувват каби маънавий қадриятларсиз яшашини ҳам тасаввур этиб бўлмайди. Маънавий қадриятлар кишининг ҳаёт мезонларини белгилайди. Яхшиликка, покликка ундайди. Кейинги суҳбатимиз ана шу мавзуда бўлди.

— Талабаларга маъруза ўқиётганингизда кибернетика туғилган ватан юртимиз эканлигини қайта-қайта таъкидлашни севар экансиз.

— Дарҳақиқат, ҳар дарсда кибернетикага асос солган ватандошимиз Ал-Хоразмий эканлигини талабаларга қайта-қайта уқтираман. Бу ҳақда рисола ҳам ёзганман. Алгоритм Ал-Хоразмий сўзининг ассимиляцияга учраган шакли эканлигини тушунтираман. Ёшларни янгиликлар яратишга даъват этиш билан бирга ўз эли билан фахрланиш туйғуси бўлиши лозимлигини таъкидлайман. Менимча, бу барча олимларга хос фазилат — ўзбекона қадрият бўлса керак.

Бутун башариятни ҳамон ҳайратга солиб келаётган 1200 йил олдин маданият бешигини тебратган Ал-Хоразмий ва у асос солган кибернетика соҳасининг навқирон ворислари меҳнатига назар солар эканмиз, элим, юртим деб ёниб яшаётган кишилар билан фахрланиш туйғуси қамраб олади. Бу туйғу юрт олимларининг авлод-аждодларига муносиб яшаб, фидо-корона меҳнат қилаётганлигини билдиради.

## ГУЛ КЎП — ЧАМАН КЎП

(ОЧЕРКЛАР)

Ой нури тунни ёритар,  
Одам ақли — ҳаётни





## СИЁСАТЧИ АЁЛ

Муҳтарам Президентимиз Ислон Каримов Ўзбекистон Хотин қизларига йўллаган байрам табригида «Она, рафиқа, қиз — бу сўзлар бизнинг халқимиз учун азал-азалдан Ватан, оила, меҳрибонлик, садоқат каби муқаддасдир.» деган эдилар. Аёл кишини Ватан тимсолида, садоқат тимсолида, меҳр-муҳаббат тимсолида кўрмоқлик бу улуглик ва улугворликдир. Миллат истиқболи оналар қўлида деган ғоянинг тасдиғидир. Она, рафиқа, қиз сўзлари ўзбек аёлларининг фазилатларини ифода этади. Ватанимиз келажаги бўлмиш фарзандларни тарбиялаётган оналар, турмуш ўртоғини оқ ювиб, оқ тараб хизматга жўнатаётган рафиқа, онасининг энг яқин ёрдамчиси, ота-онанинг меҳрибони ва Ватан келажagini тарбиялашга тайёрлик кўраётган қиз! Ушбу вазифа ва фазилатлар қаторига мутахассис ва сиёсатчи вазифаларини ҳам қўшинг. Энди аёллар бажараётган ишларни кўз олдингизга бир келтиринг. Фозиллик ва сиёсатчилик аёлдан нақадар катта куч, сабот, қатъият, тadbиркорлик хусусиятларини талаб этишини англаш қийин эмас. Ўзбек аёлларида мужасамлашган ана шу улугвор фазилатларнинг ҳар бирини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Машкура Сафаева тимсолида кўриш мумкин.

Мамлакатимизда оналик ва болаликнинг ижтимоий муҳофазаси мустақилликнинг илк кунлариданоқ давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириб, ижтимоий ҳаётда ўз

ўрнини топишида, барча соҳаларда эркаклар билан тенг ҳуқуқлилигини таъминлашга алоҳида эътибор берилди. Биро, гендер тенгликка эришиш адолатли ва барқарор тараққиётнинг асосий омилларидан биридир. Бу масалани ҳал этиш бозор иқтисодиёти ислохотларига босқичма-босқич ўтиш йўлини танлаган ёш мустақил давлатлар учун муҳим саналади. Чунки, жуда кўп мамлакатларда бўлгани каби мамлакатимиз аҳолисининг 51,2 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий жараёнларида фаол иштирок этиши жамиятнинг ҳуқуқий давлат сари барқарор ривожланишининг муҳим омилларидан биридир. Мамлакатимиздаги ана шу сиёсатнинг ёрқин намояндаси бўлиб, мутахассис сифатида суд-ҳуқуқ тизимига, депутат сифатида қонунчиликни ривожлантиришга М.Сафаева муносиб ҳисса қўшиб келяпти. Меҳнат фаолиятини судда оддий котибаликдан бошлаган Машкура Боқиевна тинимсиз ўқиш, изланиш фидо-корона меҳнати натижасида Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани судида судья, шаҳар суди судьяси, ҳайъат раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси ва фуқаролик ишлари бўйича ҳайъат раиси бўлиб ишга танилди. Бу даврдаги фаолияти фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат бўлди.

Олдинги беш йилликдаги парламент сайловларида ҳам эл назарига тушди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитасининг раиси бўлди.

Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ мамлакатимиз Президенти шундай деб таъкидлаган эдилар: «Инсоният тарихи шундан гувоҳлик берадики, минг йиллар давомида ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади. Айниқса, аёлларга Шарқона аҳтиром ва эъзоз биз учун ибратли меросдир». «Айтилган сўз отилган ўқ» дейди халқимиз. Бугунги

кунда мамлакатимизда ана шу сўзларнинг амалдаги исботини Машкура Сафаева саъй-ҳаракатларида, тақдирида кўриб турибмиз. У 1994 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фахрий ёрлиғи, 2001 йилда «Шуҳрат» медали ва «Меҳнат шуҳрат» ордени билан тақдирланди.

У аёлларга берилган ҳуқуқ ва имкониятлар ҳақида мутахассис сифатида шундай дейди: «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида фуқароларнинг жинси, миллати, диний эътиқодидан қатъи назар тенг ҳуқуқли эканлиги, 46-моддасида эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги, 117-моддасида эса «сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари» кафолатланган.

Шунингдек, Меҳнат ва Оила кодексларида аёлларга имтиёзлар берилиб, ҳуқуқий ҳимояга олинган. 1999 йил 14 апрелда эса «Хотин-қизларга кўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган.

Бундан ташқари юртимизда аёлларнинг муаммолари билан боғлиқ сиёсатни амалга оширувчи тизим ишлаб турибди. Республика хотин-қизлар кўмитасининг раҳбари айни пайтда Бош вазир ўринбосари ҳисобланади. Вилоят ва туман хотин-қизлар кўмиталарининг раислари ҳоким ўринбосари мақомида фаолият юритишади. Улар хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қўллаб-қувватлаб салоҳиятини рўёбга чиқаришда самарали таъсир ўтказмоқдалар.

Бугунги кунда оила, оналик, болалик ижтимоий муҳофазасини ва аёллар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи Ўзбекистон Республикасининг 80 га яқин қонуни ва қонун ости ҳужжатлари мавжуд.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ушбу йўналишдаги халқаро ҳуқуқий нормаларга ҳам қўшилган. Масалан, Бирлашган Миллатлар ташкилоти Бош ассамблеяси томонидан 1979 йил 18 декабрда қабул қилинган ва 1981 йили кучга кирган «Хотин-қизлар ҳуқуқлари қамситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида»ги конвенциясини Ўзбекистон

Республикаси Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб, 1995 йили ратификация қилган. Мазкур конвенция 30 моддадан иборат бўлиб, унда хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазаси, тенг ҳуқуқлилиги белгиланган.

Сиёсатчи аёлларни юзага чиқарадиган ҳуқуқий омиллардан яна бири парламент сайловларида аёлларга квота белгиланганлигидир.

Сиёсий партиялардан Парламентга номзод кўрсатилаётганда аёлларга 30 фоизли квота белгиланди. Сайлов қонунчилигимизни бу тариқа такомиллаштиришимиз миллий хусусиятларимиздан келиб чиқди. Натижада аёлларнинг Миллий қонунчиликдаги фаол иштирокини таъминлади. Ушбу квота белгиланганлиги туфайли парламент аъзолари бўлган аёллар сони аввалги парламент сайловига кўра икки бараварга кўпайди. Янги жорий этилган квота тизимига кўра сиёсий партиялар ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва вакиллик органларига номзодлар умумий сонидан камида 30 фоиз аёлларнинг номзоди кўрсатилиши лозим. Ҳозирги пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 21 аёл депутат (18%) ва 15 нафар аёл (15%) Сенатда фаолият юритяпти. Ижро ҳокимияти органларида аёлларнинг вакиллари 3,4% ни, суд органларида 22% ни ташкил қилади.

Сайланиш ҳуқуқида имтиёзлар белгиланганлиги туфайли МДХ мамлакатлари орасида бу борада Ўзбекистон анча илгарилаб кетди. Россия парламентида аёллар икки сайлов даврини қиёсласак, 8—10 фоизни, Қозоғистонда 11 ва 12 фоизни ташкил этади. Қирғизистон парламентида эса фаолият юритаётган биронта аёл йўқ. Бу борада Швейцария парламенти намунали деса бўлади. Парламентда аёллар иштироки 48 фоизни ташкил қилади. Олдинги парламент сайловларида улар 43 фоиз эди. Ушбу кўрсаткич Польша парламентида 18 ва 23, Покистон парламентида 17 ва 18 фоиздир.

Амалга оширилган ишлардан кўриб турибсиз, ушбу йўналишдаги вазифаларни бажариш бошқа мам-

лакатларга қараганда бизда анчагина яхши йўлга қўйилган. Бирлашган миллатлар ташкилоти Нью-Йоркда бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида буни тан олди. Мамлакатимиз олдига Пекин конференциясидан кейин қўйилган 50та вазифадан деярли ҳар бири бажарилганлигини таъкидлаб ўтди. Келажакда бу давр жамиятимизда аёлларни улуғлаш, уларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий манфаатларини давлат томонидан ҳимоя қилиш, умуман оила, оналик ва болаликнинг ижтимоий муҳофазаси даври сифатида тарихда ўчмас из қолдиради.

Ҳуқуқшунос, сиёсатчи аёлларнинг етакчиси Машкура Сафаева билан суҳбатимиз узоқ давом этди. Суҳбатимизни у шундай яқунлади: Жаҳонга юз тутган Ўзбекистонимизда парламент ислохотларини амалга ошириш ҳақиқий фуқаролик жамияти барпо этишнинг чинакам калитидир.

Мамлакатимиз узлуксиз ривожланмоқда, тараққиёт жараёни эса янгиланишларни, ислохотларни англатади. Эл фаровонлиги, юрт тинчлиги, мамлакат тараққиётини кўзлаб қонун чиқарувчи икки палатали парламентимизнинг фаолиятини янада юксалишида Аллоҳдан порлоқ истиқбол сўраб қоламиз.



## ҲУРРИЯТ БЎСТОНИДА БИР ГУЛ

Мамлакатимизнинг 14 фарзандидан бири — Наманган. Ҳавоси роҳатижон, сафоли, мусаффо. Қирғоқлари обод, келинчакдек безанган Норин ва Қорадарё худудга алоҳида шукуҳ ила ҳусн бағишлайди. Улуғ мамлакатимизнинг, бепоён Ватанимизнинг бир бўлаги бўлмиш Наманганда Ўзбекистонимизнинг ҳайратомуз гўзалликлари мужассамлашган. Бепоён мовий осмон, булутлар билан кучоқлашган тоғлар, ой билан чирой талашган гуллар, сўлим оромгоҳлар. Гулларнинг чирой

талашиб туриши тасодиф эмас, албатта. Гуллару боғроғлар, табиат, инсон ва унинг қадоқ қўли, қайноқ қалби ҳамда нозик дидининг мўъжизалари, озод ҳамда ҳаётбахш меҳнат, тинчлик ва осойишталик самараси, демак, бахт ва фаровонлик тимсолидир!

Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты Айша Охунова ана шу гўшада ўсиб улғайди. Камол топди. Наманганнинг ҳуқуқий маърифий салоҳиятини юксалтиришга баҳоли қудрат хизмат қилиб келди. Зеро, табиат ўз қуёши билан, инсон ўз ижодий фаолияти билан ажралиб туради. Уни фидокорона меҳнати туфайли халқи эъзозлаб, депутатликка сайлади. Зеро, бу бежиз эмас. У ўз вилоятининг анъаналарини жуда яхши билади, қадрлайди. «Наманганликларнинг меҳрию ижодкорлиги ўзбек дўпписиди, Чуст пичоғида, камалакранг атласларида намоён бўлади. У мамлакатимиз ҳудудининг бир ярим фоиз ерини эгалласа-да, 8—9 фоиз пахтасини ва 15 фоиз газламасини етказиб беради. Яна бунда Истиқлол йилларида жиловланган Мингбулоқ нефть кони қайнаб турибди. Мустақиллик шарофати ила 31 та кўшма ва 3402 та кичик корхона республика иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшяпти», — дейди қаҳрамонимиз. Охунова Наманган вилоят хўжалик суди судьяси сифатида ишлагани учун ҳам вилоятнинг ишлаб чиқаришини, ютуғию муаммоларини яхши билади. Шу билан бирга у билан суҳбатлашиб ҳуқуқий-маърифий ишларга алоҳида эътибор берганини ҳис қиламиз.

«Вилоятда соғлом авлод тарбиялашнинг ўзига хос ибратли анъаналари бор. Уларнинг аввали ҳуқуқий, тиббий тарбия ва мактаб таълимидир. Вилоят адлия бошқармасида ишлаганимда ҳам, судья бўлганимда ҳам бу борада ташкилотларга, аҳолига ҳамфикр, ҳамкор, ҳамнафас эдик. Ишончимиз комилки, муштараклик келажакда янада кучаяди. Чунки, мақсаду муддаомиз ягона — миллатнинг юзи бўладиган, буюк Ватанимизга муносиб комил инсон тарбиялаш, яъни Наманганнинг

ранго-ранг гулларига ҳамоҳанг «жажжи чечакларни» ҳуқуқий демократик давлатимизга муносиб фарзанд қилиб парваришладир».

А.Охунова икки палатали парламент иш бошлаган бир даврда қонун чиқарувчи ушбу муассасада фаолият юритаётганидан фахрланади. Икки палатали парламент мустақиллигимиз берган имконият, Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятига аъзолиги, Миллий байроғимиз БМТ биносининг устида ҳилпираб турганлиги шарофатидир. Ҳуқуқий демократик давлат куришда қонун ижодкорлиги алоҳида аҳамиятга эга. «Мустақилликнинг илк йилларида мамлакатимиз қонунчилигида миллий қонунларимизни зудлик билан яратиш масаласи ўта долзарб эди. Қисқа даврда Миллий қонунчилик мактаби яратилди. Миллий қадриятларимиз ва жаҳон тажрибаси асосида миллий қонунларимиз вужудга келди. Икки палатали парламентга ўтилиши эса миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштиради.

У аёллар орасида биринчи бўлиб Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисига, 120 депутатнинг эътиборига янги қонун олиб чиқди. Шунингдек, «Ҳакамлик суди тўғрисида»ги қонун қабул қилинганлиги муносабати билан қатор қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ташаббуси билан чиқди. «Ушбу қонунлар тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашда муҳим роль ўйнайди ва мустақиллик шарофати сифатида халқимизга узоқ йиллар хизмат қилади, деган умиддаман», — дейди у.



## ОЗОД МЕҲНАТ ФУРУРИ ВА СУРУРИ

Айни ёзда боғларимиз болга тўлади. Дастурхонимизга қут-барака энади. Тўйларимиз кўпаяди. Азал-азалдан пишиқчилик, тўкин-сочинлик даврида элимиз

тўй-томоша беради. Янги оиланинг дастурхони ёз неъматларидек қут-баракали бўлишини тилайди. Аслида Ўзбекистоннинг битмас-туганмас бойлиги серҳосил ерию топганини тўйга тугган саховатпеша шамларидир.

Ана шу қадимий анъаналаримизга монанд пойтахтдаги Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг 11 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда ёшлар ўртасида спорт мусобақалари ўтказилди. Санъаткорларнинг куй-қўшиқлари янгради. Ушбу тадбирда партия Марказий Кенгаши аъзоси, Ўзбекистон Халқ артисти Муяссар Раззоқова ўзининг бетакрор қўшиқлари билан барчани мамнун этди. Қўнғироқдек овози боғ-у роғларни қамраб олди. Беназир опера устаси Ж. Верди операсидан парча, унинг шоғирди Саида Мамадалиева эса ўзбек операсидан намуна ижро этди.

Улар куйлашяпти... Кўз олдимда Ватанимизнинг бепоён кенгликлари-ю, гўзал қадриятлари гавдаланади. Айнан нима?..

Юртимиз қишлоқлари, тоғ ён бағирлари бўйлаб кезсангиз, Дўланатов, Ёнғоқсой, Равочтепа, Жийдазор, Олмалиқир деган гўзал масканларга кўзингиз тушади. Ёки кўчаларимиз, гузарларимиз, мавзеларимизнинг қадимий номларига эътибор беринг: Ўрикзор, Олчазор, Олмазор, Бодомзор, Чилонзор, Қўштут... Бу номлар бежиз қўйилмаган. Улар тилга олинган неъматнинг маскани эканлигини ҳар бир инсон яхши тушунади.

Дуо кетган юртимизнинг боғларида дастлаб олчаю гилослар етилади. Сўнгра ўригу шафтолилар офтобда ял-ял ёнади. Кейин турли-туман узумлар камалакдек товланади. Пишиқчилик эрта баҳордан кеч кузгача тугамайди. Етилган мевалар бири бирига уланади.

Кейинги пайтларда элимизнинг сўлим гўшаю боғлари яна бир неъмат — хурмо ҳисобига бойиди. Табиатан кеч пишувчи сархил мевани авваллари республиканинг

жанубий вилоятларидагина учратардик. Аслида у мамлакатимизга дунёнинг иссиқ ўлкаларидан келтирилиб, маҳаллий шароитга мослаштирилган. Бугунги кунда уни республикамизнинг ҳар бир қишлоғу шаҳарларида ҳам учратиш мумкин. У дилларни яшнатиб ақиқдай товланиб турибди.

Айни кунларда бозорларимизда иссиқ ўлкалардан келтирилган банан, кокос, киви, манго каби мевалар ҳам кўп. Ажабмас, мевачилик билан шуғулланадиган тадқиқот институтларимиз, олимларимиз уларнинг «Ўзбекистон» «Истиқлол», «Мустақиллик» навларини яратишса... Зеро, қуёшдан нур эмган ўлкамизнинг тупроғи олтин!

*Биллур булоқ сувларингдан қанча*

*ичдим қонмадим,*

*Шафтолизор боғларингдан кўзим узолмадим,*

деганида шоир минг бора ҳақ! Қуёш супрасида ийланган нозу неъматлар тиллодай, ақиқдай, ёқутдай... Биз уларни қимматбаҳо тошларга менгзадик. Аслида уларнинг баҳоси йўқ. Яратганнинг инъоми — табиий дармондорилар. Саховатли она тупроғимизнинг мева-ю кўкатлари ҳар бир одамга куч-қувват бағишлайди.

Санъат ҳам худди ана шундай миллий қадриятларга таяниб, суяниб, жаҳон тажрибасидан ўрганиб, юксалиб бораверади. Мева-ю кўкатлар инсон вужудига, куй-қўшиқлар эса инсон руҳиятига куч-қувват бағишлайди. Аслида яшнаган боғлар, янграган карнай-сурнайлар тўкин-сочин дастурхонимиз, фаровон ҳаётимиз ва юртимиз тинчлиги ифодасидир!

Шу ҳаётбахш мевалар билан дастурхонини тўкин-сочин қилиш, оиласини тўйинтириш ҳар бир инсоннинг ўз қўлида! Ҳатто кўп қаватли уйлар атрофида ҳам уларни етиштиришга имкон яратилган. Озгина ҳафсала бўлса бас. Зеро, яхшиликка интилиш, яратиш ва осуда яшаш — инсон ҳаёти, умри ва жамиятнинг асл маъносидир.

Ҳа, биз бобо деҳқоннинг яратувчилиги ҳақида гапирдик. Ўзбек операсини таъбир жоиз бўлса, мен ана шу ижодкорликка, гўзалликка қиёсламан. Жаҳон тажрибасини ва ўзбек қадриятларини уйғунлаштириб, ўзбек маданияти, ўзбек санъатида ўзига хос янги бир йўналиш яратиб, унинг гуллаб-яшнашига муносиб ҳиссасини қўшаётган Муяссар Раззоқованинг ижодини кузатиб, нозу неъматлари тиллодай, ақиқдай, ёқутдай товланаётган яшнаган боғ-роғларга ўхшатаман. Опера саҳнаси соҳибасининг ёқимли, жилвадор ва кучли овозини эшитганимда, у куйлаганда беихтиёр мамлакатимизнинг улугвор тоғлари, гуллаган боғлари кўз олдимда гавдаланаверади.

Муяссар Тошкент Давлат консерваториясини 1988 йилда тугатиб, шу йили Навоий номидаги опера ва балет театрига яккахон хонанда бўлиб ишга жойлашди. Шу -шу дарахт бир жойда кўкаради, деган қадриятларимизга амал қилиб ишлаб, изланиб келяпти. Дарҳақиқат, ушбу маданият ўчоғида ўз ўрнига, ўз овозига эга бўлди. Томошабинлар юрагидан жой олди. Олқишларга сазовор бўлди.

Муяссар Раззоқова номи ўз йўналишига эга санъаткор сифатида Ўзбекистон Миллий қомусининг саҳифаларига (232-бет) киритилди. Санъаткор лирик колоратурали сопрано йўналишида ижод қилади. Ижро услуби вертуоз техника, мусиқали образларнинг эмоционаллиги, самимийлиги ва саҳнавий жозибadorлиги, драматик ифода воситаларининг оддийлиги ва аниқ дикцияси билан ажралиб туради.

Концерт репертуарларидан ўзбек ва чет эл композиторларининг асарлари ўрин олган.

У ижро этаётган қўшиқларга эътибор беринг: С. Юдаковнинг «Майсаранинг иши» асарида Ойхон, Мухтор Ашрафийнинг «Дилором» асарида Дилором, Ж. Россинининг «Савелья сартароши» асарида Розина, Ж. Вердининг «Травиата» ва «Риголетто» асарларида Виолетта ва Жильда, Г. Доницеттининг «Лючия ди

Ламермур» асарида Лючия каби бош партияларни ижро этган. Ушбу мисолларнинг ўзи ҳам унинг ижоди бениҳоя ўзига хослигини ифодалаб турибди.

Хўш энциклопедияда битилган колоратура нима? У қандай услуб? Колоратура итальянча сўз бўлиб, безак деган маънони англатади. Европа санъатида, асосан, Италия санъатида юзага келган— ўта моҳирлик билан қўлланиладиган мураккаб оҳанг безаклари ва машқларидир. Колоратура ўрта асрлардаги лютет, мадригел, шансон каби жанрлар ижрочилигида шаклланган. Айниқса, XVII—XIX асрларда итальян опера арияларида кенг қўлланилган. В. Моцерт, Ж. Россини, Л. Делиб, Ж. Верди, Р. Глиэр, М. Глинка ва бошқалар колоратурадан таъсирчан бадиий восита сифатида фойдаланишган. Яқин ва Ўрта Шарқ мусиқа ижрочилиги — муғанний ошиқ, ҳофиз, бахши, оқин ва бошқалар санъатидан колоратурасимон нола ва машқлар кенг ўрин олган.

Колоратурали сопрано нима? Колоратура машқларини ижро эта оладиган, ўзгаришларга бой санъаткор аёлларнинг баланд овози — колоратурали сопрано дейилади. Ўзбек хонандаларидан Н. Аҳмедова ва М. Раззоқованинг овози колоратурали сопранодир (Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 4-том, 663-бет )

Вертуоз лотинча сўз бўлиб, жасорат, истеъдод маъносини англатади. Ўз санъатининг ижро техникасини мукамал эгаллаган, ижровий қийинчиликларни моҳирона енга оладиган санъаткор— вертуоз санъаткордир.

Европада XVIII асрда фортепиано мусиқасида Ф. Лист, скрипка ижрочилигида Н. Паганини, хонандалиқда бельканто усталари вертуоз сифатида танилган. Ўзбекистонда эса уста Олим Комилов, Турғун Алиматов, Муҳиддин Қориёқубов каби санъаткорлар вертуоз ижрочи деб топилган.

Жаҳон санъати билан миллий санъатни уйғунлаштириб, ўзига хос услубни яратган Муяссар Раззоқова жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида ижодий сафарларда бўлиб, олқишлар олган. У Франция,

Туркия, Россия, АҚШ, Миср мамлакатлари томошабинларини юртимизнинг опера санъати билан таништирган.

Моҳир санъат устаси Халқаро хонандалар танловининг 1989 йили Ригада, 1990 йили Венгрияда, 1997 йили Римда голиби бўлган. Туркияда бўлиб ўтган 2003 йилги опера фестивалида эса опера устаси мукофотига сазовор бўлган.

1998 йилда Ўзбекистон халқ артисти, 1999 йилда эса Қорақалпоғистон халқ артисти унвонига сазовор бўлган. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Депутати.

Мустақиллик, Наврўзи айём байрамларида Марказий майдонда у куйлайдиган қўшиқлар байрам шукуҳига шукуҳ қўшиб, дилларни янада яйратади. Санъаткорнинг ўзи ҳам озод меҳнат ғурури ва сурури нашиласидан ял-ял ёниб куйлаб, ижод қиляпти.



## БУЛОҚНИНГ ҲАЁТБАХШЛИГИ

Инсон юзага чиққунча етти қат ер остидан сизиб чиққан булоқдек узоқ йўл босади. Гулнора Ботировна ҳам биллур булоқдек ҳаётда йўлини кўп излади, хўп излади. Сўқмоқлар катта йўлга барибир олиб чиққанидек унинг умр манзили улкан йўлга келиб туташгунча тинмади, тинчимасди. У она сути оғзидан кетмасдан туриб чидам, меҳнат, машаққат деган сўзларнинг таъмини туйди.

Кичкина Гулнора ҳали ота сўзининг жарангини қилбида туйиб, меҳрига тўйиб улгурмаган эди. Тақдирига «халқ душманининг фарзанди» деган тамға босилди. Онасини ишга олишмас, уйда бир бурда нон топилмас эди. Болаликнинг беғубор олами, қувончлари унга насиб этмади. Уни ҳар лаҳзада камситишарди. Яратганнинг синовларига чидаб, сийловларига шукрона келтирди.

— Яратганнинг ўзи инъом этган истеъдодни тортиб олиб бўлмас экан. Мактабни аъло баҳога тугатгач, Тошкент тўқимачилик, енгил саноат ва машинасозлик институтини йўл олдим. — Яхши ўқидим ҳамда ишладим, ўзимдан орттириб рўзгор учун онамга пул ҳам юбориб турдим, — дейди Гулнора Ботировна узоқ ўтмишни хотирлаб.

Ҳамма нарсада меъёр бўлганидек, қайғули кунларда ҳам меъёрни унутмаслик донолик нишонасидир. Отасининг хотирасини ҳамиша муқаддас тутди. Бахтига, ўша пайтларда ота учун бола айбдор эмас, деган қарор ҳам чиқиб қолди.

Кейин... Ота қабрини излашга аҳд қилди. Хатлар, илтимослар, тинимсиз изланишлар... Гоҳида яхшиларга, гоҳида тош юракларга дуч келди. Шернинг урғочиси ҳам шер, дейдилар. Ниҳоят, ниятига етди. Отаси Ботир Йўлдошев 1941 йили урушга кирганлиги ва қаҳрамонларча ҳалок бўлганлиги ҳақида жавоб олди. Унга отасининг нишонларини келтириб беришди. Ўша кун отасининг номи оқланганидан қувончи, боши кўкка етди. Ўзини, ўзлигини топгандек бўлди.

Вақт елдим. Кўз очиб юмгунча ҳафталар, ойлар, йиллар физиллаб ўтиб кетаверади. Ўйингни ўйлаб, ишингни битириб бўлгунингча даврлар ўтганлигини билмай қоласан. Табиатан сахий, ҳалол одамларга табиат ҳам меҳр кўргазавераркан. Тақдир уни олийжаноб инсонга йўлдош қилди. Оналик бахтига муяссар бўлди. Фарзандларини тарбиялашда Фаима ая Раҳматова ҳамиша ёндош эди.

Миқтигина, шиддатли, кўзлари чақнаб турадиган бу аёлни Тошкент тўқимачилик комбинатида меҳнат тоблади. «Қизил тонг», «Малика», «Учқун» каби улкан корхоналардаги қизгин фаолияти Гулнора Йўлдошева-ни элга танитди.

Гулнора Ботировна умри давомида қаерда иш-ламасин ҳамиша ёшлардек гайрат-шижоат билан меҳнат қилди. У Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш

қўмитаси раиси сифатида фаолият кўрсатган йилларда мустақил мамлакатимизнинг ҳуқуқий асосларини яратишга муносиб ҳисса қўшди. Ўзбекистон Парламенти аъзоси, қўмита раиси сифатида қанча муаммоларни Олий Мажлис кенгашига тақдим этди. Бу муаммолар ўз-ўзидан туғилгани йўқ. Меҳнаткашлар ҳаётидаги муаммоларни ўрганиш учун кейинги даврдан мингдан ортиқ фуқарони қабул қилиб, уларнинг дардларига қулоқ тутди. «Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодекси» ва «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги қонунларнинг лойиҳаси уларнинг қўмитасида тайёрланиб, умумхалқ муҳокамасига қўйилди ва бугунгача халқимизга муносиб хизмат қилиб келяпти.

Гулнора Йўлдошева «Соғлом авлод учун» жамғармаси бошқарувчи раиси сифатида ҳам фаолият кўрсатди. Ҳаммамиз биламиз, мамлакатимиз раҳбари Фармони билан 1993 йил «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси таъсис этилган эди.

Халқимизнинг генофондини, насл-насабини яхшилаш ва ёш авлоднинг маънавий ва жисмоний баркамоллиги йўлида ушбу жамоат ташкилоти кенг қамровли тadbирларни амалга оширмоқда. Гулнора Ботировна ана шу жамғарма бошқарувининг раиси сифатида ҳам самарали фаолият юритди.

— Савобни ҳар ким қилиши керак, ҳар кун қилиши керак. Президентимизнинг ушбу ҳикматли сўзлари ишимиз, йўриғимиз мазмунига айланишини истайман... — дерди Гулнора Йўлдошева ҳамиша. Сир эмас, бугунги кунда расмий тиббиёт ҳар бир оила ва ҳар бир одамни қамраб олиш имкониятига эга эмас. Жамғарма асосан ана шунга эътиборни қаратди. Олмониянинг «Карл-Цейс йена» фирмасидан 15 та автомобил-амбулатория сотиб олинди. Унинг ёрдамида узоқ қишлоқлардаги оналарни ва болаларни тўла текширувдан ўтказиш имконияти яратилди. Бугунги кунда узоқ қишлоқларда мини поликлиника автоамбулансини кўрсам, бу тadbир нақадар ақлона савобли иш бўлганлигини янада чуқур англайман.

Иккинчи улугвор ишлардан бири — Она ва бола скрининг марказларининг ташкил этилишига тамал тоши ўша пайтда қўйилди. Касал болалар туғилишининг олдини олиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда «Ҳомиладор аёллар муҳофазаси» махсус дастури ишлаб чиқилди. Бунда аёлларни дастлабки ҳомиладорлиги даврида кузатиб бориш назарда тутилади. Финландиядан аппаратлар ва реактивлар сотиб олинди.

Аёл. Она. Жамоат арбоби. Эл-юртчиликдаги қувонч-ютуқлар, ташвишу муаммолар аввало, оналарнинг юраги, нигоҳлари оралаб ўтади. Мустақил Ватанга етти мучаси соғ фарзандлар керак. Маънавияти булоқ сувидек тоза насллар керак. Ушбу эзгу ниятда тер тўкиб меҳнат қилаётган опа-сингилларимизга кўмаклашишдан улуг савоб иш борми ўзи деган мазмун-мантиқ билан ишлади.

Жамгарма ўз фаолиятида мамлакатимизнинг суянчи, таянчи бўладиган соғлом болаларга ҳам алоҳида эътибор берди. Иқтидорли талаба ва ўқувчиларга жамгарманинг стипендияси ташкил этилди. Тошкент Давлат техника университети қошида «Соғлом авлод учун» хотин-қизлар коллежига асос солинди.

Жамгарма ҳузурида ташқи иқтисодий фаолият фирмаси ташкил этилиб, чет эллик фирмалар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

1995 йил Пекинда бўлиб ўтган Жаҳон хотин-қизларининг V анжуманида Гулнора Йўлдошева ҳам қатнашди. Ўша кунлари уни Ўзбекистон ҳукуматининг Хитойдаги элчихонасига таклиф этиб, Президентимиз фармонини ўқиб беришди. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони билан қутлаганида, қанчалар қувонди.

— Чет элларда кўп бўлганман. Аммо орқамда кучли бир давлат — мустақил Ўзбекистон борлигини ўшанда сездим. Отам оқланганлиги ҳақидаги хабарни олган куним қандай суюнган бўлсам, шундай суюндим, — дейди ўша ҳаяжонли кунларни миннатдорчилик билан эслаб Гулнора Ботировна.

Гулнора Ботировна Парламент аъзоси сифатида Миср, Туркия, Германияда бўлди. Ўзбекистонга бўлган эътибор, янги даврнинг нафаси, мустақиллик нашинини ҳис этиб, юрак-юракдан қувонди. Мамлакатдан уюқда Ўзбекистоннинг ҳилпираган байроғини кўрганида болалик орзулари, отасининг интилишу ниятлари ушалганини ҳис этди.

— Раъножон Зариповна, биласизми, Ўзбекистонимизнинг ўзига хослиги нимада? Юртимизнинг тинчлигида, меҳнаткаш халқимизнинг оғир-вазминлигида, баракали қўлларида, — дейди опа завқ билан.

Юртимизда бизни қувонтирадиган буюк кунлар кўп. Эи ўзини таниган куни — мустақиллик куни — байрам. Қадриятлари давом этаётган наврўз — улуг айём. Фарзандларининг камолини кўргани куни халқимиз учун байрам. Рустам Қосимжонов, Артур Григорян, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев каби фарзандларимиз мустақил Ўзбекистонни дунёга танитмоқда. Улуғларнинг ёдини улуглаган айёмлари эса халқнинг саводатидир.

— Пойтахтдаги Хотира майдони — мустақиллик рамзи бўлиш билан бирга, мен отамни топган кун ҳамдир, — дейди Гулнора Ботировна.

Опа бу ерга тез-тез келиб туради. Отасининг хотирасини ёдга олади. Гул келтиради. Ёди пойига таъзим бажо қилади. Ундай пайтларда Ватан тақдири ҳар бир инсон тақдири билан узвий боғланиб кетишини яна бир карра ҳис қиламан. Булоқнинг ҳаётбахшлиги бор Ватанимиз жамолида ҳам, юртимиз кишиларининг тақдирида ҳам.

Унинг суҳбатини тинглаб мен бу аёлнинг табиатида ҳамшиша йўл излайдиган булоқнинг ҳаётбахшлигини кўраман.



## ВАТАН СУВРАТЛАРИ ВА СИЙРАТЛАРИ

Газетанинг кундалик майда-чуйда юмушлари билан ўтирганимда муаллимиз Ширмоной Аслонова кириб келди. Қўлида бир олам расмлар — ҳаммаси матога мойбўёқда чизилган сувратларнинг фото нусхалари эди. Улар ичида «Борлиқ — борлигим менинг» деган туркум мавжудлиги эътиборимни тортди. Улар миллийлиги ва мушоҳадага бойлиги билан ўзига жалб этди.

— Турмуш ўртоғим чизган расмлар, маъкул келса газетангизда...

Ширмонойнинг самимийлиги, эрини қўллаб-қувватлаши, бир сўз билан айтганда инсоний меҳр-оқибат менинг дилимни ёритди. Расмларни бир-бир кўздан кечириб ўзимга ёққанларига ном қўйдим. Улардан бирини — «Оромижон қўйнида оромижон» деб атадим. Улуғвор тоғлар қўйнида инсон курган мўъжазгина уй Яратганнинг мўъжизасини акс эттириб турибди. Табиат қанчалик гўзал, ҳайбатли, оромижон бўлса, унга нисбатан миттигина бўлмиш уйчада каттагина серфарзанд оила ором топади. Унда она табиат ҳусни ва ҳайбати билан оҳанрабодек ўзига тортиб, улуғвор заминда одамзот ҳаёти ва умри ўткинчилигини ифодалаб турибди. Ўзини она табиатнинг зарраси деб билган одам ўзидан гўзал излар қолдиришга интилади. Уйлар курилаверади, авлодлар алмашаверади, она замин эса абадий қолаверади. Нега барча одамзод ўткинчи умрини ҳайбатли гўзал табиатга муносиб оқилона, меҳр-оқибат билан ўтказа олмайди? Суврат ана шунга даъват эгаётгандек. Бизни тўйинтираётган, бизга меҳр-муҳаббат кўрсатаётган Она табиатдан меҳр кўрсатишни биз нега ўргана олмаймиз. Зеро, табиатнинг яратмиши олдида одамзот яратган нарсалар учкун ҳам эмас.

Иккинчи сувратни «Баҳор» деб номладим. Бироқ, муносиб ном топа олмагандекман. Баҳорнинг илк меваси ўрик қийғос гуллаган. Гўё бутун борлиқни уйғониш қамраб олгандек. Бироқ, ўша манзаранинг



Онам — миллий қадриятларимиз тарғиботчиси  
Жамила момо Ҳожиева



Отам — халқ педагогикаси билимдони,  
Зариф ота Бекчанов



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили — омбудсман Сайёра Рашидова



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, Машкура Сафаева ва  
Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика  
Хотин-қизлар қўмитаси раиси Светлана Иномова Бельгия  
парламенти қабулида. Бельгия парламенти Сенати раиси А. Э. Лизин  
билан суҳбат пайти.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутаты  
Ойша Охунова



Педагогика фанлари доктори, профессор Ойниса Мусурмонова



Ўзбекистон Қаҳрамони Анора Маҳмудова (чапда)



Тиббиёт фанлари доктори,  
профессор Матлуба Азимжонова



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият ходими  
Гулнора Йўлдошева



Тадбиркор Саодатжон эна Раҳимова шогирдлари —  
келиндари билан



Халқ таълими аълочиси Гулнора Сафарова



Республикада хизмат кўрсатган врач Светлана Цой



Халқ таълими аълочиси Улибиби Отажонова турмуш ўртоғи,  
Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Абдулла Отажонов билан



Халқ таълими аълочиси Мурад Аслонов

Унда биз қаҳратон қишни ҳам, олтин кузни ҳам, сўлим ёзни ҳам ҳис этамиз. Бир чеккага куз маҳалида кесиладиган ва уй қурилишига ишлатиладиган катта-катта болорлар тахланган. Бир чеккада синчўплар билан текис ўралган қийхона инсон қўли гуллигини ифода этади. Тахланган ходалар қишнинг совуғи-ю ёзининг жазирамасида ҳам одамларга зарур бўладиган оташларни эслатади. Ўтибор берсангиз, сувратлардаги ҳар бир манзара — далил ҳамма нарса инсон учун, унинг келажаги бўлмиш янги авлод учун деяётган-дек. Биз ундан қай даражада фойдаланяпмиз, ёки бир чеккада гап сотаётган аёллардек унга ўтибор бермаяпмизми?

«Осойишта оилалар эртанинг таянчи» сувратида полиз-полиз экинлар хаёлингизни тортади, ҳавасинг ортади. Ер нотекис бўлса, далага сув бир маромда текис тарқалмайди. Унинг олдини олиш учун ер поғона-поғона шаклда ишлов берилган. Далалар дид билан безатилган. Экинзор суғориш осон бўлиши учун полиз-полизларга ажратилган. Эндигина куртак отаётган ниҳолларни ота парваришляяпти. Она кир ёйяпти. Далалар гўё кеча билан эртани боғлайди. Унинг мазмун-моҳияти куч-қуввати қанчалик кечаги кунга боғлиқ бўлса, эрта учун ҳам шунча зарур. Бугунги ҳалол меҳнат кечанинг ҳаракати, эртанинг орзусига таянч. Кимки берсанг ейман, урсанг ўламан деб ўтирмасдан табиий имкониятлар тилини топиб, ернинг юзини гуллатса, бунёдкор ўша. Элнинг ғайрати ва қуввати ана шундай заҳматкаш кишилардир. Бунёдкор инсонлар борки, элнинг кўнгли тўқ, ризқи бутун. Одамларнинг оиласи тинч бўлади. Тинч оилаларнинг руҳияти гўзал, фарзандлари элнинг қаторидаги нори бўлиб улғайишади. Деҳқон ишлаб дон сочади, элга ризқ-рўз эшигини очади, деган матал ҳам бежиз эмас.

Ҳамма гап меҳрда. Ҳамма яхши нарса меҳрдан бошланади, меҳр билан унади. Ҳақиқий инсонийлигу олижанобликнинг бош белгиси ҳам дўстлик, вафодорлик эмасми?

Навбатдаги сувратни «Дунё улкан тандир» деб номладим. Тандирнинг ичи қоп-қора бўлиб кўришиб турибди. Атрофи ҳам қорароқ тасвирларда. Дарахтлар орасидан тандир томон иккита оппоқ йўлак тушган. Бири меҳр йўлаги, бири машаққат йўли. Бирини биридан ажратиб бўлмайди. Тандирнинг оқариши, нонларнинг қип-қизариб пишиб чиқиши учун шу икки йўл керак. Бири меҳр, бири машаққат. Аслида дунё бир тандир. Дунёнинг тилига тушуниш учун ҳам меҳнат, меҳнат ва яна меҳнат, яъни ширин машаққат-у меҳр-оқибат керак.

Навбатдаги сувратни «Қайнота» деб номладим. Чунки, қариянинг тоғликларга хос салласи ҳам, чопони ҳам, ҳатто пиёла ушлаб ўтириши-ю, сокин назари ҳам қайнотамни эслатди. Қишлоқ манзаралари ҳам дилимга яқин таниш. Отамиз атрофни супуриб-сидириб, сув сепиб, ерга гилам тўшаб ўтиришни хуш кўради. Беихтиёр биринчи марта учрашган пайтларимизни эсладим. Овсиним ўргатгандай оҳиста самарқандча таъзим бажо келтирдим. Сўнгра аёллар билан кўришаётганига эътибор қилдим. Иккала кўлини чопонининг ичига тортиб, қўл олиб кўришдилар ва аёлларнинг кўзига боқмай бир-бир сўрашиб чиқдилар. Унда замонавий урф-одатлар билан миллий шарқона одоблар уйғунлашиб кетган саломлашиш тақвosi мужассам эди. Ўзини ҳам, ўзгани ҳам асраш-авайлаш асносидаги саломлашиш ва сўрашиш назокати шарқона қарияларга хос донолик эди.

Сувратлар баҳона шунча хотира кўзгалди. Шу эмасми, рассом ижодининг ҳаётийлиги ва руҳиятбахшлиги.

Мусаввир Жўра Аслон ижоди шарқона мушоҳадага бой, эзгуликка чорлайди. Дилларни равшанлаштиради. Яхши ижод энг яхши сирдош, дўст ва дардкаш кабидир. У инсон руҳиятига ҳамдам бўлиб, куч-қувват бағишлайди. Рассом асарлари ана шундай гўзал сир-синоатга бой.

Мусаввир Жўра Аслон асарларининг ютуғи ҳам ана шунда.

## МЕҲРИ БОРНИНГ – СЕҲРИ БОР

(ЭССЕЛАР)

Маънавият инсонга она сути, ота намунаси,  
аждоғлар ўғити билан сингади



## МОМОЛАРНИНГ БИЛГАНИ-БИЛГАН

Эзгуликка, сабр-қаноатга ўргатадиган удумлар кишиларга хуш кайфияту қувонч бахш этади, дилларни дилларга улайди. Оилаларни осойишталикка, барқарорликка, элни тинчликка ундайди.

Тўй кишилиқ ҳаётидаги энг суюкли ва ардоқли кун Шунинг учун бобою момоларимиз «тўйларга етказсин», «тўйларда учрашайлик», «кўрганнимиз тўй, еганимиз қўй бўлсин», — дея дуо қиладилар.

Қўшгани билан қўша қариш — бу бахтли оила демак. Ҳақ гап: «Бахтли оилалар давлатимиз бойлигидир». Элимизнинг юрак тубида асралган, дуру маржон янгли тизилган гўзал маросим ва анъаналар, халқ оғзаки ижоди намуналарини ўн бир фарзанд туғиб улғайтирган, иззат топган, қўша-қўша келинларнинг роҳатини кўраётган онам — Жамила Ҳожи қизидан ёзиб олдим.

Онам — Жамила Ҳожи қизининг суҳбатидан: Мен етти фарзандли оилага бош келин бўлиб тушдим. Қозон ҳар куни қайнардиган, бироқ ҳар куни палов пишмасди. Хонадон эгаларининг бир-бирига эътиборлилиги, ўзаро назокатли муомаласи, айниқса, отангининг менга ўта меҳрибонлиги кўнглимни тўлдириб турарди.

Бир куни кўнглим паловга суст кетди. Онамга айтдим. Улар бир қозон паловни жўнатмоқчи бўлиб турганида отам келиб қоладилар: Улар тайёр овқатни мачитга чиқариб юборадилар «Ўзи танлаб, ўзи суйиб тегди. Эри оч бўлса оч, тўқ бўлса тўқ бўлади. Сабр-қаноатни ўргансин. Янгаси тўй маҳали яхши тушунтирмаган экан-да, ҳозир

ни топ, фикримни етказсин, дея тайинлайдилар. Бир пайт палов кутиб турсам, янгам бир олам ўғит билан кириб келди. Ўша кунлари отамдан қаттиқ хафа бўлдим. Бироқ, иккинчи марта бирор нарса сўрамадим. Шу-шу ўз рўзгоримнинг йўғига бирга-бирга куйиндим, борида бирга-бирга суюндим. Фарзанд кўрдим, менга ҳам янга бўлиш насиб этди. Бугун қайнонам, кайвониман. Энди отамдан хурсанд бўламан. Чунки, ота-онамдан дуо олдим. Бир-бирини тушуниб, қўллаб-қувватлаб яшаш бахти ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Аслида бу бахт менга бувим Шукур момодан, онам Бибижондан мерос. Қайнонамдан шикоят қилсам, онам Бибижон: «Жон қилгим, қўй, бошингни оғритма, Бикажонни (қайнонам) сийлайбер, сийлайбер. Беванинг дуоси, дорининг сараси. Ахир биз етти овсин, қирқ жон бир уйда яшадик, катта дошқозонда овқат едик. Бироқ, ҳеч кимдан кам эмасмиз. Ота-она дуоси ўтга, сувга ботирмас. Бор болам, ниятинг пок, мушқулинг осон, пешонанг ёрқинроқ бўлсин» дея қайтарар эдилар. Шу-шу умрим давомида бировнинг шилини ранжитмасликка, дуо олишга ҳаракат қилдим. Чунки, элимиз одамлари «дуо билан эл кўкаради, ёмғир билан ер кўкаради» дейишади.

Тўқсон билан тўқнашиб оламдан ўтган раҳматли бувим суҳбатидан: Жамилажон менинг бош келиним. Ўғлим Ҳожибойнинг ёлғиз қизи, колхознинг бош ҳисобчиси, от миниб юрган қизга уйланмоқчиман деганида юрагим орқага тортиб кетди. Биз бутун бор-будидан айрилган қулоқ оиласи бўлсак, камчил рўзгоримизга сингишиб кетармикан, деб кўрқдим. Барака топсин, баланд товушини, кўнглини ранжитадиган кўз ёшини кўрмадим. Қадам изи ярашиб тўй устига тўйлар бўлди. Яратганга шукроналарим кўп. Ерларимизни, уйларимизни шўролар ҳукумати тортиб олганида, эримни қулоқ қилганида энди қайта қаддимизни кўтара олмаймиз, деб ўйлаган эдим. Худога шукр, эл қатори ўғилларни уйлантирдим, ёр-ёр айтиб, келин туширдим, қиз чиқардим. Онанг ҳар бирига

онадек хизмат қилди, янга бўлди. Ҳар бири бахтли тахтли бўлиб кетди. Уларнинг элда, ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишида отанг билан онанг бош-қош бўлдилар.

Онагинамнинг шукроналаридан: Пиру бадавлатликнинг бари аввало Яратганнинг сийловларидан, қолаверса оқ ювиб, оқ кийгизган она-ю момоларнинг дуоларидан, ёр-ёр айтиб узатиб борган момолар-у янгаларнинг ўғитларидан, деб биламан. Дуою ўғитлар турмушимизга файз киритади, тўйларга «жон бағшида» этади.

Онамнинг дуоларидан: «Ҳар бирингизга сочимнинг толасидек ёш берсин. Қўшганингиз билан қўша қаринглар, бахтли-тахтли бўлинглар».

#### СОВЧИ — ЭЛЧИ

Никоҳ тўйининг боши — совчилик. Совчининг иззати баланд. Шунинг учун ҳам бу эзгу ишга кўпинча кўрган, обрў-эътиборли кишилар танланади. Одатда совчи жўнатишдан олдин қудачилик қиладиган хонадоннинг тутум-тартибига алоҳида эътибор берилади. Кўпинча эшик очишга эркак-у аёллар биргаликда боришади. Эшикни биринчи бўлиб эркак очгани — қут-барака тошгани, дейилади. Аёл қўлида албатта дастурхони бўлади. Чунки, ишни пишитишда, эркаклар журъати ила аёллар синчковлиги уйғунлашиб, мурод ҳосил бўлади. Одату тутуми рисоладагидек кўринса, кўнгли жамлик билан гап бошлайдилар.

— Сизнинг боғингизда бир гулғунча очилибди. Бизнинг боғимизда булбул сайраяпти.

Қайси боғнинг булбули экан? — деб сўрайди элчининг ёнига чақирилган аммаю, тоғалар.

Одатда қиз томон ҳеч қачон: «Йўқ, бермаймиз, бўлмайти», демайди. Чунки, меҳмонларнинг, элчи-совчиларнинг обрўси сақланади.

«Қариндош-уруғлар билан маслаҳатлашиб кўрайлик», — дейилади. Бироқ, элчилар дастурхоннинг қай-

тисидан дарров имо-ишорани англайдилар. Агар дастурхонига тегилмаган бўлса — рад қилингани. Иккита нон олиб, ўрнига бошқа нон солиб қўйилса, «яна келаверинглар, ўйлаб кўрамиз» дейилгани... Ризолик аломати нон алмаштиришдир. Бирор ҳафта ушиб, яна борилади.

#### ҚАТЛАМА КЕЛДИ

Икки ёшнинг умр йўлларини бирлаштирадиган талбир — «қатлама келди» маросими ҳисобланади. Унда энг яқин қариндош-уруғлар йиғилади. Куёв томонидан келган қатламалардан иккитасини фариштали, бир никоҳли қария тенг қўйиб ўртада ушатади. «Ёшларнинг тўрт томони қибла (тўсиқсиз маъносиди) бўлиб, шамол тегиб юрсин», дея дуо қилади. Бу оилада, эл-юрт ўртасида ҳамиша обрў-эътиборли бўлиб юришсин, деган ният ифодасидир. Куёв томондан келган қатлама, холва, ширинликлар, қиз унаштирув ўтганлигини билдириш учун кўни-қўшни, қариндош уруғларга тарқатилади. Шу билан бу хонадонга совчи келиши тўхтайтиди. Ўша кунни тўй белгиланади. Тўй белгилангунича, куёв томон қизнинг уйига бозорлик, ҳайитлик жўнатиб туради.

#### КЎРПА БИЧАР

Қатлама келди тантанаси ўтгач, қиз томонга пахта ва кўрпалик газламалар жўнатилади. Қизнинг онаси кўни-қўшни, қариндош-уруғлардаги момолардан етти нафарини чақириб, «кўрпа бичар» ўтказади. «Кўрпа бичар»га куёв томондан тухум барак, гўмма каби тансиқ таомлар пишириб келадилар. Маросимга чақирилган ҳар бир момога биттадан игна-ўймоқ (ангишвона)ни совға этадилар. «Кўрпа бичар» чоршанба кунни ўтказилади. Бу кун «кўрпа бичар»га хуш кун саналади. Қўша қариган бир никоҳли момо «бисмиллоҳ» деб газламани қўлга олади. «Оллоҳнинг ўзи қутлуғ

қилсин», дея у ёғидан етти қарич, бу ёғидан етти қарич ўлчаб биринчи кўрпани бичади. Қизнинг онаси эса ширинлик ва тангалар сочади. Болалару момолар сочқини олаётиб, энгларига солаётиб: «Ўнг бўлсин, ўнг бўлсин», Оллоҳнинг ўзи қутлуғ қилсин, болаларию охтиқлари (неваралари) ётиб-ётиб тўздирсин» дея дуо қиладилар.

Момолардан бири кўрпа бичади, бошқаси пахта солади, яна бири тикади. Бири ёр-ёр айта бошлайди:

*Тахта кўпир устидан-ей тойиб тушдим, ёр-ёр,  
Ўнг қўлимга қайчи олиб, бахмал бичдим, ёр-ёр,  
Бахмал бичган қўлларим-а майишадир, ёр-ёр,  
Сенга ўзи момоларинг қайишадир, ёр-ёр.*

Кўрпа-гўшаклар битгач, уларнинг устида момолардан бири юмалайди. Момоларнинг иккинчиси «Римажон ўғил кўрди, Гўрўғли келбатли», дейди. «Қутлуғ бўлсин, қутлуғ бўлсин» — жўр бўлишади бошқа момолар. Иккинчи марта юмалаганда, «Римажон қиз кўрди, Шоҳсанам сийратли», дейишади. Яна бошқа момолар жўр бўлишади: «Оллоҳ қутлуғ қилсин, Оллоҳ қутлуғ қилсин». Учинчи марта юмалаганида, «Римажон охтиқ (охтиқ — хоразм лаҳжасида невар) кўрди, Алпомиш келбатли... Яна бир юмалаганда: «Охтиқ кўрди ой сийратли» дейишади: бешинчи ва олтинчи марта юмалаганида «човлуқ», яъни чеваралар тилга олинади. Еттинчи юмалаганда ётлик кўрди дейилади. Ниҳоят момо гўё ётлик фарзанднинг ҳовучида сув ичгандек ҳовучлаб сув ичади. Дуоларга дуолар уланиб кетади.

Қизнинг онаси: «Илоҳим ёшлар сизларга ўхшаб юрсин», — дея ният қилади ва ҳар бир момога совгалар улашади.

### ХИНА ЁҚАР

Тўйдан бир кун бурун «хина ёқар» ўтказилади. Бу одатни аслида қизнинг ўзи туғилиб ўсган гўшаси билан

хайрлашув маросими, десак ҳам бўлаверади. Қизнинг дугоналари йиғилади. Куёвнинг янга-сингиллари совғасалом, сурма, хина кўтариб келишади. Ўйин-кулгу, шеърхонлик авжига чиқади.

Қизлар куёв-келиннинг номини қўшиб, ҳазил шеър, терма айтишади:

*Эшчонбойнинг кўк оти,  
Кўкка қараб кишнайди.  
Уни кўриб Римажон,  
Жиловидан ушлайди.*

Иккинчиси давом қилади:

*Эшигимнинг олди солма,  
Солмадан отлаб сув олма,  
Ҳар қўлингда етти олма,  
Болдизу янгалардан хабар борми?*

Шу пайт болдиз (яъни, қайнсингил) ёки йигитнинг янгаси келиннинг қулоғига атайлаб келтирилган ҳалқа (зирак)ни тақиб қўяди. Келинларга ҳалқа тақиш кўҳна анъана. Тўлиной шаклидаги зирак оппоқ инжулар билан безатилган бўлади. Зирак — келин тўлин ойдай тўлишиб юрсин, йўли инжудек оқ бўлсин, деган ниятда ҳадя этилади. Кимнинг қулоғида ҳалқа бўлса, унинг келинчак эканлигини билдиради. Зирак тақилгандан кейин мушоирани қизнинг янгаси давом эттиради.

*Қизил гулинг қатма-қат,  
Қиз ўстирганга раҳмат.  
Оздир-кўндир мол берган,  
Куёв болага раҳмат.*

Дугоналар қутлашади: — «Қутлуғ бўлсин, чиқонжон!»

Кеча охирида қизлар келинчакнинг кўзларига сурма, қўлларига хина қўядилар. Хинани ували-жували, бир никоҳли қўша қариган момо эзади. Қизнинг янгаси



ёрдам бериб туради. Янга ҳам оиласи билан тинч-тотув яшаётган, бола-чақали, саранжом-саришта аёл бўлишига алоҳида эътибор қилинади. Янга: «Сизнинг йўлингизни берсин Римажонга», — дея олдин момонинг қўлларига хина қўяди.

Бу пайтда янгага ҳазиллар бошланади:

*Чарх йигирсам, пул бўлади, янгажон,  
Бошим тўла гул бўлади, янгажон,  
Хоразмнинг ман-ман деган йигити,  
Эшигимда қул бўлади, янгажон.*

Иккинчи қиз:

*Оқ айвоннинг ўрасиман янгажон,  
Хоразмнинг сарасиман, янгажон,  
Ўтирганда қизил гулман, янгажон,  
Тик турганда лоласимон, янгажон...*

Момодан кейин келинчак бўлмишнинг қўлига хина ёқадилар, кўзига сурма тортадилар.

Қизлар жўр бўлиб ҳазиллашадилар:

*Солма бўйини ўйдингми?  
Қўлингга хина қўйдингми?  
Дўсту чиқондан кечиб-а  
Ёринга бино қўйдингми?*

Қизлар ҳам хина қўйиб бўлишганидан кейин янга ҳазиллашаётган қизларга жавоб қилади:

*Тол кесдим, хода бўлди,  
Маржоним шода бўлди.  
Энди рухсат беринглар,  
Хина ёқар адо бўлди.*

СЕП

Она қизига етти хил сеп атайди: чироқ, қумғон, супра, дастурхон, сандиқ, гилам. Еттинчиси қизил

тошли тилла узук. Агар ёкут кўзли тилла узукка қурби етмаса, она шундай дейди: «Қизгинам, сенга олти хил сеп бердим, еттинчиси, бу — менинг ўғитларим. Уни куёвнинг ҳалқасини қулоғингга тақиб олгандек тақиб ол: Чироқ — фарзанд тимсоли, авлодларнинг давомийлиги рамзи. Қумғон озода, фаришталик бўлиб юришга ундов, супра — тўкин-сочинлик рамзи; дастурхон беришдан мақсад эл ўртасида янги оиланинг ўрни бўлсин, деган ниятлар мужассам. Қизил тошли тилла узук — меҳр-муҳаббат тимсоли. Сандиқ — момолар бисоти. Сандиқ очиб, момо бўлиб, тўйлар қилиб юрсин, деган тилаклар умумлашган етти хил сеп берилиши бежиз эмас. Етти хосиятли рақам саналади. Болам, етган ерингда йиқилма. Етти хазинанинг эгаси бўлгин. Етти фарзанд этагингдан тўкилгандек бўлсин. Мен берган сепларни топса бўлади, бироқ берган ўғитларимни яна бир бор айтаман: куёв берган ҳалқадек қулоғингга тақиб ол. Шунда улар сенга бахт келтиради». Момоларнинг билгани-билган. Тўй-тантаналари ва турмушда ҳар бир бисотнинг ўз ўрни бор. Бугунги кунда ҳаммаёқ электрлаштирилган бўлса-да, оналар қизига ҳамон фонус совға қиладилар. Чироқ — куёшнинг зарраси. Ўт унинг бир учқуни. Куёш — ҳаёт демек. Борлиқ унинг нури ила ривожланади.

Тўй куни келинчак машинага чиқишдан олдин чироқ ёқилади. Уни анъанага биноан бир никоҳли момога ёқтирадилар ва ўчирмасдан йигитнинг уйига олиб боришни сўрашади. Чироқ қирқ чилла чиққунча ўчирилмайди. Куёв томонда гўшанга тақилганидан кейин сепдаги сандиқдан дастурхон олинади. Иккита нон ва ширинлик солинган дастурхон келин ўтирган жойга ёзилади. Унга куёв томон иккита нон ва ширинлик келтиради. Бу удум насиба насибага қўшилиб, икки ёшнинг ҳаёти ширин кечсин, деган ниятда бажарилади.

### КЎШАГАНА (ГЎШАНГА) БИЧИШ

Кўшагана тикиш ҳам алоҳида маросим. У тўй куни худди кўрпа тикиш каби бажарилади. Кўша қариган момо иш бошлайди, бошқалар: «Ўнг, ўнг бўлсин» деб туришади. Кўшагана қандай матодан бўлишидан қатъи назар, тепасига узун оқ сурп тикилади. Оқ сурпнинг икки чеккасига ўрик новдасидан даста қилинади. Тўй ўтиб, кўшагана йиғилгандан кейин ҳам у авайлаб олиб қўйилиб, бешикнинг боғига даста сифатида ишлатилади. Ўрик серпуштлик, давомийлик рамзи. Шунинг учун дастанни серфарзанд кўша қариган бобо ёки тоғалардан бири йўниб-тайёрлаб беради. Қарс икки қўлдан чиқади. Икки томоннинг оқ ниялари бири-бирига уланиши учун дастага оқ сурп боғлаб қўядилар. Бу оҳорли сурп куёвнинг уйида махсус тайёрланган оқ сурпга тақилади.

Момо бир оз тиккандан кейин навбатни қизнинг дугоналарига беради. Қизлар кўшаганани тикиб битказишади. Ана шундай пайтда, ўғлини уйлантирмақчи бўлиб юрган оналар қизлар орасидан келин ҳам танлашади. Қиз боланинг чеварлиги эл назаридан, момолар эътиборидан ўтади. Қизлар кўшагана тикишавёради, момою эналар, аммаю холалар эзгу тилаклар тилашаверишади.

Момолардан бири бошлайди:

*Уйи билан бўлиб улфат кўшагананинг эгаси,  
Келин олиб кўргай роҳат кўшагананинг эгаси.*

Холаси давом этади:

*Боши ошоқ бўлғай кўшагана эгасининг,  
Дили юмшоқ бўлғай кўшагана эгасининг.  
Болалари бой бўлғай кўшагана эгасининг,  
Қозони мой бўлғай кўшагана эгасининг.*

Кейингиси давом этади:

*Боққани бувак бўлғай.  
Биккани барак бўлғай,  
Тиккани ҳал бўлғай,  
Кийгани зар бўлғай.*

Сўнгра шўхроқ янгалардан бири ҳазиллашади:

*Терак барги қотмасин,  
Шу кеча тонг отмасин.  
Кўшагана илган тунги  
Янгалари уйғотмасин.*

### ҚИЗ ЯСАНТИРИШ

Қиз кийинтириш маросими кўшагана тикилгандан кейин ўтади. Келин ясантиришнинг ҳам ўз қонун-қоидалари бор. Аввало келинга пешонанг оқ бўлсин, деб оқ пешанабоғ ўралади. Сўнгра узун енгли, этаги кенгроқ кўйлак кийгазилади. Махсини кийгазишдан аввал, келиннинг оёғига оқ пайтава ўралади, момо дуо қилиб, барча сарполарни ўнг томондан кийинтираверади. Қизнинг дугоналари бошқаларнинг назаридан бекитиб, кўшаганани ушлаб туришади. Бир уй аёллар: «Ўнг бўлсин, ўнг бўлсин», — дея кийинтираётган момонинг қут-тилакларига жўр бўлиб туришади. Қизнинг онаси борган ерингда ёқутдек кўзга яқин, олтиндек қадрли бўлиб юргайсан, деб қизнинг қўлига ёқут кўзли узукни тақади. Аммаю холалари ҳам баҳоли қудрат совға-салом беришади. Бири: «Ҳамиша бахтли-тахтли маликалардек бўлиб юргин», деб, бошига тиллақош кийдиради, иккинчиси: «Йўлинг ҳамиша ёруғ бўлсин», — деб, дур-мунчоқ тақади. Сўнгра келин бўлмишнинг ёнига янга ва дугоналари ўтирадилар. Устидан кўшаганани ёпадилар. Қиз туғилган уйи билан хайрлашади. Қиз кўшагана тагида йиғласа, умри хуш ўтади дейишади. Келинчак бўлмишга қўшилиб янгалари, дугоналари ҳам йиғлайдилар. Йиғламаса уят ҳам қилишади.

Қизлар йиғлайверишади, момолар ёр-ёр айтишади. Аслида ёр-ёр айтилганида йиғламайдиган киши кам бўлса керак.

Биринчи аёл:

*Кўшагана сочқиси сочилади ёр-ёр,  
Ичида бир қизил гул очилади ёр-ёр.  
Кўшагана ичинда етти қиз, ёр-ёр.  
Бўзлаётган галинчак кичкина қиз ёр-ёр.*

#### КЕЛИН САЛОМ

Куёв уйига келишганида келинни уловдан туширмай туришади. Олов ёқилади (авваллари чўғ устидан арава олиб ўтилган). Ҳозир исириқ тутатилиб, машина атрофидан айлантрилади. Куёвнинг бобоси ёки амакиси келиб суюнчи бергач келин уловдан тушади. Келинчакнинг пойига оқ пўстин ташланади. Остонага келгач, келин ва янга тўхтади. Қариндош-уруғлар, меҳмонларга таъзим қилади. Баъзи жойларда келинчак остонага бош уради. Бу маросимда аввало Яратган эгамга сажда қилиб шукр айтаман, сўнгра остонани тавоф қиламан, деган ниятлар умумлашган. Келинчак ҳовлига киргач, келин салом бошланади...

Келин салом айтилаётганда, келин билан янга бараварига таъзим беради. Янганинг қўлида ўрик новдасидан ишланган кўшагана дастаси бўлади. Одатга кўра, таъзимга эгилган келинчак ва янганинг қўллари кўкракдан тиззагача сирпалиб тушиши керак. Бу эса, «омон эканман, кўнглим Оллоҳда, оёқ-қўлим билан сизнинг, элнинг, қариндош-уруғларнинг хизматидаман» деган маънони англатади. Дарҳақиқат, келин қайнота-қайнонасига умр бўйи таъзимни қанда қилмайди.

Келин саломдан кейин келинчак ясатиб қўйилган хонага оппоқ пойандоздан ўтиб киради. Сочқилар сочишади. Пойандозни ёш-яланглар бўлиб олишади.

Қудаларнинг пешонасига оқлиқ деб, ун суртишади. Қўллариغا ширинлик туттиришади. Бу ақидаларда келин-куёв билан бирга қудаларнинг ҳам юлдузи юлдузига тўғри келсин, деган эзгу-тилаклар мужассам. Келин кирган хонага кўшагана тугилади. Одатга кўра, кўшагананинг оқ сурпи куёв томондан тайёрлаб қўйилган оқ сурпга (ёшлар бир-бирига оппоқ нурдек бўлиб чатишиб кетсин, деган ниятда) боғланади. Кўшаганани етти ёшли одобликромли, соғлом ўғил болага илдиришади. Бу ерда ҳам анъанавий «етти» рақами билан боғлиқ рамзий ирим, эзгу-ниятлар мужассам. Шу билан бирга, бу ақиданинг болаларга тарбиявий аҳамияти ҳам йўқ эмас. Чунки, болалар кўшагана илиш фахр эканлигини яхши билишади.

#### ТАХТГА ТАШЛАР

Аёл кишининг тахти ва бахти — оиладаги ўрнида. Ёр сийлади, эл сийлади, деган мақол бежиз эмас.

Тахтга ташлар маросими учун тўйга аталган кўрпаклар чорпоя қаватлигида қават-қават тахланади. (Ҳозир диван-каравотлар тахтдек безатилмоқда). Маросим шартига кўра, йигит келинчакни ана шу тахтга кўтариб ташлайди. Ҳазилкаш дугоналари атай келинчакнинг этагини босиб туришади, кутилмаган тўсиқларни ўйлаб топишади. Йигит ушбу тўсиқларни енгиб ўтиб, тахтга эгалик қилиши шарт.

#### ТУГУН ЕЧАР

Навбатдаги одат «тугун ечар» деб аталади. Куёв чопонининг устидан белбоғ боғлаб келади. Куёв жўралар уни шундай тугишадик, янгалар белбоғ учини топа олмасдан қийналишади. Мабодо янгалар белбоғ учини топиб, ечишса, қиз томон ютган ҳисобланади. Шунда улар фахр билан: «Бизнинг синглимиз ҳеч қандай ишда тугун қолдирмайди. Зийрак, тийрак», — дея жавоб қилишади.

Ҳар бир янги қариндош келинчакни ўпиб кўришадди. Келинчак кўришишдан олдин ҳам, кейин ҳам таъзим бажо келтиради. Келин билан кўришган кишилар янга билан ҳам кўришадилар.

«Келин кўрар» тугаганидан кейин кайвони дуо қилади. Келинга ўтиришга рухсат этилади. Бироқ, келинчак бир уй аёл хурматини келтириб ўтирмайди. Ҳар гал «Ўтир», — дейишганида таъзим қилади. Шуниси борки, келин билан бирга янга ҳам таъзим қилади, ўтирмайди. Сўнгра «Қайнонасини чақиринглар, келин ўтирмаяпти», — дейишади. Қайнона келади. Ўтиришга рухсат этади. Яна ўтиравермаса, «Қозон-товоқни бердим, ўтиринг», — дейди. Келин яна ўтирмайди. «Уйни бердим», — дейди. Яна ўтирмайди. Бу шундай давом этаверади. Энг охирида: «Ойдек ўғлимни бердим», — дейди. Шундан кейин келин қайта-қайта таъзим қилади ва ўтиради.

#### КЕЛИН ЧАҚИРИҚ

Танишув «келин кўрди» билан тугамайди. У қариндош-уруғларнинг хонадонларида давом этади. Келин тўйдан бир оз ўтгач қариндош уруғлар ёки қўшнилар орасида тўйга келолмайдиган беморлари бўлса, янгаси билан таъзим қилгани киради. «Тўйдан», дея нон ва ширинлик олиб боришади. Сўнгра яқин қариндош-уруғларининг уйларига ҳам «келин салом»га кириб чиқишади. Бунда ҳам худди «келин кўрди»-дагидек таъзим берилади. Ўз навбатида қариндош-уруғлар ҳам дастурхон безаб, келинни уйга чорлашади. Агар қариндош-уруғларда янги келинчаклар кўп бўлса, бирга чорлашади. Келинчаклар янгаси ёки овсинлари билан бирга дастурхон қилиб боришади. Улар ҳам дастурхон қилиб қайтаришади. Ана шундай қилиб, янги қариндошлар билан борди-келдига йўл очилади. Бу гўзал аъмоллар ҳаммаси инсонни инсонга, кўнгилни кўнгилга яқинлаштирадиган ақидалардан ҳисобланади. «Қайрағоч қалин бўлса, ёмғир ўтмас, оға-

ни тотув бўлса, хўрлик етмас», «Давлат оғиз бир-нида» деган мақоллар бежиз айтилган эмас. Булар — ширинликка, тотувликка, меҳр-оқибатга, самимиятга ўнлайдиган гўзал инсоний маросимлардир.

Халқимизнинг минг йиллик қадриятларини улуғлаб, келину қизларга ўргатиб кетиш — ҳаёт давомийлигининг рамзи бўлиб қолаверади.



#### ЧОРАСИЗ ДУНЁ

#### ЭЗГУЛИК ҚОЛАВЕРАДИ

Ўша лаҳзада дунёдаги жиддий ҳодиса ўлим эканлигини ҳис этдим. Мактабга кетишга тайёргарлик кўраётган эдим. Дарсдан ҳеч қолдирмайдиган отам, бугун мактабга бормасанг ҳам бўлаверади, деди-да, бошқа таъбирлар билан, овози қалтираб кетди. Ҳамиша жиддий ва қатъий боқувчи кўзларидан тирқираб ёш куйилар, елкаси дор-дир титрар эди. Гўё отамнинг бутун вужуди кўпириб, қирғоқларга зарб билан урилаётган денгиз тўлқинларидек шиққираб эди. Анчадан бери кутилаётган воқеа содир бўлганини ҳис этдим. Опам ётган хонага югурдим. Момом беморнинг томирини ушлаб турар, у нафаси қисаётганидек хирилларди. Опам шу алфозда момомга, энамга, онамга, отамга бир-бир қаради. Охирги назари менда қолди. Бу кўзларда илтижоми, муҳаббатми, недир бор эди. Хириллаш бир кучайдию тинди. Қорачиқдан томчи юмалади. Онам додлаб юборди. Момом очиқ қолган кўзларни сийпалади. Уйни қий-чув тутиб кетди.

*Очилмай сўнган воҳ болам-а,  
Гулдай узилган воҳ болам-а,*

дея бўзларди онам. Ўша пайтда мурғак қалбим билан дунёдаги энг катта мудҳиш ҳодиса ўлим эканлигига ишондим. Хаёлимдан опамнинг оҳиста ва ғамгин

сўзлари, маҳзун овози, маънос кўзлари ўтди: — «Амманнинг дугонаси сирка ичиб ўлибди. Биров жонига қасд қилади. Мен эса олти ойдирки, дардимга малҳам излаб касалхонадан чиқмайман». Сўнгра бирдан қатъий ва кутилмаган саволни бериб қолди: «Мен тузалмас эмишман, шундайми? Сен ёлгон гапирмагансан айт, ростми шу гап?»

Опамнинг кўзларида ёрқин ҳақиқатни билишга бўлган интилиш бор эди. Назаримда унинг катта-катта кўзлари янада катталашгандай бўлди. Сўзларидан тарс ёрилгудек бўлиб, кўзларимни яширдим. Ҳақиқат олдида кичрайиб йўқ бўлиб кетаётгандек туюлдим ўзимга-ўзим.

— Ёлгон, тузаласан. Фаррош хотин валдирайверади.  
— Эртами-кечми барибир ҳаётимнинг интиҳоси бор-ку, — деди секин ўзига-ўзи гапиргандек.  
Йўқ бўлиб кетаётган руҳим, кўзларим секин ўзинга келди. Опамга қарадим, кўзлар учрашди. Учрашди ю томчи томди. Нега ушлай олмадим? Жавоб бўлдимми бу? Ҳамон-ҳамон эзиламан.

Ўзбекларда ёш ўлса зикр тушиб йиғлаш урф-одат. Катталар чапак чалиб, фарёд қиладилар. Беихтиёр бўғзимдан бир садо, дунёнинг авра-астарини чиқариб юборгудек бир нидо чиқди: Мумкин эмас! Мумкин эмас!

Назаримда кулба ҳам ҳорғин. Деворлар сўлғин. Мил тираган чироқлар — ҳаммаси-ҳаммаси мантиқсиз эди. Ҳозиргина опам менга термулаётганди. У яшашни истарди. Ҳаётга муштоқ эди. Математика оламида қанот қоқарди. Мисол-масалаларни дақиқада ечиб ташларди. Барчанинг ҳаваси келарди. Олам-олам орзулари билан жон таслим қилди. «Мумкин эмас, мумкин эмас», — девонавор ички тугён ва ғалаён билан такрорладим. Ўқчий бошладим. Фарёд чекаётган яқинларимнинг саслари гўё узоқ-узоқдан эшитиларди. Сўнгра нима бўлганини эслай олмайман. Кимдир илиққина нимадир ичирди. Бир оз ўзимга келгандек бўлдим. Бироқ, ҳамон атрофдагиларнинг сўзларини элас-элас англардим. Кўшни момо онамга ҳам нимадир ичирди.

— Лёллар қийналиб кетишди. Халфа энани чақирриш керак, — деди ўзини тутиб олган отам — Халфанинг китоблари сабр-тоқатга ўргатади.

Халфа келди. У нимани ўқиди. Ҳамма-ҳаммаси туман ичидагидек эди. Гўё бутун дунё кулфатга, кўнглим ҳам кулфат дарёсига айлангандек эди. Ана шу дарёдан чиқиш учун қанча кечдим, қанча-қанча суздим, ҳамон-ҳамон ўйлайман. Опам тушларимдан чиқмайди. Нималарнидир хурсанд гапирди. Кийимлари қип-қизил, атроф ям-яшил гўзал макон. Тушмиди у рўё. Онамга гапириб бераман. «Опанг жаннатда юрибди. Аслида ўлим тирикликнинг интиҳоси билан мангуликнинг ибтидоси, кўп куюнаверма», — дея жавоб беради. Бироқ ўзларининг кўзларида мунг кучаяди.

Ўтган вақт «мумкин эмас»га ҳам кўндирди. Ўлим бу онам айтганидек «ҳамманинг охирги йўли, тирикликнинг сўнгги манзили экан», деган хулосага келиб улгурдимми, йўқми?! Ё онам айтганидек, «интиҳо билан ибтидонинг бирлашган жойи экан», деган сўзга кўникдимми, йўқми?! Бу даҳшат, бу азоб, бу титроқ, ана ўн беш йил ўтиб такрорланди.

— Қизим, сендан розиман. Сен ҳам рози бўлгин, ўзингни дадил тут. Белингни маҳкам боғла. Эсингда тут, қайтмайдиған нарсага куюнма, — деди отам видолашаётганда.

Биринчи даҳшат олдида қотиб қолган эдим. Иккинчи синов... Отамнинг салмоқлаб осойишта сўзлашлари олдида донг қотдим. Зўрга ўзимни ушлаб, ҳовли этагидаги уйга ўтдим. Йиғлаб юбордим. Йиғлаб-йиғлаб юрагимни бир оз юмшатдим. Юз-кўзимни ювиб яна қайтиб кирдим. Инсоннинг жон таслим қилишини ўшанда иккинчи марта кўрдим. Бу бири бирига ўхшамасди... Фақат яқинларнинг азобигина ўхшаш назаримда...

Энам «сен ўлгунча мен ўлсам бўлмасмиди, болам», — дея пиқ-пиқ йиғлаб, ўглининг иягини, оёқларини сийпалаб оппоқ сурп билан боғлаётганида юрагим уйнаб, фарёд отилиб чиқди. «Оёфингга ип урилгай»,

«иягингдан қоққай», «қотиб қолдингми», деган қарғишлар шу ҳолатга ишора экан-да, беихтиёр кўнглимдан кечди.

Фассол келиб, йигирма метр сурп, оппоқ пахта, тутилмаган ип-игна сўраганида, дийдорлашувнинг сўнгги дақиқаларини ҳис этиб, юрагим увишди. Сартахта олиб кириб, кетишаётганларида эса юрагим узилгандек бўлди. Фарёд отилиб чиқди. Фарёдга фарёдлар қўшилди.

### ҚУЁШ НУРЛАРИН КЎККА СОЧМАСДАН

Кимдир елкамдан кучди. Отамнинг шогирдлари...

— Отангиз муаллим бўлса-да, қалбан фозил эди. Отангиздаги зиёга интилиш, маърифатпарварлик, дўстга меҳр-муҳаббат, ёшларга мурувват, эътибор йўлимизни, дилимизни ёритиб турибди. Отам Саъдулла Каримов билан ҳамфикр эдилар. Уларга ҳавас қилиб муаллимликни танлаганман, — дейди Гулчехра Каримова.

— Отангиз ишлаган биология хонасида мураббий бурчаги ташкил этганмиз. Кейинги пайтларда касал бўлиб бора олмадилар. Бирор нарсасини ташлаб юбормадик. У ерда китоблари, конспектлари, шогирдларига ўғитлари бор. Конспектларини ёшларга ўрнак қилиб кўрсатамиз. Улар инжу терилгандек чиройли ва қизил қарли ёзилган. Биз у кишидан кўп нарсани ўргандик. Аста гапириб синфни жалб этиш санъатига ҳавас қилардик. Дарсларига қайта-қайта кирардик, ўрганардик, — дейди Бибижон Тоирова.

— Янгиликка интилиб яшаш устознинг инсоний эҳтиёжларидан эди. Инсон қанчалик мукамалликка интилса, жамият орқали интилади. Жамият ҳам инсон ёрдамида мукамаллашиб боради. Инсониятнинг камолоти жамиятнинг улуғворлигини акс эттиради. Мен отангизнинг мактабга, шогирдларга сарфлаган

кучига қараб шу хулосага келдим, — дейди Гулчехра Ҳожиева.

Кўнглимга муаллимларнинг сўзлари бир оз таскин беради. Беғубор болалигимни, отамнинг вазмин сиймосини гавдалантиради...

Қуёш тифларини кўкка сочмасдан уйғониб қолсам, отамнинг хонасида чироқ кўрардим. Елкасига оқ пўстин ташлаб, мутолаа қилаётган бўлардилар. Баъзи кунлари кечки мактабда ҳам ишлар эди. Кечқурун учрашмасдан ухлаб қолардик. Эрталаб эса яна одатдагидек хонасида чироқ порлаб туради. Бу одатлари бирор кун қанда бўлганини эсламайман. Оқ пўстин, чироқ ва отам!

«Совет Ўзбекистони», «Ўқитувчилар газетаси», «Совет мактаби» ҳамда ўз соҳаси кимё ва биологияга оид Москва журналларини йиғиб ўқиб юрар, нашрларнинг бирор сони келмай қолса астойдил хафа бўларди. Шунинг учун онам ҳар кунги почтани шахсан ўзи олиб қўярди. Уларнинг ўз соҳасига оид янгиликларни қайта-қайта чизиб ўқишлари, изланишларини кузатиб, ҳавасим келарди. Тарих, география ва дунё воқеалари ҳақидаги мулоҳаза-ю мушоҳадаларини тинглаш жони-дилим эди.

### ДАРДНИНГ ДАВОСИ ТАБИАТНИНГ ЎЗИДА

Отам тарихчи бўлмаса-да, Ватан тарихини яхши биларди. Янгиликка интилиб яшаш қалб амри билан борлиқни, воқеликни идрок этиб яшашдек гўзал туйғулар мужассам эди қалбида. Ватан, туғилган гўша, ўзликни англаш, қадр туйғуси. Бу сўзлар қатида қанча севинч-у қанча надомат, қанча ғам-у шодлик барқарор! Бу туйғулар ҳар бир қалбда ўз шакл-шамойилига эга. Бу туйғулар қанчалар қадимий, қанчалар азалий бўлмасин ҳар бир инсон, ҳар бир юрак бу туйғуларни қайталаб, янгилаб яшайди. Бу гўзал туйғулар аввало оилада жон-у қонга сингади. Она сути-ю ота меҳри билан томирларга

ҳарорат бўлиб энади. Бунинг учун отам қанча куч сарфлади экан-а! Суврати ва сийрати кўз ўнгимда пайдо бўлаверади. Бир парча ерга уруғ сочаётганда ўргатарди: Бу нозвой — адабий тилда райҳон. Бу ҳилой — адабий тилда ялпиз, бу шувут. Буларни қуритиб, ёзин-қишин истеъмол қилинса касал яқинлашмайди. Дардга даво табиатнинг ўзида! Ёнғоқ нимага ўхшайди, одам миясига. Демак мияга қувват бўлади. Лавлаги нимага ўхшайди, жигарга! Демак жигарга фойда, уни тозалайди. Жийда нимага ўхшайди? Ичакларга. Чингирикчи? (шакарқамиш) Томирларга!

Хоразм мақомлари чалинса оҳангга мос тебраниб, бармоқлари билан чалиб жўр бўларди. «Лазги» бошланса болаларни ўйнатиб, завқ-шавқ билан қараб турарди: «Юксак санъаткорлик намунаси бўлмиш «Лазги» оҳанглари кишига ҳузур ҳамда завқ-шавқ бағишлашидан ташқари саломатликка фойда. Рақс юрак мушакларини мустаҳкамлайди, пайларга туз йиғилишининг олдини олади», — деб ўргатардилар отам.

Ёз келса, болаларни эргаштириб қўлга борарди. Сузишни билиш қиз-у ўғил учун ҳаётий зарурият ҳисобларди, фарзандларга сингдирарди: «Ёзда чўмилиб, қуёш нурида тобланган бола қишда шамолламайди. Бу Ватан офтоби оромбахш, тупроғи олтин. Бу Ватан ҳавосидан Беруний, Хоразмийлар нафас олган. Унинг юлдузли осмони, сеҳрли чечаклари ҳақида Навоий, Огаҳийлар ёниб қуйлаган. Табиатнинг улғуворлиги, салобати ва гўзаллиги боис ўлмас шашмақом куйлари яратилган. Диёримиз мўъжизакор. Дардларнинг давоси ҳам ана шу мўъжизакор табиатнинг ўзида».

Оилада ўн бир фарзанд эдик. Ўн биримизнинг ўн бир турли қилиғимиз-у, ўн бир хил хулқ-атворимиз бўлиши табиий. Бироқ, отамнинг бирор марта овозини баландлатганини ёки бирор ноўрин сўз айтганини эсламайман. Болалар билан бирга бўлишга ҳамиша вақт топарди. Ўта болажон эди. Шундай катта қалбни, катта кучни қайдан олди экан-а!?

## ЕТТИ ҚАТ ЕРДАН СИЗИБ ЧИҚАДИ

Болаликда Урганч шаҳрини тенг иккига бўлиб оқувчи Шовот каналининг ирмоғи Қирғизёпдан (анҳор) сув ичардик. Очиқ анҳордан фойдаланиш тақиқланиб, икки маҳаллага битта водопровод ўтказилди. У анча узоқ бўлиб, биз — қизлар ҳар куни елкамизга қалантар (обкаш)ни қўйиб, ўн-йигирма челақ сув ташир эдик. Узоқлиги майли-ю, яна навбат кутиб туришга ҳам тўғри келарди. Отам қўлбола қудуқ қазишга тушди. Кран келтириб, уни жуда чуқур қовлатди. Тепасига водопровод ўрнатди.

Озгина ишлов берилса, бас, сув отилиб чиқарди. У тип-тиниқ, мазали эди. Кранни жуда авайларди, атрофини саранжом-саришта тутарди. Баҳор келса чор атрофига гул-у райҳонлар экар, хушбўй ҳид ҳавога таралиб турарди. Қиш келса, узун қопча тиктирарди. Уни кранга кийдириб сомон пахталар билан тўлдирарди, устидан клеёнка кийдирарди.

— Ёш болани авайлагандек асрайсиз, темир ҳам ёрилар эканми, — деди онам бир куни.

— Сув покизалик, тўкин-сочинлик рамзи. Сув отгич эса ота-онамиздек беминнат хизмат қилмоқда. Қизларимизнинг қанча вақтини тежаяпти. Нафақат ўзимизнинг, элнинг боласига ҳам енгиллик яратдик. «Сувдек сероб бўлинг!» — деган халқимизнинг дуолари, ўғитлари бежиз эмас. Иншоолоҳ охиратимиз обод бўлади.

Отам дарвозани ярим тунда беркитиб келар, тонг саҳарлаб очиб қўярди. Бутун маҳалла бу ер кранидан икки йил сув ичди. Учинчи йили ҳар бир уйга водопровод ўтказилди.

— Ана, сув ҳам келди. Сал сабр қилганимизда ортиқча чиқим ҳам бўлмасди, — куйинди онам.

— Жамилажон, кўп куйинаверма, ҳали бу кран жуда кўп керак бўлади. Давлат ўтказган водопроводга турли хил микробларни ўлдириш учун хлор қўшилади. Мен ўтказган водопроводнинг суви эса табиий — етти қат

ер остидан сизиб чиқади. Табиатнинг ўзи синтез қилиб, тозалаб беради. Табиатнинг баъзи ажойибот-у ғаройиботларидан бир шингил. Ўсимлик нурга интилангандек, инсон қалби ҳам эзгуликка интилиб яшаши керак. Бу ниҳоятда савобли, саховатли иш!

Аёл-аёл-да! Онам кўпроқ рўзғорни ўйларди.

### ЭККАНИ ЭЛНИКИ

Отамни сўнгги «тахта от»га миндирдилар.

Онам эса, тобут кўтарилишидан олдин тутларга болта уринлар, деб тайинлади. Бу марҳумнинг хоти-расини яна бир бор эслаш «эккани элники» дегани эди.

Отам қайси йили уй атрофини гир айлантириб тут кўчати экди.

— Вой-бўй шунча тутни нима қиласиз — ажабланди онам.

— Мен дунёдан ўтсам, бутун маҳаллага етади. Қариндош-уруғ, қўни-қўшниларнинг болалари тут пишиғида яйрайди, — жавоб қилдилар, отам.

Яна бир куни машинага бензин қуяётиб тайинладилар: — Мен Хударган отани олиб келаман, тутни соплатаман (яхши навга пайвандлаш). Тансиқроқ овқат пишир, сандиқдан битта кўйлак ол, қозоқига иккита нон ширинликлар сол.

— Шартмикан шунча узоқдан боғбон олиб келиш, нариги маҳаллада ҳам уста бор, — деди онам.

— Хударган отанинг етти пушти боғбон ўтган. Ували-жували, фариштали одам. Дуо кетган. Кўли теккан нарса гуллайди. «Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин».

Онам уларнинг фикрини қўллаб-қувватлади. Отам ўз истаги, ўз иродасига мос бўлган турмуш тарзини яратарди. Бу нафақат оилага, маҳаллага ўрناق бўларди. Дилининг севинчи, ҳайрати, теранлиги ўзи яратган боғларига монанд эди.

Онам тобут кўтарилишидан олдин отамнинг васиятини бажарган эди. Ўша пайтдаёқ тутлар ўзлари

орзулаганидек қуёшда болга тўлиб, оппоқ дурдай бўлиб, ҳил-ҳил пишар, бола-бақра тагидан кетмасди.

### ТЎЙЛАР ҚИЛСАМ КУЛИБ ТУРГАН

Тобут қўлдан-қўлга ўтиб, дарвозадан чиқади. Бўзлаш кучаяди. Энам маҳсичан, бахмал камзул устидан белбоғ бойлаб олган, узун енларидан кўли кўринмас, чапак чалганда бўғиқ товуш чиқарарди:

*Ўзи емай етимларга едирган,  
Ўзи киймай укаларга кийдирган.  
Уй ичини, ҳаммасини куйдирган,  
Айвонимнинг ўраси-ё, вой болам  
Болаларимнинг сараси-ё, вой болам.*

Энам айтганидек отамнинг чекига рўзғор жуда эрта тушган эди. Қулоқ қилинган бобомдан тирик етим қолганида 12 ёшда бўлиб, этикдўзлик қила бошлаган экан. Ота ўрнига ота, оиланинг шоҳсупаси, қон-қариндошлар боши бўлишдек ҳам қутлуғ, ҳам огир, ҳам салобатли вазифа елкасига эрта тушганди.

Энамга онам кўшилади:

*Уйимизнинг гули эдингиз,  
Сайраган булбулим эдингиз,  
Хуриди жаҳоним, жоним эдингиз,  
Меҳрим берган меҳрибоним, султоним.*

Мен уларга эргашаман:

*Адашганда йўлга солган,  
Узоқ кетсам қараб қолган,  
Галсам ҳолим сўраб турган,  
Ҳам жаҳоним, жоним отам.*

— Шукр қилинлар, бўзлаган билан ўрнига галами. Энди қолганлар омон бўлсин, — дейди халфа эна ва тиловат бошлайди. Ҳовли сув қуйгандек бўлади. Тиловатдан кейин яна йиғи-сиғига навбат бермайди-



да, шундай дейди: «Майит қабрга қўйилгандан кейин одамлар етти қадам узоқлашгач Мункар-Накирлар савол-жавоб бошлармиш.

Мархумнинг охирати обод бўлиши учун дуо-и фотиҳалар зарур».

Шу пайт яна одамлар таъзияга келишади. Бўзлашни аммам бошлайди:

*Тўйлар қилсам кулиб турган  
Белин боғлаб хизмат қилган  
Посбоним, дўғоним,  
Жонажоним, жоним акам.*

Келганлар аздорлар билан қучоқлашиб, йиғлашади.

#### ҚИРОАТХОНЛИК САБР-ҚАНОАТГА УНДАЙДИ

Пешанабоғ боғлаб олган онам бошидаги рўмоли учи билан оғзини тўсиб айтимчилик бошлайди: «Вой, султоним» деганида елкалари титрайди. Бу ички изтироб тезда яқинларига кўчади. Йиғига-йиғилар уланиб, чидаб бўлмас фарёдга айланади. Агар ҳозир йиғи-сиғи тўхтамаса юраги нозикларнинг торлари чирт узилиши тайин. Халфа эна тиловатни бошлайди. Йиғилар аста-секин пасаяди. халфа эна фотиҳадан сўнг хитой ёстиғи устига оқ оҳорли рўмолни ёйиб китобни очади.

— Одамнинг жонини нега Азроил олади, биласизми?

Ҳеч ким жавоб бермайди. Халфа назарини китобга қаратади. Ва хабарда андоқ келур дея бошлайди. Азза ва Жалла одамни яратмоқ истади. Жаброилга хитоб келди: Боргил, ер юзидан бир ҳовуч тупроқ келтиргил. Жаброил фаришта ердан бир ҳовуч тупроқ олмоқчи эди. Ер мендан олмагин дея ялинди. Унинг сўзини қайтара олмади. Кейин Азза ва Жалла Макоилни жўнатди, у ҳам келтира олмади. Навбат тўртинчи

фаришта Азроилга етди. Ер илтимос этганида Азроил жавоб қилди. «Сенинг илтижоингдан Мавло Таоло ёрлиғи азизроқ». Яратгандан хитоб келди. «Эй Азроил, гоят қаттиқ кўнгил экансан, тақдир шундай қилдики, барча танлиларнинг жонини сенга олдирайман».

Одамни тупроқдан яратмоққа тилак не эди. Қачон Мавло Азза ва Жалла Одамни яратаман деб хитоб қилганида барча нарсалар бош кўтариб, мендан яратгин дея таъма қилдилар. Тоғ айтди: «Мен қутлуғман». Денгиз айтди: «Мен ҳайбатлиман». Олтин айтди: «Мен азизман». Кўк айтди: «Мен адизман». Энг охирида ер тавозе қилди: «Мен барча нарсадан заифман, менда қувонгулик ҳеч вақо йўқ», деса, хитоб келди: «Мен одамни тупроқдан яратурман». Одамни тупроқдан яратди...

Яна ўз хаёлларимга чўмаман. «Шунинг учун ҳам одам яна тупроққа қўшилиб кетар экан-да». «Бордан йўқ бўлмайди, йўқдан бор бўлмайди», деган кимёвий қонунни жуда содда қилиб тушунтирган эди отам: «Мана, кўлни олайлик Қуёш ҳароратида буғланиб кўкка кўтарилади ва булутга айланади. Ёмғир бўлиб яна ерга қайтади. Олам каби инсон ҳам айланиб туради. Одам ерга қўйилади, чечаклар униб чиқади, улар парранда-ю ларрандаларга емиш бўлади. Уларни эса одамлар истеъмол қилади. Одам туғилади, яшайди, қарийди ва яна тупроққа уланиб кетади...»

Йиғи-сиғидан йироқлашиб фикрлаётганимдан ўзим ҳам ҳайрон қолдим. Отам айтганидек, маъракаларда халфанинг ўрни беқиёс эканлигини ҳис этдим. У ўқиётган оят-у дostonлар юракларга ором берар, тор келиб қолган дунёни бошқача «кашф қилиш»га ўргатарди. Фам-кулфат олдида сабр-тоқатга, шукронага, инсоний фазилатларга, камтарликка ундарди.

#### БОЛАСИ ДУРКУН ВАТАННИНГ БАҒРИ БУТУН

Ўзбекистон телевидениеси иш бошлаганида бола эдик. Телевизор қиммат — ҳамманинг уйида йўқ. Бир куни акам кўчадан хафа бўлиб қайтди. Жўралари билан

қўшининг деразасидан телевизор томоша қилиша-  
ётган экан, ҳайдаб юборибди.

— Тўғри қилибди, рухсат сўрамасдан бировнинг  
деразасидан мўралайверасанми? — жавоб қилди онам.

Буни эшитган отам анча ўйланиб қолди. Сўнгра  
ўзларига ўзлари гапиргандек дедилар: «Элнинг бола-  
сини ҳам ўйлаш керак».

— Жамилажон, қанча пулимиз бор?

— Сигир олишга йиғиб қўйган пулимиз.

— Сигиримиз бор. Телевизор оламиз, — деди қатъий.

— Ахир у суддан қолди. Бузоқлагунча анча вақт бор —  
эйтироз билдирди онам.

— Ана, фалончи ҳар куни тухум олади. Сен ундан  
пул олмагинда сут олиб тур. Мурувват қилсанг фарзанд-  
ларингга, ўзингга қиласан.

Онам ҳеч қачон отамнинг қарорига астойдил қарши  
бормасди. Отамни ҳамиша ҳақ деб биларди. Шу куни  
уйимизга телевизор келди. Ҳар куни уй тугул деразанинг  
олди ҳам бола-бақрага тўлиб кетарди.

«Лазги» бўлаётган эди.

— Ота, бармоқларни қарсиллатишни ўргатинг, —  
сўрадим.

— Менга ҳам, менга ҳам, — чуғурлашади болалар.

— Ўзингиз бола-бақрасиз туrolмайсиз. Баҳона  
топилса-ю, элнинг боласини йиғсангиз, — енгилгина  
гина қилди онам.

Ҳақиқатда, болаларнинг кўнглини олиш отамнинг  
жони-дили эди. Бир куни суддан қаймоқни ажратадиган  
оппоқ сепарат кўтариб келдилар онам ишонар-  
ишонмас сутни олиб келди. Аппарат ғиз этиб бир пасда  
қаймоқни ажратиб ташлади.

— Жамилажон, биринчи қаймоқнинг садақасини  
бериш керак. Бир косага қаймоқ қуй, нон қўй, — дедилар-  
да кўчадан беш-олти болани чақириб келдилар.

— Атаганинг бўлса болаларга илиниш керак. Катта  
савоб шунда! Бола дуркун бўлса, Ватанимизнинг  
келажаги бутун бўлади.

## ГЎДАК НАВОСИДЕК

Дарахтларни ялаб ўтаётган совуқ шамол баҳор қуёши  
олдида, нур қаршисида ён бера бошлаган пайтлар.  
Осмонда ҳам гўё булутлар билан яшин олишади. Гоҳ ёмғир  
ёғиб, гоҳ яшин чақнайди, гоҳ қуёш мўралайди.  
Дарахтларда баҳор миттики, жадал кўтарилаётган  
навбаҳор сабзаси, ҳавода баҳорнинг илк ҳаётбахш  
шбадаси кезади. Ана шундай кезларда отам болаларга  
улкан севинч топади. Терак-у сувут (тол)ларни ихлос  
билан каллаклайди ва тушунтиради. Каллакланган  
дарахтлар тик, гўзал ва илдизи бақувват бўлиб ўсади.  
Сувут-у теракларни йил давомида бир марта  
каллаклаймиз. Одам ҳам ўзини, феъл-атворини ҳар  
дақиқада, ҳар куни ана шундай каллаклаб туриши керак.  
Бу ўз-ўзига ҳар куни ҳисоб бериш билан амалга  
оширилади. Шунда ёмон феълени ташлаб яхшисини  
ошириб боради. Комил инсон бўлиб етишади.

Отам новдаларнинг соз ва силлиқ жойидан танлаб,  
авайлаб пўстини ажратади. Қўлбола най — дудук ясай-  
ди. Айтишларича, ҳар баҳорни дудук чалиб қаршиласа  
навосига самодан фаришталар тушар экан, борлиқ  
янада яшариб, эзгулик кўпаяр экан. Кимнинг дудуги  
хушовоз бўлса, гўзал ва соз чиқса, у боланинг омади  
кўпроқ ва фаришталар унга кўпроқ қайишади, деб  
ҳисобланади.

Бир чеккада ўксиб турган Олимжонни кўрган онам  
илтимос қилади: «Ҳай, Олимжонга қайтадан ясаб  
берали. Бу сафар унинг дудуги сайраб юборади».

Отам дудукни қайта-қайта ясашдан эринмайди. Бу  
урф тезда маҳаллага ёйилади. Дудукнинг нафис оҳанг-  
лари маҳаллани тутиб кетади.

## ҚУШНИНГ ҲАМ УЙИ БУЗИЛМАСИН

Отам тут барг ёзганда, уни кўзига суртиб тавоф  
қилар ва шукрона айтарди.

*У кўзингни бу кўзингга зор этмасин,  
Ҳеч кимсани ғанимларга хор этмасин.*

Сўнгра тут дарахтидан ясалган тароққа япроқни қўйиб, куй чалар эди. Бу икки мисранинг мазмунини кейин тушундим.

— Опа, айвоннинг шифтини фанер қилайлик. Марямларнинг уйдек мойлаб қўядик. Қаранг, қамиш-у ходалари кўриниб турибди, — сўрадик бир куни.

— Уни отангдан сўра, ана, фанер келтириб қўйибдилар, бироқ қалдирғочларга раҳми келиб қоқтирмаяптилар, — жавоб қилди онам.

— Ота, ҳозир қалдирғоч йўқ-ку, — сўрадим.

— Баҳорда келади. Инсон тугул қушнинг ҳам уйи бузилмасин, — деди-да бошқа гапирмай чиқиб кетдилар.

— Қалдирғоч отангга сарсон-у саргардон ўтган болалагини, қулоқ қилинган отаю боболарини, тортиб олинган гўшасини эслатади. Ота-онага ҳурмат, бобо-ю момолари ёдига иззат, авлоду аждодларига меҳр-муҳаббат рамзи бу, яна яраси тирналди. Дилини оғритиб қўйдик, — афсусланди онам ва ҳикоя қилиб берди.

Бобонгнинг айвони бизнинг айвондан икки баравар баланд ва катта бўлган. У ерга ҳар баҳорда қалдирғочлар уя қурган. Отанг уларга дон сепишни жуда-жуда ёқтирган. Инқилоб бўлгач, ана шу уйни, мол-мулкини, оёқ кийим тикадиган фабрикасини тортиб олишган ва ўзларини бадарға қилишган. Бобонгни эса қамаб қўйишган. Ҳозирги дам олиш ва истироҳат боғи бор-ку, шу жойлар момоларингни дала ҳовлиси бўлган. Шиғил-шиғил мевазорларни қўпориб, ўрнига ўрис дарахтлари экишган. Етимлик елкасига тушгандан кейин ўзларидан тортиб олинган фабрикасига ишчи бўлиб ишга кирган. Беш нафар укасини боқиш керак бўлган-да. Шу кезлар оила ниҳоятда оғир шароитда яшаган. Фабрикадан бир куни шоли ўроққа дарё бўйига олиб кетишган. Афсуски, қор эрта тушиб атрофни

қоплаб қолади. Ҳамма оталар болаларини олиб кетишади. Фақат икки етимча қолади. Ташвиш ва таҳликали онларда келган-кетганларнинг ҳеч бири қулоқ болалари билан муомала қилиб, шубҳа остида қолгиси келмайди. Икки етимча бригадирни кута-кута охири ўзлари пойи-пиёда шаҳарга келишади. Шундан кейин иситмалаб, сариқ касалга чалиниб ётиб қолади. Ўшанда агар катта бўлсам элнинг боласига қайғурувчи киши бўламан, деб ўзига-ўзи сўз берган экан. Шу-шу ёш болага озор берган одамни кўрса дили оғрийди.

Отаси эрта баҳорда қамоқдан қайтиб келади. Кўкатларни кўзига суртиб ўша икки мисрани такрорлаган экан. Бироқ, отаси тезда оламдан ўтган. Шундай, ҳар бир кўчанинг, ҳар бир уйнинг, ҳар бир дарахтнинг, ҳатто кўкатнинг ўзига яраша тарихи бўлади. Инсоннинг тарихи худди шу ердан бошланади.

Отанг шундай чиройли туфлилар тикарди. Фабрикада унинг олдига тушадиган уста йўқ эди. У пайтлар «амиркон» туфлилар урф бўлган эди.

Юрганда ғарч-ғурч қилар, қоп-қора, чиройли. Отанг тиккан пойабзаллар улардан бежирим эди. Тўйимизга атаб иккаламизга ана шундай оёқ кийим тиккан.

Кейинчалик устачиликни ташлаб институтга кирди. Чунки, у пайтда ёзиш-чизишни биладиганлар кам бўлиб, отангни ҳам институтга киришга даъват этишган. Отангнинг эса жони-дили — болалар.

Отамга бир меҳрим ўн бўлиб товланади. Машҳур мисраларни беихтиёр такрорлайман.

*У кўзингни бу кўзингга зор этмасин,  
Ҳеч кимсани ғанимларга хор этмасин.*

#### ДУО КЕТГАН ҚАДАМЖОЛАР

Отам ёз чилласида яқинлари билан шифобахш балчиқда, туз конларига, қумга чўмилгани боришни хуш кўрарди. «Шифобахш балчиқ, қумга уч ёки етти марта чўмилган-кўмилган одамга бод тегмайди. Бу ота-

боболаримизнинг минг йиллик синовларидан ўтган кадриятлар. Бу жойларга дуо кетган, ихлос қилган халос бўлади», — деб ўргатардилар.

Хоразмнинг кўм-кўк боғ-роғлари тугаб, ўркач-ўркач кўм барханлари бошланади. У кишига бошқача завқ-шавқ бағишлайди. Тип-тиниқ, мовий ва топ-тоза ёз осмони... Атрофдаги одамлар чехрасида эса гулгун баҳор... Энг асосийси азим ва азиз кадриятлар улуғланиб келинаётган қадамжо у.

Шу ерда қозоқ болалари: «Бизнинг ўтовга ўтинг, бизнинг ўтовга ўтинг», — дея кутиб олишади. Отам кенг ва гўзал ўтовлардан бирини танлайди. Ҳамишагидек уйдан олиб чиққан товукларни қозоқ аёлига шўрва пишириш учун беради. Болаларни эса кўм барханлари томон бошлайдилар. Биргалашиб исириқ ва чўл гиёҳларини йиғамиз. Исириқ инсон товуши етмайдиган жойлардан терилса, шифобахшлиги шунча кучли бўлади, Хизр алайҳиссаломнинг нафаси бўлади, дер эдилар.

Шифобахш тузу кўмга чўмилганидан кейин товук шўрва солиб, ичиртиради. Шўрва ичаётиб гарқ-гарқ терласанг баданингдаги иллатлар чиқиб кетади. Қон-томир касалликлари, бод бўлмайди, деб ўргатар эдилар. Бу сайру саёҳатлар қариндошларни бирдамликка ундар, амма-ю холалар жамулжам бўларди. Қизгин суҳбатлар кечарди. Гўё бутун борлиқ ва коинот майин шабада билан бурканган ранг-баранг ўтовлар ила безанган шодиёналик ила нафас оларди... Оппоқ кўйлак кийган, оппоқ дока рўмол ўраган момоларим эса дуо қилишади. Улар дуо қилганида отам жон қулоғи билан тинглайди. Ёмғир билан ер кўқарар, дуо билан эл кўқарар, кексаларнинг дуосини олиш керак, улар вужудимизга сеҳрли зарралар сингари сингишиб кетади, ўргатади болаларга.

#### КАТТАЛАРГА СУЯНЧ, КИЧИКЛАРГА УСТУН

Отам фарзандлар тарбиясига кўпроқ эътибор берар, барчамизнинг хатти-ҳаракатларимизни, юриш-тури-

шимизни қаттиқ назорат қиларди. Хато-камчиликларни тез-тез эслатиб огоҳлантириб турарди, гоҳида аёвсиз тергарди.

Бир куни акам майкасини тўлдириб бодринг олиб келгани эсимда. «Қаердан олиб келган бўлсанг шу ерга кўйиб кел», — деди-да, сўнгра менга буюрди. Сен изман бор, натижасини айтасан.

Отамнинг жазо услуби ўзига хос эди. Бир куни ўзимга белгиланган ишларни эсдан чиқариб, ўйин билан овора бўлиб қолибман.

«Ҳали отанг келсин, бир айтиб бераман», — деди онам.

Онам бизларни отамизнинг номи билан жиловлаб олар эди. Отам келишига яқин ўзимга белгиланган ишни зўрга-зўрға уддаладим. Отам овқатлангунча онам атрофида айлана бошладим.

— Қани болалар, чўмилишга кетдик, — деди отам. Онамга қарадим, ниманидир мушоҳада қилиб турарди.

— Майли, бор, иккинчи такрорланса отангга айтаман, ўрага боғлаб қўяди сени, — пўписа қилди.

— Ўра дегани айвондаги устун. Бола кучоқласа қўли етмайди. Отам шу устунга суяниб ўтириб, телевизор кўришни хуш кўрарди. Болалар айб иш қилишса, ана шу устунни кучоқлатиб қўяр эди.

Бу боболаринг эккан гужум. Юзлаб йиллар одамларни ўз соясида роҳатлантирган. Эндиликда айвонимизнинг томини кўтариб турибди. «Сени онангга, рўзғорга шу устунчалик нафинг тегмаса, уни кучоқлаб тур, зора куч-қуввати, фидойилиги сенга кўчса... Жазолаб бўлганидан кейин «катталарга суянч, кичикларга устун бўла олмасанг, турмушингда файз бўлмайди, қулоғингда қолсин, — деб ўргатар эдилар.

#### ДУНЁ ИЗТИРОБ, ЙИҒИ ВА ҚУВОНЧ

Халфанинг сўзларини тинглайман. У Рабғузийнинг «Пайғамбарлар қиссаси»ни ўқир эди: Тупроқни Даҳо отли

ерда қорди. Ул тупроқ узра қирқ йил ёмғир ёғди. Ўтти тўққиз йил қайғу сувлари, бир йил севинч ёмғири ёғди. Шунинг учун одамда севинчдан қайғу ортиқроқ бўлди. Қирқ йилдан сўнг тупроқни суврат қилди.

Одам Сафий Алайҳиссалом яратилгандан кейин етти кун анда ўтирди. Ундан кейин Мавло Азза ва Жалла қизил олтиндан бир тахт юборди. Етти юл фаришта хизматида турди...

Етти ва қирқ рақамлари менга яна отамнинг сабоқларини эслатди: кўл-оёқларимиз етти бўғиндан иборат. Инсон аъзоларида ҳам етти фазилат уйғун: эшитиш, кўриш, ҳид билиш, сезиш ва мушоҳада... Булар инсонга бежиз берилмаган... Ҳақиқатан, назаримда, отам урғу берганидек етти рақамида сирлилиқ ва сеҳр бор.

Майит қабрга қўйилиб, одамлар етти қадам узоқлашгач, Мункар-Накирлар савол-жавоб бошлар эмиш. Тупроққа бош қўйгандан кейин етти кун ўтгач, марҳумнинг руҳи катта капалакка айланиб, уруғаймоқларидан хабар олгани келар экан. Сўнгра бу ҳолат ҳар етти кундан кейин, ҳар жумада такрорланиб тураркан...

Отам ҳам ойнинг еттинчи кунда фонийдан боқий оламга ўтди.

Ота-онамни биргалашиб ўқиб берган эртагу дostonларини эсламан... Уларда қирқ рақамига алоҳида эътибор берилади. Қирқ чилтонлар Гўрўғлидан от керакми ёки зот дея сўрайдилар... қирқ қулоқли қозон осиб, қирқ кеча, қирқ кундуз тўю томоша берди. Қиш у ёз чилласи ҳам қирқ кун. Чақалоқ туғилганидан кейин қирқ кунгача чиллада бўлади.

Аздор ҳам қирқ кун чилла тутади. Бировнинг уйига кирмайди. Лаҳатга қўйилган марҳумнинг эти ҳам суягидан қирқинчи кун ажралар экан.

Ўлик чиққан хонадонда қирқ кунгача кир ювилмайди. Мағзава марҳумнинг оғзида кўпирар эмиш... Мункар-Накирларнинг саволларига жавоб бера олмай қолар экан.

Марҳумнинг нарсалари ҳам қирқ кеча ой ёғдусига тутилади.

Отамнинг қирқи чиққандан кейин укам Шарифбойнинг эғизлари — Ҳасан-Ҳусанлар дунёга келди.

Дунёда сир-синоат-у ўхшашлик ва узвийликнинг кўплигидан ҳайрон эдим.

Дунё нақадар оқилона тузилган: туғилиш, жуфт танлаш, ўлим. Туғилиш — изтироб, йиғи, қувонч: жуфт танлаш — изтироб, йиғи, қувонч: ўлим — изтироб, йиғи, қувонч! Изтироб, йиғи, қувонч бу ибтидо билан интиҳонинг бирлашган жойимикан онам айтганидек! Қувонч бу аслида авлоду аждодлар хотирасида ёрқинликлар қолдириш эмасми?! Бунинг учун эса отам айтганидек, унга ўзини билганидан бошлаб тайёргарлик кўриб, нурга интилиб, ўзини ҳар куни, ҳар дақиқа каллаклаб бориш керак эмасми?!

#### ЭЗГУ ХОТИРА — БАХТ

Эзгу хотира инсоннинг фоний оламдаги энг охириги қувончи, боқий оламга йўл!

Мана, йиллар ўтди. Май ойида туғилган гўшамга бориб қолсам, отам орзулаган манзараларнинг гувоҳи бўламан. Тутларнинг тагидан болалар аримайди. Йирик-йирик, ҳар бири бармоқдек тутлар қуёш ҳароратида болга энади. Отамнинг исмини олган укам Олимжоннинг фарзанди: (отамнинг ёрқин хотираси, иззати учун ҳеч ким уни исмини айтиб чақирмайди, Отабек Отажон дея суюшади). «Аммажон, сиз учун том бошидан тут йиғиб тушдим», — дея меҳрибонлик қилганида, кўнглим бўшаб, кўзларимга ёш қуйилади.

Отамнинг ёрқин сўзлари, салобати, сиймоси, суврати ва сийрати кўз олдимда гавдаланади. Эзгулик билан қопланган ҳозирги кун отамнинг ушалган умидларининг яна бир тантанаси эканлигини юрагимга туяман.

Кўз ёшларимни яшириб, онамни суҳбатга тортаман.

— Синглингнинг маҳалласига тоза сув келди, — суюнчилайди онам.

Синглимга шаҳар чеккасидан уй қурилишига ер берилган эди. Водопровод ўтказилмаган, анҳорнинг сувини ичиб бўлмайди. Қурилишда эса усталар ишла-япти, ана шунда отамдан қолган водопровод, уларнинг иш услуби асқотган эди. Маҳалла шаклланиб, одамлар буткул кўчиб келгунча, қўлбола водопровод ён-атроф-дагиларнинг жони-дили бўлди.

— Отанг раҳматлик бу кран ҳали яна керак бўлади, деганида ҳақ экан. Синглинг ҳам отангга ўхшаб, эрта-кеч эшикни қулфламайди.

Синглимнинг ўғли Файрат гапга қўшилади: «Бобомга ўхшаб водопровод отгичнинг ён-атрофига гул-у-райҳонлар экканмиз. Уларга ўхшаб тонг маҳалда гул-у-райҳонларга шлангада сув пуркаймиз. Хушбўй ён-атрофга таралади. Гўё бобом майин шаббода бўлиб, меҳр-муҳаббат билан сочларимизни эркалайди. Шундайми, онажон», — сўрайди синглимдан.

— Тўғри, ўғлим. Краннинг атрофини саранжом-саришта сақласанг, бобонг сочларингни эркалаб, дуо қилиб кетади. — Ўғлига жавоб берди-да, менга қарайди. — Мен ҳам уйга водопровод ўтказдим. Бироқ, ичишга, боғларни суғоришга қўлбола крандан ишлатаман, чунки водопроводнинг суви шўр.

— Сабаби, уни табиатнинг ўзи тозалайди. Ернинг етти қат қатламининг ўзи синтез қилиб беради, тўғри-ми, энажон — сўзини тасдиқлатиб олди жияним.

Ўтли туйғуларимдан хотиралар уйғонади. Отамдан мерос — мустаҳкам ирода, эзгу-истак, гўзаллик — бар-часи бирлашиб шундай мўъжизалар юз берадики, уларнинг нурли ёлқинларини жиянларим, кичик дилбандларим дилларида кўриб яйрайман.

Ҳар бир инсон қўшгунчалар қатидаги кўшиқ, гўё у осмон бўйлаб ёйилади.

Қуёш айланаверади, ойу ер айланаверади, умрлар ўтаверади. Борлиқ янгиланаверади. Эзгулик қола-

веради, хотира яшайверади. Авлодларни авлодларга улайверади. Шундан қувончли, шундан гўзал, шундан-да эзгу нима бор оламда?!



## ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ

Онагинам қутлуғ 74 ёшида орзусига етди. Муқаддас ҳаж зиёрати унга насиб этди. Ўн бир фарзандни тарбиялаб, элнинг юкини тортишга ўргатган воли-дамнинг саъй-ҳаракатларида, туриш-турмушида ёшларга намуна қилса арзийдиган улуғворлик бор. Юрагининг туб-тубида иродасини тамомила енгиб бўлмайдиган куч-қудрат, сир-синоат, чексиз туйғу бор. Аслида у бутун бир миллатга, ўзбек аёлларига хос фазилатлардир. У муҳаббат. У садоқат. У самимият. У меҳр! Ана шу кенгликни, чексизликни онагинамнинг ҳикояларида — ҳаж хотираларида ҳам ҳис этаман.

### ҲАРАКАТДА БАРАКАТ

Баъзан эртанги кун қувончида оромингни йўқотасан. Бошланадиган ҳодисани кутиб, дил ҳаприқади. Ҳаж зиёратини ана шундай интиқ кутдим. Унга ҳам руҳан, ҳам жисмонан тайёргарлик кўра бошладим. Аввало пойи-пиёда юришнинг ҳадини олдим. Биринчи куни бир соат яёв юрдим. Иккинчи куни оширдим. Бир ойда тўрт-беш соатга чиқардим. Шаҳар чеккасида яшайдиган қизимнинг уйига ҳар куни боришни одат қилдим. Эгизак чақалоқлари туфайли рўзғорга улгуриши қийин эди. Молу ҳолига, боғу боғчасидаги экин-тикинига кўмаклашаман ва яна қайтиб келаман. Бир куни ўғлим йўлда учратиб қолди. «Опа, шу ёққа бормоқчи экансиз, айтмайсизми! Машина жўнатардим,» — дея гина қилди.

— Меҳрибонлигингни биламан. Бахтинг ётмасин, болам. Бироқ, мен учун ҳаж зиёратини биров ўтамайди-

ку. Яратган эгамнинг ўзи куч-қувват беряпти. Аслида хурсанд ва шод одамнинг дилида ҳеч қандай оғирлик бўлмайди. Масрурлик чарчоқни билдирмайди. Етмишга етганда ўзимни чиниқтираётган эканман бу бахт! Ана шу бахт ҳар бирингизга насиб этсин.

Тўғри қилган эканман, Маккаю Мадинада куни билан пойи-пиёда юрдик, чарчамадим. Фарзандларим, ҳар бир буюк ишга олдиндан тайёргарлик кўрмоқ керак. Ҳаракатда баракат, дейди эгам. Миллионлаб одамлар орасида уч марта тошга етиб бора олдим. Яратганга шукрона айтаман. Ҳар бирингизга ана шундай қутлуг кун насиб этсин.

#### ТИЛИМИЗ ЭЛИМИЗ РАМЗИ

Муҳаммад пайгамбаримизнинг хонақоси зиёратига эрталаб соат етти бўлмасдан етиб борамиз. Зиёратгоҳ менга юртимиз маданий обидаларини эслатади. Шарқона меъморий услубга уйқаш қурилган олди қатор устунли айвон. Бу жойга қўлда тўқилган туркман нуха гиламлар тўшалган. Ҳар куни миллионлаб халойиқ айланаётган қадамжонинг озодаю покизалигидан дилинг яйрайди, қалбга эзгулик энади. Шуларни кўнглимдан ўтказиб, «Етказганинга шукр, Парвардигори эгам», дея тавоф қилдим. У ерга биринчи кирган одамнинг қайтиб чиқиши қийин бўлар экан, анча қолиб кетдим. Ҳамроҳларимни йўқотдим. Йўл юриб адашдим. Яна сағанага қайтиб келдим. «Эй, Яратган эгам! Мен сенинг бир ихлос қўйган бандангман. На тил биладан, на шаҳар. Ўзинг тўғри йўлни кўрсат. Ҳа демай кеч бўлса, қайга бораман.»

«Қайга шошасан, бир пас дам ол, кимлар ўтмаган қутлуг остонада», деди кўнглим. Бир чеккага ўтиб, ўтирдим. Шунақа ширин уйқу келдики, ўзим ҳам ҳайронман. Қанча ухладим, билмайман. Қушдай енгил бўлиб уйғондим. «Энди қарши томонга қараб юр», — деган ўй кечди хаёлимдан.

Сал ўтмай аёли билан сўзлашиб келаётган дўппи кийган кишини учратдим. Кўзимга чўғдек босилди. Ўша пайтдаги ҳис-ҳаяжонларимни ифода этиш қийин.

— Ассалому алайкум, хуш кўрдик. Ўзбекистондан-мисиз? — сўрадим.

— Ассалому алайкум, хуш кўрдик, опажон, ҳа, ўзбекмиз.

Она тилим, сен шу даражада ёқимли, ажойибсанки, дунёда нима билан тенглаштириш мумкин?! Нимага ўхшатишга журъат этиш мумкин! Жаранглашинг тошдан тошга урилиб ўйноқлаб оқаётган биллур сойга, гулгун баҳорга ўхшайди. Йўқ, сен баҳордан ҳам ёқимлисан. Зеро, фасллар алмашади. Сени алмаштираман деганлар алмашиб кетди. Рангин камалакка қиёс этаман. Бироқ, у ҳам ўткинчи. Сен ўзингсан. Ўзлигимсан! Ўлимдан, қамоқлардан кўрқмай Абдулла Қодирий романларини, Чўлпон шеърларини ўқиган ўгли ёшлигимсан! Сен ўзингсан! Ўзлигимсан! Ўзбегимсан, она тилим. Миллионлаб одамга насиб этган ва уларни бирлаштириб турган ўзингсан. Сени Яратган эгамнинг ўзи асрасин. Она тилим, сенда қалбга энувчи куёш нурларию, тунги тўлин ойнинг жамоли бор. Тошкент оқшомларининг ёрқинлиги-ю Хоразм чўлларининг кенглиги, Нурота булоқларининг тиниқлиги-ю Зомину Кумушкон шаршараларининг қувноқлиги бор. Дунё тургунча туришингни Яратгандан сўрайман. Она тилимизнинг борлиги — дилимизнинг озодлиги! Тилимиз элимизнинг эрки рамзи. Ана шу хурлик учун қанча-қанча ёш йигит-қизлар жонини тикди. Шоирнинг сатрлари ҳам бежиз жарангламаган:

*Эл деганнинг юрагида яшайман*

*Эрк деганнинг тилагида яшайман.*

#### БИРОВНИНГ ҚЎЛИГА ҚАРАГУЛИК ҚИЛМАСИН

Элимизнинг «ёш келса хизматга, кекса иззатга» деган нақли қон-қонимизга сингиб, урф-одатга айланиб қолган. Бу ерда ҳам шундай бўлди. Тўрт аёл бир хонада

яшардик. Иккаласи мендан сал кичикроқ, яна бири қизимиз қатори. Барака топгур, барчамиз учун елиб-югуришдан чарчамасди. Бироқ, менинг дилим ўртанарди. Ишини қўлидан олишга интилардим.

— Жамила опа, ҳаммадан ёшингиз улуг, ўтиринг, — дейди у самимийлик билан.

— Оллоҳнинг олдида ҳамма тенг. Ҳар бир ишда баробар туриш Оллоҳга ҳам, бандага ҳам хуш келади, қизим, — жавоб қиламан.

Фарзандларим, соғ-саломат экансиз, ўз юкингизни тортишга қудратингиз етар экан, шунинг ўзи катта бахт! Нафақат ўзимизни, балки элимизнинг ҳар бир одамани, юртимизни бировнинг қўлига қаратгулик қилмасин. Дилимнинг озодлиги — юртимнинг озодлиги!

#### БОШИНГИЗ ТОШДАН БЎЛСИН

Зиёратнинг энг машаққатталаб жойи — Арофат тоғи ва Мино. Уч кун Одам Ато ва Момо Ҳаво бир-бирини учратган Арофат тоғида чодирда яшадик... Яна уч кун шайтони лаинга тош отадиган Мино тоғида чодир тикдик. Атроф бийдай дала, дов-дарахт йўқ. Ҳаво тандирдек қиздиради. Чанқайверасиз, бир оз чой қуйиб ичишнинг имкони йўқ. Баъзилар Арофат тоғида уч кун яшагандан кейин яна уч кунга чидамай, отадиган тошларини йиғиб, ёшларга бериб, меҳмонхонага қайтиб кетишди. «Юринг, шу ёшингизда ўзингизни қийнаманг», — дея маслаҳат беришди улар. «Бу ҳам Яратганнинг сийлови ила синов!» Шунга етказганига шукр!», — жавоб қилдим уларга.

Ҳақиқатан, у ер шу даражада иссиқ эдики, бидонларда турган сув ҳам қайнаб кетарди. Шунинг учун ҳабашлар унга тез-тез муз ташлаб кетишади. Хуллас, ҳар дақиқада ғамхўрликни ҳис этасиз. Саховатпеша одамлар бир марта ишлатиладиган идишларда егуликлар олиб келишади. Покиза ва ширин тайёрланганлиги кўриниб, иштаҳани қитиқлаб туради. Бироқ, мен ҳамма нарсани

ёвермадим. Юртимнинг нони-ю, зам-зам сувига ихлос қўйдим.

Инсон нафсини тия билса, хосияти кўплигини ҳаётимда кўп ҳис этганман. Терлама бўлиб, ана кетди, мана кетди бўлиб ётганимда фарзандларимни боқадиган халфа эна кириб келди: — «Қизим, омон қоламан десангиз, сувдан бошқа нарса ичманг, еманг. Гоҳ-гоҳида мева шарбаги ичишингиз мумкин. Сизга Яратганнинг ўзи куч-қудрат беради. Уруш йиллари уч эркакнинг ишини бажардингиз. Она қизим, ҳозир ҳам қишлоққа ва касбингизга меҳрингиз туфайли шаҳардан қатнаб ишлаб юрибсиз. Эзгу ишларингиз учун Оллоҳнинг ўзи ёрлақайди».

Халфа эна ўргатганидек фақат қайнаган сув ва шарбат ичиб ётдим. Ҳар куни атрофимдан ўлик йиғиб кетишарди. Улар кўзи кўрган овқатни ейишар эди.

Ҳажга отланаётганимда нега шу ҳолатим ҳаёлимга келди, билмайман.

Юртим нонини сувини қочириб, сумкага жойладим. Ҳар қандай замонда ҳам нон азиз ва муқаддас ҳисобланган. Зарурият сезганимда юртимнинг нонини зам-зам сувга ботириб ивитиб ердим, холос.

Фарзандларим, агар билсангиз овқатланиш ҳам одамни чарчатади. Донолар айтади-ку, инсон овқат ейиш учун яшамайди, аксинча яшаш учун овқат ейди. Умрим давомида ана шунга амал қилдим. Худо берганига қаноат қилиб яшадим. Худо берганини тежаб-тергаб, фарзандларимнинг камолига, илму ҳунар эгаллашига, ҳар бирини уйли-жойли этишга сарфладим. Дабдабали ҳаётларга, зебу-зийнатларга ружу қўймадим. Илоҳим, фарзандларим, ҳар бир сўзларим қулоғингизга сиргадайин тақилсин. Сизнинг ҳам азиз бошингиз тошдан бўлсин.

#### ҚАНОАТ УЛУҒЛИК БЕЛГИСИ

Зиёрат охирланди. Ҳамма автобусда ўтирибди. Шерикларимиздан бири ўзидан уч-тўрт баробар катта иккита юкни чумолидек тортқилаб келяпти. Оғир



юкдан қон томирлари кенгайиб, юзлари қизариб, бўртиб кетган. Чуқур-чуқур нафас олиши ҳам сезилиб турарди. Келганидан буён оёғи оғриб зиёратга ҳам ярамай ётган аёлнинг ҳолати атрофдагиларда ажабланиш уйғотди.

— Инсоннинг кўзи бир сиқим тупроққа тўлади, — деди кимдир ўзига-ўзи гапиргандек.

— Ҳаммолларга беришга пули ҳам қолмабди-да, бечоранинг, — деди яна бири. «Қачон одамзот ақлдан тўла баҳраманд бўлар экан. Қачонгача ўз оёғига ўзи болта урар экан?» Кўнглимдан ўтди. Унинг қийналиб келишини ортиқ кузатиб тура олмадим. Юкларни машина тепасига ортаётган негрлардан бирини, имлаб қақирдим-да қўлига пул тутқаздим.

Фарзандларим, Ҳазрати инсон учун қаноат — энг олий неъмат. У кишини юксакликка, руҳини ҳурликка олиб чиқади. Нафсни тия билиш эса бу улғулик белгисидир. Хонадонингиз зеб-зийнатга, бойликка тўла бўлмаса-да, дилингиз эзгуликка, яхшиликка тўла бўлсин. Шунда Яратганнинг ўзи сизни қўллайверади.

#### МЕҲРУ ОҚИБАТ — КЎНГИЛ ЗИЙНАТИ

Фарзандларим, муқаддас жойлардан ҳаммангизга бир хил соат олдим. Синиб кетмасин, дея ўнтасини алоҳида-алоҳида матоларга ўрадим. Узоқ жойдан лат едирмай олиб келдим. Азон айтиб уйғотувчи соат — дунёнинг ўткинчилигига ишора ва ҳар бир дақиқани ганимат билиб, меҳру оқибат билан яшашга ундов!

Жони-жигарларим, энг улғу неъмат бу ҳаётдир. Ҳаёт эса меҳру оқибат, яхшилигу саховат демакдир. Оллоҳнинг хосияти билан кўзингиз нурга, билагингиз кучга тўлди. Ана шу нурга яраша яшашга интилинг.

Дийдаси қаттиқнинг феъли дўзах оловига ўхшайди. У ҳўлу қуруқни баравар ёндиради, оилаларни роҳатдан бенасиб этади. Мурувват, меҳру оқибат, саховат-кўнгили зийнати! Мурувватли, меҳру-оқибатли одамнинг сий-

ратида фаришталик, йўлида нур, турмушида эзгулик бўлади.

Азизларим, жону жигарларим, боғу боғчангиз ҳамиша ям-яшил бўлишини Яратгандан сўраб қоламан.

#### ЧАҚАЛОҚ БЕШ КУНЛИК БЎЛГАНДА

Қизгинам, қиз бола ўнга кирди, сонга кирди, дейди халқимиз. Сен ўн бешга тўлдинг. Мен туғуруқхонадаман. Бувинг Султон Увайс буванинг зиёратига кетган. Синглингнинг беш кунлигини ўзинг нишонлайсан.

Қандай нишонлашни биласанми? Мошхўрда пиширасан. Кўчадан етти ёшгача бўлган етти болани чорлаб, меҳмон қиласан. Мошхўрда пиширилиши бежиз эмас. Мош ва гуруч баракали бўлади. Бир дондан юзлаб дон-бошоқ пайдо бўлади. Синглинг келажакда ана шундай бўлиб ўзидан кўпайсин. Ҳаёт йўли гуручдек оппоқ, имон-эътиқоди мошдек қаттиқ, яъни мустаҳкам бўлсин. Синглингнинг дунёга келиши саховат билан бошланса, келажакда ҳам саховатпеша бўлиб улғаяди. Келажакда бойвачча бўлсин-у элга саховатли бўлиб юрсин.

Жонингизга жоним, болаларим! Энг асосийси Оллоҳ яратган неъматларни бир-бирингиздан аяманг, мурувватли, кўзи тўқ бўлиб улғайишингизни истайман. Мен ўша куни оиламизнинг ўнинчи фарзанди — синглим туғилганида умримда биринчи марта мустақил отам билан бирга болакайларни меҳмон қилиб, дастурхонга чорладим.

#### ЧАҚАЛОҚ ЕТТИ КУНЛИК БЎЛГАНДА

— Қизгинам, мен бугун туғуруқхонадан чиқаман. Бўғирсоққа хамир қориб, отанг билан ўрик новдаларини тайёрлаб қўйинглар. Мен боргандан кейин бўғирсоқни пиширасан ва ўрик новдаларига еттитадан тизасан. Ўрик кўп йиллик мустаҳкам дарахт!

Бувинг мен туғуруқхонадан чиққанымда яна нима қиларди, бир эсла.

Тўғри, иссириқ тутатарди, яна сочқилар сочарди. Сочқилар ўралган оппоқ сурпни болаларга рўмолча қилиб бўлиб берарди.

Мен ҳамма нарсани онам айтгандек тайёрлаб қўйдим.

#### ЭЛ ИШИДА ЮРГАН КИШИНИ ФАРИШТАЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ

Уруш бошланган йили мактабни тугатдим. Ҳамма эркаклар урушга кетиб ҳисоб-китобни биладиганлар қолмади, ҳисоб. Мактабни аъло баҳоларга битказганим учун мени ҳисобчи сифатида ишга олишди. Шаҳарда бир ойгина малака ошириш курсида ўқидим. Колхозда омбор мудири, ҳам табелчи, ҳам ҳисобчилик қила бошладим.

Москва остонасида қизғин жанглар бўлаётган бир пайтда колхозимиз аҳли фронтга ёрдам пули тўплади. Ким пул берди, ким тақинчоқ, ким иссиқ кийим. Қишлоқдошларим ҳамма пул-у тақинчоқларни санашди. Муҳр уришди. Йиғилган жамғармани чакида қопга (сузма сизиладиган халтача) солишди. Оғзини боғлаб, менга шаҳарга — банкка етказ, дейишди.

Отамнинг севимли ювош отлари бор эди. Бўйим пакана, оёғим отнинг тушовига етмайди. Отам кўтариб, отга миндирди. Чакида тўрвани қўлимга тутқазиб: «Ўзинг билган банкка қараб чоп» — деди.

Шаҳарга банк бекилиш арафасида етиб келибман. Қаҳри қаттол кунлар эди у пайтлар: «илоё тут пишфига эсон-омон етиб олайлик», — дея Оллоҳга тинмай нола қилаётган кунларимиз эди у кунлар. Нафси ҳакалак отганлар ҳам йўқ эмасди. Ана шундай пайтда эл асраб-авайлаб қўйганини чиқарди. Турмуш оғир, бир бурда нон ҳам азиз. Ҳамманинг дўпписи тор келган пайтларда мен шунча бойлик билан ёлғиз кетаётган

олдим. Номозшомда уйга қайтдим. Ота-онам эшикка чиқиб ўтирган экан. Мени кўришди-ю, иккаласининг ҳам чиройи очилди. Гўё булут тарқалиб, қуёш чиққандай бўлди.

— Кўпчиликнинг иши учун, эзгулик учун юрган кишини Худонинг ўзи асрайди, — дедилар отам мени отдан тушириб оларкан. Пешонамдан ўпиб қўйдилар. Шу-шу отда юришни ўрганиб олдим.

#### ХАЛФА ЭНА

Мен ишлаган қишлоқда фариштали, ширинсўз кампирлар бор эди. Икки овсин — Анбар эна ва Остона эналарни қишлоқдошлари халфа эна, хўжа эна, деб чақиришарди. Эскичадан хабари бўлиб, маъракаларда эл-юртга китоблар ўқиб беришарди. Катта-ю кичикка сиз деб гапиришар, неваралари билан ҳам сизлашарди. Чандирқийёт қишлоғига ишга юборилганимда, шу энахонлар билан она-қиз тутиндик. Одатим, қаерда ишласам дўст орттиришга ҳаракат қилардим. Халфа эналарнинг хонадони қишлоқдаги бамаъни оилалардан бири эди. Қишлоқдан шаҳарга қайтмаган кунларимда, уларнинг хонадонидида қолардим.

Фарзандли бўлгач, қирқ кунгина уйда ётдим. У пайтлар ҳозиргидек уч йил бола тарбиялаш учун таътил йўқ эди.

— Халфа эна, болаларимни тарбиянгизга келтирсам майлими, — сўрадим.

— Сиз сўрайсиз-у, биз йўқ деймизми. Жоним билан қизим. Ана, келинимиз Бикажон, икки боласи билан ёлғиз ўтирибди. Бирга бўлаверасизлар. Ана шу хўжа эналардан жуда кўп нарсани ўргандим. Уни мен энди сизларга ўргатмоқчиман, қизларим. Ўрганган эзгуликни қайта ўргатиш ҳар бир кишининг авлодлар олдидаги қарзи-фарзи. Улар ўргатарди: «Болаларнинг номини кемтик айтманг, бахти кемтик бўлмасин». Исмга албатта бой, бек, жон сўзларини қўшиб гапирарди.

Хонадонингизга кирганингизда, албатта ассалому алайкум вараҳматуллоҳ ва баракатуҳ, деб киринг. Бу Оллоҳнинг номларидан бири. Бу сўзни эшитганда фаришталар қайишади, дерди.

Яна шуни билингки, ёшсиз, гўзалсиз, бирор эркак сизга тикилиб қолса, «ассалому алайкум» денг. Худони билган одам бўлса, дарров хаёли жойига келади. Агар шунда ҳам кўзини лўқ қилиб турса, ёмон гапирманг-ундай одамдан узоқда бўлинг.

Уларнинг эшиги тагида уч хил тут бор эди. Икки қат бўлиб қолган кезларим, саҳарда тут егизардилар. Мавсум бўлмаган пайтларда тут-майиз ва шинни ичиришарди. Ёш оналар дастурхонидан тут аримаслиги керак. У ўзингизга, болаларингизга қувват бўлади.

Кечқурун туршакка қайнаган сув куйиб қўядилар Эрталаб «Ичиб олинг, куни билан отда юрасиз, юрагингизга қувват бўлади» дерди.

Момолар деярли юз билан юзлашиб, оламдан ўтдилар. Бировнинг дилини оғритишганини, бировга қаттиқ гапиришганини эшитмаганман. Узоқ яшашларининг сирлари ҳам шунда бўлса керак.

#### ДИЛ ПОК-У, НИЯТ ХОЛИС БЎЛСА

Дил пок-у, ният холис бўлса инсоннинг йўли очиқ бўлаверади, дейди халқимиз. Шунинг учун дил билан ниятни ҳамиша пок қилиш керак. Гумон-у шубҳалардан йироқ бўлиш керак. Шаҳарда ўқиди, от миниб ўзга қишлоққа ишга қатнайди. Қари қиз, ким ҳам уни олади, деган гаплар тилдан-тилга ўтиб менга етиб келарди.

Ҳақиқатдан 24 ёшда турмуш кўрдим. У давр учун менинг ёшимдаги қизлар қари қиз ҳисобланарди.

«Ўзинг гўзалмассан-у гўзал йигитнинг қаллиғи бўлдинг» — деб ҳазиллашарди дугоналарим.

Тоза юрдим, тоза турдим, гўзал йигитнинг ёри бўлдим, — дея жавоб қилардим. Ҳақиқатда отанг жуда

келишган йигит эди. Бирга яшаб, янада билган сари ҳурматим ошарди. Кўркамлигига ақлу фаросати уйғун эди. Деярли бирга 40 йил яшаган бўлсак, бирор марта Жамила деб чақирганини билмайман. Жамилажон деб гапирарди. Бирор марта товушини баландлатганини ёки норози бўлиб, мингиллаганини эшитмаганман. Ҳамма нарсани жуда нозик ҳис этарди. Бир куни қайноналаримдан аразлаб (икки опа-сингил бир уйда яшарди) кетиб қолганимни биламан. Шу даражада қаттиқ аразладимки, эримнинг ишдан келишини ҳам кутмадим.

Арава қишлоққа яқинлашганда отанг велосипедда етиб келдилар. Бир-биримизга қараб турибмиз, на у гапиради, на мен. Ўртада болалар ва кийим-кечагимни солиб олган жомадоним.

— Онам билан холамнинг таъналарини эшитмагандек парво қилмаслик шунчалик қийинми, — деди ниҳоят.

Агар шу пайтда «эрдан берухсат тугунчагини қўлтиқлаган хотин хотинми, қани уйга қайт» — деганида мен ҳам дағал бир гапни айтиб юборишим мумкин эди.

— Жамилажон, мен сени яхши кўраман. Қанча қизнинг ичидан танлаб олдим. Сен ҳам мени яхши кўрасан. Энг асосийси шу эмасми?! Майли, бугун уйингга бор. Бир кун меҳмон бўл. Эртага қайтарсан. Сўнгра аравакашга қаради: «Ота, эртага бозорга келаётганда ўзингиз билан бирга олиб қайтарсиз» — деди-да, кичкина қайнонам тугиб берган кийим-кечаклар солинган жомадонни аравадан олиб велосипеднинг орқасига боғлади-да, қайтиб кетди.

Энди ўтириб-ўтириб ўйлайман. Шу ҳаракати билан икки томонни ҳам кўнглини олди. Мен билан қишлоққа кириб эртасига бирга қайтиши мумкин эди. Унда қайноналарим хафа бўлишарди-да.

Жомадонни олиб қайтиши эса, мени рухсатимсиз юкини қўлига туттириб юборишга ҳаққингиз йўқ, деган ишора эди. Эрталаб мен қайтиб бордим. Яна ҳеч

нарса кўрмагандек бўлиб кетдик. Фақат қайтиб келганимда дедилар: Жамилажон, онам билан холаминг таъналарини эшитсанг эшитмагандек бўл. Парво қилма. Ахир улар ҳаётнинг зарбаларини кўравериб, асаблари чарчаган аёллар. Ота-боболаримиз қулоқ қилиниб, турмуш оғирликлари уларни эзди-да. Буни ўзинг ҳам биласан-ку. Энг асосийси, биз бир-биримизни яхши кўрамиз. Укаларимни уйлантирсам, биз ҳали алоҳида чиқамиз. Фақат мен учун сабр қил, хўпми?

Ҳаётимда бир марта аразлаганман, у ҳам шундай шамолдай келиб, шамолдай кетди.

### ҚИЗ БОЛА СЕПЛИ БЎЛГУНЧА, ЭПЛИ БЎЛСИН

«Зингер» машинасини кўрсам дунёда эзгу инсонлар кўплигини ўйлайман. Атрофига шундай одамларни йўлиқтиргани учун Яратганга шукрона айтаман. Болаларимни саҳар уйғотиб, фойтунга солиб, қишлоққа олиб кетаман, яна ғира-ширада қайтиб келаман. Болалар ҳам қийналиб кетди. Қолаверса катта ўғлим мактабга боряпти. Уйда, шаҳарда қолишга мажбур бўлдим. Шундай қилиб, беш болали бўлгандан кейин уйда ишсиз қолдим.

Тирикчилик оғир савдо. Бироқ, дарахтнинг бўшини қурт ейди. Қараб ўтирган билан иш битмайди. Отаннинг Ҳайитбой деган амаки акаси бор эди. У мени шаҳардаги энг зўр тикувчи бўлмиш, нўғой бобойнинг хузурига олиб борди. У бир ҳафта уйга келиб менга тикишни ўргатди. Еттинчи куни устозим: «Қизим, зеҳнинг зўр экан. Келажакда сенинг олдинга тушадиган уста бўлмайди. Энди ўзинг боқаётган товуклар ичидан энг яхши кўрганингни сўй. Мен бугун сенга оқ фотиҳа бераман» деди. Мен шундай қилиб 30 ёшдан ўтганда, 5 болали бўлганимда иккинчи касбга оқ фотиҳа олдим. Гумбирлатиб кийим-кечак тикиб кетдим. Уйимда кўй, сигир, товук — ҳаммаси бор. Рўзгорим айланиб, барака инди. Иморат ҳам қурдик. Машинали ҳам бўлдик. Элдан

кам яшамадик. Бироқ, нафсга муккасидан кетишдан ўзимни тийдим.

Агар нафсга муккадан кетсангиз бор-будингиздан айриласиз. Зебу-зийнат, ялтир-юлтир кийиниб яшаш хуржигга фаҳм-у фаросатингизни қалқон қилинг. Шунда гурурингиз лат емайди, эл орасида юзингиз ёруғ, тилингиз узун бўлади. Аданг муаллимлик, мен тикувчилик қилиб топган пулимизни болаларнинг келажаги учун сарфладик. Устозим мени тез-тез йўқлаб турарди. Мен ҳам тансиқ овқат пиширсам болаларимдан унга бериб юборардим. Ахир «устоз отангдан улуғ», — дейди халқимиз. Элимиз одамларининг ҳар бир сўзи бежиз эмаслигини ўшанда сездим. Устозим юртига қайтиш тараддудига тушиб қолди. Чунки, чол-кампир уруш йиллари немис фашистлари босиб олган ерлардан кўчиб келишган эди.

— Қизим, «Зингер» машина, энг қадимги машина. Унда ҳамма нарсани тикса бўлади. Уни сенга қолдираман, — деди у.

— Ота, кўёвингиз Тошкентда ўқияпти. Топганимиз рўзгорга, уй қурилишига кетяпти. Ҳозир сизни рози қилишга ёнимда пулим йўқ эди-да, — дедим.

— Ажойибсан-да, пулинг йўқлигини биламан. Буни сенга совға қилиб қолдираман. Менга бу ота мерос эди. Яхши одамнинг қўлида қолишини истайман. Бўлмасам фалончи фалон сўмга сўраб турибди, — дедилар кулимсираб.

— Болам, ҳаётингизда ҳеч инжилмагайсиз. Сизни Яратганинг ўзи ёрлақасин. Элингизга оғир йиллари, очарчилик йиллари келдим. Юртингизда кўп яхшиликлар кўрдим. Менинг ҳам яхшилик қилиш ниятим бор. Фақат мени дуои фотиҳа билан эслаб турсанг бас, — дедилар устоз. Сўнгра мени узундан-узун дуо қилдилар.

Сиз билан отамга бир хил оқ яктак-иштон тикиб қўйганман. Ҳайитда бераман деб турувдим, — дедим-да устозим олдига қўйдим.

Ана шундай одамлардан кўп яхшилик кўрдим. Гоҳида қайтара олмадимми, дея ўйлаб қоламан. Фарзандларим,

«қўлим калтароқ» деб ўксиманг, агар дилингизда мурувват дарахти гуллаб турса, сиз энг бой одамсиз. Бир кунмас бир кун ўша дарахт, албатта, мева беради. Ўзингизнинг ҳам, фарзандларингизнинг ҳам ҳаёти тўқиб бўлиб, осойишта бўлишини таъминлайди.

#### ТАНСИҚ ОВҚАТ ПИШИРГАН КУН

Жон жигарларим, мурувват энг улуғ сийловдир. Саховат бўлмаса, бойлик топиш бекор. Тансиқ овқат пиширган куним ёки нон ёпган кезларимда атрофимдаги беваю бечораларни қари-қартангларни эслаб туришни, уларга эътибор, мурувват қилишни хуш кўрардим. Бу менга Шукур момомдан қолган мерос эди. Ана шу мурувватларим менга ҳаётлигимдаёқ яхшилик бўлиб қайтди.

Бир куни тонг билан эшик тақиллади. Чиқсам қўшним нўғой момо. Яқинда эри ўлган бўлиб, ёлғиз яшарди. Ўғли уйланиб, Россияда қолиб кетганди.

— Ўғлим чақириб қўймапти. Кетяпман. Уйимни сотмоқчиман, олгин, — деб қолди.

— Мени ҳали уй олиш ниятим йўқ эди, — жавоб қилдим.

— Ўн жўжанг бор. Сенга қачон бўлмасин, уй керак бўлади. Қолаверса, бобойим, қачон уйни сотиб кетадиган бўлсанг, Жамилага сотиб кет, мени ёдлаб, дуон фотиҳа этиб туради, деб васият этгандилар.

— Майли, розиман, нархини айтинг, — дедим.

— Шунча йил қўшни турдик. Хўп яхши яшадик. Ўзинг билиб беравер.

— Йўғ-е, уйларнинг нархини билмасам, кам бериб дилингизни оғритсам. Ўзингиз нарх-наво билан қизиқ-қандирсиз. Айтинг.

Нархни айтди.

— Ҳозир қўлимда айтган пулингизни ҳаммаси йўқ. Тиккан пальтолларимни сотиб, кейинчалик тўлдириб бераман, — дедим.

— Мен ҳозир пул олмайман. Фақат ҳужжатларни тўтрилаймиз. Адрес ташлаб кетаман, пулни кетимдан жўнатиб юборасан. Кекса одам шунча пул билан йўлда юрадимиз? Ҳозир йўлга керагини олиб кетаман. Айтганларидек қилдим.

Бобомнинг ҳовлисида катта тут бор эди. Ҳар пишганида қўни-қўшнига тарқатаман, ўзим ёди-худо қиламан. Дунёда одамдан меҳр, эзгулик қолар экан. Болаларимни кетма-кет уйлантирганимда, шу уй шундай асқотдики, Яратганнинг мурувватидан ўшанда янада миннатдор бўлардим.

Агар дилингиз буткул мол-дунё ҳаваси билан банд бўлса, унда чиндан ҳам қашшоқлашган бўласиз. Шунинг учун шукрона айтган, сабр-қаноатни билган муродига етади.

Умр бўйи йиғиб-териб, лекин ўзи ҳам емаган, болачақасига ҳам, бировга ҳам едирмаган бахиллардан ҳазар қилинг. Улар худо қарғишига учраган нотавонлардир. Топганингизни фарзандларингизга, унинг камолига ишлатсангиз, бу энг катта савобдир.

#### ШУКУР МОМОМ

Болалигимдан ёрқин таассурот Шукур момо. У пайтлар еттинчи синфда ўқиётган пайтларим эди. Мен отамнинг онаси Шукур момом билан бирга ётардим.

Бир куни дедилар:

— Мен бугун ўламан, сен ота-онанг билан ёт.

— Йўқ, мен сиз билан ётгим келяпти. Маҳкам ёпишдим.

— Бўлмаса, эртага мен уйғонмасам, сен кўрқма, — тушунтирди момом.

— Уйғонмаса нима бўлади?

— Ўлган бўлади.

— Ўлаётган киши қийналадими?

— Йўқ, аксинча, у юксалади.

Танаси ўлади, вужуди ўлади, руҳи тепага кўтарилиб кетади. У ҳаммани кўрадию, уни ҳеч ким кўрмайди.

туманидаги Хосиён, Ўртаёп, Хайробод қишлоқ аҳлининг омади келган.

Жаҳонгул Эржонова йигирма ёшида энагамомо деган номга сазовор бўлди. Шаҳарларда бир дуч келган энагамомони иккинчи учратмаслик мумкин. Қишлоқ жойларида уларнинг ўрни ўзгача қадр, эъзози улуг. Одатда, чақалоқ туғруқхонадан чиққандан кейин қулоғига азон айттириб, исмини қўйишади ва чилла сувига чўмилтириб, бешикка белашади. Бу маросимлар азал-азалдан оила даврасида амалга оширилади. Бундай пайтларда энагамомо давранинг тўрида бўлади.

#### ЧИЛЛА СУВИ — ТИЛЛА СУВ

Туғруқхонадан келгандан кейин гўдакни етти кунлик чилласидан чиқариш маросими бўлади. Ўша куни Жаҳонгул опанинг эшиги қоқилади.

— Энагамомо, ҳо энагамомо, бугун уйга ўтасиз-а. Биринчи чилла сувидан ўзингиз чиқариб берасиз.

«Фарзанд — оила шамчироғи, кўнгил гавҳари: ўғил бола белнинг қуввати, қиз бола — кўзнинг нури», — дейди момоларимиз. Хоҳ ўғил бўлсин, хоҳ қиз бўлсин, оилага янги меҳмоннинг қўшилиши чинакам байрам. Оиланинг келажаги, суянган тоғи — фарзанд кириб келиши билан хонадон гўё нурга тўлади. Оила гулшани янада кўркам ва ардоқли бўлади. «Боланинг бели — чинор, боласизнинг бели синар», деган мақол ҳам бежиз эмас.

Болани чилла сувига чўмилтирилганда бир нарсага эътибор берадилар. Аввало она, кейин бола чўмилтирилади. Онанинг ёнига болани энагамомо киритади. Гўдакни чўмилтириш учун қайнаган сувни совитиб қўядилар. Сувга туз, аждодлардан қолган кумуш тангалар, қиз бола бўлса, момоларнинг кумуш зирак-узуқлари ташланади. «Гўдак чилла даврида қанча кўп чўмилтирилса, шунча яхши, катта бўлганида яра-чақа чиқмайди», — деб ўргатади момолар.

Чўмилтириш маросимининг тартиби шундай: энг олдин намақобга пахта ҳўлланиб, чақалоқнинг қоши артилади. Сўнг кўз бурчаги томонга қараб ювилади. Бўйин таглари, бармоқ оралари-ю панжалари жуда эҳтиётланиб ювилади. Охирида намақобли сувга ботирилган пахта билан оғзининг ичи артиб олинади. Танглайи кўтарилади. Боланинг танглайини ҳам дуч келган киши кўтаравермайди. Фариштали, пиру бадавлат момолари ёки боболаридан бирига кўтартиришади. Танглайи кўтарилган боланинг томоғи оғримайди ва дудуқ бўлмайди, деб ҳисоблашади.

Боболари «бешикка исмини-жисмини билиб кирсин», деб азон айтишади. Азонни пиру-бадавлат, шу маросимни яхши билган, илму маърифатли кишига айттирадилар. Афсуски, бу азон бола қулоғига янграган биринчи товуш бўлмайди. Туғруқхона шароитида бола кўп яхши-ёмон сўзларни эшитиб улгуради.

Жаҳонгул опа Охунбобоев номидаги қишлоқ шифонасининг туғруқхона бўлимига етакчилик қилиб, ҳамқишлоқларининг ана шундай эътирозларига жавоб беролмай келди. Чунки, туғруқхонага бегонани кириши мумкин эмас. Эндиликда бу ҳақда кўп ўйлайди. Бу тadbирни туғилган заҳоти амалга оширса бўлармикан? Бироқ қай тарзда?...

#### АЛАС-АЛАС, КУЛЛИ БАЛОДАН ХАЛОС

Ўт-оловни авлод-аждодларимизда қадим-қадимдан муқаддас билиб келишган. У ёруғлик рамзи бўлиш билан бирга, эзгулик тимсоли ҳам. Биласиз, ўт бор жойда ёруғлик, илиқлик, иссиқлик бор. Қишнинг қаҳратонида уйингиз иссиқ, дастурхонингизда ҳар нарса қайноқ. Халқимизнинг оловга бўлган муҳаббати сўзларию одатларига ҳам кўчган. Энг яхши истаклар, ҳатто қарғишлар ҳам олов билан боғлиқ. «Чироғинг ўчмасин», «Ўчоғингда олов ўчмасин». «Қозонинг қайнамасин», «Уйингни ўт олсин» каби. Шунингдек,

оловни одамларга ҳам қиёслашади. Биринчи кўришдаёқ ёқтирган кишисига «Кўзимга оловдай кўриндинг» ибораси ишлатилади. Халқимизда гапидан тонмас шаддод қизларга, марду майдон йигитларга нисбатан «у йигит эмас, мисли ўт», «у қиз эмас, мисли олов» дейишади суйиб, ардоқлаб. Шунинг учун чақалоқ кириб келган биринчи куни ва бешикка белашдан олдин бешик атрофида, ичида олов айлантиришади. «Олов кирган уйга нур киради, ёмон руҳлар, ёвузлик қочади», дея тушунтиришади момолар.

Жаҳонгул опа бу маросимларни жуда яхши кўради ва энагамомо сифатида ўзи бажаради. «Алас-алас, кулли-балодан халос» дея бешик ичида чўғни айлантиради.

#### ҲАЗОР ИСВАНД-ҲУЗУР ИСВАНД

Хоразмликлар исириқни исванд дейдилар. Болани бешикка белайдиган куни алас қилинганидан кейин исириқ тутатадилар. Исириққа: «Тупроқдек оғир, туздек азиз бўлсин», деган ниятда бир чимдим тупроқ, бир чимдим туз ташлайдилар. Шунингдек, белаш маросимига келган аммаю холалари, момою эналари ҳам ўз кийимларидан битта ип беришади. Чунки, жимитдек чақалоқни ҳамманинг кўргиси келади. Бувак эса гулдан нозик. Кўз-суқ кирмасин дея эҳтиётланади. Шу билан бирга, исириқ тутуни микробларга қарши восита эканлигини момоларимиз назарда тутишади. Чиллалани уйларда ҳар куни исириқ тутатилади.

Жаҳонгул опа исириқ тутатар экан, болалигида бувасидан ўрганиб, бир умр ёдида муҳрланиб қолган — эл суйган айтимни такрорлайди:

*Ҳазор исванд-ҳузур исванд,  
Минг дардга даво исванд.  
Тутатмасак, бизда гуно\*,*

\*Гуно — гуноҳ (хоразмча лаҳжа)

*Тутатсак, бўлсин шифо.  
Кўз этганнинг кўзи чиқсин,  
Қасд этганнинг бели чиқсин,  
Чарт-чурт, чарт-чурт.  
Чарт-чурт, чарт-чурт*

#### ТИЛЛО БЕШИК МУБОРАК

Умид билан қурилган оилага бешик тебратиш катта бахт.

— Энагамомо, ҳо, энагамомо, — дарвоза қоқилади. Жаҳонгул опа чиқади, — бугун ўғлимизни бешикка белаймиз, чиқинг.

Энагамомо бувакка атаб кулча нон ёпиб боришни хуш кўради. Уни гўдакнинг ёстиғи тагига ўз қўли билан кўяди.

Тўнғич фарзандига бешикни қизнинг онаси олиб келади. Уни ихлос билан безайди. Кўзмунчоқлар тақади. «Илойим бешик безаш менга ҳам насиб этсин», — дейди ёшроқ оналар. Зеро, яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришталар омин дейишади. Бешикка белашдан олдин боланинг бошига кекса момоси оқ сурпдан тиккан пахтали бешик дўппи кийдиришади. Дўппининг тепаси кўзмунчоқ, кумуш тангалар билан безатилади.

— Қани, энажониям бир суйиб кўйсин шу болани...

Энагамомо чақалоқни момоларига, амма-холаларига бир-бир узатади. Одатга кўра, дилбанд етти кунлик бўлганида, бешикка белашдан аввал кайвони, ували-жували аёллардан етти нафари чақалоқни қўлма-қўл олиб, «бувак-бувак» айтишади:

*Отасининг моли — бувак,  
Онасининг жони — бувак.  
Яратганнинг ёрони — бувак,  
Етгай даврона — бувак.*

Иккинчи момоси қўлга олади:

*Будовланган отлар мингай,  
Шу бувакнинг отаси.  
Говмишланган сигир соққай,  
Шу бувакнинг онаси.*

Учинчиси давом қилади:

*Сулаймоннинг тахтидай,  
Тахти бўлгай бувакнинг.  
Пайғамбарнинг бахтидай,  
Бахти бўлгай бувакнинг.*

Навбатдаги момо гўдакни қўлга олади:

*Гўрўғлининг отидай,  
Оти бўлгай бувакнинг.  
Иброҳимнинг ёдидай,  
Ёди бўлгай бувакнинг.*

Сўнгра кайвони бувакни кейинги момога узатади:

*Гўрўғлидай ўғли бўлгай бувакнинг,  
Чамбилдайин юрти бўлгай бувакнинг.*

Маъсумни навбатдаги момо фахр билан қўлга олади:

*Наъра тортиб қирқ чилтонлар жўшганда,  
Ақли шошсин суҳбатидан бувакнинг.*

Айрим момоларнинг илҳоми келиб, шу заҳоти шеър тўқийдилар:

*Алломишга бўй бўлсин,  
Бўйинг, ўйинг, бувакжон,  
Қутлуқ бўлсин, қут бўлсин,  
Бешик тўйинг, бувакжон,*

каби эзгу-тилакларга тўла бу «бувак-бувак»ни қўша-қариган серфарзанд аёллар айтгани хосиятли: «чақалоқ шулардай бўлиб юрсин», дегани бўлади. Атай етти момони айтиши ҳам бежиз эмас.

Энагамомо болани онасининг елкасига ўтказиб: «Онанг иш буюрса, йўқ дема», — деб тайинлайди. Момоларимиз бу билан болага йўргагида тарбия бериш керак, деган ўғитга амал қиладилар.

Элимиздаги одатга кўра, ҳеч маҳал гўдакни ёлғиз қолдирмайдилар. Ёлғизлик Оллоҳга хуш келмайди, дея тушунтиришади. Шунинг учун ҳам гўдакнинг ёстиги тагига нон, пиёз, пичоқ, туз, исириқ, кўзмунчоқ ва айрим жойларда сумалактош ёки қайроқтош қўйилади. Чунки, илк марта бешикка беланганда ва ҳар гал то унга ўргангунча, бола кўрқиб йиғлайди. Зеро, унинг кўрқиб йиғламаслиги — ботир бўлиб ўсиши ният қилинади. Чурак (нон), туз эса ризқли-насибали бўлсин, деган ниятни билдиради. Пичоқ жасурлик рамзи бўлиш билан бирга, ундан инс-жинслар кўрқади, деган удум ҳам бор. Пиёз, исириқ, кўзмунчоқлар ҳам кўздан-суқдан асрайди, дея ўргатадилар. Тошқайроқ қўйиш билан боланинг боши тошдан қаттиқ, кўнгли куйдан нозик бўлсин, дея ният қилинади. Чунки, жуда кўп рақслар тошқайроқ билан бажарилади. Ҳатто «Қайроқ лазги»си ҳам бор. Ҳаёти қувноқ кечсин, қалби эзгу-туйғуларга тўлиқ бўлсин, деган маънони англатади бу.

Болани бешикка белаётганларида, атрофдагилардан сўрайдилар: «ўнгми-ўнг?!» Бир уй меҳмон жўр бўлишади: «Ўнг, ўнг». Сўнгра: «Феъли юмшоқ, умри узоқ бўлсин», деб ширинликлар сочадилар.

Кейин болаларга ўрик новдасига тизилган бўғирсоқ тарқатадилар. Новдага бўғирсоқ еттигидан терилади. Ўрик мустаҳкам ва кўп йиллик мевали дарахт: у — давомийлик рамзи. «Ўрикдан данаги ширин» деган эл мақоли ҳам бежиз айтилмаган. Данак невараларга қиёс этилади. «Невараларини ҳам кўриб юрайлик» деган ниятлар мужассам айни удумда. Атай етти кайвонига дуо айттириш новдага етти бўғирсоқ тизиш ҳам бежиз эмас. Момолар бўғирсоқ тизаётиб: «Етти мучаси саломат бўлсин, етти хазинага эга бўлсин, етти самонинг сеҳрига



етсин, етти мўъжизанинг сирини билсин», дея эзгу-ниятлар қилишади.

Ҳақиқатдан ҳам, дунё боқийлигу фонийлик оралиғидаги тилсим. Қилган дуоларимиз, тоату ибодатларимиз, ёруғ, эзгу ниятларимиз ва эзгу ишларимиз ана шу тилсимни очиш учун болаларимиз қўлидаги калит бўлса, ажаб эмас.

#### УЗУМДЕК МЕВА, ГУЖУМДЕК СОЯ

Тонг саҳарлаб яна эшик қоқилади. — Энагамомо, ҳо, энагамомо, бугун боламиз чилладан чиқади, боринг.

Чилладан қирқ кунда чиқарилади. Уни энагамомо ёки ували-жували аёллардан бири бажаради. Чақалоқнинг қорин тирноғи чилла чиқарилаётганда, қорин сочи эса чилла чиққунча олинади. Уни пиру бадавлат онахонлардан бири олади.

Бола бир ёш бўлгунча, қайта ўсган сочга тегилмайди. Бир ёшга тўлган кун эса ували-жували кекса киши мурғакнинг сочидан бир тутамини қайчида олиб беради. Сочни, тирноқни ҳар жойга ташламайдилар, серфарзанд бўлсин, дея мевали дарахт: узум ёки тутнинг тагига кўмилади. Узум ва тут биласиз, серпуштлик рамзи: тирноқ ҳам фарзандга қиёсланади. «Сочимнинг толасидек ёш берсин Яратган эгам», «Тирноққа зор бўлмагайсан» деган тилаклар бежиз эмас. Узум новдаларини қанча қайирсангиз — қайриладию, синмайди. Тут ҳам ўта мустаҳкам дарахт, унга қурт тушмайди. Дарахтнинг ана шу хусусиятлари болага куч бағишласин, кўчсин, деган ниятлар мужассамлашган. У қирқ чилладан чиқариб чўмилтирилганда ҳам, етти кунликда хоптирилганидагидек удумлар бажарилади.

#### БУҒДОЙДЕК БЎЛИҚ БЎЛСИН

Ҳовлининг эшиги эргами, кечми, саҳарми қоқилаверади: — Энагамомо, ҳо, энагамомо!... Жаҳонгул опа ҳеч инжилмайди, пешвоз чиқаверади.

— Бугун ўғлимизнинг биринчи тиши нишона кўрсатди. Қовурмоч қилгандим. Сизга ҳам илиндим.

Шундай: гўдакнинг биринчи тишлари оқариб, нишона кўрсатаётганда, қозон тўла буғдой қовурдилар. Бунда гўдакнинг тишлари буғдойдек бўлиқ-бўлиқ, дона ва қаттиқ бўлсин, деган орзу-ниятлар мужассамлашади. Сўнгра ён-атрофдаги қўни-қўшни болаларга тарқатилади. Кичкинтойлар жўр бўлиб, чақалоққа тан-сиҳатлик, узоқ умр, мустаҳкам тишлар тилайдилар. «Маъсумлар бегуноҳ, уларнинг ниятлари, албатта, ижобат бўлади», деб ҳисоблайдилар.

Буғдойни қовуришдан олдин боланинг ҳовучида буғдой олиб қуядилар. Гўдак биринчи баҳорни қарши-лаётганида буғдойни бувакнинг ҳовучида сепишади Бу билан бобо-бувиларимиз, ота-оналаримиз фарзандларининг ризқли-рўзли бўлишларини истайдилар.

#### ҚУТЛУҒ ҚАДАМ

Жаҳонгул опа эшикдан келган кишига пешвоз чиқади.

— Энагамомо, ҳо, энагамомо. Сизга қатлама, бўғирсоқ илиндим, болангиз юришга интиляпти. Илойим ҳамиша қўлингиз енгил бўлсин.

Жаҳонгул опа эътиборга эътибор билан жавоб беришни ёқтиради. Бир метр оқ сурпни олиб кириб боради. Боланинг оёғи остига пойандозни ташлайди: «Босган йўли оқ, ниятлари пок бўлсин» дея дуо қилади. Сўнгра «Ҳаёти ширин кечсин», — дея ширинликлар сочадилар. Бола-бақралар чуғурлашиб, уларни йиғиб оладилар. Момолар ширинликлардан олаётиб, енгларига солаётиб дуо қиладилар.

*Йўлинг чироғон бўлсин,  
Турмушинг фаровон бўлсин.*

Сўнгра иккинчи момоси ўғит беради:

*Юришни билсанг сакрашни ўрганасан.  
Югуриб кийик бўл, болам.*

Бобоси ўгит беради.

*Бойиб кетсанг бўкирма,  
Йўл юганда сўкинма.*

Аммаси: «Туф-туф кўз тегмасин», дея алқаб, дуони давом эттиради:

*Етти ёшга етгунча,  
Ер тўқмоғин ерсан.  
Етмиш ёшга етгунча,  
Эл тўқмоғин ерсан.*

Илоҳим, яратганнинг ўзи йиқитмасин.

Дойи (тоға)си ўгит беради:

*Ўринсиз қадамдан  
Ўринли юмруқ яхши.*

Аммаси ўгит беради:

*Адандан жой топилса,  
Тўрга ўтма.*

Булар ҳаммаси болани камтарликка, хушфееьлликка, мардликка, омон-омонликка чорлайдиган панду ўгитлар. Ана шулардан кейин ширинтойларга ўрик новдасига тизилган бўғирсоқ тарқатилади.

Энг асосийси, буларнинг ҳаммаси ортиқча чиқимларсиз, дабдабаларсиз фақат оила даврасида нишонланган. Фақат, биринчи фарзанд насиб этганида, бешик тўйи ўтказилганида, қариндош-уруғ, қўни-қўшни чорланиб, меҳмон қилинган. Қаранг, халқимиз азал-азалдан доно ва тежамкорона тадбиру маросимларни ўтказиб келишган.

...Жаҳонгул опа ошга гуруч солиб, шуларни хаёлидан ўтказар экан, элимизни ҳам, ўз қўлида илк бор кўз очган чақалоқни ҳам алқаб, шивирлаб дуо қилди.

Ҳақиқатда ҳам, дунё боқийлик ила фонийлик оралиғидаги тилсим, қилган дуоларимиз, тоату ибодатларимиз, ёруғ ниятларимиз ва эзгу ишларимиз ана шу тилсимни очиш учун болаларимиз қўлидаги калит бўлса ажаб эмас.

Шу ўринда хаёлингизга беихтиёр бир фикр келади: дунёнинг ҳар ерида яшайдиган, турли тилда сўзлайдиган ва бошқа-бошқа ирққа мансуб бўлган кишиларнинг узоқ мозийлардан ўз ибтидосини оладиган тарихига диққат билан назар ташланса, нима-ларга дуч келинмайди, дейсиз. Бироқ, инсониятда битта мўъжизалар силсиласи мужассам. Ҳамма-ҳаммасининг аввали бўлмиш туғилиш.

Ана шу мўъжизалар силсиласини яна бир мўъжизалар силсиласига қиёсламоқ истаймиз: эрк учун, тинчлик учун эл-элатларнинг, юрт ва миллатларнинг, одил ва адолатли тузумларнинг вужудга келишини ва ниҳоят, қарор топишини она вужудида уйғонган тўлғоқ оғриқлари, голиблик туйғулари, пайдо бўлган гўдак ташвишлари, қувончлари-ю орзу-умидлари билан муқояса этгулик: «курашларда бордир ҳаловат» дегани шу эмасми?! Бу инсоннинг, курашчан қалбнинг мўъжизалар силсиласига эътирофи эмасми?

Мозийга эътибор берсангиз, яна бир уйғунликни туясиз: жуфтлик. Миллион-миллион йилдирки, оила сўзи инсонга эш бўлиб келган. Хайрли, ажиб туйғулар, удумлар эса Одам Атою Момо Ҳаводан қолган оила деб аталмиш илоҳий мўъжизанинг жарангдор овози, асли.

Мозийга эътибор берсангиз, яна бир уйғунликни ҳис этасиз: одамзотнинг аввали бир хил бўлганидек, якуни ҳам битта: ўлим ҳақ.

Ана шу уч мўъжиза туғилиш, жуфтлик, рихлат ер юзидаги барча мавжудотга хос. Фақат, ана шу уч мўъжиза ўргасидаги гўзал туйгулар, удумлар, маросимлар, эзгу-одатлар бари-бари инсонга хос ва унинг эзгу қарори. Ана шу сирлар салосатини эзгу аъмоллар ила бойитиш, гўзал туйгулар қасри ичра яшаб ўтиш ҳар бир инсон фарзандига насиб этсин.

## ЖАЙХУН БЎЙЛАРИДА

(ОЧЕРК ВА ЛАВҲАЛАР)

Ўзбекнинг ҳамма орзу-ҳаваслари, ҳаётининг мазмунида фарзандларининг келажаги, бахти-саодати билан боғлиқ мақсадларни кўрамиз



## ХОРАЗМНИ КЕЗАР ЭКАНМИЗ

Хоразм ҳажман республикамиз ҳудудининг бир фоизини ташкил этади. Ер майдони кам, тупроғи шўр бўлса-да, бутун мамлакатимизнинг ўн фоиз шолисини, энг юқори ҳосилли пахтасини шу вилоят беради. Экин майдонлари қишда қайта-қайта ювилади. Меҳнат, машаққат эвазига экин-тикинга эришилади. Шароити, тупроғи, одамларининг меҳнат тарзи ўзига хос бўлгани каби, соғлом авлод тарбиялашнинг ҳам хоразмча удумлари бор, дейиш мумкин. Хоразм тупроғидан ўйноқлаб Амударё оқиб ўтади. Унинг суви лойқаликда жаҳонда Нил дарёсидан кейин иккинчи ўринда туради. Боболару момолар, ёш-ялангларга дейишади: «Лойқа сув ерга озуқа бўлиш билан бирга, шифобахш, ёзда мириқиб чўмилган болага қишда ярачақа чиқмайди дейишади», — дея ўргатади тарих ва айни кунда миллий истиқлол ғояси фанидан ҳам дарс бераётган Матсафо Аҳмедов ўз ўқувчиларига. У яна завқ-шавқ билан давом этади. — Хоразмда гужумлар ўсади. Янги туғилган чақалоқни момоси «Бисмиллоҳ» деб қўлга олганидан кейин, «Элга гужумдек соя, узумдек мева бергайсан», — дея алқаб, танглайини кўтаради. «Танглайи кўтарилмаган бола ёки дудук, ёки тез-тез томоғи оғрийдиган бўлади», — дейишади улар. «Янги бўшанган аёллар ёзнинг чилласида уч марта кумга, уч марта шифобахш балчиққа чўмилсинлар, шунда таналарида ҳеч қандай асорат қолмайди», — дея тавсия этадилар. «Бу, турли хил шамоллашлар ва

бод касаллигининг олдини ҳам олади», — дея ўргатишади.

... Кузатсангиз, дала атрофи жийдазор. «Жийда ернинг шўрини олиш билан бирга, ошқозон, ичак касалликларига шифо бўлади», — дейишади хоразмликлар. Яна, бу ерда боғ-роғларнинг атрофига болабақра шимиши учун болчингирик — шакарқамиш экишади. Шакарқамиш эрталаб шимилса, қонни тозалайди. Тагин хоразмликлар: «Тут, анжир бор ҳовлига касал доримайди», дейишади. Шунинг учун қиш куни деярли ҳар бир хонадонда анжиру тут мурабболарини учратадиз.

«Бирор юртнинг аёлини билмоқчи бўлсангиз, ўчоғидаги кўрини кўринг», — дейишади яна хоразмликлар. Бу ерда тандирни кўча юзига қуриш — анъана. Ўтган-кетганни: «Ноннинг тузини тотиб кетинг» — дея чорлашади. «Дастлабки икки нон йўловчи ризқи», — дейилади. Мусофир ўтмаса, бева-бечораларга чиқарилади. «Иссиқ нондан берилган садақа эл-юртга келаётган бало-қазони қайтаради, оилани кўзу суқдан асрайди» — дея ишонади улар.

Хоразмни кезар эканмиз, дарвозаларнинг тепаларига илинган кўчқор шохларига назаримиз тушади. Айтишларича, у хонадон эгаларини кўзу суқдан асрар эмиш. Суннат тўйларида кўчқор уриштириш томошаси бўлади. Шохдор кўчқорлар шохлари синиб кетгунича олишади, бироқ даврандан чекинишмайди. Элда: «Уришиб шохинг чиқдими?», — деган иборанинг юриши ҳам шундан бўлса керак. Хоразмликлар ҳамма нарсани тинч йўл билан, мунозара йўли билан ҳал этишни маъқул кўришади. Синган шохларни илиб қўйиш ҳам шунга ишора эмасмикан? Ҳеч шубҳасиз, тинчлик, омонлик инсон асабларини мустаҳкамлайди. Тинчлик бор жойда қутбарақа бўлади. Эзгуликлар унади.

Халқ маорифи аълочиси Матсафо Қосимовни Чандирқийёт қишлоғида яшовчи ёшу каттанинг устози десак арзийди. У ушбу қишлоқ болаларига мана 40

йилдирки, сабоқ беради. Унинг миллий қадриятлар билан уйғунлаштириб дарс беришларини эшитганимда беихтиёр география ўқитувчим ўқувчилар орасида кўриктанловлар ўтказишни жорий этган Абдулла Саловатовни, Уллибиби Отажоновани, биз билан Амударё бўйларига чиқиб, қизиқарли математикадан қўшимча машғулотлар ўтказган, яъни Форобийнинг дарё сифимини ўлчаш услубларини эринмай тушунтирган Бекпошша опани беихтиёр эслайман. Муаллимлик бу элга, келажакка фидойилик дейман. Ана шундай оддий фидойи ўқитувчиларнинг самарали меҳнати туфайли миллий қадриятларимиз ажодлардан авлодларга ўтиб келяпти. Энг гўзал қадрият аслида шу!



## ЮЛДУЗЛИ ОНЛАР

Урганч шаҳридан йигирма беш-ўттиз километрлик масофада Амударё ўзанининг ёнгинасидаги хушманзара, баҳаво манзилда жойлашган Гурлан тумани салқин ёзи, майин қиши билан ажралиб туради. Туман чегараси дарё бўйидаги тўқайзорларга туташиб кетади. Ундан нариги ёғи поёнсиз дашту дарё, кейин Қорақалпоғистон Республикаси бошланади. Кенгликларни кузатсангиз, гўё узоқ-узоқларда ҳаво жимирлайди. Дашту даланинг бепоёнлиги, кўзни қамаштирувчи жилваси ҳайратда қолдиради. Саратонда қуёш шундай қиздирадики, дарё томондан эсаётган салқин шабада ором бағишлаб, иссиқни кесади. Шамол табиатнинг бир олам шовқинини — қушлар сайраши-ю, тераклар шовуллашини, мусаффо ҳаво нафасини олиб келади.

Ўзбекистон Қаҳрамони Анора Маҳмудованинг нурли манзаралардан дили яйрайди. Кўнгли тоғдек кўтарилади. У ишдан чарчаб, ҳориб, толиб қайтган кезларида ушбу манзаралар дилини яйратиб, тилини сайратади.

Ана шу кенгликлар ҳақида, у ерда ўсадиган гиёҳлар ҳақида ўз ўқувчиларига соатлаб гапира олади. Зеро, у тилчи ҳам эмас, географиядан ҳам дарс бермайди. Математика ўқитувчиси Анора шу ерда туғилди, ўсди, улғайди. Шу ерда туп қўйиб, палак ёзди.

Эндиликда тўрт фарзандининг учаласи Тошкенти азимда яшайди. Улар илму фан билан машғул. Рашид Тошкент кимё технология институтида, Шавкат Тошкент архитектура ва қурилиш институтида муаллим ҳамда докторлик унвонига сазовор бўлиш ниятида изланишлар олиб борапти. Қизи Муҳаббат ҳам лицейда ўзидек муаллим. «Онажон, сизларни ҳам шаҳарга олиб кетайлик» дея зорланишади улар. Аммо, Анора бу ердан кўнгили уза олмайди. Тошкентга борса икки-уч кун туради, яна тезда орқасига қайтади. Гурлан — юрагининг бир парчаси. Ундан айро тушишни тассаввур қила олмайди.

Қирқ йиллик педагогик фаолияти осонликча кечгани йўқ. У бу ерда саратоннинг иссиғига ҳам, қаҳратон қишнинг совуғига ҳам чидаб, муаллим, устоз, мураббий деган улуг номга сазовор бўлди. Шогирдларининг бири ундан дарс бериш услубини ўрганган бўлса, иккинчиси раҳбарлик сирларидан сабоқ олди.

Тупроқда ялангоёқ юришни хуш кўрадигани жамалак соч қиз шаҳарга бориб талаба бўлди. Ўқишни битказиб қайтгач, бир неча вақт мактабда дарс берди. Ўз қишлоқдоши Азамат Ҳабибуллаевга турмушга чиқди. Қайнона-қайнотасидан касб сирларини ўрганди. Ўқитувчи, мактаб директори ўринбосари, директор, туман таълими бўлими бошлиғи, яна директор. Унинг ҳаёт йўли шу педагогика соҳаси, таълим олами! У ҳамиша ишда ҳам, оилада ҳам янгиликка интилиб яшади. Бугунги ютуқлари ана шу эзгуликларнинг самараси.

Мустақиллик билан Ўзбекистон тарихида янги давр бошланди. Эркни қўлга киритган республика энди-

ликда уни мустаҳкамлаш ва унинг негизида янги ҳуқуқий давлат қуриш йўлига ўтди. Ана шу буюк ўзгаришларни юрак-юракдан ҳис қилган муаллима мустақилликнинг илк йилларидаёқ АҚШнинг тинчлик корпуси орқали Гурланда биринчи бўлиб инглиз тилини ўргатадиган Кейти Квинни қишлоққа олиб келди.

Ўн йил бу ерда Американинг Тинчлик корпусидан келган вакиллар инглиз тилидан дарс беришди. Натижада мамлакатимизнинг узоқ ҳудудида ҳам чет эл тилини биладиган ўқувчилар кўпаймоқда.

Фарзандлар — Ватанимиз келажаги! Уларнинг билимдон, зиёли ва шижоатли бўлиб ўсиши ота-оналар учун ҳам бирдек фойдалидир. Шунинг учун соғлом фарзанд тарбиялаш ҳукуматимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Шундай экан, таълим - тарбия нафақат вилоят, туман, балки узоқ қишлоқлардаги билим масканларида ҳам ўзига хослиги, яъни халқ педагогикаси тажрибаси ҳамда замонавий таълим-тарбия ишларини уйғунлаштириб пухта ўйлаб, амалга оширилиши керак, — дейди у. Хуллас таълим-тарбия халқимизнинг турмуш тарзига мослаб қайта-қайта кўриб туриладиган вазифадир.

Баркамол авлод тарбиялаш учун аввало оилаларни мустаҳкамлаш керак. Хонадон осойишталигини таъминлаш учун эса қадриятларга таяниш керак. Ана шу муаммони ҳал этиш мақсадида, мактаб, маҳалла, ота-она ҳамкорлигини кенг йўлга қўйганлигини таъкидлайди муаллима.

Истеъдодли ёшларнинг қобилиятини тўғри ўзанга йўналтириш, уларда миллий ғурурни шакллантириш ниятида бу ерда энг яхши ўқийдиган ўқувчилар учун махсус стипендия ташкил этилган. «Қишлоқ маликаси», «Келажак юлдузлари», «Отам, онам ва мен», «Мактаб фаҳри», «Севимли масканим» каби тадбиру кўриктанловлар ўтказилиши қишлоқ аҳлининг гўзал турмуш тарзидан дарак беради.

— «Болалар конвенциясини ўргатиш», «Бола ва ҳуқуқ» каби тадбирлар турли ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилапти, — дейди мактаб директори. — Бу тадбирлар қадриятларни улуғлайди. Одамларни яхши яшашга, маънан бадавлат бўлишга ундайди. Аллома ибн Сино номидаги мактабимизда 1071 бола ўқийди. Улар орасида тарбияси оғир болалар йўқ. Ўқувчиларимиз 19 йилдан буён мактабимиз шаънига доғ туширмасдан уни кўз қорачиғидек асраб келишмоқда. Билим масканини таъмирлаш ва безаш ишларини жамоамиз ўз қўллари билан бажаришда мактабимизнинг намунавийлиги доимо ўтказилаётган тадбирларнинг яққол самараси, албатта.

Ўлкамизнинг бой табиати, шифобахш гиёҳлари, ҳайвонот дунёси ва уни асраш, шунингдек, унинг шифобахш гиёҳларини саломатлик билан боғлаб ўрганиш мақсадида кўзланган саёҳатларни тез-тез уюштириб тураемиз. Ишонаманки, бу тадбирлар педагоглар билан болаларни янада яқинлаштиради, — дейди у

Тадбиркор аёл деганда, кўпинча бугунги кунда бир сўмни икки сўм қила оладиган киши тушунилади. Ҳолбуки, тадбиркорлик бу жуда кенг қирра. Маънавият, таълим-тарбия ҳам тадбиркорликда сув ва нондек зарурлигини Анора опанинг ўзига хос турмуш тарзи, ҳаёт йўли ва иш фаолиятига қараб ҳам англаш мумкин. Унинг барча замонавий аёллар билан уйғун томони ҳам, ўзига хослиги ҳам ана шунда.

Унинг яна бир ўзига хослиги киндик қони тўкилган тупроқ — қишлоққа меҳр ва табиатидаги журъатлилик! Зеро, инсонни юксакликка олиб чиқувчи ҳам меҳр ва журъат. Бу икки фазилат жамулжам бўлгани учун ҳам унга юлдузли онлар насиб этди. Хоразм вилояти педагоглари орасида иккинчи бўлиб, Ўзбекистон Қаҳрамони деган номга эришди.

## МАҲАЛЛА ОБОД — ЮРТ ОБОД

Республикада хизмат кўрсатган врач Светлана Цой билан «Обод маҳалла йили» деб номланган 2003 йилда самолётда танишдим. Бизга бир ярим соат мириқиб суҳбатлашиш имконияти туғилди. Унинг тимсолида кўз олдимда Ватанимизнинг бир қирраси, халқимизнинг гўзал бир фазилати намоён бўлди.

Мустақил тараққиётимизнинг ҳар бир йили бири-бирдан салмоқли, тарихий воқеаларга бой бўляпти. Ҳаётимизга «Обод маҳалла йили» номи билан кириб келган йил ватанимиз тарихида янги бир зарварақ очди. Муҳтарам Президентимиз анъанага биноан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги илҳомбахш нутқида 2003 йилни «Обод маҳалла йили» деб эълон қилди. Президентимиз тантанали маросимдаги маърузасида «Обод маҳалла йили» деб ном олган йилда давлат ва жамият олдида турган вазифаларнинг энг муҳим дастурий йўналишини ҳам равшан кўрсатиб берди. Ҳеч шубҳасиз, Юртбошимиз илгари сурган вазифалар шу мақсадда ишлаб чиқиладиган Давлат дастурига асос бўлди.

«Обод маҳалла йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика Комиссиясини тузиш тўғрисида»ги Республикамиз Президентининг Фармойиши ҳам чиқди. Бу одамларимиз ҳаётида, турмуш тарзида гўзал мазмун-моҳият бўлишидан дарак берди. Дарҳақиқат, инсонпарварликка асосланган миллий қадриятларимиз янада ривожланди. Зеро, урф-одатлар аввало маҳаллада вужудга келади, ривожланади, қанот қоқади. У ҳар бир оиллага фараҳли руҳ бахшида этади.

«Маҳалла деганда халқимизнинг миллий қадриятлари, тўкин-сочин хонадонлар, эзгулик, меҳр-оқибат уйғунлиги кўз олдимизга келади. Маҳалла обод бўлса, қадриятлар юксалади, гўзалликлар улуғланади. Узоққа бориб юрмайлик: маҳалла кучли таъсир воситаси эканлигини мен ҳамаша ўзимнинг тақдиримда яққол кўраман» дейди

Хоразм шеvasида корейс қизи Светлана Цой. Хоразм вилоятида кўпгина миллатлар аҳил яшайди. Барининг маҳаллий халқ билан тўйи бир, азаси бир. Излаб кўринг-чи, улар орасида ўзбек тилини билмайдиган бормикан? Йўқ! Улардан тилни қаерда ўргандинг дея сўралса, маҳаллада деб жавоб беришади. Масалан, суҳбатдошимиз Светлана Цойни ҳам фақат зоҳирий кўриниши ва фамилиясидангина бошқа миллатга мансублиги сезилади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

«Рус дўстимиз ўзи уйланаётган пайтини ҳамон-ҳамон катта таассуротлар билан эслайди: Украин миллатига мансуб қизни яхши кўриб қолади. Қизнинг ҳикояларидан отаси қаттиққўл эканлигини сезади. Кўз олдида мўйловлари буралган Тарас Бульба гавдаланади. Танишгани боради. Қараса, бошида дўппи, эгнида чопон, оёғида маҳси-калиш, ўзбекона соқол қўйган бобой чиқиб келяпти. Яна уни ён-атрофдагилар билан ўзбекча, талаффузсиз сўзлашаётганлигини кўриб қаттиқ ҳайратланади. Пойтахтнинг ёнгинасида Янгийўл туманида бўлаётган бу воқеа ўзбек маҳалласида яшаётган украин оиласининг фазилатидир. Бу далиллар маҳалланинг куч-қудратини акс эттириб турибди», — дейди Светлана Цой. Унинг эътирофи мени қувонтиради.

Дарҳақиқат, бундан уч-тўрт йил бурун АҚШ Президенти Клинтоннинг рафиқаси Хиллари Клинтоннинг китоби ўзбек тилига ўгирилди. У машҳур бўлиб кетди. Ўқиб чиқдим. Таъсирли ва гўзал китоб. Унинг мазмун-моҳиятида маҳалла бўлиб яшаш улуғланган эди. Маҳаллада тарбия кучайтирилса, бола тарбияси яхши бўлишини барча бобларида таъкидлайди. Дунёнинг энг ривожланган давлати ҳисобланган АҚШ маҳалла бўлиб яшашни орзу қилаётган экан, бизда эса у аллақачон шаклланиб бўлган. Бу уюшма бизга, минг-минг йиллар қаъридан келаётган гўзал анъана, миллий қадриятдир.

«Бизнинг маҳаллаларимиз тажрибасини бутун жаҳон ўрганса арзийди. Ундаги инсонийликка, бир-бировининг

дардини, ташвишларини ҳис этиш фазилатларига эътибор беринг: Тўй эгаси маросимни бошлашдан олдин биринчи кимларни йўқлайди? Аввало қўша-қариган, фариштали қарияларнинг ҳузурига иккита иссиқ нон олиб кириб, оқ фотиҳа олади. Сўнгра, ётган касалларни йўқлайди. Маҳаллада азадор бўлса, кириб кўнгил сўраб, тўйга розилик олади. Унинг ҳаққи-ҳурмати мусиқани баландлатмайди. Олижаноблик оддий тўйгулардан бошланади. Меҳр-муҳаббат, эътибор кимни қувонтирмайди?! Бу қадриятлар республикамизнинг ҳар бир маҳалла ва қишлоғида мавжуд. Мен ана шундай ўзбек маҳалласида улғайдим. Бундан хурсандман. Ана ўша маҳалладошларим мени Светлана Цой қилди. Бутун Хоразмга танитди. Хоразм вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига етакчилик қилганимда халқимизнинг бағри кенглигини янада яқиндан танидим. Мен Ватанимиз билан, кўп миллатли аҳил яшаётган халқимиз билан фахрланаман», — дейди у.

Конституциямизнинг 48-бобида маҳалла оқсоқолларининг ҳуқуқи ва манфаатлари қонун йўли билан юксак даражада кафолатланган. Маҳалла оқсоқоллари ва аъзоларининг сайланиши белгилаб қўйилгани ва уларни сайлаш халқ эътиборига ташлангани демократик ҳуқуқий давлатимизнинг битта тимсолидир.

«Обод маҳалла йили»да дастур ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси тузилганлиги бутун халқимизни қувонтирди. Бизнинг бошқарма ҳам ушбу дастур асосида режа ишлаб чиқди. Чунки, келажак авлоднинг жисмонан соғлом, руҳан тетик, ақлан етук бўлишида маҳалладаги муҳит беқийёслигини халқимиз яхши билади.

Наркомания, спиртли ичимликлардан боши чиқмай миллат сифатида емирилиши кулфат ёқасида турган халқлар ҳам афсуски, йўқ эмас... Биз уларга ҳамдардлик ҳис-туйғуларини билдирганимиз ҳолда, дунёдаги мана шундай мураккаб вазиятда юртимизда тинчлик, осойишталик, ҳукмронлиги, бу заминда соғлом авлодни вояга етказиш борасида улкан ишлар олиб борилаётганлиги,

оналаримиз ва болаларимиз ҳаёти ва турмуши, уларнинг камолоти — давлатимиз фаолиятида бош вазифа мақомини олганлиги учун Аллоҳга минг марталаб шукроналар қилишимиз керак», — дейди суҳбатимиз давомида Светлана Цой. Суҳбатдошимизнинг гапиришлари ҳам, суҳбатлари ҳам, фикрлашлари ҳам ўзбекона. Бу менинг унга бўлган меҳримни янада кучайтиради.

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Обод маҳалла йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссиясини тузиш тўғрисида»ги Фармойишида шундай дейилади: «Мазкур дастур пировард натижада аҳолининг сиёсий-ижтимоий фаоллигини оширишга, унинг жойлардаги жамоа бўлиб яшаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда, фуқаролик институтлари, фуқаролик ҳокимияти тизимини барпо этишда маҳалланинг ўзини ўзи ташкил этиш ва бошқариш даражасини юксалтиришга хизмат қилиши зарур».

«Халқимизнинг яхши одати бор. Хайрли иш бошлашдан олдин кўпчиликнинг дуосини олади. Мамлакатимиз раҳбари 2003 йилни «Обод маҳалла йили» деб атар экан, Ўзбек халқига хос ана шу гўзал одат яна бир қарра намоён бўлганини юрак-юракдан ҳис қилдик. Ватан остонадан бошланади дейдилар. Остона — бу уйинг, уйинг эса маҳалланг. Тинчлик, осойишталик барқарор бўлган маҳалладаги оилаларнинг нуридийдалари дуркун ва соғлом ўсади. Ана шу эзгу ниятни ўзига устувор вазифа қилиб белгилаган Ўзбекистонимизда асрий орзу-армонлар рўёбга чиқаверсин», — дейди у биз билан суҳбат сўнгида.

Самолётдан тушар эканмиз, уни Тошкентда ўқиётган ўғли билан малака оширишга келган эри кутиб олди. Улар мен билан қўлларини кўксиларига кўйиб лутф билан ўзбекона саломлашдилар.

Светлана Цойнинг саъй-ҳаракатларини кузатиб, сўзларига қулоқ тутиб мамлакатимиздаги ҳар бир кишининг тақдири миллатимизнинг, халқимизнинг тақдирига узвий боғланиб кетишини ҳис қиламан. Мамлакатимиз тинчлиги, халқимизнинг аҳиллиги ва қад-



риятларимизнинг гўзаллигидан эканлигини яна бир бор юракка туяман.



## Саодатжон Эна

Бирор юртнинг аёлини билмоқчи бўлсангиз, ўчоғидаги кўрини кўринг, — дейишади хоразмликлар. Бизда тандирларни кўча юзига қуриш анъана. Ўтган-кетганни: «Ноннинг тузини тотиб кетинг» — дея чорлашади. «Дастлабки икки нон — йўловчи ризқи» дейилади. Мусофир ўтмаса, маҳалладаги бева-бечорага чиқарилади. «Иссиқ нондан берилган садақа эл-юртга келаётган бало-қазони қайтаради, оилани кўзу суқдан асрайди». — Бунинг учун оилани тўкин-сочин қилиш керак. Эл-юрт мустақил бўлиб, кичик корхоналарга кенг йўл очилганда биз ҳам оиламиз билан «Жўрабек» хунармандчилик корхонаси очиб олдик, — дейди Урганч шаҳар Феруз номидаги маҳаллада яшовчи тадбиркор Саодатжон эна.

Саодатжон Раҳимова бошлиқ хонадонда Хоразм амалий санъатининг қадимий анъанаси хонкўрпа тикиш йўлга қўйилди. Бугунги кунда улар тайёрлаган кўрпа, кўрпача, ёстиқ ва диван устига ёпгич-чойшаблар харидоргир бўлиб қолди. Кейинги йилларда улар замонавий турк услубида пардалар тикишни ҳам ўзлаштириб олишди. Саодатжон эна оиласи билан тайёрлаётган бу маҳсулотларни бозорга олиб чиқиб ўтирмайди. Гўзаллиги, сифатлилиги туфайли харидорни ўзи эшитиб, излаб келади.

Хоразмни кезар экансиз, дарвозаларнинг тепаларига илинган кўчқор шохларига назарингиз тушади. Айтишларича, у хонадон эгаларини кўз-у суқдан асрар экан. Саодатжон эна ҳам Хоразм удумларига ишониб, анъаналарини улуғлаб, яшаб келяпти. Бу хонадоннинг дарвозасига яқинлашсангиз яна бир гўзал анъананинг гувоҳи бўласиз. Невара келини Муҳаббатхон тонг саҳарлаб

ҳовли атрофини супуриб, сув сепгандан кейин тайёр маҳсулотлардан нусхаларни намойиш қилиб қўяди. Гўё кичик амалий санъат кўрғазмаси кўз олдингизда намоён бўлади. Харидорлар бу маҳсулотларни аввало гўзал ва пухталиги учун сотиб олишса, иккинчи томонини ҳам ҳисобга олишади. Яъни хоразмликлар фариштали, қут-баракали, саранжом-сариштали хонадонда тайёрланган маҳсулотларни олишни ҳам хуш кўришади. Шунинг учун ҳам Саодатжон энанинг келину невара келинлари билан тайёрлаган маҳсулотлари уйидаёқ талаш бўлиб кетади.

Зеро, хонкўрпа миллий халқ амалий санъатининг гўзал намунаси бўлиб, тўйлар учун келин-куёвларга атаб тикилади.

Қут-баракали оиланинг етакчиси Саодатжон энанинг уч келини, икки куёви бор. Невара келинларини санашга кўрқади.

Саодат энанинг омади ва ютуқлари соғлом авлод тарбиялашда хоразмча удумларни авайлаб-асраб келаётганлигидадир.

Қушлар уйғонмасдан кўчани супуриб, сув сепётган невара келин Муҳаббатхонни, ўғил-қизларига ҳар кунгидан мазалироқ егулик ҳозирлаш ниятида нонуштага уннаётган келини Мунаввархонни, яратганга шукрона айтиб дуога қўл очаётган Саодат энанинг кўзларида момоларимиздан қолган улуғвор меҳрни кўрганимда, бу табаррук кишиларни улуғлаб турган аввало ўзаро меҳр-оқибат эзгулик ва халқ анъаналарига садоқат дегим келади. Эзгулик аввало оналарнинг қалбида, вужудида куртаклайди. Сўнгра авлодларга кўчади. Оналарнинг орзу-ниятлари мусаффо тонгдек тиниқ. Бу тиниқлик, бу беғуборлик юрт осмонининг тиниқлиги билан уйғунлашиб кетаверсин. «Эл-юрт омон бўлиб, биз тўйларга кўрпа қавийверайлик», — дейди момо. Илоҳим уларнинг дуоси ижобат бўлаверсин.

## СИНФ РАҲБАРИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Мазкур савол фарзанди бор ҳар бир кишини ҳамиша ўйлантиради. Чунки тарбия жараёнида синф раҳбарининг болага таъсири катта. Бунга ота-оналар яхши билишади. Жуда кўп ўқитувчиларнинг ўзи суйган ўқувчилари бўлишини ҳам биламиз. Аслида яхши ўқийдиган бола таъбир жоиз бўлса, мисли бир гўзаллик. Гўзалликни эса барча қадрлайди. Бу ҳиссиёт ҳамма учун табиий. Бироқ синф раҳбари бу туйғуни жиловлай олиши ҳам керак. Йўқса, меҳр-муҳаббатга йўғрилган туйғу тенгсизлиги боланинг бирини осмонга чиқариб, бирини «ерга уради». Бу ҳол ўқувчиларга салбий таъсир этади. Бирида манманликни, иккинчисида эса кўнгил чўкишга мойилликни, болаларга қўшилиб кетолмаслик хусусияти — одамовиликни келтириб чиқариши мумкин.

Тўғри, ўқувчиларнинг иқтидорига қараб — бири ўрта, бири яхши, бири ёмон ўқийди. Аслида иқтидорсиз боланинг ўзи йўқ. Ўқиши пастроқ боланинг балки спортга ёки ҳунар ўрганишга қобилияти бордир, ахир! Синф раҳбари шунга кўра билиши, уларнинг қобилиятини тўғри ўзанга йўналтира олиши керак. Афсуски, баъзан кузатиб турсангиз, айрим синф раҳбарлари болаларга синфни таъмирлаш ёки турли тадбирларга уларнинг ота-оналари пул берган-бермаганлигига қараб муомала қилишади. Сизни-ку билмадим, менда шундай кезларда гўё чақмоқдек ярқ этиб хаёлимга ўз ўқитувчим — синфимиз раҳбарининг иш услуби келаверади.

### ҚОҒОЗ ЧИҚИНДИЛАРИ ЙИҒИШ НИМА УЧУН КЕРАК?

Бир куни кўшним чиқиб қолди: «Опажон, ташлаб юборадиган қоғозларингиз бўлса беринг. Ўғлимнинг синф раҳбари ўқишга қўймасдан қайтариб юборибди»,

деб қолди. Ишлатилган ва кераксиз қоғоз ҳамда газета қирқимларини йиғиб-териб берарканман, беихтиёр болалигим эсимга тушди.

Мактабда ўқиган кезларимда қоғоз чиқиндилари билан бирга темир-терсак (металлом) йиғиш ҳам урф эди. Ўқитувчимиз тайинларди: «Ҳамма ўз уйлари атрофига, кўча-кўйга эътибор бериб келсин». Эртасига биз қаерда, қандай темир-терсак ивирсиб ётганини айтардик. Синф раҳбаримиз етакчилигида у ерга борардик. Йўл-йўлакай одамларнинг уйидаги ортиқча қоғозларни ҳам йиғардик. Ҳазил-хузил билан кун қандай ўтганини билмасдик. Бу тадбирлар мавсуми ҳар йили бир ой давом этарди. Ҳар куни эрталаб дарс бошланиши олдидан мактаб ҳовлисига 5—10 дақиқа барча «Линейка»га йиғиларди. Директоримиз Миннигул опа (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин) голиб синфни эълон қиларкан: Макулатура ва металлом йиғиш — бу Ватаннинг корига яраш, давлатимиз олдида турган долзарб муаммоларнинг ечимига муносиб улуш қўшиш демак, деб тушунтирарди.

...Баъзан ўйлаб қоламан: Ҳозирги ўқитувчи (синф раҳбари) ўз ўқувчилари билан қоғоз, темир-терсак кўтариб кўчада юра оладими?

Уялишади! Нега? Ёки бугунги кунда мустақил мамлакатимизга металл заводлари ва қоғоз фабрикаларига иккаламчи хом ашё — металлом ҳамда қоғоз парчалари керак эмасми?

### СИНФДАН ТАШҚАРИ ЎҚУВ

Бир йиғинда тажрибали муаллимлардан бири ўз касбдошларига «Болаларни ўқитиш эмас, ўқишга ўргатиш керак» деган фикрни айтди. Сўнгра фикрини ривожлантириб, болани мустақил мутолаага, мулоҳаза юритишга, ўқиганини ўқий билишга ўргатиш лозим, дея тушунтирди. Мен шу мулоҳазага қўшиламан. Ўқитувчи — синф раҳбарининг вазифаси, айнан шундай бўлиши ҳам керак. Чунки болалар билан улар кўпроқ

бўлади. Синфдаги муҳитни яратади. Тарбиявий соатлар ўтказилади. Ҳар бир боланинг кайфиятини, майлини билиб туради.

Бугун-чи? Назаримда, муаллимлар мени кечиринг-син-у, айрим ўқитувчиларнинг аксарияти дарсдан кейин болаларни олиб қолиб, қуруқ ваъзхонлик қилишади. Чарчаган, қорни очикқан болага насиҳат ёқадими? Аслида бундай ваъзхонлик уларнинг ўз ҳисоботлари учун керак, холос. Хўш, донишмандлик рамзи бўлган ўғит ва нақлларни болалар онгига қандай сингдириш керак? Кейинги пайтларда барча соҳада турли кўрик-танловлар русум бўлди. Афсуски бундай тадбирлар барча болаларни ҳам қамраб олмайди. Унда фақат иқтидорли болаларгина — боя айтганимиздек, муаллимларнинг суюкли ўқувчиларигина қатнашади. Синфдаги ҳамма болани ҳам ўқишга бирдек ўргата олмайди. Шу ўринда яна синф раҳбаримизнинг бир тажрибаси ҳақида сўзлайин.

Синфимизда парталар уч қатор қилиб қўйилганди. Уч қатор — уч гуруҳга бўлиниб, ҳар икки ҳафтада бир марта беллашув ўтказардик. Муаллимамик мавзу ва қўйилган шартни айттарди. Масалан: 8-март — Оналар байрамига бағишланган тарбиявий соат. Шарт — ҳар бир гуруҳ битта қўшиқ, битта шеър, битта интермедия ижро этиши, матал ва мақоллар топиши, математика, тарих, география фанларидан оналарга бағишланган қизиқарли саволлар тузиши керак. Биз топардик, ижро этардик. Тадбирни мактаб маъмурияти вакиллари ҳам кузатишарди ва баҳо беришарди. Энди ўйлаб қарасам, синф раҳбаримиз бизни ўшандаёқ ўқишга, изланишга, фикрлашга, мушоҳада билан чиройли гапиришга ўргата бошлаган экан.

#### САФАРБАРЛИК ВА ТАШАББУС

Ҳар йили пахта йиғим-терим мавсуми бошланиши билан бизни қишлоққа — пахта теримига олиб чиқишарди. Ана шунда кечқурунлари баҳс-беллашувлар

бўларди. Бундай лаҳзаларда китобларни титкилаш, беллашув саволларига жавоб излаш ёки уларга олдиндан тайёргарлик кўриш имкони йўқ эди. Ҳозир-жавоблик керак бўларди. Бобоҳон (охирати обод бўлсин) бошларди: Фарибга қараб, кўзи ожиз онаси зор-зор йиғлаб, бир газал айтибди: «Боламга ўхшайди-я овозинг сани». Марям ҳазилона уни давом эттирарди...

«Қизларга ўхшайди-я шўх нозинг сани». Гоҳида чиройли халқона ҳазил-ҳузилларга ўхшаш, ўзлари тўқиган ижод намуналари ҳам чиқиб қоларди ва уни болалар анчагача эслаб юришарди! Мақсуд бир гал шундай ҳазил шеър тўқиди:

*Гавар, Гавар, гўмма  
Шўрва солиб бар  
Агар шўрванг бўлмаса,  
Чиқиб пахта териб бар..!*

Унга Гавар (Гавҳар — ошпазимиз) жавоб қилади.

*Мақсуд — маққи, мақсим  
Ҳазилдан ичаки оқсин.  
Пахта териш ёқмаса,  
Бошига рўмол тақсин...*

Болалар дарров тушунишарди. Мақсим ким? Гавҳар ким? Нега шўрва? Нега пахта? Бу баҳслар болаларда юмор туйғуларини ҳам тарбиялар эди.

Ёмғир ёғаётган кунлари теримга чиқмасдик. Бироқ, бекор ҳам ўтирмасдик. «Қизлар, бугун нон ёпамиз», — дер эди муаллимамик. Биримиз хамир қорардик, биримиз зувала ясардик, биримиз эса нонни тандирга ётардик.

Қишлоқ одамлари меҳмондўст, «опай» деб ҳурматлаб гоҳида муаллимамикни кечқурунлари овқатга чақиришарди. Муаллимамик эса бирор марта ҳам бир ўзи юрмасди. Навбати билан қизу-йигитларни ёнида олиб кетарди.

Ҳозир эса баъзан кузатаман. Пахтага борилса, ўқитувчиларнинг алоҳида хонаси бўлади. Қозони ҳам алоҳида.

#### ДАРС ҲАМ, ДАМ ОЛИШ ҲАМ УЙҒУН

Синф раҳбаримиз бир куни: «Амударё бўйига борамиз. Бекпошша опангиз (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин) дарсни шу ёқда ўтадилар. Сув кечмасдан дарё узунлигини ўлчашни ўргатадилар» деб қолдилар. Бу биз учун ҳам дарс, ҳам дам олиш эди.

Узоқни яқин қилиб кўрсатувчи уч оёқли ўлчагич асбоб билан дарёни чамалаб ўрганиб олганимиздан кейин, баҳс бошлардик. Амударёнинг қадимги номлари, ўзига хос хусусиятлари тўғрисида савол-жавоб қилардик.

Гоҳида дарсни биология ўқитувчимиз билан ҳам дарё бўйида ўтказардик.

Доривор ўсимликлар билан танишардик.

**Муаллимамиз ўғитларидан:** Синф раҳбаримиз ўғил болаларга мунтазам ўқтириб турарди: «Қизларни ҳурмат қилинглари. Чунки улар сизнинг опа-синглингиз... Келганида пальтосини олиб, илдиригичга илинг, кетаётганида кийдириб кўйинг». Ўғил болаларни чиқариб юбориб, қизларга ўргатарди:

Ўғил болаларга қаттиқ гапирманглари. Улар сизнинг акангиз, уқангиз.

Бегоналардан бир сиқим писта ҳам олманг, улар бугун писта берса, эртага...

**Амалларидан:** Йигит кишига «қирқ хунар ҳам кам», парталарни ўзимиз бўяб қўямиз-а, йигитлар.

— Олдинги сафар пардани Марям ювиб келганди. Жуда чиройли чиқди. Худди янгидек, охорли. Марям, айт-чи, қандай ювдинг.

У ҳеч қачон бировга мажбуран бирор ишни буюрмасди. Чорларди, даъват қиларди.

#### ҲАММАСЛАК, ДЎСТ, ДУГОНА

— Қизлар ҳинд фильми келибди. Эртага борамиз-а?! Истовчилар бўлса, уйларига тайинлаб, рухсат олиб келсин.

Кинодан сўнг кўзлари шишиб кетарди уни, яширмасди. Эртасига кино бўйича муҳокама-мунозара бўларди. У бамисли ҳамфикр, ҳаммаслак, дўстимиз, дугонамиз ҳамда устозимиз эди. Мен ҳар бир муаллимнинг ўқувчига ана шундай ҳамфикр, ҳаммаслак ва дўст бўлишини истардим. Ана шунда у ҳақиқий устозга айланади.

Ҳануз-ҳануз гоҳ-гоҳида телефон қилиб турарди:

— Раъно, яхши юрибсанми? Болаларинг омонми, оиланг тинчми? Сўрашиб бўлгач: «Фалончи қийин аҳволга тушиб қолди. Бир телефон қилиб кўнгил сўра. Яқинда Дилбар ўғил уйлантиряпти, имконинг бўлса кел».

...Йиллар ўтиб боряпти... Инсон умри ҳам. Лекин нима бўлгандаям одамлар ҳеч қачон бир-бирини унутмаса, соғиниб турса, кўнгил сўраса, бир-бирига интилса, бундан-да ортиқ гўзаллик борми?

Ана шу гўзал инсоннинг, синф раҳбаримизнинг исми-шарифлари Уллибиби Отажонова! Охирати обод бўлсин.



#### МЕҲНАТ ҚИЛГАН ЭЛДА АЗИЗ

Ривоят қилишларича, бир гўзал юракли инсон чўл кўйнида боғ-роғлар барпо этиш мақсадида минг чоғли отлиқ сарбозлари билан Ҳазораспга келган экан. Ҳазорасп(минг от) номи мана шу азму жазмли инсонлар номи билан боғлиқ дейишади. Бу туманнинг бир чеккасида ўркач-ўркач қум барханлари, бир чеккасида туз конлари, ёнида Туямўйин сув омбори ястаниб ётибди. Хоразмга йўли тушган инсон аввало ана шу Ватан кенгликлари орқали келади. Бу ерларнинг кишилари

эшикларининг олдига худди дур тизгандек сувут (тол) ва терак экишни хуш кўришади. Эрта баҳорда эса терак-у сувутларни каллаклайдилар. Шунда дарахтнинг танаси қалин бўлиб ўсади ва том учун зўр болор (тўсин) бўлади, дейишади.

Каллакланган тол ва сувутнинг ходалари уй қуришда ишлатилади. Бу ерда уй кўпинча лойдан қурилади. Қариндош-уруғ қўни-қўшни кўмакка — ҳашарга чорланади. Чор-атрофдаги хоналарга айвондан кирилади. Айвоннинг томи икки-уч болор баландлигида катта олинади ва албатта, тоқ устун қўйилади. Уйнинг ёшуллиси — эркаги билан жуфт устун ҳисобланади. Уй қуриб битказилгач, эгалари айвонга — илиштирик (унаби) жийда, туршак, қуритилган тут ва ширинликлар сочадилар. Болалар талашиб-тортишиб олишади. Янги қурилган уйга ён атрофдагилар биринчи бўлиб увуз (оғиз) сути олиб кирадилар, чунки увуз сути кирган уйга қут-барака киради, дейди халқимиз.

Одамлар бир-бирига эзгуликлар соғинса, ризқ-рўз илинса, энг гўзал маънавият шу, — дея ҳикоя қилади ҳазораспик тadbиркор Ҳалима Қутимова. Она тупроғига меҳр қўйган қаҳрамон она истиқлолнинг илк йилларидаёқ ташландиқ ва тошлоқ 10 гектар ерни очиб, боғ-роғга айлантирди. Эл назарига тушди. Оиласини фаровон этди. Кайвони деган номга муносиб кўришди. Эндиликда у ҳар сафар ҳосил йиғиштириб олганида ён атрофидаги кам таъминланган оилаларни йўқлайди. Мактаб ва боғчани оталиққа олган. Меҳнат қилган элда азиз дегани шу-да.

### ХАЛҚ ДУОСИ — ҲАҚ ДУО

Урганч тумани Урганч шаҳрини ўраб туради. Катта-кичик 20 дан ортиқ қишлоқлари бор. Энг йириги — Дўрмон. Бир томони шаҳар бўлса, бир томони Амударё бўйидаги тўқайларга туташиб кетади. Урганчликларнинг шолилари асосан шу ерларда дарё бўйида етиштирилади. Дўрмон қишлоғига бир пайтлар учта жамоа хўжалиги

жойлашган эди. Қишлоқ катта бўлгани учун бу ерликлар уни учга бўлишади. Юқори Дўрмон, Ўрта Дўрмон, Оёқ Дўрмон деб аташади. Зеро, анжирчилар қишлоғи деса ҳам ҳамма шу ерни тушунади, дўрмонликларнинг урф-одати, тиллари ҳам ўзига хос. Хоразм лаҳжаси асосан ўғиз гуруҳига киради. «Галди-гетди» деб гапиришади. дўрмонликлар тилида эса гўё «г» ҳарфи йўқдек. Воҳада Гурлан, Янгибозор туманлари ва Дўрмон қишлоғи шеvasи бир-бирига яқин.

Қишлоқ одамлари самимий ва содда. Бу ердаги жанжалнинг республикагача келганини ҳали ҳеч ким эшитмаган. Албатта тўполончилар ҳамма ерда ҳам топилади. Низолар чиқиб туриши мумкин. Бироқ, тезда тинчишади. Бир пайтлар Шарифбой Бекчонов вилоят ижроия қўмитасининг хат ва вилоятлар бўлимини бошқарганида шундай деб ажабланган эди. «— Фалвирни кўтарсак, Дўрмондан битта ҳам шикоят тушмабди. Ҳолбуки, у энг катта қишлоқ». Дўрмонликларга эътибор берсангиз, аксариятининг кўзлари қийиқ, гапирганда оғизларини тўлдириб гапиришади уларнинг унча-мунчага жаҳли чиқиши қийин.

Тилида қадимий сўзлар ҳозиргача ҳам сақланиб қолган.

— Бугун қалъага борасанми, сартлардан қизил чит келтир, менга ҳам, — дейди бири иккинчисига.

Қизингни бойга бердинг-ма, келин олдинг-ма, сўрашади улар бир-бири билан учрашганда.

— Бойингни айтганидан чиқма, сени давлатбошинг шу, — ўргатади момолар келинчакларга. Уларнинг тилида — бой сўзи эр маъносида. Қалъа — шаҳар, сарт — шаҳарликлар (хоразмча лаҳжа).

Момолари бугунгача лечак ўрашади. (Лечак — бошию бўйинларини ўраб турадиган оппоқ рўмол). Лечакнинг учида сандиқнинг калитлари жаранглаб юради.

— Сартнинг келинлари эналари билан гапиришмай, терс ёрилиб кетмай-ма, — дейди ўзаро суҳбатда.

фарзандлар тарбиялашга қаратилган. Бу гўзал ниятларда эзгуликлар бор. Зеро, оиланинг тўкин-сочинлиги жамиятимизнинг бойлигидир.



## ҲУР ВА ГАНЧ

Ривоятларда айтилишича, қадимда Ҳур ва Ганч исмли йигит ва қиз бўлган экан. Ҳур ўз эркини қадрлар, борлиқдаги барча нарсадан устун қўяр, Ганч эса ҳамма нарсага бойлик билан эришиш мумкин, деб ҳисоблар экан. Вақти келиб Яратган эгам йигитнинг қалбига нур солибди. У қизга муҳаббатини изҳор этибди. Бироқ қиз йигитнинг меҳнатга тоби йўқлигини билар экан.

У шарт қўйибди: Сахро ўртасида шундай қаср бунёд бўлсин, кўрган кўз кувонсин, атрофи боғ-роғ бўлиб, биллур булоқ сувлари мавжланиб, қушларнинг майин хонишлари янграб турсин.

Йигит ҳам шартга кўнибди ва дебди: «Ҳар куни бир кўза сув келтирасан».

Йигит муҳаббат чўғи билан иш бошлабди. Қиз ҳар тонг кўзада сув келтирар, йигит уни бир хўплаб, дарахтлар тагига қуяр экан. Йигитнинг муттасил хатти-ҳаракати, фидойиликка йўғрилган бетиним, беҳаловат кунларини кузатиб, қизнинг меҳри ортибди. Аста-секин мағрурлиги емирилиб, кўнгил қўя бошлабди. Дарахтлар қад ростлаган сари ўзи ҳам хурсанд бўлар ва ҳар куни битта кўза сувнинг ўрнига энди икки кўза қўшиб келар экан.

Ниҳоят боғ-роғли, гўзал қаср бунёд бўлибди. Одамлар саройни Ҳур Ганч деб атай бошлашибди. Ҳур билан Ганч ўзидан кўпайиб, кўрғон аста-секин улғувор қалъага айланибди. Урганч қалъаси ҳақидаги ривоят замирида Она Ватанга муҳаббат, оилага садоқат, эл-улуснинг бахт-саодати меҳнатда эканлигига ишора бор. Ҳаётнинг давомийлиги бунёдкорликда, бирликда, меҳр-муҳаббатда деган муқаддас тушунчалар анг-

лашилади. Ривоят тагида ҳамиша ҳақиқат бўлади. Бу минглаб ўзбек аёли тақдирига, улғу юртга, меҳр-муҳаббатли оилаларга хос ва мос ҳақиқатдир. Эзгуликка йўғрилган боғ ҳамиша кўкараверади, — дея ҳикоясини тугатди Чандирқийёт қишлоғидаги Худойберган Зарипов номидаги 17-сон мактаб директори Улуғбек Матниёзов. У педагог бўлиш билан бирга фермер хўжалиги раҳбари ҳамдир. Мактабдан бўш вақтларида ер ва тупроқ билан тиллашади. Дили равшан тортади. Ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнатни уйғун олиб боради. — Фермер қанча кўпайса, қанча бойиса, одамларга, жамиятга шунча кўп фойдаси тегади. Келажакда ўзимиз директорлик қилаётган мактабларни оталиққа олиш ниятимиз бор — дейди Улуғбек Матниёзовнинг турмуш ўртоғи, мактаб директори Гулнора Сафарова ҳам.

Чандирқийёт қишлоғи тутлари билан машҳур. Айниқса, бу ернинг шотути ўзига хос: бош бармоқдек йирик-йирик, оғзингизга солсангиз болдек эриб кетади. Дўрмонликларнинг каттаю кичиги бир-бирини сенлаб гапирса, бу қишлоқ одамлари бешикдаги боласини ҳам сизлайди. Ўта мулозамат билан сўзлашадилар. Гулнора ана шу қишлоққа шаҳардан келин бўлиб тушди. Улуғбек билан бирга ўқиб, оила курди. Ҳозир қайнотаси Қодир Матниёзов номидаги мактабга етакчилик қилади. Қайнотаси ушбу мактабда бир умр муаллим бўлган. Қишлоқдошлари муаллимлар сулоласи билан фахрланишади. Гулнора эрига мактаб ва фермерлик ишларида кўмакдош. Уларнинг йигирма гектар ери бор. Ҳаммасини деҳқон оилаларга топшириб кўйишган. Уларга ҳар ойда маош тўлашади. Хўжаликда 38 та қорамол, 7 та соғин сигир ва товуқлар мавжуд. Саккиз гектар ерга чорвачилик учун маккажўхори, лавлаги экишган. Рўзғорни таъминлайдиган полиз маҳсулотлари ҳам ердан чиқади. Пахта ва галла ҳам экишади. Даромади ҳам йилдан-йилга ошмоқда. Давлатга тонна-тонна сут, гўшт топшириб келишяпти. Келажакда улар гўшт ва сут маҳсулотлари сотадиган дўкон очиш ниятидалар.

Гулнора рус ва инлиз тилидан дарс ҳам берди. 2000 йили вилоятда ўтказилган «Энг яхши ўқитувчи» кўриктанловида биринчи ўринни олди. Шу йили уни 2 минг бола таълим оладиган ўзи ишлаётган мактабга директорликка тайинлашди.

У мактаб билан маҳалланинг ҳамкорлигини кучайтириш ниятида.

Гулноранинг сўзидан: — Ҳозир биз ҳар бир маҳаллада ёшлар билан суҳбатлар олиб бораёмиз. Ватаннинг онага ўхшатилиши, она Ватан деб улуғланиши бежиз эмас. Ўз онасига қўл кўтарган фарзанд нимага лойиқ? Албатта энг олий жазога. Биз ёшларга буни ана шундай оддий тарзда тушунтирамиз. Учрашувда кексалар, уруш қатнашчилари қатнашдилар.

Улуғбек ва Гулнора ҳали ёш, куч-ғайратга, қалби орзу-ниятга лиммо-лим. Улар тўрт нафар ўғил-қизни улгайтирмоқда. Қаерда инсон тadbиркор бўлса, оила тотув бўлса, ўша ерда қут-барака бўлишини уларнинг оиласи мисолида кўриб турибмиз.



## САПАРГУЛ ОПАНИНГ БОҒЛАРИ

Ҳурматли адибимиз Чингиз Айтматов ёзганидек, бу ўлкаларда поездлар Машриқдан Мағрибга, Мағрибдан Машриққа пайдар-пай қатнаб туради. Мискин бува зиёратгоҳи Шовот туманининг энг чекка Манақ қишлоғида темир йўл станцияси ёнида жойлашган. Бу ерда ёлғиз сўқмоқ йўли бўлиб, бора-бора у ҳам ингичкалашиб иккига бўлинади: бири Мискин бува қабрига, бири Мушкул Кушод биби қўниб ўтган зиёратгоҳга олиб боради. Фарзанд кўриш орзусида юрган аёллар ёйинки бошига мушкулликлар тушган кишилар бу ерга келиб зиёрат қилишади.

Узоқ Тошовуздан Сапаргул опа бу ерга бир неча марта келган. Зиёратдан кейин кайфияти кўтарилиб,

олам-олам умид билан уйига қайтарди... Бошига оқ рўмол ўраган баланд бўйли Сапаргул опа анча ёшга бориб қолганига қарамай, ҳали ҳам соғлом, деҳқон аёлларига хос чайиргина бўлиб кетган эди. Болалигида ота-онасидан етим қолиб, бир этак укаларини ўзи опичлаб катта қилди, уйлантирди. Етимларни ёлғизлатмаслик учун кеч оила қурди. Бироқ, фарзандли бўлмади. Колхозда ишлади, сўнгра Ашхободда сиртдан ўқиб ҳисобчи бўлди. Фарзандли бўлиш орзуси армонлигича қолавергач, асабданми оёқлари ишламай қолганини ҳис қилди. Икки йил кўрпа-тўшакка михланиб қолди. Ўшанда укасидан Мискин бува зиёратгоҳига олиб боришини сўради. Шу ердан ўзига ертўла қаздирди ва бу ерда уч ой қолиб кетди. Қалбида бир умид учкунланди: «Шу ерни обод қилсам-чи».

«Ривоятларга қараганда заифу заифаларни, мискину мусофирларни қўллаб-қувватловчи авлиё ўтган экансиз. Мақбарангиз қаровсиз, мен эса сизга ихлос қўйган минглаб фарзанларингизнинг бириман, шу ерни обод қилсам, бир келган яна келишни орзу қилса», шивирлади у биринчи марта оёғи ҳаракатга келиб, мақбара атрофини тозалаётди.

Дастлаб мақбара атрофини очиб, озгина гул экди. Сўнгра иккинчи томонини боғ-роғ қилишга тушди. Ҳали осмон ҳам ёришмай, у қўлига ўроғу кетмонини олиб тўқайзор ёнида пайдо бўларди. Шитоб билан ер ағдарарди, эрта баҳорда экишга тайёрларди. Меҳнатсевар бу аёлнинг борлиги шу ер эди. Шу ерда у қайта туғилди. Унинг Мискин бувани обод қилишдан бошқа манфаати ҳам, ғами ҳам йўқ. Чакалакзор устида тўлин ой сайр қила бошлаган пайтда Сапаргул опа ишдан тўхтарди. Тўқайни далтақдан тозалаш осон кечмади. Далтак (чирмовуққа ўхшаш ўсимлик) ўсимликларга, дов-дарахтларга шу қадар чирмашиб кетар эканки, уни ёриб ўтиб, тўқайзорга кириб бўлмасди. Анҳордан гулларига сув шилдираб нурланиб келган кун кучига куч қўшилгандай бўлди. Эндиликда йўлдан ким ўтса,

албатта тўхтаб қарайди. Мискин бува ерларининг бир томони катта йўлга туташади. У ерда миллий услубда рамзий дарвоза қилиниб, мақбара томон узун асфальт йўл ўтказилган. Йўлнинг икки томони боғу роғ, пахтазору шолизор. Зиёратгоҳнинг этагидан муздек оромбахш анҳор ўтади. Баҳайбат гужуму тераклар ораларидан ўтган сўқмоқ йўллар кишига ором беради.

— Неча-неча мискинлар дилларига малҳам излаб келишади бу ерга. Уларга ҳам ўзим қандай ишлаган бўлсам, худди шундай ишлашни маслаҳат бераман. Пахтазору шолизорларимизни кўрдингизми, ҳаммаси ўзимизнинг кучимиз билан яшнаб турибди. Бир чеккада фермамиз ҳам бор. Сигир, товук, қўйлар бисёр. Йигирма нафар мискин тўқ ва маъмурчиликда яшайпти, — дейди Сапаргул опа.

Опа бу ерларни обод қилиш учун умри давомида топган барча нарсасини сарфлади. Ёлғизгина онасидан ёдгорлик узук қолди ёнида. Мискин бува мақбараси таъмирланиб, мискин кишилар учун уй-жой қуриб битказилган куни элга ош берилди. Мана уч йилдирки, ҳар йили шу куни элга ош тортилади. Зиёрат жойга қутилар қўйилган. Унга тушган маблағ ҳисобига чор-атроф таъмирланади, қишлоқдаги мактаб оталиққа олинган.

— Туманимизда йигирма кишилик қариялар уйи бор, — дейди Шовот тумани ҳокими ўринбосари (бугунги кунда халқ таълими бошқармасида ишлайди) Тамара Ваисова. — Бироқ у кўримсизгина, эскириб кетган бинога жойлашган эди. Биз қариялар уйини шу сўлим масканга кўчиришга қарор қилдик. Бу ҳам Сапаргул опанинг ташаббуси бўлди.

— Манақликларни ўзим ҳам яхши кўраман, — дейди опа, — самимий, меҳнаткаш одамлар. Уй-жой курганимда ана шу эл-юрт қараб турмади. Ҳашарга келишди, ҳолбуки, мен уларни чақирганим йўқ. Кўмакка келдик, деб кириб келишганида бошим осмонга етди. Соғлиғимга соғлиқ, кўзимнинг нурига нур қўшилди, десам муболаға бўлмайди.

Баҳайбат дарахтлар ортидан тўлин ой кўтарилади. Атроф ёришиб, жаннатмонанд манзара намоён бўлади. Баҳор-у кузда бу ерларнинг тенги йўқ, киши дилига осудалик бахш этади. Мискин буванинг, Сапаргул опанинг боғлари баҳорда гулларга бурканса, кузда кумушранг тусга кириб товланади. Олмаю узумлари, шафтолию ўриклари хилма-хил ва ҳил-ҳил пишиб ётади.

Ҳурматли адибимиз Чингиз Айтматов ёзганларидек, бу ўлкаларда поездлар Машриқдан Мағрибга, Мағрибдан Машриққа пайдар-пай қатнаб туради. Воҳада ягона бўлган гавжум юк станциясидан ўтиб, машриққа қараб узоқлашсангиз Мискин бува зиёратгоҳига борасиз. Ундан кейин Қизилқум чўллари бошланади. Назаримда зиёратгоҳ гавжумлик билан сокинликни муқояса этиб туради. Халқимиз қабрларни обод қилишни, ўтганлар руҳига тиловат қилишни инсоний бурчи деб билади. Назаримда ана шу меҳру мангулик авлодларни боғлайди.



## АЁЛ КИШИНИНГ БАХТИ НИМАДА?

— Қайнонам Омонжон момо, қайнотам Ражаббой бобо Гурланнинг энг олди кишилари эдилар. Уруш тугаётган бир пайтда қайнотам қайнонамга хат ёзиб, бир қўлини йўқотганини, мажруҳ эркак билан яшашга кўника олса, қайтиб боришини билдирган эканлар. Қайнонам эса йиғлаб-йиғлаб, уни интизор кутаётганини айтиб, тирик қолганига шукроналар қилиб, меҳр тўла жавоб мактуби битган эканлар. Улар кўша-қариб кетмакет тўқсондан ошиб вафот этдилар. Уларнинг бир-бирига аразу гина қилганини, уйда товуши баланд чиққанини эшитган эмасман. Шунинг учун ҳар бир фарзандлари элнинг олқисини олиб юрибди, — дейди Гурлан Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, тиббиёт




фанлари номзоди Дилором Абдуллаева. — Баъзан қайнонам шундай дер эдилар: Юкли бўлсанг, эрта баҳор кезлари миттикларга боқ. Кўзинг яшилликдан ором олади, уйғонишдан кўнглинг равшанлашади. Ёзда ҳил-ҳил етилган боғларга, кузда тилларанг товланаётган баргларга, қишда оппоқ қор-у мовий осмонга тикил, гўдак табассуми-ю фариштали момоларимизнинг чеҳраларига эътибор бер. Шунда фарзандларинг хушсурат ва хушсийрат бўлади. Дарвозанинг тепасига исириқ, қизил қалампир ва кўчқор шохлари илиб қўйинглар, кўздан, суқдан асрайди, дердилар. Ҳар тонг биз ҳовли супура бошласак, у киши исириқ тутатар эдилар. Исириққа остонанинг тупроғидан бир чимдим, туздан бир чимдим ва қизил қалампирдан бир бўлак ташлардилар. Кўз-суқдан Яратганнинг ўзи асрасин, ҳеч кимнинг туз-насибаси кўтарилмасин, дея дуо қилар эдилар. Ҳамма нарсани ўзингдан, эшигингдан, уйингдан изла, деб ўргатар эдилар. Бизда ҳар бир келину қиз, ҳар бир фарзанд оналарнинг ўғитларини тинглаб, юракларига жойлаб вояга етишади. Унга амал қилиб, оилада ўз ўрнини топадилар. Шунинг учун ҳам туманларда ажралишлар кам. Оилавий ажралишлар кам бўлган жойда фарзандлар осойишта ўсади. Аёл кишининг бахти нимада? Оила осойишталиги-ю фарзандлар камолида. Д. Абдуллаева ҳақ. Баркамол авлод тарбиялаш учун аввало оилаларни мустаҳкамлаш керак. Оилаларни мустаҳкамлаш учун эса қадриятларга таяниш зарур. Дилором опа тиббий маданиятга эришишни эл одамларига содда, халқона қилиб тушунтиради.

Мана биз бир гуруҳ тадбиркор меҳнаткаш, заҳматкаш кишилар ҳақида ҳикоя қилдик. Уларнинг ҳар бири ўзига хос турмуш тарзига, ҳаёт йўлига эга, уйғун томонлари ҳам йўқ эмас. Назаримда бу киндик қони тўкилган тупроқ — қишлоққа меҳр ва журъатлилик! Инсонни юксакликка олиб чиқувчи ҳам меҳр ва журъат! Бу икки фазилат жамулжам бўлса, омаднинг ўзи ордан қувиб келаверади.

## ТАҚДИР ВА ТАДБИР

(ОЧЕРКЛАР)

Хунар ошатар,  
Меҳнат яшнатар



## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲАР ҚАРИЧ ЕРИ БЕТАКРОР

Ўзбекистоннинг ҳар қарич ери бетакрор, ўзига хос. Аммо Нурота манзаралари ўзгача. Тўрт иқлим нафаси бор табиатида. Қир-адирлардан бошланадиган Нурота ерлари тоғлар ошиб, Қизилкум чўлларига туташади. Даштда қуёш тафтидан ўтлар қовжираб сарғайганда чўққиларда оппоқ қор ярқирайди.

Нуротага ҳар гал борганимда уни янгидан кўраётгандек ҳайратланавераман; биллурдек сой сувлари тошлардан сас чиқариб оқади, гўё ҳаммага тушунарли қўшиқ куйлайди. Тоғ бағридан ёриб чиққан зилол чашма сувларида тим қора балиқлар ўйнайди. Нуроталиклар уни муқаддас билишади.

— Ривоятларга кўра, бир бой Қарнаб чўлидаги қудуққа босқинчилардан яшириб бир кўза олтин ташлаб, уни Нурота чашмасидан олганмиш. Бу оралик 200 чақирим. Тоғлар орасида тим қора балиқли зилол чашмалар биттагина эмас. Булоқбоши, Кўчқор ота, Деҳибаланд, Кориз булоқларида ҳам ана шундай муқаддас балиқлар бўлиб, улар инсон қўлидан бемалол нон, ўт-ўлан еб кетаверадилар. Айтишларича, ҳар шанба бу балиқлар Нурота чашмасига йиғилар эмишлар, зиёрат қилиб, ундан куч олармишлар, — дейди қаҳрамонимиз Новвотой. — Ривоятларда қанчалик ҳақиқат борлигини билишни истаган рус геологлари Кўчқор ота чашмасидаги балиқларнинг баъзиларига мунчоқ боғлаб қўйиб юборишган. Ва, шанба кунни уларни Нурота чашмасида кўришган. Бу

иккала чашма орасидаги масофа 70—80 чақирим. Бу балиқларни тутиб еган одамлар «узоққа бормаганлар». Чашма ёнида қудуқ бор. Унга диққат билан тикилсангиз панжа излари борга ўхшайди. У ерда сув сизиб чиқиб туради. Бу ҳазрат Алининг қўл излари, унинг қадами етган жойлардан чашмаю булоқлар отилган эмиш, деган нақл юради халқ орасида. Новвотой тўлиб-тошиб юрти ҳақидаги ҳикоясини давом эттиради.

Нуроталиклар «жўқчи»лар дейишади ўзларини. «Ж» қўшиб гапиришлариям ўзларига ярашади. Бу ерда қадимий халқ ҳунармандчилигининг минг бир хили мавжуд. Бу элат эркаклари қўй боқади, аёллари жун йигириб, гилам, «олача», кийим-кечаклар тўқишади. Гиламларга жунни сахийлик билан ишлатишади, устида юрсангиз — майсазорда кетаётгандек бўласиз. Келинчаклар уйларини амалий санъат кўрғазмаси, дейсиз. Болиш жилдлари, чойшаблар, сочиқлардаги гулкашталар кўзни олади.

Бу ерликлар ишларини ҳам табиат аломатларига қараб белгилайдилар. Баҳор кезлари шимол томондан қора булут қоплаб келса, қўйларни яйловга олиб чиқмайдилар. Бу сел келишидан дарак беради.

Бу ернинг табибу доялари ўзи билан. Чўпон аёллари тракторларга осилиб совхоз марказига боргандан кўра уйда кўзи ёриганини маъқул кўришади. Янги туғилган чақалоқнинг ҳаммадан аввал момоси қўлга олса хосиятли бўлади, деб ҳисоблашади. Момо чақалоқни муштини «бисмиллоҳ» деб сийпаб ёзади. Насибангни ўзинг топгин болам, қўлинг очиқ, юзинг ёруғ бўлсин, дея дуо қилади.

Кўп жойларда тегирмонлар, жувозлар йўқ бўлиб кетганида ҳам нуроталиклар уни авайлаб, асрашган. Тўйларда, азиз меҳмон келганида кунжут ёғига ош дамлашади. Бодом ёғи юзга суртилса, ажин туширмайди, саҳарда ичилса ичак ва меъда касалига учрамайди, деб ўргатишади ёшларга. Бу маскандаги ҳар уч кишининг бири гиёҳларни яхши фарқлайди,

хислатларини билишади. Қайнона келинчакка гиёҳлар тупроқда ўсса ҳам инсонга қариндош, у билан билиб тиллашса, дардини олади, дея ўғит айтади.

Болани доривор долчин ёғи билан сийпаласа, баланд иситмада хуруж қилган «шайтонлаш»ни тўхта-тади. Худди шу ёғ юздаги сепкиллари ҳам кетказади.

Арпабодиён буйрак ва қовуқ оғриғини юмшатади.

Бўймадороннинг енгил қайнатмаси тумовнинг захрини олади.

Гулхайри чипқонларни пиширади, шишларни қайтаради. Далачой япроғи туйиб, яраларга сепилади. Қовуғи бўшлигидан кечаси қийналадиган болаларга гулхайри дамламаси берилса, нафи дарров сезилади.

Қоқигул илдизларидан тайёрланган дамлама билан тиш ва томоқ оғриганда оғиз чайиш, баргини майдалаб, узум сиркасига қўшиб сўгалларни кетказиш мумкин.

Агар сўгал жуда эскириб кетса сўгалтош билан уқаланади. Ҳамма дарднинг давосини билганлари учун ҳам кураги ерга тегмас полвонларию эл ҳавас қиладиган чавандозлари, учқур тулпорлари билан машхур бу юрт. Тўйларни улоқ «ур-ҳо»лари, кураш шавқлари доврўқлантиради. Қизлари чевар, йигитлари дангал, момолари ўланчи, боболари дўмбирачи юрт бу. Тўйларда бел боғлаб ўртага тушадилар. Уларнинг кўрик танлови ҳам шу ерда бўлади. Дўмбирасининг сайроғига, булбуллар рашк этган. Тилло кампир, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Жассоқ, Ялғаш, Қулдош бахшилар шу тупроқ фарзанди.

*Маконим — Нурота тоғлар ораси*

*От чопса гумбирлар тошу дараси*

*Отим — Эргаш, Жуманбулбул боласи...*

Одамларнинг табиати ҳам жангарироқ. Уларнинг табиатини етмиш беш йиллик тузум «ҳаво»си у қадар айнитиб юборолмаган. Меҳмон борса азалдагидек шилпилдоқ қилиб, гўштини лаганга уйиб келишади.

Ўзларига ота мерос ернинг қадрини жуда баланд тутишади. Булоқлари қанча кўп бўлмасин, қора-

чиқларидай авайлаб асрашади. Кўзини очиб атрофини тозалаб туришади. Сув иссиқда буғланиб кетмаслиги ва покиза сақланиши учун устига томча қуришади. Биринчи томча истеъмол учун, иккинчиси ювиниш, учинчиси чорвани суғоришга мўлжалланади.

Давра тортиб ўтирсангиз, даврадошларингиз уруғ суриштирадилар. 92 ўзбек уруғини ва улар ҳақидаги ривоятларни яхши билишади. Уруғдош чиқсангиз, «она уруғим», «Ота уруғим» дея улуғлаб, иззатлашади. Удумларига меҳридан кўзмунчоқ тақиб асрайдилар. Новвотойнинг донишмандларга хос суҳбатини тинглар эканман, дилим равшанлашиб бораверади. Ўзбекис-тоннинг ҳар бир қарич ери бетакрор дейман, беихтиёр.



## МЎЪЖИЗА — ИНСОН ҚАЛБИДА

Новвотой Жуманазарова чўпон аёл. Бийдай чўлда — Мойкиндик булоғи ёнида яшайди. Узоқдан Нурота тоғлари виқорланса, ёнида Ҳайдар кўли яшнаб ётади. Новвотой яхши кўрадиган оққушлардан ташқари ҳар хил ёввойи ўрдаклар, чиройли суқсурлару сув қушлари ҳавода тизгин-тизгин, сувда тўлқин-тўлқин, ерда карвон-карвон...

Даштда ойу қуёш чиқишию ботишини томоша қилиш жуда завқли. Қуёш сахро этагида лахча чўғ бўлиб ёниб ётади. Осмонда нозик бўёқлар товланади. Бу ер шунчалар осойиштаки, юракни кенгайтириб юборади.

Совхоз марказида тиғиз қишлоқда ўсган, сотувчи бўлиб ишлаб, ҳар куни одамлар билан мулоқотда бўлган Новвотойга бу сокинлик аввал гаройиб бўлиб туюлган. Қуёш шундай қиздирадиги, ўзини гўё қуёшга яқинроқ планетага ўтиб қолгандек ҳис этади киши. Эри Чўлибойнинг жони-дили дашт эди. Эрининг чўлга бўлган меҳри аёлига ҳам аста-секин кўчиб борди. Эрхотин бир-бирлари учун яратилгандай эдилар. Улар

сурувлар билан аста-секин бирга юриб, очик чўлга чиқиб кетишарди. Қайнонаси Бегимой, кўз тегмасин, деб тилак билдириб, изларидан исириқ тутатиб, кузатиб қоларди ва яна исириқ тутатиб кутиб оларди. Биринчи фарзанди Рустамжон туғилгунча Новвотой эрига эргашиб чўпонлик қилди. Новвотойнинг қўллари меҳнатдан қадоқ бўлди, дашт шамолларида юзлари қизариб, ёноқлари бўртиб кўриниб қолди. Бу ерга келиб билдики, чўпонлик қилиш қўлига ҳасса олиб, даштни сайр қилишу қўй гўшти ейиш эмас экан. Чўпон бутун умрини оёқда ўтказди, ёзнинг жазирамаси уни тоблаб, кузнинг изғирини суяк-суягига билинади. Бошқалар ҳали ширин уйкуда ётган маҳал у сурувини ҳайдаб, қиров босган дала-даштга чиқади. Куни бўйи сарҳаддаги аскардай масъулият билан кўзи изидан юради. Фарзанди сал бўйнини ушлагандан кейин Новвотой яна эрига эргашиб даштга чиқди. Қуёшнинг илк нурлари ерга етганда Новвотой ўт-ўланлар устига тугунчакни ёзади. Ҳайдаркўл бўйларига боришганда эри ўчоқ ясайди, балиқ шўрва тайёрлашади.

Заҳматли йиллар беиз кетмади. Чўлибой Жуманазаров машҳур чўпон бўлди. Мукофотга машина беришди. Сурувга сурув қўшилди. Тўрт фарзандли бўлишди. Фарзандлари совхоз марказидаги чўпон болалари мактаб-интернатида ўқий бошлади. Чўпонликнинг нонини ейиш осон эмас, болаларимни катта шаҳарда ўқитаман, деб орзу қилишарди улар...

... Ўша куни туманга ўралган шафақ арғувон рангига кириб бормоқда эди.

— Эртага шамол турадиганга ўхшайди, — кўнглидан ўтказди Новвотой.

Эри ҳам сурув ёнига чўпон таёғи билан етиб келди. Новвотой унинг ҳорғин юзига тикилиб қолди. Ўрта бўйли яғриндор бу кишининг аъзойи баданини чўл шамоли қотириб юборган эди. Чарчаганидан хира тортган кўзлари айниган дашт осмонининг рангига киргани, Новвотой эрининг жуда толиққанини сезди.

Эрталаб мазаси йўқ эди, чиқармасам бўлар экан, кўнглидан ўтказди. Эртасига кучли шамол турди, қўйлар яйловга чиқолмади. Эри шу ётганича ўрнидан турмади... Новвотой тўрт қорақўз билан чирқираб қолаверди. Бу воқеа саратондаги момоқалдиروقдек уни ларзага солди. Аёл боши билан етти юз қўйнинг ичида қолди. Отарни топшириб юборай деса, гўзал хотиралари билан боғлиқ. Бир ёғи ишни ташлаб кетса дашт мунғайиб қоладиганга ўхшайди, юраги увишди... Қолди. Шундай бўлиши керак, деди онасига ҳам, совхоз раҳбарларига ҳам. Қалби ўкинч, оғриқдан зирқираб кетган бўлса ҳам, сир бой бермади, хотиржам жиддий тураверди.

Қариндош-уруғлар, хўжалик раҳбарлари учун ҳам Чўлибойнинг вафоти оғир жудолик эди.

Шундай қилиб, Новвотой бош чўпон бўлди. У одамларнинг инсон умри оқар сув, кўз юмиб очгунча ўтади-кетди, деб зорланганларини кўп эшитарди. Бу ҳақ гап эканлигини бепоёнликaro ёлғиз қолганида неча-неча бор кўнглидан кечирди. Кўз ёшларини яшириб, яна ишга уриниб кетаверди. Яккаш хотирасини соғинди, жуфтининг хотирасига сиғинди. Ўша кўл, ўша ўрдаклар, гозлар учиб кетишади-келишади. Баъзилари яна баҳорда қайтишади. Уларни эри билан соатлаб кузатишар эди.

Биринчи марта чироқ келган кун-чи?!

Телевизор олиб келган куни-чи?! Чўлибойнинг ўзи қўлбола антенна ясаган эди. Кир ювиш машинасини бир йўла иккитасини кўтариб келган куни-чи?! Бири ёғ ажратишга, бири кир ювишга, — сенинг ишинг энгиллашади, хотинжон, деганди ғамхўрлик билан. Мукофотга берилган машинани ҳайдаб келганида-чи?!

Худди кеча бўлиб ўтгандек барини эслаган сари Мойкиндиқ даштига қаттиқроқ боғлангандек бўлаверади. Ўша йили ўғли мактабни битказиб қанотига кирди. Кейин иккинчи ўғли. Кейин учинчи ўғил. Сўнгра кичик ўғил ҳам яйловга қайтди. Эрининг орзулари ҳам

ерда қолмади. Иккала ўғли ҳам сиртдан ўқишмоқда. Уларни уйлантирди. Қайнона бўлди. Бу йил бош чўпонлик таёғини катта ўғли Рустамга топширди. Новвотой Жуманазарова бошлиқ отар чўпонлари қиш қаттиқ келган йили ҳам битта қўйни нобуд қилмасдан қишлоvdан олиб чиқишди. Ўғиллари сафга киргунча Нишон Ялғашев оиласи Дилбар Ялғашева билан ёрдамчи чўпон бўлиб турди. Ўғиллари, келини сафга киргандан кейин ҳам кадрдон бўлиб қолган кишилари билан узилишмадилар. Улар ҳамон бирга ишлашади. Ҳар йили сурув қишлоқдан беталафот олиб чиқилади. Уларнинг режалари, ютуқлари акс этиб турган рақамлар Нурота туманидаги энг юқори кўрсаткичдир. Шунинг учун улар яна машина билан мукофотланишди.

— Ўтов тиккан жойингиз нима учун Мойкиндик деб аталади? — сўрайман. Новвотойни оиласи билан боғлиқ хотиралар бағридан олиб чиқиб кетгим келади.

— Бизнинг ўтов даштнинг қоқ маркази. Бу жой серўт. Қумлар орасидан булоқ ҳам қайнаб чиқади. Азал-азалдан бу ерда чорвачилик яхши бўлган. Чўпонлар олдин ҳам бу даштда ўтов тикиб яшаган. Мен келин бўлиб тушган йилим хўжалик раҳбарлари уй қуриб беришди. Ҳозир яшаш шароитимиз шаҳардан қолишмайди. Фақат ичимлик сувини ҳамон ташиб олиб келиб беришади.

Мойкиндик дашт бекасининг гўзал хотиралари ҳам, оғир кунлари ҳам шу чўллар билан боғлиқ. Эр-хотин ёшлигида юлдузларни томоша қилишни яхши кўришарди. Ана шу дамлар хотирасига биринчи неварасининг исмини Юлдуз қўйди. Унинг муҳаббатли, юлдузли онлари умид, орзу билан шу митти юлдузчаси қалбида давом этяпти... Демак, бу беҳудуд саҳролар бўйнидаги қўнғироқчасини янгратаиб бепоёнликларга ҳаёт овозини ато этган сурувлар, не-не мўъжиза, сирсиноатларга ошиён булоқлар — бари-барининг умри боқийдир.

## ЧАШМА КЎЗЛАРИ

Бугун кеча билан эртани боғлайди. Бугуннинг мазмуни, куч-қуввати кечага қанчалик боғлиқ бўлса, эрта учун шунчалик зарур. Бугунги ҳалол меҳнат — кечанинг ёди, эртанинг орзуси, таянчи. Кимки «берсанг ейман, урсанг ўламан» демай табиий имкониятлар тилини топиб, тошни ҳам гуллата олса, бунёдкор инсон ўша. Бугуннинг қаҳрамони ана шундай бунёдкор кишилар. Халқнинг ғайрати, қувватининг булоқбошиси шундай одамлардир. Улар борки, элнинг қўнғили тўқ, ризқи бутун. Қўнғили тўқ, ризқи бутун одам руҳига бўй бўлгувчи юксакликларга боқади.

Нурота қадим юрт. Шарқу Фарбни боғлаган кўҳна Ипак йўли шу ердан — Оқтов, Қоратов орасидан ўтган. Дашту далалари шифобахш гиёҳларга, ери камёб маъданларга бой. Одамлари оққўнғил, танти, меҳнаткаш, тиллари қўшиққа, диллари меҳр-муҳаббатга тўлиқ.

Нуротанинг яйловлари осмондек кенг. Бу ерда қуёшу ой чиқиши ва ботишини томоша қилиш кишига бир олам завқ-шавқ бағишлайди.

Киши туғилган ерига муҳаббати, меҳнати билан азиз. Одамзотнинг қўли гул, меҳри — мусаввир. У меҳр билан нимаики ишга қўл урса, аҳдида қатъий бўлса, чўллар гулистонга айланади. Яратганнинг раҳматига дохил бўлади...

Жўрақул ака ва Тошбуви опалар ана шундай инсонлар. Жўрақул Алимов асли Мижғон қишлоғида моторчи — мотор орқали электр чироғи ёқувчи эди. Катта кучланишли электр тармоғи пайдо бўлиб, симлар тортилгач, ишсиз қолди. Ота касби чўпонликка қайтишга қарор қилди. «Қизилча» совхозининг собиқ раҳбари Мирзон Нурбоев эр-хотинни бийдай чўлга олиб келди. Бу ерда ёғин-сочиндан паналайдиган икки хоналик уйча бор эди, холос. Нуротанинг сўлим, ям-яшил, шарқироқ сойли Мижғон қишлоғи қайда-ю,

«Кизилча» совхозининг дашти қайда? Қаёққа назар ташласа — куп-қуруқ биёбон, яйдоқ дала. Ҳувиллаган чўл, аччиқ шuvoқзор, шўр босиб ётган бепоён кенгликларга кўз ташланади. Тошбуви уларни кузатиб: «Яшаш учун бошқа жой қуриганми? — деб ўйларди. — Бу ерда одамзод учун нима бор?» «Булоқ бор экан, ўтов атрофини боғ-роғга айлантирамиз,» — деган кечаги ўй-хаёллари энди кулгили туюлди. Минг йилларки, ота-боболари шу ерда яшайди, иложи бўлганида, бу ерларни ўзлаштирарди... Кўз олдига Мижғон қишлоғидаги шарқироқ сой-ю ям-яшил боғлар, кўм-кўк адирлар келиб, беихтиёр хўрсинди. Эрига қаради. Тепадан олов пуркаётган куёш тигидан қиздирилган тандирдек ҳансираб ётган дашт қўйнида қавилган фуфайка, оёғида кирза этик ва ранги ўчиб кетган қулоқчинда эри иложсиз, муштдеккина бўлиб кўринарди. Тошбувининг кўзлари эрининг кўзлари билан беихтиёр тўқнашди-ю, фикрлари ҳамоҳанг эканлигини уқиб олди. Ҳозир бир оғиз гап тақдирларини ҳал этишини англади. Бироқ юрагига қарши бориб, деди: «Юринг, булоқни кўрайлик-чи». Атрофни чексиз сукунат қоплаб олганди. Булоқ аста биқирлаб қайнар, куёш нурида йилт-йилт товланиб, атрофга салқинлик тарқатарди. «Бўталоқнинг кўзларини эслатар экан, — деди беихтиёр Тошбуви, — директор айтганидек ҳақиқатдан муздек ва ширин экан». Жўракул ҳамон гапирмас, хотинининг сўзларига бош чайқаб кўяди. «Ишимизни булоқнинг кўзини очишдан бошлаймизми?» — сўради хотини. Шу билан иккиланишга чек қўйилгандек бўлди.

Тоғ ён бағридаги булоқнинг кўзини очиб, тошларни йиғиб кичкина ҳовузча ясагунча атрофни қора булут қоплаб, зумда ёмғир қуйиб берди. Кечкурунга бориб ёмғир тиниб, ҳаво бир зумда чарақлаб очилиб кетди. Осмон сахий кечки баҳор селида ювиб таралган мусаффо даштнинг давомидек туюларди. Яйдоқ даштлар кўзига поёнсиздек кўринди. Янада яшнаб кетгандек

бўлди. Осмон гумбази бўйлаб, дашт узра камалак тортилди. Камалак даштнинг у чеккасидан бу чеккасига қадар чўзилиб, дунёдаги жамики нафис бўёқларни ўзида мужассамлаштирган эди.

Тошбуви завқ билан атрофга боқди. Эрталабки иккиланишлар ёмғир суви билан ювилиб кетгандек бўлди. Болалари ҳам хурсанд бўлишганидан чапак чалиб юборишди. «Бу яхшилик аломати. Бошлаган ишингиз қутлуғ бўлсин!» — деди у эрига. Бу қўллаб-қувватлаш куни билан ишлаб тинмаган эрининг руҳиятига куч бағишлади. Булоқнинг кўзини очишди. Бироқ у ердан чиққан сувга ярим соатда ҳам бир челақ тўлмаслиги уларни ўйлантириб қўйди. «Ҳовуз» — ҳар бири тўрт тонналик сув оладиган бетон иншоот қуришга киришдилар. Булоқнинг кўзида сув буғланиб кетмаслиги учун устини беркитиб қўйишди. Сўнгра бир гектарча ерни бола-бақраси билан тошдан тозалашди. Сувни тарнов билан тортиб, икки юз метр пастга олиб тушдилар. Совхоз раҳбарлари йўғонлиги киши қулочласа етмайдиган катта теракни тракторда тортириб келтириб беришди. Эр-хотин ўртасини ёриб, нов ясашди. Шамоллар ўйнайдиган бундай жазирама даштда ниҳол, экин кўкартириб олиш нақадар машаққатли иш эканлигини фақат саҳро одамларигина билишади. Бироқ, Жўракул билан Тошбуви уларни кўкартирдилар. Булоқдан келаётган ҳовуз суви билан тинмай суғориб турдилар. Асрлар бўйи оёқ остида босилавериб қотиб қолган заранг, шўрхок ерларни очиб олишнинг ҳам ўзи бўлмайди. Экилган тол-терақлари, мевали нав-ниҳоллари бўйи кўп ўтмай бутун даштга кўринадиган бўлиб қолди. Дашт одамлари эндиликда ёз бўйи ҳовуздан яқин атрофдаги ўтовларга «гумбир-гумбир» сув олишади. Лекин, бу билан у тугаб қолмайди. Булоқнинг кўзи очилиб, суви ҳам кўпаяди.

— Кўрдингми онаси, кучимиз етмаганидан кейин ақлимизни ишлатиб, шундай метин жойда боғ-роғ, ҳовуз яратдик. Энди булар авлодлардан авлодларга

ўтади. Улар бир кунмас-бир кун бизларни эслаб тилга олишса ажаб эмас. Тошбуви кулибгина қўя қолади. — «Шу кампирим бўлмаганида бу боғ-роғларим қайда эди? — кўнглидан кечирди Жўрақул. Сўнгра улар жун қирқиш палласида бўладиган шошилинич ишлар хусусида ўйлаб кетишди.

Чўпонлар ҳаётида жун қирқиш — ишнинг қизғин палласи. Бу даврда бутун хўжалик оёққа туради. Ҳашарчилар чўпонга ёрдамга келишади. Негаки, муддат қисқа, улгуриш шарт, қолаверса, қирқимдан олдин қўйларни битта-битталаб ювинтиришлари ҳам керак, ахир... Жун қирқими анча механизациялашганига қарамай, машаққатли ва оғир иш. Кун бўйи қўйларнинг маъраши тинмайди. Атрофда ёғлиқ тери ва олтингугурт ҳиди анқиб туради. Қирқувчиларнинг қўли қўлига тегмайди. Бузилган ҳаво нафасни бўғади. Тер кўзга оқиб тушиб, баттар қийнайди. Одамлар бундай пайтда ҳовуздан сув оқиб турган нов тарафга қараб югуришади. На бир оғиз сўз, на ҳазил-мутойиба, на бир ортиқча ҳаракатга вақт бор.

— Пичоқ, — қичқиришади. Бу — «пичоқ олиб кел» дегани бўлади.

— Жун! Бу — «жунни йиғиштириб ол» дегани бўлади. Қирқим мавсуми осон бўлмаганидек, жун қирқишнинг ўзи ҳам ўнғай иш эмас. Маҳорат, журъат, дадиллик ва чаққонлик керак. Тажрибанг бўлмаса, оёқ остидаги қўй типирчилаб, ирғишлаб, ҳар қандай кишини ҳам шошириб қўяди. Омилкор бўлсанг, қўйнинг оёғини боғлаб қўймасдан туриб ҳам жунни қирқаверасан. Тошбуви ҳам, Жўрақул ҳам бу ишда кўзи пишганлардан. Улар барча ишларни ҳашарчиларсиз — ўғил-қизлари билан эплашади.

— Жун қирқиш пайти ўтовлар гавжум бўлиб қолади. Ҳамма ёқни жун босган. Яланг оёқ, елвагай юрган бола-бақраси у ёқдан бу ёққа чопади. Товуғ-у қўзичоқлар, оёқ остида эркаланаётган чўпон итлари... ҳовлини тўлдиради. Ўчоқ бошида жаз-буз — овқатлар пишиб туради. Тепаси

очиқ ёзлик ошхонада оғироёқ келинлар баҳор неъматларидан турли хил печаклар, чучваралар тайёрлашади. Жўрақул билан тенгма-тенг жун олиш ишида қатнашаётган Тошбуви гоҳ-гоҳ бола-бақраларига, келин-у қизларига қараб, ўзида йўқ хурсанд бўлиб жилмаяди. У бирдан қўлидаги асбобларни қайчи-ю пичоқларни чарҳлаб турган ўғлига беради-да, қизиб кетган қўлларини ўт-ўланларга артиб, тўлқинланиб кетганидан лаблари титраб, энг майин, жонга малҳам сўзлар билан невараларини эркалайди. Болакайлар ҳам бувисининг (улар катта эна дейишади) илиққина бағрига ўзларини урган ҳамон, у ўзини унутади.

Ҳар йили жун олиш мавсуми ана шундай кечади. Ишни уюшқоқлик билан ташкиллаштирганлиги учун бу оила ҳаминша режадагидан ортиқ жун топширади.

Бу отардагилар йилда бир марта — октябрь ойида дам олишади. Бу пайтда қўчқорлар насл учун хўжаликдаги отарларга тарқатилади. Бироқ улар барибир тиниб-тинчишмайди.

Ҳар йили боғнинг бир чеккасида кўзни қувонтирадиган бўлиб, «тилларанг» буғдойзор «яшнайти». Уни йиғиб-териби олишади. Олма-ю беҳиларни авайлаб қутиларга жойлашади. Пиёз-у сабзиларни кавлашади. Соя-салқин жойга ҳашак ташлаб, ёйиб қўйилган ўрикларни тур-турига ва сифатига қараб ажратишади. Ўғил-қизларга, ака-укаларга капсан (уларга аталган улуш) жўнатишади. Ўзидан уч чақирим узоқликдаги ўтовга — қўшниси Муқадга ҳамсоя ҳаққи юборишади.

Қиз-у келинлари билан бирга Тошбуви яна йилига иккита гилам тўқийди. Кўрпачаларнинг устига ёпадиган қуроқчалардан жойпиш, каштали ёстиклар (болиш), чордевол, сўзаналар тикади. Саккиз фарзанднинг ҳар бирига иккитадан гилам, иккитадан олача (гулдор жун шолча), биттадан кигиз атаган. Булар фақат тўй куни совға қилинадиганлари холос. Тўйига атаб, яна тўрт фарзандиникини тахлаб қўйибди. Кичкина қизи боғдаги дарахтлар эндигина нишона бераётганда туғилган эди.

Унинг исмини Шаҳрибону қўйишди. Кунлар келиб ўзлари бунёд этган бу маскан шаҳардек обод бўлишини орзу қилишди. Ҳозир Шаҳрибону 14 ёшга кирди, боғда ҳам ҳозир 14 хил мева ҳосил бера бошлади.

— Момоларимиз азал-азалдан гилам, олача тўқийди. Кашталар, қуроқлар тикади. Турмушимизга пайпоқ, қўлқоп, жемперлар тўқиш кейинги пайтда кириб келди. Шаҳрибону кейин урф бўлган нарсаларни тўқишни яхши кўради, — дейди қизини алқаб Тошбуви ва беихтиёр, булоққа, боққа, сувга қараб давом этади. — Мана бу боғ, булоқ, ҳовуз меники, бизники. Болаларимники!..Ҳаётим шу! Бошқалар қандай яшаса яшайверсин. Лекин мен қолган умримни ана шундай тахлитда ўтказаман.. Чолим билан шу ерга келиб чашма кўзини очиб, ер ўзлаштириб, сув оқизиб, дарахт — экин, боғ қилиб кам бўлмадик. Болаларимизнинг кўзи ана шу чашма кўзи ёнида очилди. Менга қолса уларнинг кўзларини ҳам чашма кўзига ўхшатган бўлардим. Чашма кўзларидан сув, ҳаёт оқса, фарзандларим кўзларидан меҳр нури оқиб туради... Оиламизнинг ўзи ҳам бир чашма. Фарзандлар ана шу чашма кўзлари.

Тошбуви ҳақ. Эр-хотин учун ана шу игнанинг кўзидек булоқ ва булоқ атрофидаги тўртта ҳовуздан кўра қимматлироқ бисот, азизроқ мерос ёки бойлик йўқ. Бу булоқ, бу боғ-роғлар она Ўзбекистоннинг, азиз Ватаннинг мужассами. Шу боисдан ҳам уларни эҳтиёт қилишади. Ён-верини ҳамиша озода, батартиб сақлашади. Ахир, уларнинг авлодлардан авлодларга ўтишини, бир куни ўзларини яхши ном билан эслашларини орзу қилишади-да.

## КҮНГИЛ БОҒИ

Раънохон Зарипованинг «Абадий туйгулар» туркумига кирган илк қатралари «Саодат» журналида чоп этилган, устоз Зулфияхонимга маъқул келган, катта умидлар билдириб, ёш ижодкорга оқ йўл тилаган эдик. Йиллар ўтиб, Раънохон тажрибали журналист, адиба ва жамоатчи аёл сифатида элга танилди. Оддий мухбирликдан «Соғлом авлод» газетаси бош муҳаррири даражасигача бўлган ижодий йўлни босқичма-босқич босиб ўтди. Ҳозир Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати сифатида эл назарига тушиб, юртга, элга муносиб хизмат қилмоқда.

Раънохон катта хонадон бекаси бўлиш билан бирга тинмай изланади. Сафарларда кўп бўлади. «Эл эъзозлаган аёллар», «Барҳаёт номлар», «Бойчечак», «Чашма», «Аёлга эҳтиром», «Фарзанд азиз — она мўътабар» каби тўпламлардаги асарлари, «Ҳарорат» ва «Онагинам» номли қисса, ҳикоя ва эсселардан иборат китоблари шу сафарлар, кузатишлар меваси сифатида дунёга келган.

Бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири миллий ва умуминсоний қадриятларга мос хислат ва фазилатларни ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшларда шакллантириш, уларнинг маънавий оламини бойитишдир. Мустақиллик даврида умуминсоний ва миллий қадриятлар ҳаётимизга кенг кириб келди. Аждодлардан мерос гўзал қадриятларимиз қайта тикланмоқда. Ана шу олижаноб янгиланиш, маънавий- ахлоқий қадриятлар хусусида ёзиш журналистнинг энг муҳим вазифасидир. Раънохон шу ақидага амал қилади.

«Энага момо», «Момоларнинг билгани билган», «Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё» каби эсселари кўнгилни зийнатлайди, ёш авлодда ифтихор туйғусини уйғотади. Бир донишманддан ким бахтиёр деб сўрашса, фикрини тўғрилиқ билан, сўзини ростлик билан, меҳнатини ҳалоллик билан, феълини саховат билан



безаган киши, деган экан. Ҳар бир ижодий ишда ана шу принцип, халқимизга хос гўзал фазилатлар уйғунлашган.

Ҳаёт маъноси фақат еб-ичиш, кийим-кечак ва ўйин-кулгудан иборат эмас. Бу моддий қадриятлар яшаш ва фаолият кўрсатиш имконини беради. Поклик, ҳалоллик, ватанпарварлик, ғайрат-шижоат, сабр-қаноат каби хислатлар комиллик шартларидандир. Раънохон Зарипованинг очеркларидаги қаҳрамонлари мазкур фазилат эгасидирлар.

Бу тўпلامни ўқиб биз билан ёнма-ён меҳнат қилаётган, моддий ва маънавий бойлик яратаётган кишиларимизнинг сермазмун ҳаёти, тинимсиз меҳнат кунлари ҳақида тасаввурингиз бойийди. Китоб қаҳрамонлари халқимиз тарихи, бугуни, келажагининг бир кўзгуси, тимсоли бўлиб ҳамсуҳбатингизга айланади. Нақадар гўзал удумларимиз, эскирмайдиган қадриятларимиз борлигидан юрагингиз Қизилқум кенгликларига туташиб кетади. Шу юртнинг янтоқлари гуллаб, тиканлари ҳам илдизида бол йиғаётган Ватан тупроғи юрагингизга яқинроқ келгандай бўлади.

Раънохоннинг ўзи эса:

*Беш болали бег хотин,  
Сўзлари дурдек отин,  
Ховарзамин Раъносин  
Қирққизча бор саботи!*

*Ойдин ҲОЖИЕВА,  
Ўзбекистон Халқ шоири.*

## МУАЛЛИФ БИЛАН МУҲАРРИР СУҲБАТИ

— Раъножон опа, аввало, «Истиқлол: замонамиз қаҳрамонлари» танловида голиб бўлганингиз билан қутлайман. Бугун янгича тафаккур, янгича яшаш жараёнида замонамиз қаҳрамонлари — янги давр кишиларининг жамиятга муносабатлари ва уларнинг маънавиятимизга таъсири даражаси ҳақида нималар дея оласиз?

— Фалсафий нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, қадим-қадимдан Шарқу Фарбда инсон ва ҳаёт энг олий ва бебаҳо қадрият деб ардоқланган. Дарҳақиқат, инсон борлиқнинг гултожи, энг гўзал ва юксак қадриятларни аждодлардан авлодларга ўтказиб келаётган жамиятнинг энгилмас куч-қудратидир. Ҳар қандай давлатнинг ривожини, такомиллашуви ва келажагини унинг ана шу маънавий куч-қудрати билан узвий боғлиқдир. Маънавиятли, салоҳиятли, фидойи инсонлар жамият ривожини ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва маданий-маърифий тараққиёт жараёнида давлатимизнинг эришган бебаҳо бойлигидир. Ҳар бир очеркнинг хулосасига ана шу шарқона фалсафани сингдиришга ҳаракат қилдим.

Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнини эркинлаштириш, янгиланиш одимлари ва шиддатларини, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва бошқа соҳада олиб борилаётган ислохотларни ўз вақтида амалга ошириш кишиларнинг маънавий-ахлоқий камолотига, имон-эътиқоди, ғоявий-сиёсий етуклик даражаси ҳамда интеллектуал салоҳиятига боғлиқ.

Шунинг учун ҳам китобда билим ва изланиш, тажриба ва малака, шижоат ва қобилият, янгиликка интилиш ва эзгуликни қаҳрамонларнинг асосий фазилати сифатида тараннум этишга интилдим.

— Ҳар бир очерк ва эсседа давлат, жамият, фуқаро муносабатларини уйғунликда акс эттиришга ҳаракат қилганингиз ижодингизнинг ўзига хос усуларидан бири десак бўлади. Қайсики, қаҳрамоннинг фаолияти билан танишиш жараёнида у ишлаётган соҳа ҳам кўз олдимизда гавдаланади. Қайсики, қаҳрамоннинг зоҳирий ва ботиний кўринишлари, турмуш тарзи ифодалаётганда миллий қадриятларимизни ҳам ҳис этамиз.

— Ҳар бир қаҳрамонни мамлакатимиз халқ хўжалигидаги бир йўналишнинг гўзал вакили ва вакиласи сифатида кўз олдингизда намоён қила олган бўлсам мен бундан фоят хурсандман. Аслида жамиятнинг юксалиши билан шахснинг шаклланиши ва ушбу уйғунликда инсоннинг ўзлигини топишга интилиши тарихий ҳақиқат, жамият тараққиётининг асосий омилidir. Шунинг учун ҳам қаҳрамонларимизнинг ҳаёти ва тақдири давр билан, замон билан уйғунлашиб кетади.

— Бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири миллий ва умуминсоний қадриятларга мос хислат ва фазилатларни ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшларда шакллантириш, уларнинг маънавий оламини бойитишдир. Янги услуб ва воситаларни миллий тафаккур ва миллий онг, дунёқарашга давр талабидан келиб чиққан ҳолда ижодий ёндошиб, сингдиришдир. Китобингиздан ўрин олган эсселарингиз айнан шунга йўналтирилган.

— Аслида у Мустақиллик берган имконият. Истиқлол даврида умуминсоний ва миллий қадриятлар ҳаётимизда кенг ўрин эгаллаб, замон талабига мос мазмун-моҳият касб этди. Аждодларга хос гўзал қадриятларимиз қайта тикланмоқда. Бу борада ахлоқ дурдоналари, ҳадис ва халқ ҳикматлари, хулқ-одоб қадриятлари алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, маънавий

ахлоқий қадриятлар маънавиятнинг тарбиявий қуролидир.

— Танловнинг совринини олган ушбу китобингиздаги очерк ва бадиаларингизда инсон руҳиятидаги фаслларнинг хилма-хил манзаралари, киши табиатидаги покиза ҳиссий ҳолатлар, латиф ва самимий туйғулар чуқур мушоҳада билан ифода этилади. Китобдаги ҳар бир қаҳрамон ҳаёти, тақдири ўқувчи қалбида нурли таассуротлар қолдиради. Республикаимизнинг турли бурчакларида яшайдиган қаҳрамонлар турли соҳанинг, турфа касбнинг эгалари бўлса-да, уларни инсонга, диёрга меҳр-муҳаббат ва самимият билан йўғрилган ботиний туйғулари уйғунлаштириб туради.

Ҳар бир қаҳрамоннинг шахс сифатида шаклланиши-ни, ўзлигини топишини мамлакатимизнинг кенгликлари, тоғу даштлари, гавжум шаҳар-у сўлим қишлоқлари, мустақил мамлакатимиз кишиларининг фидойи меҳнати, урф-одат ва анъаналари билан уйғунликда ифодалангани бу сизнинг ютуғингиз. Ижодингизнинг ўзига хослиги десам хато бўлмайди.

— Ўтирофингиз учун раҳмат. «Шарқ фалсафаси», «Теран томирлар», «Куёшли ўлка», «Тинчлик — улук неъмат» каби бадиаларда ҳамда «Энага момо», «Момоларнинг билгани билган», «Чорасиз дунё», «Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё» каби эсселарда эртанги кун эгалари — ёшларни комил инсон қилиб тарбиялаш барчамиз учун ахлоқий ҳуқуқий бурч эканлиги таъкидланади. Зеро, миллийлик, маърифат, миллий мафкура, миллий туйғу, имон-эътиқод, ватанпарварлик ёшлар тафаккурига чуқур сингдирилсагина, кўзланган мақсадга етиш мумкин. Бунинг энг муҳим ва асосий жиҳати маънавий тафаккур ва ахлоқий онгга ва хулқ-одоб қоидалари билан боғлиқдир. Зеро, ҳозир давлатимизнинг диққат-эътиборида турган энг долзарб вазифалардан бири ҳам руҳан соғлом, маънавий баркамол, сиёсий етук, ҳуқуқий теран, миллатимиз удум-анъаналарига содиқ, Ватан барқарорлигини таъминлашга қодир, юртпарвар, меҳнатсевар, жасоратли ва шижоатли, иродали ёшларни

тарбиялашдир. Жамиятда соғлом муҳит бўлса, республикамиз келажаги, истиқболи, авлодлар ҳаёти, турмуш тарзи, хулқ-одоби баркамол, бақувват ва сермазмун бўлади.

Донишмандларнинг фикрича, яхшилик, эзгулик, меҳр-мурувват фақат ақлу идрок эгаси, доно, билимдон кишилардан чиқиши мумкин. Чунки, дунёдаги барча яхшиликлар, эзгуликлар идрок туфайлидир. У кишини равшанликка, камолотга, саховатга элтади. «Элимиз — математиклар юрти» «Соғлом авлод — соғлом миллат», «Гўзал кадриятларни улуғлаётган аёл», «Информатика — тараққиёт асоси» очерklarининг қаҳрамонлари саъй-ҳаракатлари орқали гўзал хулқ билан пайваста бўлган илм кишини камолотга ундашини ёшларга намуна қилишга интилдим.

Ўқитувчи гўзаллик соҳиби, меҳри дарё боғбон. Унинг парваришлаган ниҳоли мева бергач, ундан авлодлар, миллат, жамият баҳраманд бўлади. Ёшларнинг ижтимоий ҳаётга эркин фикр, янгича тафаккур, янгича дунёқараш, ахлоқий етуклик билан кириб келиши, жамиятга маънавий юксак идрок билан аралашуви ҳар жиҳатдан устозга боғлиқ. «Синф раҳбари қандай бўлиши керак?» очеркида ана шу фикр олға сурилади. Маърифатли бўлиш учун фақат мактаб кифоя қилмайди. Бунинг учун дунёвий билимлар ва илм ютуқларини ўзлаштириш билан бирга ўз даври талаблари асосида шаклланган ахлоқий-маънавий мезонларга ҳам амал қилиш кераклиги ҳақидаги фалсафий фикр ўртага ташланади.

«Мавжли дарё қўшиғи» очерки мамлакатимиз раҳбарининг «тарихий хотирасиз келажак йўқ» деган сўзларини ўзида ифода этади. Аждодларнинг бой маънавий-ахлоқий, маданий-бадий мерослари сандигини очиб уларнинг ғоя ва таълимоти, удум ва кадриятлари, мазмун ва моҳиятини ўрганиш, ўқиш ҳамда ўз халқи, юрти билан фахрланиш ҳиссини тараннум этади. Зеро, Ватан остонадан, ўзи туғилиб ўсган макондан бошланади.

Хуллас, эртанги кунимиз янада фаровон бўлиши, халқимизга хос меҳр-оқибат, аҳиллик, меҳнатсеварлик, ўзаро ҳурмат, шижоат ва савоб ишлар қилиш каби фазилатларни маънавиятимиз мезонига айлантириш, уларни янги авлод онгига сингдириш ҳаётимизни янада чароғон этади, деган фикрни ёшлар онгига қаҳрамонларнинг фаолияти орқали синдиришга ҳаракат қилдим. Танловнинг аҳамияти ҳам ана шунда. Ўрни келди, ушбу танловнинг ташкилотчиларига ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни билдираман.

— **Дарҳақиқат, танловнинг аҳамияти катта. Қаҳрамонларнинг ҳаёти, турмуш тарзи билан танишиб ҳар бир инсон битта кўшиқ, битта дoston дегинг келади. Бу тарғибот ва ташвиқотнинг қудратли кучи, албатта. XXI аср информатика асри дейилмоқда. Чунки, ахборотлаштириш глобаллашиб бормоқда. Унинг яхши томонлари жуда кўп. Шу билан бирга салбий томони ҳам йўқ эмас. Ахборот хуружини келтириб чиқармоқда. «Бугунги мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга» деган эди мамлакатимиз президенти И.Каримов.**

— Шунинг учун мамлакатимизда мафкуравий ишларни янада кучайтириш мақсадида ўтган йил апрель ва август ойларида эълон қилинган мамлакатимиз Президентининг «Аҳоли ўртасида олиб борилаётган анънавий маърифий тарғибот ва ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ва «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарорлари ҳам айнаи муддао бўлди. Асримизнинг глобаллашувини, информатсион асрга айланганлигини, ахборот хуружи деган янги бир кураш қуроли вужудга келган ҳар биримизнинг маърифатга, маънавиятга алоҳида эътибор билан ёндашишимизни талаб этади.

— **Китобингизнинг кўпгина қаҳрамонлари замонимиз аёллари экан. Бу гендер муаммоси билан боғлиқми?**

— Гендер муаммоси эркак ва аёлнинг жамиятда тутган ижтимоий мавқе қандай бўлиши кераклигини таҳлил қилибгина қолмай, балки жамият ривожини ва тараққиёти билан боғлиқ масалалар қай йўсинда амалга оширилаётганлигини кузатади. Бу ўзаро муносабатлар жамиятимиз ривожини ва мамлакат тараққиётининг муҳим босқичларида катта аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда оналик ва болаликнинг ижтимоий муҳофазаси мустақилликнинг илк кунлариданоқ давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириб, ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топишида, барча соҳаларда эркаклар билан тенг ҳуқуқлилигини таъминлашга алоҳида эътибор берилди. Зеро, гендер тенгликка эришиш адолатли ва барқарор тараққиётнинг асосий омилларидан биридир. Бу масалани ҳал этиш бозор иқтисодиёти ислохотларига босқичма-босқич ўтиш йўлини танлаган ёш мустақил давлатлар учун муҳим саналади. Чунки, жуда кўп мамлакатларда бўлгани каби мамлакатимиз аҳолисининг 51,2 фоизини хотин - қизлар ташкил этади. Уларнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий жараёнларида фаол иштирок этиши жамиятнинг ҳуқуқий давлат сари барқарор ривожланишининг муҳим омилларидан биридир. Мен журналистик фаолиятимда ушбу масалага кўпроқ эътибор берганман. Шунинг учун қаҳрамонларим ҳам аёллар. Давлатимиз қонунчилигида гендер муаммоси мавжуд эмас. Қонунларимиз аёлларни улуғлайди, ўзлигини намоён этишга кўмаклашади, ижтимоий ҳимоя қилади. Бу масалани биз китобдаги Қонунчилик палатаси Спикери М. Сафаева билан суҳбатда ҳам очиб берганмиз. Қолаверса, қаҳрамонларимизнинг фаолияти ва тақдирида гендер тенглик мамлакатимизда яхши йўлга қўйилганлигини ифодалаб турибди. Республикаимизда гендерни билиш ва унга ижобий ёндошув иқтисодий ва сиёсий ислохотлар барқарорлашувига изн беради. Шунинг учун гендер сиёсатини қўллаб-қувватламоқ муҳим.

— Сизнингча, бугунги ёшлар гендер тушунчасининг мазмун-моҳиятини англаб етадиларми?

— Менимча, ҳамма ёшлар гендер масалаларига алоҳида эътибор беради, деб айта олмаймиз. Негаки, ҳали орамиздаги зиёли кишиларимиз ҳам гендер тўғрисида тўлиқ маълумотга эга эмаслар. Гендерни ривожлантириш замирида фарзандларимизнинг камолоти, истиқболи ўз ифодасини топади. Гендерга ижобий ёндашув бизни ўз-ўзидан комиллик сари етаклаб боради. Бугун ёшларга, фарзандларимизга мана шундай, юракларга етиб борадиган, оддий тилда гендер — адолат масаласи эканлигини тушунтириш энг муҳим вазифамиздир. Олиб бораётган ишимиздан кўзланган асосий мақсад ҳам аслида шу-да!

— Гендер масалаларига эътибор берилмаган шароитда нимани кутиш мумкин?

— Гендер масалаларига эътибор берилмаган вазиятларда адолат мезонларига путур етади, тенгсизлик, инсон ҳақ-ҳуқуқларининг поймол бўлишига ўз-ўзидан йўл очилади. Тенглик бўлган жойда тинчлик бўлади, тинчлик, осойишталик эса фаровонликка етаклайди. Шунинг учун ҳар биримиз тинчлик деб аталмиш неъматнинг нондек азиз эканлигини, адолат деб номланмиш буюк ҳақиқатнинг нақадар улуғвор эканлигини гендер манфаатдорлик орқали ифода этишимиз ҳаёт тарзимизга ҳам мос десак хато бўлмайди.

— Раъножон опа, инсон ва унинг манфаатлари, эркак ва аёллар ўртасидаги муносабатлар ҳақидаги тушунчалар гендер таълимининг асосини ташкил этар экан, бу ҳеч бир жинс паст ёки баланд деган тушунчани келтириб чиқармайди, шундай эмасми?

— Албатта, дунёда энг илоҳий неъмат, бу — меҳр-муҳаббат! Қолган барча фазилятлар мана шу туйғудан, мана шу илоҳий нурдан сув ичиб, барг ёзаверади. Шу нур юрагингизда бўлса, ўзингиздан ортиб, бировга ўзингизни бахш этишга куч топасиз, ўз болангиздан ортиб, ўзганинг боласига ширин сўз айтишдан завқ

оласиз, ўз уйингиздан ортиб, ўзганинг хонадони ҳам тинч ва обод бўлиши учун ёрдам берасиз. Юрагида меҳр-муҳаббат, бировнинг ташвишига шерик бўла олиш ҳисси бўлмас экан, меҳр тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Болажонларимизни ҳали она вужуди-далигидаёқ ана шу юксак туйғу ва олижаноб гоёлар билан тарбияламок керак.

— Сиз инсонлардаги қайси фазилатни кўпроқ қадрлайсиз?

Барча эзгуликларнинг пойдевори бўлган ана шу меҳр-мурувват ҳар бир юракда тирик бўлсин, илоҳим.

— Ватанни севиш. Уни сиз қандай ҳис қиласиз?

— Ватан — бу ҳар кимнинг ўзи, ўзлиги! Ватан — бу ҳар кимнинг имони! Ким ўзига ёмонликни раво кўради? Оилаларда соғлом турмуш тарзи, эр-хотин ўртасида ўзаро меҳр-оқибат барқарор экан, у ерда камолотли фарзандлар вояга етаверади. Бу оддий ҳақиқат, ташбеҳ ахтаришнинг ҳожати йўқ. Онангизни севасизми? Отангизни-чи? Фарзандингизни-чи? Демак, Ватан — шу! Ватанни севиш — шу! Ота-онасини, ўз ўғил-қизини яхши кўрган инсон ҳеч вақт Ватанига хиёнат қилмайди. Ватанни жондан ортиқ кўриш худди оиладан, бир-бировга муносабатдан бошланади.

— Раъножон опа, ҳазрати Навоийнинг гўзал бир байти бор:

*Эл нетиб топгай мениким,  
Мен ўзимни топмасам.*

— Демак ўзини топиш, ўзлик улуғвор бир ҳодиса экан. Унга қандай эришилади?

— Буюк мутафаккир Алишер Навоийда яна шундай байт ҳам бор:

*Ўз вужудингни тафаккур айлагил,  
Ҳар не истарсан — ўзингдин истагил.*

Назаримда, ўзликни топиш, истаган нарсангни ўзингдан излаш чин маънода катта илмдир! Чунки,

ўзликни топиш учун изланишлар жараёнида киши ўз руҳиятини юксалтира бошлайди, ўз тафаккур дунёсида улғая боради. Бу жараёнга қадам ташлаш учун ҳам ва унинг гўзал сийратларини илғай билиш учун ҳам илм керак аслида. Ўзингни топмай, қалбингни танимай яшаш — бу дунёга нечун келиб, уни қандай тарк этаётганигни билмай ўтиш — бу катта руҳий фожеа деб ҳисоблайман. Одам ҳамиша ўз юрагининг сас-садоларини эшита билиши, ўз имкониятларини тараққий эттириши, қобилияти даражасида ўзини намоён эта билиши маърифатга элтувчи нурли йўлдир. Ўзингни соғиниб яшаш, ўзингни топиш сари интилиб яшашнинг ўзи кишига куч-қувват баҳшида этади.

— Сизни ҳам давлат кишиси, ҳам она, ҳам ижодкор аёл сифатида яхши биламиз. Айтинг-чи, шунча масъулиятнинг уддасидан чиқиш қийин эмасми?

— Қийин эмас деганимда ёлғон гапирган бўлардим. Лекин, айнан оила, иш, ижод, жамоат ишлари билан банд бўлиш жараёнида мен ўзимни бутун кўргандай бўламан. Бу борада мени қўллаб-қувватлайдиган оилам бор, уларга таянаман. Маънан ва жисмонан бедорлик, фикран уйғоқлик дунёсида яшаш менга қанот бағишлайди, катта руҳий мадад беради. Тақдир менга мана шундай сермазмун, серқирра, нурли қисматни ато этганидан Яратганга шукрона айтаман. Ҳаётдан маъно излаб, ҳикмат топиб яшаётганимдан қувонаман.

— Оилангиз ҳақида гапириб берсангиз?

Беш нафар фарзандим, бир-биридан ширин беш нафар неварам ҳам бор. Эрим ҳам журналист. У киши мени ҳамиша қўллаб-қувватлаб турадилар. Ўзаро ижодий муносабатларда эримдан кўп нарсаларни ўрганиб оламан.

— Дилингиздаги ниятлар?

— Биласизми, киши ўз-ўзидан имон ва эътиқодли инсон бўлиб қолмайди. Агар бунинг иложи бўлганида, бугун ҳамма ана шу сифатлар соҳибига айланган бўлар эди. Ҳадисларда ҳам Оллоҳ бандаларининг энг меҳр-

муруватлисини яхши кўради, дейилади. Аслида бу ҳаёт ҳам сийлов, ҳам синов. Истардимки, ўғил-қизларимиз имон-эътиқодли, меҳр-муҳаббатли, гурури баланд инсон бўлиб вояга етсинлар. Одамлар бир-бирларига фақат яхшиликлар истаб ва тилаб яшасинлар. Ҳамюртларимга фақат эзгуликни, нурли кунларни, тинч оқшомларни тилайман.

— Мароқли суҳбатингиз учун раҳмат! Олижаноб ишларингизда янада юксак камолотлар тилаб қоламиз.

## МУНДАРИЖА

Юрт қўшиқлари ..... 3

### ОНА ЮРТИНГ — ОЛТИН БЕШИГИНГ

Шарқ фалсафаси ..... 6  
Теран томирлар ..... 9  
Қуёшли ўлка ..... 12  
Мавжли дарё қўшиғи ..... 16  
Тинчлик — улуғ неъмат ..... 25

### ИЛМ САРЧАШМАСИ — МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

Мамлакатимиз полимер саноати юксалишда ..... 30  
Маънавият қасри ..... 40  
Она тилимиз — миллатимиз қиёфаси ..... 45  
Элимиз — математиклар юрти ..... 52  
Соғлом авлод — соғлом миллат ..... 56  
Гўзал қадриятларни улуғлаётган аёл ..... 62  
Бозор иқтисодиёти — ислоҳотлар ифодаси ..... 67  
Информатика — тараққиёт асоси ..... 72

### ГУЛ КЎП — ЧАМАН КЎП

Сиёсатчи аёл ..... 80  
Ҳуррият бўстонида бир гул ..... 84  
Озод меҳнат гурури ва сурури ..... 86  
Булоқнинг ҳаётбахшлиги ..... 91  
Ватан сувратлари ва сийратлари ..... 96

## МЕҲРИ БОРНИНГ — СЕҲРИ БОР

Момоларнинг билгани-билган .....	100
Чорасиз дунё .....	115
Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё.....	135
Энага момо.....	151

## ЖАЙХУН БЎЙЛАРИДА

Хоразмни кезар эканмиз .....	164
Юлдузли онлар .....	166
Маҳалла обод — юрт обод.....	170
Саодатжон эна .....	174
Синф раҳбари қандай бўлиши керак? .....	176
Меҳнат қилган элда азиз .....	181
Халқ дуоси — ҳақ дуо .....	182
Гўзал оила — жамият бойлиги .....	184
Ҳур ва Ганч .....	188
Сапаргул опанинг боғлари .....	190
Аёл кишининг бахти нимада?.....	193

## ТАҚДИР ВА ТАДБИР

Ўзбекистоннинг ҳар қарич ери бетакрор.....	196
Мўъжиза инсон қалбида .....	199
Чашма кўзлари .....	203
Кўнгил боғи .....	209
Муаллиф билан муҳаррир суҳбати.....	211

**Раъно Зарипова**

### ЮРТ ҚЎШИҚЛАРИ

Муҳаррир *П. Аъзамова*  
Рассом *С. Евдокимов*  
Техник муҳаррир *У. Ким*  
Компьютерда тайёрловчи *Б. Душанова*  
Мусаҳҳиҳ *Н. Умарова*

Босишга рухсат этилди 18.10.07. Қоғоз бичими 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>.

Таймс гарнитурасида офсет усулида босилди.

Шартли б.т. 11,76 + 0,42 вкл. Нашр т. 10,50.

1000 нусхада чоп этилди. Баҳоси шартнома асосида.

Буюртма № 07-97.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «O'zbekiston»  
нашриёт-матбаа ижодий уйи. 100129, Тошкент, Навоий, 30.